

bill. 5 tk.
M - 225

АЛИШЕР НАВОИЙ

ҲАЙРАТ УЛ-АБРОР

МАұН, НАСРИЙ БАЁН,
ШАРХ ЛУГАТ

БИРИНЧИ КИТОБ

821.512
K - 25

Алишер Навоий

ҲАЙРАТ УЛ-АБРОР

Матн, шарҳ, насрин баён, луғат

Биринчи китоб

Муқаддима боблар

Шарҳ ва насрин баён муаллифи

Акром Малик

- 3550 -



Toshkent
«TAMADDUN»
2021 йили



Мўлда
М

УДК 821.512.133-1
КБК 83.3(50')
M.25

Ҳайрат үл-аббор

Малик, Ақром.

Алишер Навоий: «Ҳайрат үл-аббор» (Матн, шарх, насрый баён, лугат) / Биринчи китоб: мұкалдима / А.Малик. – Т.; «ТАМАДДУН», нацирети, 2021. – 472 б.

Құжигаздағы китоб Алишер Навоийнинг «Ҳайрат үл-аббор» достонине мұхтасар шархи, матн, насрый баён ва лугатты ўз ишега олади. Китобда замонавий әрменевтик ва феноменологик тәжіккөт методлари белан бір каторда мұлтоз адабиёттің да маңжұд бүлгелі шарх шимі аспанағарға сұннаган. «Ҳайрат үл-аббор» достони утун әзілдедін шарх үч китобдан иборат ва құйынға зиядаттаған шарх үч китобдан иборатта бір болыни ўз ишега олған өткіб, филология үңалашы мұтахассисары, талабалар ва кене китобхонлар оммасынан мұжжигланған. Насрши баёни тағиерлапда белсенді шиптерок этсан ва ким-матти маслахатшарыны атмаған шоуэр, устоз шекідор Абдулхамид ПАРДАЕВЕдә самимай миннадорлығынан изхор этады.

НАВОЙ ҲИҚМАТЛАРИ МАЛНАВИЙ МАДАЛ БҮЛШИНИ ИСТАБ

(Сўзбоши ўрнида)

Шарх ва насрый баён мұаллифи:

Ақром МАЛИК

Масъул мұхаррір:
Шукрат СИРОЖИДДИНОВ,
филология фаннари доктори, профессор

Илмий мұхаррір:
Олимжон ДАВЛАТОВ,
филология фаннари бүйінча фахсафа доктори

Такризчилар:

Нурбай ЖАББОРов, филология фаннари доктори, профессор
Узбек ЖҮРГАҚУЛОв, филология фаннари доктори
Дилнавоз ЮСУПОВА, филология фаннари доктори

ISBN 978-9943-5120-5-4

© А.Малик
© «ТАМАДДУН», нацирети, 2021

хавас килгүдек хакикий Ошик йўли эди. Хазратнинг хулқатворидан ибраг олмок, фазилларини ўзлаштиромок, у кишининг пандунасихатларига амал килмок, эътиқод ва авмолларини ўзига низом килиб олмок шарафхисобланган. Ал-хак, ул зот эътиқоду иймонда комил, илму маърифатда ягонаи даврон эдилар. Шунинг учун хам ҳазрат Мир Алишер Навоий Низомуддин, яъни Диннинг низоми деб улуғланган.

Ул зотнинг «Хайрат ул-аброр» асари бошка асарлари каби айни инсонни камол топтиришга қаратилган жиддий асардир. Унда ҳазратнинг чукур илми, мутафаккир сифатидаги кенг ва чукур таҳлили, чин мусулмон ва тақво соҳиби сифатидаги маъсум қалби кечинмалари, валийларга хос мушоҳадалари, дошишмандан ўйтгилари ўз ифодасини топган. Бу достон «Хамса»нинг башка достонларига очкич вазифасини ўтайди. Кимки «Хайрат ул-аброр»ни тушуниб ўқиса ва мальносини укса кейинги достонлардаги сюжет ва образлар хадиси шарифдаги «ал-мажозу қантарату-лхакика» лафзига мувоғифик Аллоҳ, ҳакиқати ва Коинот низоми шархига бориб такалишини англайди.

...Мир Алишер Навоий «Хамса»сини тугатиб, Султон Ҳусайн Бойкарога келтирганда Султон дебдилар:

— Анча вактлан бери сиз билан ўргамиизда бир гап борки, шунни бутун ҳал этмагимиз даркор. Гап шунда эдики, Ҳусайн Бойкаро ҳамиша Амир Алишерни ўз пири деб эълон килишни истар, аммо амири кабир эса: «Аллоҳ, Аллоҳ! Нима деяпсиз, биз муридмиз, сиз эса ҳаммага пир!» дерди.

Хуллас, бу гал ҳам бироз тортишгандек бўлишиди. Охири султон сўради: «Хўб, пир киму мурид ким?» Ҳазрат Навоий дедилар: «Мурид шуки, пирнинг муроди нима бўлса, муриднинг ҳам муроди шу бўлиши керак!» Шунда подшоҳ, ок отни келтиришларини буюорди... Мирзо деди: «Демак, сиз муриду мен пир бўладиган бўлсан, менинг ҳоҳиш-муродим шуки, мана шу отга минасиз ва мен отнинг жиловини тутиб, олдингизда юраман. Сарой аъёнлари олдида ноилож аҳволда колган Навоийнинг отга минишдан ўзга ҷораси қолмади...»

Бу накл Ҳазрат Навоийнинг кичик замондоши Зайниддин Восифийнинг «Бадоеву-лвакоев» асаридан. Ҳусайн Бойкаронинг улуғ шоирга муносабати ўз тилидан ҳам баён этилган. Султоннинг Навоий таърифидағи рисоласи «Хайрат ул-аброр» билан бирга кўчирилган алоҳида кўлёзма нусха холида бизгача етиб келган. Балки уни Султоннинг ўзи буюортиргандир. Бу мухим эмас. Мухими, Султон «Хайрат ул-аброр»ни ўқиб Навоий-



НИНГ Аллох. Ҳакиқати, Коинот конуниятлари, Инсон феномени масалаларидан валийларга хос дакиқлик билан Фикр юритганидан хаяжонга тушади ва таърифига тил оқиз сўз бойлиги хамда ифода услубига эга бўлган тенгизиз мутафаккир шоир қаршисида турганини англаб етади. Унинг ғоят мутасассир бўлганини куйидаги этирофидан хам билса бўлади: «...ва лекин маъоний абкорига бу кунга қадар ҳеч киши туркона либос кийдурмаган... Ва ал-ҳак, чун бу ҳумоон фурсатта ва бу рӯзафзун давлатта «Хамса» панжасига илиг урдию аният итмомига жилд келтурди... аният афсоналари рангинлигину абёти сехройин-лигин ва тарокиби матонатину маъонийиси латофатин мутолаа қилган киши билгай-йу мулоҳаза қилган киши фахм эттай». Ҳак гап. Кейинги асрларда хам ҳар кимки Навоий «Хамса»сини ўкир экан, унинг ботиний маънолари устида мулоҳаза юритган, чукур изланган. Чукурлашган сари унинг талкінлари инсонни гайб оламига етакловчи йўлларга олиб чикар, инсон идроки оқиз бўлган сарҳадлар ҳакиқатини сўйлагандек, ўз вужуди ва Мутлак вужуд ўртасидаги муносабатларга жавоб топгандек бўлар, инсон амаллари, хулку атвори, инсон камолоти казову кадар жодасида иорда эркинлигига бўйсундирилганини тушуниб етишига сабаб бўлган. 1832

йилда номальум котиб томонидан кўчирилган Навоий «Хамса»си сўнгидай шундай мисралар ёзиб колдирилган:

Навоийка, ул жомеи сирру жар...

Аниг ҳар сўзибур муаммо мисол,

Диго етмагандин хирад ҷутки лол.

Жаҳон занжи ҳар байтида дур ниҳон,

Ки ҳар ганжидадур ниҳон бир жаҳон...

«Хайрат ул-аброр» юртимизда бир неча томонидан насрарий баёни хам нашр этилган. Уларда асарнинг ғоявий мазмун-мохияти тарбиявий жихатларини хисобга олиб зоҳирашархланган. Бирор байтларнинг кальрида яширин ётган гайб сир-синоатлари шархи хали амалга оширилмаган эди. Акром Малик ушбу асарнинг янги шархига киришиб, улуг навоийшунос олимларимиз учун армон бўлиб колтган муҳим бўшлиқни тўлдиришга ҳаракат қилган.

«Хайрат ул-аброр» асари том маънода илотиёт мавзуусида битилган бўлиб, унда Яратувчи илми ва кудрати хамда комил инсон этиқоди ҳакида сўз боради. Биринчи бобда «Бисмиллах» таърифида Яратувчи кудрати. Иккинчи бобда Аллохнинг яратувчилик илми. Можиҳи васф этилади, Унинг яратиклари хикмати тўғрисида мулоҳаза юритилими. «Хайрат ул-аброр» достонининг учинчи боби-





да Аллохнинг яккалиги, азалий ва абадиyllиги, коинотнинг яралишидан максад, инсоннинг мукаррам этилтани ва бунинг сабаблари хакида сўйланади.

«Хайрат ул-аброр»нинг навбатдаги тўрт боби munожот жанрида битилган бўлиб, биз уларда мутафаккирнинг тавхид, иймон, олам интихоси ва инсоният казову кадари хакидаги Навоийнинг илоҳиётга доир мулоҳазалари билан танишмамиз. «Хайрат ул-аброр» достонидаги кейинги беш боб наът йўналишида бўлиб, уларда Расууллоҳ соллаллоҳу алайхи ва салламнинг дунёга келиши сабаблари хамда Исломият олдидаги буюк хизматлари акс эттирилади. Шорих ёзди: «Сўнгти пайғамбар Мухаммад соллаллоҳу алайхи ва салламнинг юборилишлари инсоният учун энг улкан саодат эди. Ул зот одамзоднинг чангакда қолган фикратини озодликка чикариб, туман ва зулмат ичидаги калбларни нур ва ёѓду ила нажот ўйлига чорладилар. Расууллоҳ соллаллоҳу алайхи ва саллам инсоният тарихида бекиёс, Одам боласига берилиши мумкин бўлган барча олижаноб хислатларнинг соҳиби эдилар. Хазрат Алишер Навоий масалага шу нуқтадан туриб ёндашади – коинотдан аввалроқ Расули акрам соллаллоҳу алайхи ва салламнинг нурлари яратилгани хакида сўзлагач, ул зотнинг болалик холатларини наврас ниҳолга киёслайди. Наврас никол – гўдаклик, ўсиш-улға-

йишнинг истиорасидир. Бу никол кирк йилгача кийғос гуллади. Гуллари хаё ва адабдан иборат эди. Кирк ёшида бу никол бакувват бир дарахта айланди, у дарахтда нубувват – пайғамбарлик меваси битди. Яъни Расули акрам (с.а.в.) айни камолотга етганларида Аллоҳ ўз фариштаси Жаброил алайхиссаломни ўзларига вахий килди. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайхи ва саллам бир дарахт каби ўсдиларки, шохлари Аршга етди – коинотнинг чегарасида ўсузвчи Сидратул мунахха дебномланган дарахтдан хам юксалди, соялари эса рапхмат ўларок икки оламни ўз бағрига олди. Бу тамсилнинг замерида Расули акрам (с.а.в.) ни оламларга рапхмат бўлиб келган пайғамбар эканликлари таъкидланмокда. Шунингдек, меъроj кечаси фалакларга кўтарилишлари билан боғлиқ мўъжизага ишора хам мавжууд». Кўлингиздаги китоб «Хайрат ул-аброр» дostonининг мухтассар шархи, матн, насррий баён ва лугатни ўз ичига олади. Шорихнинг диний билимлари ва дунёвий тафаккури Хазрат Навойнинг мукаммал соғлом эттиқоди кирраларини кашф этиш, маънолар оламига чукур кириб бориш ва илоҳиёт масалаларида Навойй англаган Ҳакқикатларни хис этиш имконини берган. Шорих Куръони карим оятлари, шариф хадислар ва буюк мутафаккирларимизнинг битикиларидан иктибослар келтириш ор-



кали Ҳазрат байтлари замиридаги маъноларни тасдиқлашда анча маҳорат кўрсатган.

Ислом итмий мероси тадқикотчиларига яхши мальумки, хеч бир шарх мутлак якунга дарво килмайди. Шархлар тадқикотдан талкотга ўтиб мукаммаллашиб бораверади. Акром Малик шархи хам бундан мустасно эмас. «Хайрат ул-аброр»нинг тўлиқ шархлари ишлари энди бошланаётир.

Акром Малик навоийшуносликка «Хайрат ул-аброр» шархи билан кириб келмокда. Ҳазрат Навоий ҳикматлари мальнавий мадад бўлишини истаб, ёш олимимизнинг кейинги босқичдаги изланишларига муваффакиятлар тилаб қоламиз. «Хайрат ул-аброр» асари шарҳининг биринчи китоби ўқувчиларга манзур бўлади, деган умиддамиз.

УКТИРИШ ХАТИ

Алишер Навоий ижодини ўрганиш ва халқимизга етказиш борасида устозларимизнинг илмий ишлари, изланишлари хамиша биз учун йўлчи чирокдир. Уларга эргашиб, уларнинг тақдикотларини ўқиб, қилишимиз керак бўлган ишларни англайпмиз, улар тайёрлаган манбалардан фойдаланмокдамиз.

Қўлинигиздаги ушбу китоб хам устоз наувишшунослар тажрибасига таянади. Уларнинг сабокларини умумлаширишга ва кўплаган илмий методларини унумли истифода килишга интилдик.

**Шуҳрат СИРОЖИДДИНОВ,
Адабиёт бўйича 1-даражали
Давлат мукофоти лауреати,
физиология фанлари доктори, профессор**

«Хайрат ул-аброр» достони шархидаги йўлдан бордик:

- 1) ўқувчини асл матнга тайёрлаш учун аввал мухтасар шархни тақдим килдик;
- 2) ҳар бир байтни ва байт насрини баёнини ракамладик, бу билан ҳар бир мисра маъносини осонроқ тушунтиришга интилдик;
- 3) насрини баёндан сўнг бэъзи сўзларнинг лугатини эски ўзбек алифбосида ёзилиш шакли билан бирга тақдим килдик.



Ёкучиларнинг мутолаасига кулагайлик турдириш максадида «Хайрат ул-аброр»нинг шархи уч китоб хажмида бўлиши кутилмокда. Биринчи китобга достоннинг мукаддима боблари матни, шархи, настрий баёни ва лугатини жамладик. Иккинчи китобдан 11 – 20-маколатлар шархи ўрин олиши кутилмокда.

Мазкур шархлар Иззат Султон, Абдулкодир Хайитметов, Алибек Рустамий, Порсохон Шамсiev, Ҳамил Сулаимонов, Ёкубжон Исхоков, Суйима Ғаниева, Бахром Бафоев, Содир Эркинов, Афтондил Эркинов, Ботирбек Ҳасанов, Шарафиддин Шарипов, Натан Маллаев, Юсуф Турсунов, Сайдбек Ҳасанов, Ҳомидхон Исломов, Вахоб Раҳмонов, Иброҳим Ҳаккулов, Нажмидин Комилов, Ботирхон Акрамов, Азиз Каюмов, Анвар Ҳожиахмедов Шуҳрат Сироджидинов, Мавжуда Ҳамидова, Муслиҳидин Мухиддинов, Дилянавоз Юсупова, Олимжон Давлатов, Узок Жўрракулов, Зухра Мамадалиева, Ҳамидулла Болтабоев, Нурбой Жабборов, Абдумурод Тилавов, Каромат Муллахўжаев, Акром Деконов каби ўнлаб заҳматкаш олимпарилизминг илмий ишларидан, китоб ва риссолаларидан, маколаларидан, улар тузган lugatлардан ижодий фойдаланиб амалга оширилди. Агар беҳад кадрли устозларимизнинг йиллар давомида тер тўкиб тақдим килган илмий кутубхонаси бўлмаганида бу китобни ёзиш имконсиз бўйлар эди, шубҳасиз.

Албагта, мукаммаллик даъвосидан йирокмиз, ўйл кўйганимиз камчиликлар баён этилган мактубларинги изни бажонидил қабул киласиз.

Ушбу камтарона ишда бизга яқиндан кўмак берган, йўл-йўрик кўрсатган устозларимиз Дилнавоз Юсупова ҳамда Олимжон Ҷавлатовга самимий миннатдорлик иззор этамиз.

Шунингдек, китобни нашр қилишда маънавий хайриоҳлиги ва молиявий кўмаги учун тиббиёт фанлари доктори, профессор Азамат Шамсievга алоҳида ташаккур билдирамиз.

*Хурмат билан,
Акром Малик*

Электрон манзими:
[akrom_malik@mail.ru](https://t.me/hayratul_abror)



БИРИНЧИ БОБ

«БИСМИЛЛАХ» ТАЪРИФИ

(Шарҳ)

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

«Бисмиллахир раҳмонир раҳийм» – Аллоҳнинг иштаган дурларига ўхшайди. Бу қандай дурёки ришта бўлдид? Ундаги иш ва ҳар бир дур киймат масаласида жондан, ҳатто, икки жаҳондан кўра афзал ҳамда кимматородир.

Жаҳонга – қолинота назар солинг. Аллоҳ юлдузларни, сайдерларни, жамики самовий жисмларни, яратикларни худди гавхар сингари яратди ва уларни бир иш тизди, бир қараганда бу тасбихни эслатади. «Бисмиллах» жаҳонни тутиб турган ишга ўштайди. Чунки

унда Аллоҳнинг икки буюк сифати – ар-Рахмон ва ар-Рахим бор. Ар-Рахмон сифати билан Аллоҳ коннотдаги ҳаммага марҳамат ва шафкатқўрсатади. Ўзини рад этган, куфр келтирганларга ҳам бу дунёда раҳм қиласи. Бутун оламнинг иши Аллоҳнинг ар-Рахмон сифатидан сув ичади, тириклик кўргазади.

Аллоҳ, таоло ўзининг ар-Рахим сифати ила қиёмат куни дунё ҳаётida ўзига иймон келтирганларгагина раҳмат ёғдиради. Коғирлар, мушриклар ва золимларга жазо бе-

ради. «Бисмиллах»нинг замирига эса ана шу икки буюк исм, буюк сифат жо бўлган.

«Бисмиллах»даги ҳар бир ҳарф дур, гавхар янглиғидир.

Ганжи бакодан мурод – Аллоҳдир. Бокийлик, мангалик, ўлмаслик, абадий тириклик Аллоҳга хос. Аллоҳ бокийликнинг ҳазинаси, ганжинасидир. Аллоҳнинг зикрига етиб келтасбих сингари ушлайдилар.

«Бисмиллах»нинг тубига, ичига, аслига эътиод или назар соглан ҳамда унинг ҳикматини бутун борлиги, хиссияти, акли ва кўнгли или туйған инсон тушунадики, у давлат ва динга эришмокнинг асоси. У жаннатга киришнинг ҳужжати.

Алишер Навоий «Бисмиллах»ни бир неча тамсиллар или таърифлайди. Ҳусусан, «Бисмиллах»:

- 1) Аллоҳни зикр этувчилар учун тасбих;
- 2) динни, давлатни жиловлаб берувчи ва жаннат охуларини тутадиган банд – тузок;
- 3) ҳаёт суви оқиб турган дарё;
- 4) илоҳий ганжни кўриклаетган аждаҳо;
- 5) Аршни ёритиб турган қандил.

Одамзод дунё ҳаётини яшаб бораркан, сўнгти манзили – ўлимдир. Ўлим или гуноҳ ва хайр ишлар учун муносиб жазо ёки мукофот олгани Аллоҳнинг маҳкамасига кирилади. Алишер Навоий раҳматулохи алайхнинг эб-



тикоди шу эди ва шунинг учун, «Бисмиллах»ни бир Водий – йўл, дея атайди.

Борлик Аллохнинг ар-Рахмон сифати ила рахмат ва марҳамат кўриб, мавжуд экан, коинот «Бисмиллах»нинг ичиладир. Одамзод куфри ёки иймонидан катъи назар, «Бисмиллах»нинг ичида яшайди. «Бисмиллах»нинг ичида нажот топади ёхуд ҳалокатга йўликади. Инсоният истаса ҳам, истамаса ҳам, «Бисмиллах»нинг ичига қадам босади. «Бисмиллах»ни бир йўл ўларок кесиб ўтади. Лекин бу йўлга кирадиганлар ики хайлга – икки гурӯхга ажралади: Ахли Кабул ва Ахли Рад.

Ахли Рад кимдир?

Ахли Рад учун Тавфик Раҳбари – Аллоҳдан мадад етмаган. Аллоҳ – ал-Ходий, хидоятга бошловчи, хидоят берувчиидир. Ахли Рад Аллохнинг мададига суннмаган, қалби куфр или тўлган ва ношукур, бесабр бандаларди. Улар учун «Бисмиллах»нинг жар бир жарфи, характерлари, сукунлари, ташдилари, нұкталари қўрқинч, даҳшат солади. «Бисмиллах»нинг «бо»си уларга карата: «Эй Ахли Рад! Аллоҳнинг амрларини рад этишдан уялинглар!» – дед ибога чорлайди. Ёки: «Акс ҳолда, сизлар учун балодан бўлак ҳамма нарса йўқ килингай!» – деб хайқиради. „ – «Син» эса дентизларда сузуб юрадиган наҳанг балигининг белидаги аррани эслатади. Бу арранинг жар бир парраси юз кемани парчалаб ташлайди.

– 350 –

„ – «Син» ва – «Мим» ҳарфларининг орасида эса бир йўл бор. Бу йўлда хумум – ташвиш ва машаккат намоён. Йўлда эсаётган шамол – самумдир, сахронинг олов янглиғ қайнок шамоли.

«Бисмиллах»да жами учта – «Алиф», учта J – «Лом» ҳарфи келади. Ахли Радга бу олти-си олти томондан тиг сингари хужум килади. Ар-Рахийм ва ар-Рахмон калималаридағи – «Хе» ҳарфлари қатл ишига жуда уста, улар румхни – найзани эслатади.

«Бисмиллах»даги , – «Ро» ҳарфлари ҳамиша ёнма-ён. «Ал-Рахмон» ва «ал-Рахийм» калималарининг кетма-кет келиши билан араб тили коидасига кўра аникилик артикли хисобланган «ал» «ар»га айланади, «Лом» ҳарфи та-лафузда ғойиб бўлади. Натижада, «Бисмиллах»даги «Ро»лар ўзаро якинлашади – Алишер Навоий рахматуллохи алайхнинг тили билан айтсак, «китирион зохир этади». «Ро»ларнинг бундай яқинлиги эса Ахли Рад учун заардан бушка нарса эмас.

Куллоб – чангак демакдир. Куллобаш – чантакка ўҳшамок маъносини ифодалайди. Чантак ярим ойсимон курол, илган ўлжасини у кўйиб юбормайди. Чантакдан овда, урушда, яккама-якка жангларда фойдаланилган. Куллобкаш эса чантакчи, яъни чантак билан овёки жанг килувчи шахс. Аллохни танимаган Ахли Рад учун «Бисмиллах»даги «Аллоҳ» лаф-



зининг – «Хе»си чангакчига ўхшайди. – «Хе» харфи маҳлака – ҳалокат майдонининг ўртасида ўзи ҳам чангаксифат бўлиб, ҳам кўлида чангак тутиб, Аҳли Рад йўлини хатарга тўлдиди.

Ӯ – «Ё» харфи ўзига муҳолиф бўлган томонга караб: «Хаётингни олдимда фило эт!» – дейнидо қиласи. Бу нило замира Аҳли Рад учун таҳдид намоён.

«Бисмиллах»даги Ҷ – «Бо», Ӯ – «Ё» харфларининг нукталари бор. Бу нукталар йўлдаги тошга ёки Аҳли Раднинг кесилган бошларига ўхшайди.

«Гирих» сўзи лугатда «тутун», «чигал», «мушкул» маъноларини беради. Аҳли Рад учун «Бисмиллах»нинг Ҷ – «Мим»лари адоксиз мушкулот, чексиз тутунларидир.

Араб тили нахв илмида сўзниг охири характератсиз бўлса, бу «жазм» холати дейилади. «Бисмиллах»даги жазм ўринлари Аҳли Раднинг каршисида зирх устидан зирх кийган жангчилар каби кўринади. Араб тили сўзларидаги баъзи харфларнинг иккилантириб – иккита қилиб ўқилиши ташдид дейилади. «Бисмиллах»даги ташдидлар Аҳли Рад билан шиддат ва қаҳр ила «муомала қиласи». Аҳли Рад бу водийда нимагаки карамасин, уларнинг барчаси Аҳли Рад учун мардулдигини – каршилигини кўрсатади.

Алишер Навоий раҳматуллоҳи алайҳ Аҳли Рад тавсифидан сўнг, «Бисмиллах» волийсига қадам босадиган Аҳли Кабул тарьифини бошлайди. Аҳли Кабул – Аллоҳ ўз раҳматига, лутфига қабул қилган зотлардир. Аҳли Кабулнинг илк қадамидан «Бисмиллах»нинг Ҷ – «бо»си уларга жаннатнинг башоратини беради. Шу ўринда, Алишер Навоий раҳматуллоҳи алайҳ «шамра» сўзини кўллаган. Маъноси «шоҳ», «новда» демакдир. Ҷ – «Бо» харфининг шамраси унинг новласи, шоҳи деб тушунилади. «Бо»нинг телага караб турган икки «шоҳ»часи, Алишер Навоий раҳматуллоҳи алайҳ назлида, Аҳли Кабулга жаннатни кўрсатиб турган кўрсаткич таёқка ўхшайди.

Ӯ – «Син» харфи эса саломат йўли – Ислом йўлнинг зийнати, безаги. Саодатнинг юзини кўрсатадиган ойина. Ҷ – «Мим» эса максад манзили томон йўл очади, балки у максад манзилидаги булоқдир. «Бисмиллах»нинг Ҷ – «Алиф»лари асли жоннинг ичидаги шам. Ҷ – «Жон» сўзида Ҷ – «Жим» ва Ҷ – «Нун» харфлари орасида Ҷ – «Алиф» бор. Алишер Навоий раҳматуллоҳи алайҳнинг айтишича, «Бисмиллах»нинг «Алиф»и айнан жоннинг ичидаги «Алиф»дир. У «Алиф» шам каби зулматни ёритади. Яъни, жон бамисоли зулматнинг ичида, «Бисмиллах» эса уни нурга чулгайди. Ҷ – «Лом»лари эса Ислом миллатига насиб этган зафар, музafferият, галабанинг байроғидир, бу байрок ғолиблик шамолида хил-

пирайди. «Бисмиллах»даги **Ҳ** – «Аллоҳ» лафзининг **Ҳ** – «Хо»си хувиятни ўзига жилвагоҳ этган. «Хувият» бутасаввуфда Аллоҳнинг зикрига ишорадир. Сўфийлар «Ху!», яъни У дей ёғиз Аллоҳни назарда тутадилар. Алишер Навоий раҳматуллоҳи алайҳ «Хо» Хувиятни жилвагоҳ, деб шунга ишора килган.

«Бисмиллах»нинг «Ро»лари жаннат ховлисига кириладиган эшик, «Ар-Роҳман» ва «ар-Роҳийм» калималаридаи **Ҳ** – «ҳо»лар эса вахдат ғунчаси учун бешик.

Эътибор берсак, «Бисмиллах»даги биринчи **م** – «Мим» **ر** – «Роҳман» лафзи даги **ن** – «Нун» да тугайди, айни шу «Мим» Ахли Кабулнинг жонига туганмас яхшиликлар тақдим этади. **ي** – «Роҳийм» лафзи даги **ي** – «Ё» ва **ي** – «Мим» сўзлари ёнма-ён келади, агар бу икки ҳарф аллоҳида ажратиб айтилса, **ي** – «Йам» – баҳр, дентиз маъносини беради. Бу «йам» Ахли Кабулнинг гуноҳлари афв этилиб, карам денигиз гарк бўлишига бир ишора, гўё.

«Бисмиллах»нинг ташлиди – чакмок, нукталари – тош, бу иккиси орасидан олов чикиб, «Алиф»ни шам каби ёқади. Жазми эса кўнглиният бўйнига бир ҳалка, маржон осади, нуктаси бако дуррини жоннинг ичига жойлайди. «Бисмиллах»нинг ҳаракоти – унлilarни ифодалайтидан фатха, замма, касра Ахли Кабул учун ионат – мадад беради, бу мадад максудга етиши учун кувватдир.

«Бисмиллах»нинг сукунлари сокинлик кўрсатиб, «Ахли таваккуф» – заифликдан тўхтаб колганлар кўнглига хотиржамлик солади йўл кўрсатади.

«Бисмиллах» волийси бўйлаб, Аллоҳ томон сайдир килиб кетаётган Ахли Кабулнинг ҳар бир кадами остидан сочилган гардлар жонидир. Бу инсонлар бошларидан оёқларига кадар жондан, балки, Аллоҳнинг зикридан иборатдир. Бу водийни кесиб ўтишда Ахли Рад учун юз каролиги етади, Ахли Кабул учун эса бу йўл чаманларга, боғларга эврилади.

Алишер Навоий раҳматуллоҳи алайҳнинг айтишича, Аллоҳ лутфи ва қаҳрини икки меҳмонхона дейа тамсил килиш мумкин. Ахли Рад ва Ахли Кабул бу икки меҳмонхонани тўлдиради. Бунинг ҳикматини эса Оламлар Роббисидан бўлак ҳеч ким билмайди.

Ҳар бир инсон «Бисмиллах»нинг сойири – сайдир қилувчисидир. Бу йўлга қадам кўйдикми, йўлнинг яхши ёки ёмонлигидан ғам емаймиз, балки, Аллоҳнинг қадарига таслим бўлиб, «Бисмиллах!» дей одимлаймиз. Чунки Аллоҳ таоло барча бандаларга, балки бутун мавжудотга карам кўрсатишни ўз зиммасига олган зот, унга мактобларнинг, ҳамду сано-нинг энг яхшилари бўлсин, Унинг карами билангина одамзод муҳтарамдир, Унинг саховати билангина инсоният эҳтиромга, хурматга, юксак даражаларга эришиши мумкин.





Шу билан «Хайрат ул-аброр» достонидаги биринчи боб – «Бисмиллах»нинг таърифиға бағишилланган кисм якунига етади. Күйидаги ча хулосалар килишимиз мумкин.

БИРИНЧИ ХУЛОСА.

Алишер Навоий раҳматулохи алайх «Бисмиллах»нинг моҳиятига, тубига бир мусломон сифатида исломий эътиқод назари ила бокқан, «Бисмиллах»га берган таърифи унинг феноменини, дунёкарашини, хаётини, яшаган тарзини акс эттиради.

Иккинчи хулоса.
Алишер Навоий раҳматулохи алайх «Бисмиллах»ни водийга – йўлга қиёслashi, ундан ҳамманинг кесиб ўтишга мажбурлиги ҳакидаги ақидаси – ислом дини инсоният учун ягона нажот дини, икки дунё саодатини таъминлайдиган ҳак йўл, деб билганидан далолатдир.

Учинчи хулоса.
Алишер Навоий раҳматулохи алайхнинг «Бисмиллах»нинг моҳиятини тушунтиришда ҳар бир харфга рамзий маъно юкаши, турли тамсиллардан фойдаланишининг сабаби, бизнингча, тақдим этилаётган маънога ўкувчи, китобхон, мухотаб(хитоб килинаётган)ни янада якинлаштириш, ҳам хиссий, ҳам аклий ионентириш максадидадир.

БИРИНЧИ БОБ «БИСМИЛАХ» ТАЪРИФИ

(Матн)

1. Бисмиллоҳир Раҳмонир Раҳим,
Риштага чекти неча дурри ятим.
2. Ҳар дур анга жавҳари жондин фузун,
Қиймат аро икки жаҳондин фузун.
3. Риштаси худ икди жаҳон риштаси,
Дема жаҳон риштаси, жон риштаси.
4. Ганжи бако зикрига улким етиб,
Бу дур ила риштани тасбих этиб.
5. Ришта эмас, турфа камандедур ул,
Давлату дин сайдига бандедур ул.
6. Қайси каманд, ўлмади ҳаргиз каманд,
Равзали фирдавс ғазолига банд.
7. Бал ариғедурки, оқар жон суйи,
Йўқ, демаким жон суйи – ҳайвон суйи.
8. Ул су якосида алифдин шажар,
Шамрасидин ул шажар узра самар.



9. Йўкки ўшул риштаи гавхар бахо,
Ганжи илохийга эрур аждао.
10. Ёки булар барчаси таъвил эрур,
Арши муалло аро қандил эрур.
11. Балки бу қандил аро айлаб аён,
Боги аҳад фоҳтаси опён.
12. Йўкки, эрур махзани ваҳдатка йўл,
Йўлу не йўл, асру яқин йўлдур ул.
13. Лекин эрур ҳам қатику ҳам маҳуф,
Уйлаки ожиздурур андин вукуф.
14. Қилгучи бу бодия катъига майл,
Аҳли қабулу рад эрур икки хайл.
15. Азмиға чун кўйди қадам аҳли рад,
Рахбари тавфикдин ўлмай мадад,
16. «Бо»си ибодин урар аввал сало,
Ёки дегай ло не бўлур жуз бало.
17. «Син»и наҳанг аркосининг арраси,
Юз кеманинг оғати ҳар парраси.
18. «Син» била «мим»и йўлида кўп ҳумум,
Йўли ҳумум анинг, ели – самум.
19. «Мим»и йилони дамидин ўт сочиб,
Йўл бошида ётибон оғзин очиб.
20. Уч «алиф», уч «лом»и солиб рустахез,
Олти жихатдин чекибон тифи тез.
21. «Ҳе»лар учи қатл ишида тез ўлуб,
Румҳ учидек ҳар бири хунрез ўлиб.
22. «Ре»лариким зохир этиб иктирон,
Фоп ўлуб ондин зарари бекарон.
23. «Ҳе»си ҳалок этгали куллобаш,
Махлака қалби аро куллобаш.
24. «Нун» чекиб эл саҳми учун ёсини,
Балки бако заръи учун досини.
25. «Ё»си муҳолиф сори ҳарфи нидо,
Яъни: «Эт олимда хаётинг фидо!»
26. Нукталари ул йўл аро тошлар,
Тошлар ўлмайки, кесук бошлар.
27. «Мим»лар анда гирих узра гирих,
Жазмлар анда зирих узра зирих,
28. Ҳар сори «ташдид» тааддул била,
Зоҳир ўлуб элга ташаддул била.



29. Хар нечаким нозири максуд ўлуб,
Ахли назар кўзига мардуд ўлуб.
30. Лек қачон қатъига ахли қабул,
Азм қилиб айласа ул ён нузул,
31. «Бо»си бурун «бо»и башпорат дуур
Шамраси кирмакка ишорат дуур.
32. «Син»и саломат йўленинг зийнаси,
Балки, саодат юзи ойинаси.
33. «Мим»и очиб манзили максадга йўл,
Балки бу манзил аро сарчашма ул.
34. Хар «алиф»иким, еридур жон аро,
Шамъ ўлуб ул тоза шабистон аро.
35. «Лом»лари борча ливоёйи зафар,
Бериб анга жилва ҳавои зафар.
36. «Хо»си хувиятни қилиб жилвагах,
«Лом»и била қойили «Ал-мулку лах».
37. Равзаи жаннатга эшик «ро»лари,
Ғунчаи вахдатга бешик «хо»лари.
38. «Мим»ки «нун»дин қилибон интиҳо,
Жонга қўюб миннати бемунтаҳо.
39. «Ё» била «мим»и қилиб изҳори ям
Айлагали гаркаи баҳри карам.
40. Нуктау ташдид анга чакмоку тош,
Қилмок учун партав «алиф» шамъи фоп.
41. Жазми солиб тавқ кўнгуп бўйнига,
Нукта бако дуррини жон кўйнига.
42. Ҳам ҳаракотидин ионат этиб,
Етгали максудка таҳрик этиб.
43. Ҳам саканоти қилиб ифшо сукун,
Анда таваккуфка бўлуб раҳнамун.
44. Сойири чун пўяга гомин очиб,
Гардиин атрофиға жонлар сочиб.
45. Боп-аёги бопштин-аёк жон бўлуб,
Бошдин-аёг жон неки, жонон бўлуб.
46. Азмida ул қавмга додг узра додг,
Қатъида бу хайлга бօғ узра бօғ.
47. Ҳикмати ул қаҳр аро, бу лутғ аро,
Ушбуки тўлғай икки меҳмонсаро.
48. То агар ўт солса жалолияти,
Лутғ ила ургай сув жамолияти.



49. Истабон, эй хаста Навоий, наво,
Бўйла сафарга қилур эрсанг ҳаво,

БИСМИЛЛАҲ ТАҶРИФИ

(Насрий бабён)

50. Йўл ёмону яхшисидин ема ғам,
Бисмиллоҳ, дегилу кўйил қадам.

51. «Хайру саноин лимуфиззил қарам»,
Ким қарамидин эрур эл мухтарам.

1. Раҳмон ва Раҳийм бўлган Аллоҳнинг
исми билан! У бир канча бебаҳо дурларни
ипга тизди.

2. Бу ипдаги ҳар бир дуржоннинг жавхари-
дан афзал, киймати эса икки жаҳондан кий-
матли.

3. Бу ришта ҳудди жаҳон иқдининг ришта-
сидеқ, йўқ, жаҳон риштаси эмас, у жоннинг
риштасидир.

4. Бокийлик ҳазинасининг зикрига етган-
лар – бу дурни ва риштани ўзлари учун тас-
бих этганлар.

5. Бу ришта эмас, балки ажойиб бир ка-
мандир, бу камандила давлат ва дин ўтжаси
кўлга киритилади.

6. У қандай каманд бўлсин! У каманд эмас,
Фирдавс охуси учун бир банд – тузокдир.

7. Балки, уни ариқ деб атап керакдир!
Унинг ичига жон суви оқади, жон суви эмас,
тириклик суви!

8. Бу сувнинг ёқасида¹ – «Алиф»дан дараҳт-
лар ўсади, бу дараҳт устида «Алиф» шоҳлари-
нинг мевалари бор.

9. Йўқ, бу баҳоси гавхарга тент ип илохий
ганжни кўриклаб ётган аждаҳодир.





10. Ёки бу тарьифларнинг хаммаси таввил, аслида у Олий Аршнинг қандилидир.
11. Бу шундай қандилки, уни Аҳал Богининг кумриси ошён тутмиш.
12. Йўқ, у Ваҳдат Махзани сари бир йўл, йўлки, энт якин йўл.
13. Лекин бу йўл ҳам каттиклир, ҳам хавфлидир. У йўлни кесиб ўтишга тўхтаб, харакатсиз колганлар оқизидирлар.
14. Бу водийни кесиб ўтадиганлар аҳли қабул ва аҳли рад деган икки гурухга ажраладилар.
15. Бу йўлга Тавфик Раҳбаридан мадад бўймай қадам кўйғанлар аҳли радидирлар.
16. Уларга карата ↗ - «Бо» «Ибо килинглар!» - дейя бонг уради. Ёки: «Сизларга балодан бўлақ не бўлиши мумкин!» - дейди.
17. ↗ - «Син»и эса наҳанг белидаги арадир, ундаги ҳар бир парра юз кеманинг оғати.
18. ↗ - «Син» ва ↗ - «Мим»нинг йўлида машаккатни кўр! Бу йўл - ғаму ташвиш, йўлдаги ел эса кайнок шамолдир.
19. ↗ - «Мим»и илон каби йўлнинг бошига оғизини очиб ётиб олиб, оловли нағасларини пуркайди.
20. Уч ↗ - «Алиф» ва уч ↗ - «Лом» даҳшат солиб, олти тарафдан тиг' уради.
21. ↗ - «Хе»лари катл ишида бехад тезкор, найзанинг учидек ҳар бири кон тўкишга ҳозир.



22., . - «Ре»лари эса ўзаро шу қадар якинки, бу якин туришлари билан Аҳли Рад учун чек-сиз зарарлар пайдо киласидилар.

23. ↗ - «Хе»лари ҳалокат майдони ўртасида халок этмок учун ҷангакдек бўлган ҷангак соловувчиладир.

24. ↗ - «Нун»ни элни кўркитиш учун ўз ёйинга ўқ жойлайди, балки у экинни ўриш учун ўроғини хозирлайди!

25. ↗ - «Ёси мухолифларга карата: «Менинг олдимда ҳаётингни фило эт!» - дей нидоқилади.

26. Нуқталари йўлдаги тошлардир, тош эмас, кесилган бопшлардир, аслида.

27. ↗ - «Мим»лари машакқат устига машакқат! Жазмлари устма-уст кийилган зирхдир.

28. Ташлилари кўпайғандан кўпайиб, ҳар томондан элга шиддат кўрсатади.

29. Улар - Аҳли Рад ўз максудлари учун ҳар қанча боқмасинлар, кўрганлари уларнинг кўзига мардулдир - уларга қаршилик кильувчилир.

30. Аҳли Кабул бу йўлни кесиб ўтиш учун отланганларида...

31. ... ↗ - «Бо» улар учун «Бапорат»нинг «бо»сига айланади. «Бо»нинг саҳовати жаннатга киришга ишоратдир.

32. ↗ - «Син»и саломатлик йўлининг зийнати, чиройи. Балки, саодат юзини акс этирувчи ойина.



33. ♀ – «Мим»и максад манзили томон йўл очиб беради, балки, максад манзилидаги сарчашмадир у.
34. ♂ – «Алиф»лар эса жоннинг ичини макон тутган, улар гўё тундаги шамга ўхшайди.
35. Ж – «Лом»лари зафар байроқлари каби, у ролаба шамолида хиллирайди.
36. ♂ – «Хо»си хувиятда жилва этади, Ж – «Лом» эса «Мулк Уникидир!» – дейди.
37. , – «Ро»лари жаннат ховлисининг эшиги, ♀ – «ҳо»лари вахдат фунчаси учун бешик.
38. ё – «Нун»нинг чегарасида тутаган ♀ – «Мим»лари тутамайдиган яхшиликларни жоннинг устига кўяди.
39. Карам баҳрига гарк этмок учун ♂ – «Ё» ва ♀ – «мим» бирграликда бир дengизни намоъиш этади.
40. ♂ – «Алиф»нинг шамини ёкиш учун уннадаги нукта топга, ташдид чакмокка ўхшайди.
41. Уннадиги жазм кўнгил бўйнига бир ҳалка солади, нукта эса бако дурини жоннинг кўйнига кўяди.
42. Унинг харакатларидан бир кувват етадики, бу билан максудга етмак учун харакат, гайрат пайдо бўлади.
43. Сукунлари ўзидан сукун кўрсатиб, таваккуф ахлига – тўхтаб колганларга йўл кўрсагади.
44. Бу йўлнинг сайр этувчилиси қадам босаркан, унинг оёни остидан кўтарилиган гард атрофига жон сочади.



45. Улар бошларидан оёқларигача жонга айланади, балки Жонон зикри илиа Жононнинг сифатлари ила сифатланадилар.

46. Бу йўлни кесиб ўтаркан, Ахли Раднинг юзида доф устига доф, Ахли Кабулнинг йўлида эса боғ устига боғ!

47. Ҳикмат шуки, Ахли Рад Аллоҳнинг қарига, Ахли Кабул Аллоҳнинг лутфига эришади, бу билан қаҳр ва лутф меҳмонхонаси тўлади.

48. Аллоҳнинг жалолияти ўт солса, жамолияти унга лутф ила сув сепади.

49. Эй Навоий! Сен ҳам бир наво истаб, шундай сафарга чиксанг,

50. ...йўлнинг яхши ёки ёмонлиги ҳакида

ғам ема ва «Бисмиллах!» – дея қадам бос.

51. Бандаларига саховат ва қарам қилишини ўз зиммасига олган Зотга мактovларнинг энг яхшиси бўлсин! Унинг қарами билан одамзод муҳтараром бўлди.

Лугат

- Дурриятим** – ягона дур
Үқд – дона
Каманд – аркон
Хайвон сўйи – тириклик
Шажар – дарахт
Шамра – дарахт шохи
Арши муалло – олий арши
Фохта – кумри

Махзани вахдат – вахдат хазинаси
Махуф – кўркинчли, хавфли, хатарли
Вукуф – вокиф, хабардор, огох
Бодия катъи – водийни кесиб ўтиш
Хайл – гурух, жамоа
Аҳли рад – рад этилганлар жамоаси
Рахбари тавфик – тавфик (ёрдам) рахбари
– Аллоҳ
Сало – чакирик, нидо, мурожаат
Жуз – қисм; ...дан бопка эмас
Хумум – иссиқлик, машаккат, ғам-кайғу
Ели самум – самум шамоли: ҳамма нарса-
 ни куритиб юборадиган кайнок шамол
Рустахез – ғавро, тўполнон
Тиги тез – ўтқир тиф
Румҳ – найза
Иқтирон – яқинлашиш
Бегарон – чексиз, чегарасиз; тўлиб-тошган
Куллобваш – ҷангак каби
Махлака – ҳалокат майдони
Куллобкаш – ҷангакчи, ҷангак отувчи
Сахм – камон ўқи; кўркув, вахм
Бако заръи – бако ўлчови
Гирих – тутгун
Зирих – зирх, совут
Тааддул – алад, санок, кўпайиш
Ташаддул – шиддат, қаҳр
Мардуд – рад этилган
Нузул – тушлиш
Шабистон – тун, кеча, коронгу тун

Ливо – байрот
Бемунтаҳо – тугамайдилган
Ионат – ёрдам, кўмак
Тахрик – харакатли
Саканот – сокинлик
Ифшо – фош бўлиш, очилиш
Сукун – сокин
Тавакқуф – тўхтап
Рахнамун – йўлбошчи
Сойир – сайр килувчи
Пўя – қадам, юриши
Гом – қадам
Қатъ – кесиш
Мехмонсаро – меҳмон кутиладиган жой,
 меҳмонхона

ИККИНЧИ ВОВ

ҲАМД

(Шарҳ)

«Хайрат ул-аброр» достонининг биринчи боби – «Бисмиллах»нинг шархини якунлаб, айни пайтда асарнинг иккинчи қисмига кириш мөқдамиз. Мазкур қисмда Алишер Навоий рахматуллохи алайх Аллоҳга ҳамд айтади, Аллоҳнинг ал-Холик сифатини таърифлайди, оламнинг яратилиши сабаблари хусусида сўз очади.

Алишер Навоий рахматуллохи алайх тасаввуф ахлидан бўлиб, у киши Абдурахмон Жомий каби буюк муршидлардан, шунингдек, Самарканддаги Абуллаис Самаркандий хузурида таҳсил кўргани маълум. Ул зотнинг барча асарларида ислами зикр этилган устозларнинг таълимоти ва уларга суняниш кузатилади. Хусусан, Абуллаис Самаркандийнинг «Бахрул улум» (Илмлар дентизи), Хусайн Воиз Кошифийнинг «Тафсири Хусайний» каби тафсиirlари Алишер Навоий рахматуллохи алайх асарларидаги тасаввуфий ғояларнинг боп манбаларидандир. Келгуси таджикотларимизда биз Алишер Навоий рахматуллохи алайх асарларининг гоявий булокларига алоҳида киёсий бир шаклда тўхталиш ниятимиз бор. Хозир эса «Хайрат ул-аброр» достонини

шархлар эканмиз, асар мазмунини содда ва имкон калар тушунарли услугуда ифодалашни максад килдик. Достон мазмунни билан танишип жараёнида бизга янгилик сифатида туладиган Фикрларга бағрикент ва мушоҳада билан муносабатда бўлишибинизни сўраймиз.

«Хайрат ул-аброр» достонининг иккинчи боби сарлавҳасидан маълум бўладики, бопш ўналиш – Аллоҳнинг ал-Холик сифатини тушуниширишdir.

Аллоҳнинг санъат қалами барча яратикларнинг тасвирини чизди. Заррадан бошлаб, энг улкан юлдузача; майсадан бошлаб, энг баланд дараҳтча; ҳашаротлар, ҳайвонлар, инсонлар, тогу дашт, сув, хаво, маъданлар, барчасининг чизилгандир. Бу қалам ҳикматдир, у шу чехраларнинг ичиди бирини биридан гўзал айлади. Натижада, кўнгиллар хусн гулига, юлдузек кўзлар кошнинг хилолига ошик бўлди, боғланди. Уларни вобаста этган эса Аллоҳнинг мухаббати ва шавқидир. Ҳеч бир ишк Аллоҳнинг изнисиз содир бўлмайди, юзага чикмайди.

Ҳамд – Аллоҳга бўлсин. Аллоҳга ҳамд айтишни такозо килади. Оламдаги барча тиш Унинг Зоти билан вожиб. Аллоҳнинг Зоти ягона ва шунинг ўзиёқ фактат Унга мактобтот айтишини такозо килади. Оламдаги барча ҳаммаси факат Аллоҳни улуғлаш, олкишлар, олийлик или сифатлаш или банддир.



Аллохнинг Зотидаги ваҳдат – тавҳид исбот талаб этмайдиган ҳакқикат. Күёш порлаши инсон акли учун накадар равшан бўйса, Аллохнинг Зоти яккалиги ҳам шундай равшан бўйлиши керак. Бунинг учун атрофга назар солсангиз, зарралардан кўра кўпроқ далил топасиз, кўёшдан порлокрок исботларга дуч келасиз.

Аллоҳ жисмни – инсон танасини мукаммал яратди, инсон вужууди коинотга ўхшайди. Бу коинотни эса Рух күёши ёритади. Шу каби Аллоҳ осмонни фируза – мовий гулшан сифатида баланд кўтариб кўйди, аслида, күёш бир гулдаста, кўёпнинг гуллари атрофга – самога сочилади.

Бизнинг аклимиз етмайдиган осмон Аллоҳ учун жуда оддий бир нарса, ҳатто у нарда тахтасини эслатиб юборади: кўзимиз кўриб турган кўк ва күёш, ой буржлари жойлашган фалаклар бир-бираига ёпиб кўйилиши мумкин бўйлан икки тавакали нард тахтаси, холос. Бу нард тахтаси юлдузлар ила садафдек накшланган, ўн икки бурж юлдузлари олтигадан бўлиб, икки тавакага жойлашган. Тун ва кун иккита сокка – бири оқ, бири қора. Нард тахтасида айланиб юради. Дунёда бўладиган жамики яхшилик ва ёмонлик шу тахтада кўринади, бирор бу яхшилик ва ёмонликларни бирор – таси Қазо ва Қадардан ташкарида эмас. Қазо ва Қадар икки дўст, чунки Аллоҳ ёзган такдир – Қазо, унинг амалга ошмоғи эса – Қадардир.

Нард тахтаси каби кўринаётган коинотнинг ичидаги шундай ажаб вокеалар содир бўладики, унда бир-бираига зид холатларнинг гувоҳи бўламиз. Масалан, Аллохнинг изни билан тонг опток юзини очади. Бирок тун уни корага буркайди. Кофур сўзининг маъноси «ок ранг» деганидир, «мушк» эса кора. Тонгнинг иши «кофур-беллик», яъни оламга оқ кукуп сочиш, туннинг иши «мушкрезлику» – бу окнинг устини корага бўяш. Шу тарика, тун ва кун алмашиб туради. Тафаккур этсак, бу зиддияти эмасми? Бу зиддиятнинг ичидаги ўта мукаммал уйгунликни кўрмаймизми?

Шу каби яна бир мисол. Аллоҳ таоло инсоннинг миясини бир хужра каби яратди. Унинг ичига аклдан чирок ёқди. Чирокнинг пилиги – Аллохнинг инояти, нури эса Аллохнинг хидоятидир. Яъни, акли или инсон оламнинг Яратувчиси борлигини идрок этади, тушунади, мантikan англайди. Бу англап уни ибодатга, динга етаклайди. Бирок акл – адашувчан. Агар мутлако аклга суюнса, инсон янгилишиди. Аклкаршисида шубҳага тушади. Шунинг учун, Аллоҳга инсонни боғлайдиган аъзо – Кўнгилдир. Кўнгил эса, аввало, Ақлдан нур олиб ёришади, Ақлнинг нури ила ҳидоятга етишади, вакти келиб, Ақл ожиз қолганда Кўнгил янги бир юқалишга, янги бир боскичга эҳтиёж сезади. Бу – Ишқдир. Ишқ кўнгилни Аллоҳга боғлайди.



Ишқдунё хаётидаги ҳамма нарсаннинг инкоридир. Ишқ ўзликни мутлак равишда Аллоҳга таслим этишини такозо этди. Ишқ Аллоҳнинг каршисида инсонни борлиғидан воз кечишига мажбур киласди. Ишқнинг кўзига зужд ҳам, варъ (такво) ҳам, кўркув ҳам, умид ҳам, ҳаловат ҳам, риёзат ҳам, машакқат ҳам, мусибат ҳам кўринмайди. Ишқ соҳиблари бугқул ўзларини Аллоҳга баҳшида этадилар, Аллоҳ йўлида курбон бўлишни бош максад дея биладилар.

Чунки Ишқ ахли учун Аллоҳдан тўсадиган ҳамма нарса такикланган: улар ўз ибодатларига маст бўлиб, ибодатнинг хузури учун ибодат килишдан ҳам кўркадилар, улар факат Аллоҳнинг ўзига, Аллоҳнинг ризоси, Аллоҳнинг жамоли учун сифинадилар, бу йўлда нафс ва кибр ила узлуксиз курашадилар.

Бу осон эмас. Ишқ бир шамол каби елиб келса, ақлнинг богини пайхон киласди, дард ва бало оловини алантга олдиради, Ишқ инсоннинг барча ҳаловатини ўғирлайди. Ишқнинг аввалийи босқичи зохирий фарёд, кейин эса ботинда – жимлиқда кечадиган фарёддир. Шунинг учун, илоҳий ишқдан насибадор бўлгандар дастлаб ўйғи-сигига зёр берадилар, ўзларини башкара олмайдилар, кейин эса сокин тортадилар.

Ишқнинг давоси – васлдир, вуслатдир, виссолдир. Чунки Ишқни ўйғотган сабаб – Ҳусн эди. Ҳусн бир кўёш кабидир, у оламларни ёритган.

Ҳусн бир гулга ўхшайди. У гулда лутф ва сафо бор, бирок вафо йўқ. Айнан Ҳусн ўз ошиғига вафо кўрсатмагани учун ошик ундан воз кечолмайди, унга етишмок учун ҳалак. Ҳусн Ризон жаннатидаги Гул. Унга факат жаннатда эришмок мумкин, демак, Ҳусндан мурод – Аллоҳнинг жамолидир.

Ишқка мубтало одамнинг юрар йўли – хижрон водийиси. Бу водийда факат оғат: гиёху майсалари заҳарли тикан. Шамоли – куйдирувчи. Ҳажр водийсида юрган инсонни ишқ ўти куйдирди, самум шамоли эса унинг кулини кўкка сочади. Бу кул эса Кўнгилни покладиди. Чунки кул – ишқордир. У бир ишқор ўларок Кўнгил кўзгусини тозалайди ва унда Ишқ Нури порладиди.

Инсоннинг ҳажр водийсида ишқ оловида ёниб, кулининг кўкка сочилиши – нафси истакларидан ҳалос бўлишидилар.

Аллоҳ таоло коинотни бир-бирини коплайдиган доира ўларок яратди. Биринчи қават осмон, уни ўраб турган иккинчи осмон, сунг учинчиси ва шу тарика тўккиз кат самоустунсиз бўлиб қад ростлаган.

Ал-Холик бўлмиш Зот барча мавжудотларни ўйғун бир шаклда барпо этди. Самони бир неча қаватли айлаб, кўёш билан ёритганидек, инсон жисмини ҳам Рух билан нурлантирди. Инсонга ақл бериб, бу ақлни хидоятга йўллади. Хидоят эса илоҳий ишқ босқичига етгац,



мўмин Аллоҳнинг ошигига эврилади. Шундан кейингина факат Аллоҳнинг ризоси, мұхаббати ва жамоли унинг фикру зикри, максаду муддаосига айланади.

Алишер Навоий рахматуллохи алайх наздигида, бутун олам ишининг, тақдирнинг йўли шундай. Ҳар бир ҳодиса, ҳар бир иш бир-бирiga занжир сингари боғлиқ. Коинот бамисоли уммон, бетиним ҳаракатда, Кураи Ҳок – Ер курраси эса унинг маркази.

Жамики яратиклар – инсон аклини лол этган бу мўъжизалар факат Аллоҳнинг лутфи, қарами ила мавжуд, бирок Аллоҳ, ўз қаҳрини намоён этса, шубҳасиз, буларнинг ҳаммаси бир зумда мавжуд бўлмагандек йўқликка юз тугади. Чунки Аллоҳнинг ўз маҳлуколларига зарра қадар ҳам эҳтиёжи йўқ.

Биринчи бобда «Бисмиллах»нинг таърифи, таъвили хусусида сўзлаб, бутун коинот «Бисмиллах»нинг ичидаги мавжуд эканлигини айтган Алишер Навоий рахматуллохи алайх, иккичинчи бобда Аллоҳнинг ал-Холик исму сифатини васф этди, Аллоҳга ҳамд айтди ва Унинг яратиклари хикмати тўғрисида сўз юритди. «Хайрат ул-аборр»нинг навбатдаги тўрг боби муножот йўналишида бўлиб, биз уларда мутафаккирнинг тавхид, вахдоният, оламнинг яралishi, ҳаётнинг давом этиши, қиёмат койим бўлиши ва Аллоҳнинг ал-Карийм исму сифати хакида ёзганларини ўқиймиз, ўрганамиз.

ИККИНЧИ БОБ

ҲАМД

(Матн)

Ул Ҳолик ҳамдиким, маҳлукот тасвириға Анинг қалами сунъи чехракушодурур ва маснуот таҳририга анинг хомаи ҳикмати жамол афзо ва ҳар кўнгул ғунчасига бир хусн гули сори анинг силсилаи шавқидин вобасталик ва ҳар кўз ахтарига бир кош ҳилоли сори анинг риштаи мұхаббатидин пайвасталик

1. Ҳамд ангаким вожиби биззот эрур, Ҳомид анинг зотига заррот эрур.
2. Ваҳдати зотига күёшдек тонук, Заррадин афзууну күёшдин ёрук.
3. Жисм сипехрини масир этгучи, Рух күёшини мунир этгучи.
4. Гулшани фирузани чеккан баланд, Гулларидин меҳрни гулдаста банд.
5. Ҳар сори анжум гулиқим, очилиб, Кўкка бу гулдастасидин сочилиб.





6. Минтака бирла фалаки ложувард,

Сунъи бисотигда ики тахта нард.

7. Солмок учун тоси сипехр ичра шайн,

Ою күёшдин килибон каббатаин.

16. Ришта анга тори иноят бўлуб,
Шулья анга нури хидоят бўлуб.

17. Андин олиб нур кўнгтул маскани,
Лек ўчурууб ишк елидин ани.

8. Тахта келиб чархи мунаккаш анга,
Бурж ҳисобидин ики шаш анга.

9. Тун кун илиа муҳра намудорлик,
Анжум илиа тахта садафкорлик.

10. Даҳрда ҳар наклии савобу кусур,
Борчаси бу нардлин айлаб зухур.

11. Кўргузубон наклии хасису шариф,
Мисли қазову қадар – икки ҳариф.

12. Чун очибон субҳ узори гулин,
Зулф этиб ул юз уза тун сунбулин.

13. Ул юз ўлуб даҳрга кофурбез,
Устида ул зулф бўлуб мушкрез.

14. Оку қаро узра бериб иштихор,
Мушк илиа кофурини лайлу нахор.

15. Чун ясабон хужраи тори димоғ,
Ақлдин ул хужрада ёқиб ҷарог.

18. Ишк елиин еткурубон тунду тез,
Ақл алоҷуғин этиб рез-рез.

19. Ҳам учурууб зухду варъя хирманин,
Ҳам совурууб сабру сукун масканин,

20. Боги хирад нахлини хопок этиб,
Баҳри бало мавжини кўлок этиб.

21. Дарду бало ўтини тез айлабон,
Тез неким, чарх ситеz айлабон.

22. Васл сахобин чу қилиб қатрабор
Айлабон ул ўтка сукун ошкор.

23. Ҳусн күёшин қилиб оғок сўз,
Партавини айлади олам фуруз.

24. Дема күёш, равзаи развон дегил,
Равза ичинда гули хандон дегил.

25. Жилваси жон гулшани ороийши,
Кўрмаги маҳзун кўнггул осойиши.



26. Зотига жуз лутфу сафо бермайин,
Лекин анга бўйи вафо бермайин,
Дарду бало кўзгуси топиб жило.
27. Ул чу вафо рантидин озод ўлуб,
Ахли вафо жонига белод ўлуб.
28. Кимга вафодин берибон чошни,
Бир нафас олмай кўзидин ёпни.
29. Кимки иши гайри вафо килмайин,
Бахра анга гайри жафо килмайин.
30. Ишкни жон риштасига банд этиб,
Васл кўнгул торига пайванд этиб,
31. Водий хажр ичра солиб кўп хатар,
Хору гиёҳини килиб ништар,
32. Лоласини шульаи ох айлабон,
Сабзасини захри гиёх айлабон.
33. Лола била сабзаси бу навъ бум,
Ели эмас мумкин аният жуз самум.
34. Ул ел эмасдур бу биёбон ўти,
Бил, бу биёбон ўти – хижрон ўти.
35. Кимники бу шулья била куйдуруб,
Кўкка хам ул ел кулинни совуруб.
36. Кимни кул айлаб бу самуми бало,
Дарду бало кўзгуси топиб жило.
37. Чун солиб ул кўзгу аро то бу нур
Ишк юзига бериб андин зухур.
38. Дойирани жуз бу сифат тузмайин,
Силсилани бир-биридин узмайин.
39. Бир-бириига бўйла тузуб мархала.
Силсилага боғланибон силсила.
40. Айлади сокин кураи хокни,
Сойир этиб давраи афлокни.
41. Токи муҳит ўрнига афлок эрур,
Маркази онинг кураи хок эрур.
42. Лутфи била борчага мавжуулук,
Кахридин-ўқ бўлгуси нобудлук.



ИККИНЧИ БОВ

ХАМД

(Насрий бәёни)

**Жамики яратик – махлукотларнинг тас-
вирига санъат қалами или чехра бергувчи,
яратилганларни таҳрирлаб, жамолу чиро-
йини ҳикмат қалами или зиёда этгувчи ал-
Холик бўлған Зотнинг ҳамдини айтаман:
Унинг шавқ занжиридан ҳар бир кўнгил ғун-
часи бир хусн гулита вобаста бўлди, Унинг
муҳаббат риштасидан ҳар бир кўз юлдузи
бир қопшинг ҳилолига пайваста бўлди**

1. Зотининг ўзи Унинг учун ҳамд айтишини
вожиб этадиган Зотга – Аллоҳга ҳамд бўлсин!
Ҳамд айтиб, уни мактайдиганларнинг ҳамма-
си Унинг зоти учун мактov айтишлари айни
ҳакикатнинг воқелигидир.
2. Зотининг ягоналити, яккалиги күёш бор-
лиги кандай аник бўлса, ана шундай аник!
Бунинг далиллари зарралардан кўпроқ ва оғ-
тобнинг ўзидан кўра равшанроқдир.
3. У, Аллоҳ, жисм самосини тинимсиз сайр
этувчи айлаб, Рух кўёши билан уни нурафшон
этгандир.
4. У, Аллоҳ, Фирзуғ гулсан ўларок осмонни
баланд килди ва унинг гуллари билан кўёни
бир банд гулдастага айлантириди.

5. Натижада, фалакнинг хар томонида юл-
дузлар гуллар сингари очилди, аслида, бу гул-
лар кўёш гулдастасидан сочилган.

6. Кўёш, ойнинг бурjlари ва бу ложувард
фалак Аллоҳнинг санъат бисотидаги икки
нард таҳтага ўхшайди, холос.

7. Думалок осмоннинг тогорасига ғавро со-
лиш учун ой ва кўёш иккита нард топсидан
бошқа нарса эмас.

8. Тахта нима? Бу нард ўйинидаги таҳта

– накшланган фалакдир, ўн икки бурж эса
унинг ичидаги икки шаш – икки таҳтага бў-
либ кўйилган олтигидан тошидир.

9. Тун ва кун иккиси думалаб турадиган ок-
кора сокка каби кўринади, фалак таҳтаси эса
юлдузлар или садаф шаклида зийнатланган.

10. Дунёдаги хайрли иш ва қусурларнинг
ҳаммаси накш каби бу нардда намоён.

11. Бу таҳтанинг накши икки улфат –казо ва
шадар ичидагина мавжуд бўлған шарафли ва
шарафсиз ишларни кўрсатади.

12. Чунончи, Аллоҳ, субҳ, чехрасининг гу-
лини очса, янга бу юз узра тун сунбулини зулф
қилиб ёлади.

13. Тонгнинг юзи дунё узра оппок нурни со-
чувчи бўлса, зулф эса унинг устидан кора ран-
гини сепади.

14. У, Аллоҳ, оқ ва корага тент шон-шуҳрат
берди, мушкни – тун, кофурни – тонг, кундуз-
га айлантириди.



15. Чунончи, У Аллох, мия хужрасини ясади ва у хужранинг ичиди аклдан чирок ёкли.
16. У чирокнинг пилиги иноят или бўлди, шульаси эса хидоятнинг нури.
17. Акл чирогидан кўнгил маскани нур олди, бирор Аллох у чирокни ишқ ели билан ўчирди.
18. Ишқ ели шу қадар шиддатли ва тез келдики, ақл чодири парчаланиб кетди.
19. Ишқ ели зоҳидлик ва такво хирмонларини учирив, сабр ва сокинлик масканларини совурди.
20. Ишқ ели шундай эсдикки, У акл боғининг дарахтларини хашакка айлантириди, бало денгизининг мавжини кўтариб, тўлқинлантириб юборди.
21. Ишқ ели дарду бало оловини алангалади, нафакат, аланталатди, балки, чарх – такдирни хам бу масалада хусуматли килиб кўйди.
22. Ишқ ели кўтарган олов каршисида висол булутидан ёмғир ёғдидириб, бу ўтга сокинлик баҳш этди.
23. Аллох хусн күёшини уфкларни кўйдиргувчи этди, бу кўёшнинг нурини оламларни ёритувчи айлади.
24. Хусни күёш дема, балки ризолик ва мамнуният жаннатининг боғчаси деб бил! Балки ўша боғчадаги Хандон Гулдир ул!
25. Бу гулнинг жилласи жон гулшани учун зийнат, уни кўриш маҳзун кўнгилга осойишталик, хотиржамлик ҳадя этади.
26. Аллох, хусн гулининг зотига лутфу сафо берган, холос. Лекин унга вафо исини ато этмади.

27. Хусн гули вафо рангидан мутлако озод бўлиб, аҳли вафонинг жонига адолатсизлик, зулм киласди.

28. Аллох таоло кимга вафодан баҳраланиш берган бўлса, вафо ахлининг кўзидан бир нафас ёш кетмади.

29. Кимки вафодан бўлак иш киммаган бўлса, унга жафодан баҳра етди, холос.

30. Аллох, ишқни жоннинг риштасига боғлади ва васлни эса кўнгил ишига пайвандлади.

31. Аллох хижрон водийсига кўп хатарларни солди – тикан ва гиёхларини ништарларга айлантириди...

32. ... бу водий лоласини охнинг шульаси, яшил майсаларини заҳарли гиёх этди.

33. ... бу водийнинг лола ва майсазори шундайки, унинг ели кўйдирувчи шамолдан бошқа нарса эмас!

34. Лекин у ел бу биёбоннинг олови эмас, билки, бу биёбоннинг ўти – хижрон ўтилир.

35. Аллох, таоло кимники бу шульга билан кўйдирса, худди ўша ел кўйган одамнинг кулини кўкка совуради.

36. Бу бало самуми кимни кул айласа, бу кул билан дард ва бало кўзгуси жилоланади.

37. Чунончи, Аллох таоло ана шу кўзгу ичига бу Нурни солади ва ишқнинг юзини шу нур ила ёритади.

38. Аллох, чарх – такдир ишини бундан бошқа сифат ила тузмади ва бу занжир халкаларини бир-биридан узмади...



39. ... йўлларни бир-бирига шундай уладики, занжир ҳалкалари бир-бирига боғланиб кетди.

40. Аллоҳ, Ер курасини сокин этиб, фалак доираларини саир қилувчи килиб кўйди.

41. Токи фалаклар уммон каби бўлди, унинг маркази эса Ер курасидир.

42. Аллоҳнинг лутфи билан жамики нарсалар мавжуддир, қахри билан улар аник нобуд бўлиб, йўқлийка юз тутади.

Лугат

Вожиб – бажарилиши шарт

Биззот – сўзсиз, албатта

Ҳомид – хамд айтувчи, мактоворчи

Заррот – зарралар

Ваҳдати зоти – ўз зотига кўра яккаю ятона

Тонук – билингтан, аник

Сипехр – осмон

Масир – саир киладиган

Мунир – нур сочадиган

Гулшани Фируза – фируза (мовий) гулшан – осмон

Анжум – юлдузлар

Сунъи бисот – бисотидаги санъатлар

Шайн – ғавғо, тўполон

Кальбатайн – нардинг икки тоши

Шаш – олти

Мухра – жисм, садаф, мунҷоқ, сокка

Намудорлик – кўриниш, зохир бўлиш

Кофурбез – ок нур сочувчи
Мушкрез – кора кукун сочувчи, коронгулик таратувчи

Иштиҳор – машхурлик, шурхат

Мушк – кора

Кофур – ок

Лайл – тун

Наҳор – тонг

Алочук – ҷодир, кала

Рез-рез – майдамайдада

Хирман – аланга

Наҳл – кўчкат, никол

Баҳр – Денгиз, дарё

Кўйлок – тўлкин, қаттиқ шамол

Ситеz – аччиқ-тиззик; адоварат, душманлик

Саҳоб – бўлут

Қатрабор – катра сочувчи

Паргав – нур, порлаш

Оламфуруз – оламни ёритувчи

Оройиши – беҳазап

Бедол – адолатсиз

Чошни – тогиб кўриш

Бум – ер, жой, манзил; бойкуш

Ҳамул – ўша; кўтарувчи

Жало – жала, кучли ёгин

Мархала – манзил, масофа, боскич

Силсила – занжир

Кураи хок – Ер кураси

Сойир – саир қилувчи

Давраи афлок – фалаклар доираси





УЧИНЧИ БОВ

АВВАЛГИ МУНОЖОТ

(Шарх)

«Хайрат ул-аброр» достонининг учинчи бобида Аллохнинг яккалиги, азалий ва абадийлиги, коинотнинг яралishiдан аввалигি ҳол, яралиш хикмати, инсоннинг мукаррам этилгани ва бунинг сабаблари ҳакида сўз боради. Алишер Навоий раҳматуллоҳи алайхнинг бу масалалардаги эътиқоди, ёндашуви тасаввифий талкинларга асосланган. Куръон ва ҳадисни ориф ўларок тадаббур килган ва шунга биноан ўз карашларини баён этган.

Муножот мусулмон адабиётида ёзилган асарларнинг муқаддималариданdir. Муножатларда Аллохнинг сифатлари зикр этилади, Аллоҳга мактоб айтилди, банда айбӯ нуқсонларига икрорлик келтириб, тавба-тазарру киласди.

«Хайрат ул-аброр»нинг учинчи боби достонда келган тўрг муножотнинг биринчисидир. Сарлавҳадан мальум бўладики, ушбу муножотда, аввало, Аллохнинг яккалиги эслатилди, Унинг бошлиниши ва тугаши, ўхшапши ва тенги йўқлиги, бўлиши мумкин эмаслиги таъкидланиди. Ақл ҳеч қачон Аллоҳга шерик топмайди. Ақли бор инсон Аллохнинг якалигини тушубиладими ё дентизими? Тўлкинларни бокий деб

ниб етади. Одам атолдан бошлаб, охират кунига кадар тугиладиган инсонларнинг барчаси Аллоҳга мактоб, ҳамд айтсалар ҳам, муносиб даржада улуғлай олмаслар. Ҳеч ким үнга лойик даражада мактовчи бўла олмас.

Аллохнинг зоти қадимдири. Аллохнинг бошлиниши ўйқидир. У яралмаган. У азалдан ўзидан мавжуд эди. Унинг Вужуди ўз-ўзидан койим. Аллохнинг охiri, тугаси, интиҳоси ўйқ. Аллоҳ ал-Аввалу вал-Окидир. У аввалдан бор эди, охирда ҳам У бўлажак. Аввал ва охирнинг ўргасида рўй беражак ҳамма ходисотлар ҳам, маҳлукотлар ҳам Аллохницидир.

Коинот яралмаган пайтда факат Аллоҳ бор эди. Йўқлик ҳам ўйқ эди. Факат Аллохнинг зоти бор эди. Аллоҳ ўзини кўрсатишни истади. Ўзининг ҳуснини намойиш этмоқни хоҳлади. Аллоҳ ўз кудрати, ўз жамоли ва сифатларини кўрсатиш учун коинотни бир кўзгу сифатида яратди. Дунё бир bogчага ўхшайди. Унинг олти тарафи бор. Тўккиз кават само тўккизта ойнани эслатади. Юлдузлар, сайёralар, зарраларда Аллохнинг кудрати акс этади. Алишер Навоий раҳматуллоҳи алайх коинотнинг Аллоҳ, зоти қопидаги даржасини тушунтириш учун бир тамсил кўллайди. Тасаввур килинг – улкан деңгиз тўлкинланиб туради. Бу деңгиз ҳамма ёкни коллаган. Ақли ва фахми бор инсон тўлкинларни бокий деб



лар юкори күтәрилмасин, қанчалар чиройли накшлар күрсатмасин, қанчалар мағтункор бўлмасин, инсон тўлкинга ахамият бермайди, балки тўлкин хар лахзада пайдо бўлиб, йўколишини яхши англаиди. Тамсил шуки, Аллоҳнинг зоти мукобаласида бутун олам дениз юзида пайдо бўладиган тўлкин кабидир. Битта тўлкиннинг умри накадар қиска ва ўткенинчи бўлса, яратган Зот назидда коинотнинг макомини ҳам шундай тасаввур килиш мумкин. Битта тўлкин денизнинг умумий ҳайбати билан қиёсланса, қанчалик ҳажм касб этиди? Коинот ҳам Аллоҳнинг зоти каршисида ана шу тўлкинчалик бўлиши мумкин, холос.

Инсон ўзи ичидаги бўлган коинотнинг чегарасини билмайди. Коинотнинг кайси нуктадан бошланиб, кайси нуктада тугаши одам акли учун номаълум. Коинот майдонининг ўлчами, унинг катларида мавжуд бўлган заралар сонини ҳисоб этадиган санок, жисмларга кўйиладиган номларнинг адади башар фарзандларининг тафаккурида йўқ. Одамзод ўзининг онги ва калбига мальум этилган илмлар доирасида харакат қиласи. Ундан ташкари чика олмайди.

Одамзод заиф яратилган. Унинг яшаши учун жуда кўп шарт ва шароит керак. Бирор ана шу улкан коинотнинг пайдо бўлиши сабаби ҳам айнан Одам эди. Агар Одам яратишни касд этмаса, Аллоҳ коинотни бунёд килмас-

ди. Одамнинг жисми бир тилсим. Бу тилсим ичидаги бир ганж – хазина бор. Хазинанинг номи – якийндири. Якийндан мурод – аник иймон, демак. Иймоннинг камоли, Аллоҳга бўлган инонч ва муҳаббатнинг энт юксак чўккиси якийндири. Аллоҳ инсонга якийнни берди. Инсон жисми ичидаги калби – кўнтилини яратиб, якийнни шу кўнгилга жойлаштириди. Инсон кўнгли якийн хазинасини кўтариб юрадиган бир оламдири.

Аммо иймон ҳам, якийн ҳам, муҳаббат ҳам бир сирдир. Кўнтили ҳам, руж ҳам, акл ҳам сирдир. Бу сирлар Аллоҳникидири. Бу сирларнинг нима эканлигини акл билан англаш, билиш мумкин эмас. Аллоҳ ўз қаломидан тальим бериб, инсонни комил этиди ва шу сирларни кўтариши учун уни ҳомил қилди. Бу сирлар Аллоҳнинг ҳарамига – Аллоҳнинг ўзига хос бўлган даргоҳга тегишли. Бу сирга Одам махрам бўлди. Бирор Одам ўзи кўтариб юрган сирнинг нима эканлигини идрок қилолмас. Агар аклини бу ўйлда ишлатса, адашади, шунинг учун унга Аллоҳнинг итоатида бўлиб, Аллоҳни севиш талаби кўйилган.

Тасаввуф ахли вараъ – охираг учун зиён бўлган нарсалардан воз кечиш кўпинча акл истаги билан юзага чиқишини айтадилар. Ақлини пешлаган одам ўзини гуноҳлардан кўришга интилади. Бирор аклга мутлако суюниш хато. Инсон калбини поклаши ва калблар доирасида харакат қиласи.



га Аллох жойлаган сирни кашф этиши, кашфини хаммадан пинхон асрари керак. Бу эса ишк сабабли рўй беради. Ишк хам одамзод кўзидан беркитилмоғи шарт. Сўфий зотлар шутулунчага суюни, ўз холатларини яшириш учун шариатда мазаммат этилган мұғ, дайр, май, жонон каби истилоҳларни кўллаганлар.

Дайр – оташпастлар ибодатхонаси. Мұғ – дайрда май куйиб тарқатувчи шахс. Кўплаб мутасаввуфлар ижодидан бу каби сўзларнинг кўлланиши сабаби шу. Хум – калб. Хумнинг ичидаги май – илохий мухаббат, сўзда тасвирлап имконизз бўлган мұкошафа. Хумнинг очилиши, ундан май таркатилиш, майни ишиб тақво ахлининг ақлдан мосиво бўлиши – мўминнинг Аллохга чинакам таслимият келтириб, адашувчан ақлга эмас, балки таслим бўлган қалбга диккат каратиб, Аллох ризоси учун харатак килиш жараёнларини ифода этади.

Аллоҳ таоло Исро сурасининг 70-оятида айтади:

وَلَدَكُرْمَانَيْتِيْ عَادَمْ وَحَمَلَنَمْ فِي الْبَرِّ وَالْبَحْرِ وَرَزَقْتُهِمْ مِنْ
الْأَطْيَبِتِ وَفَصَلَنَهُمْ عَلَىٰ كَثِيرٍ مِنْ طَقْنَا تَضْبِيلًا

Мално таржимаси:
«Биз инсонни энг гўзал суратда яратдик».

Коинот яралишига сабаб бўлган инсон, шубҳасиз, гўзал бичимда, гўзал суратда яратилди. Инсоннинг хусни каршишида ҳеч бир яратик гўзалик талаша олмайди. Чунки Аллоҳ инсонга кўркам шакл берди, унга жон ато этди. Таслимият келтириш – инсон иймонининг бир қисмидир. Шайтонни Аллоҳга инонтириш шарт эмас. Иблис Аллохнинг борлигини инсонлардан яхширок билади. Бирок у Аллоҳга таслимият келтирмади, ўз Роббисига исён килди. Инсоннинг мукаррамлиги боиси

ила ризқлантиридик. Ва йўзимиз кўпілаб яратган мавжудотларимиздан устун қилдик».

Алишер Навоий раҳматуллохи алайх наздиди, Одам боласининг мұкарам бўлиши – Аллохнинг сирини кўтариб юрганиндири. Аллоҳ ўз имидан Одамга таълим берди, фаришталар Одамнинг макомини Аллоҳ баланд этанини билишди. Одамнинг мұкарамлиги унга Аллоҳ ато этган сифат. Кимдир бу сифатни асраб қолади, кимдир бой беради.

Тийн сурасининг 4-ояти эса куйидагича:

لَدَنْ خَشَّاً لِذَنْسَنْ فِي أَخْسِنْ شَوَّبِيْرْ



- унинг Роббисига таслим бўлишидадир. Эйтибор берилса, Аллоҳ борлигини билган одамларнинг аксари Аллоҳга таслим бўладилар, Аллоҳнинг амрларини бажаришга киришадилар.

Инсон Аллоҳга иймон келтиргач, ундан ўзи учун кўп раҳмат, марҳамат, мағфират ва турфа нельматларни кутади. Хусусан, ҳамиша тўғри йўлда килишини, адаштирмаслигини, жаннатларга киритиб, жаханнамдан омон саклашини ўтинади, балолардан Аллоҳнинг панохига қочади. Чунки энг гўзал ва буюк нельмат – Аллоҳга мукарраб бўлишидир. Курбатга хар бир заррамиз билан Буюк Зот каршиисида таслимиятни тан олиш натижасида эришлилади. Аллоҳнинг амрларига ўзимизни буткул сафарбар этганимиз холда бутун ишларимизни Унинг измига топширамиз: У изн берса, бўлади, У хоҳламаса, бўлмайди. Шунинг учун ҳам, Алишер Навоий ўзи учун дуо қиласкан, Аллоҳга карата «Ҳарне қилурсен – яна Сен билани», – дейди.

АВВАЛГИ МУНОЖОТ
(Матн)

Авалги муножот Ҳакнинг аввалиятида-
ким, хирал анга соний билмас, балки аввал
ва охир эли сано десалар анга лойики соний
топилмас ва мумкинот гулшанидаги гул-
ларнинг адам шабистонидин вужуд гулис-
тонига келмагининг сифати ва коинот бозо-
ридаги дурларнинг хафо саҳобидин зухур
дарёсига тушганининг маърифати

1. Эй санг мабдабда абаддек азал,
Зоти қадиминг абадий ламъязал.
2. Не бўлуб аввалда бидоят санга,
Не келиб охирда нихоят санга.
3. Аввал ўзунг, охиру мобайн ўзунг,
Борчага Холик, борига айн ўзунг.
4. Андаки бор эрди нихон бу жаҳон,
Балки нихон доди жаҳондек нихон.
5. Не сочибон кун юзи барги суман,
Не кечанинг турраси мушкни Ҳўтсан.





6. Не очибон күйкда шафак лолалар,
Не ёгиб анжумдин анга жолалар.
7. Не Еру, не Ер юзида бир киши,
Не күку, не гайри ситам ҳар иши!
8. Хусн ўти хантома фурууз ўлмайин,
Ишк элига мояи сўз ўлмайин.
9. Ёрумайин шамъ ила кошонае,
Куймай аният ишқида парвонае.
10. Жилваи ноз айламайин гул ҳануз,
Замзама чекмай анга булбул ҳануз.
11. Демаки нарғис кўзи масти ҳароб,
Балки адам гулшанида масти хоб.
12. Хум боши муғ дайрида очилмайин,
Аҳли вараъ хирка гарав қилмайин.
13. Ишва била мугбачаи майфуруш,
Зухд элини айламайин дурдиш.
14. Кўргузуб орому сукун баҳри зот,
Мавж аён айламайин мумкинот.
15. Сен эдингу, бас, яна мавжуд йўқ,
Жилва килиб ўзунтга ўз ҳуснунг-ўқ.
16. Мазхар ўлуб ҳуснунгта миръоти гайб,
Жилва қилиб анда хаёлоти гайб.
17. Нозир ўзунг эрлингту манзур ўзунг.
Ишқингта ҳуш, ҳуснунгта мағрур ўзунг.
18. Бирлик эдио, ададе йўқ эди,
Бирдин ўзга ахаде йўқ эди.
19. Йўқ эди худ илмингта ижмоли зот,
Монии тафсили шуюну сифот.
20. Лек ўшул чехраи ушшоксўз,
Ким анга ҳар ламъадур оғокксўз,
21. Килди мазоҳирда ҳаёли зуҳур,
Топқали ул ҳусн камоли зуҳур.
22. Жилваи ҳуснунгта чу йўқ эрли ҳад,
Кўзгу керак бўлди анга беадад.
23. Очити бу гулшанники, рангин эрур,
Ҳар гул анга ойинаи Чин эрур.
24. Жилваи ҳусн ўлғали соҳир анга,
Бўлди бу миръот мазоҳир анга.
25. Восита бу эрдики қилдинг тамом,
Кўкни тўкуз лавҳай ойинағом.



26. Бўлди сафо важхила ҳар ахтаре
Кўзгу киби хуснунг учун мазхаре.
27. Мехр юзин ойина ранг айладинг,
Юзда кусуфин анга занг айладинг.
28. Кўкни килиб сафҳани мину киби,
Айладинг ул сафҳани кўзгу киби.
29. Боғчасин даҳрининг этгинг назих,
Панжараси бўлди мусаддас гирих.
30. Сунъунг этиб конни муламмаз гухар,
Хўкмунг этиб тонги мурассаль камар.
31. Толти ёғин риштаси чун баҳри соғ,
Ел илигин килдинг анга ҳуллабоғ.
32. Ел била чирмаштурублон тийрагард,
Чархдек эттинг ани гетинавард.
33. Мунча гаройибки мисол айладинг,
Борчани миръоти жамол айладинг.
34. Ганжинг аро накл фаровон эди,
Лек боридин гараз инсон эди.
35. Турфа каломингта доги комил ул,
Сирри нихонингта доги хомил ул.
36. Кўнглига қилдинг чу якийн ганжи кисм,
Жисмини ул ганжга қилдинг тилисм.
37. «Каррамно» келди маноқиб анга,
«Аҳсани таквим» муносиб анга.
38. Маърифатинг ким қила олмай сифат,
Қилдинг ани орифи ул маърифат.
39. Илмиға ҳар зотни хайл айладинг,
Зотига олами туфайл айладинг.
40. Ё Раб, ўшул ганжки, маҳрам анга,
Кимса эмастур, магар одам анга.
41. Айла Навойни бурун одамий,
Ким бўла олгай буҳарам маҳрами.
42. Ончаки, розингта амин кил ани,
Харне қилурсен – яна Сен бил ани.



УЧИНЧИ БОБ

АВВАЛИ МУНОЖОТ

(Насрий бадён)

**ҲАҚНИНГ АВВАЛИЯТИ – ЯККАЛИГИ, БИРЛИГИ
ҲАҚИДА АВВАЛИ МУНОЖОТ.**

**Ақл ҲАҚНИНГ ИККИНЧИСИ БОРЛИГИНИ БИЛМАЙДИ, АВВАЛ ВА ОХИРАТ ЭЛИ БИРГАЛИКДА
ҮНИНГ УЧУН МАҚТОВ АЙТСА ҲАМ, МУНОСИБ МАҚТОВ АЙТАДИГАН МАҚТОВЧИ ТОПИЛМАЙДИ. ВА
МУМКИНОТ ГУЛШАНИДАГИ ГУЛЛАРНИНГ ЫҚУКИК
ТУНИДАН ВУЖУД ГУЛИСТОНИГА КЕЛИШИНИНГ
СИФАТИ. ВА КОННОТ БОЗОРИДАГИ ДУРЛАРНИНГ
МАХФИЙЛИК БУЛУГИДАН ЗУХУР ДАРЭСИГА ТУШГАНИНИГ МАЪРИФАТИ.**

1. Эй абад каби азалий бўлган Зот! Сенинг қадим бўлган Зотинг абадий мавжуддир.
2. Сенинг бошланишинг йўқ бўлганидек Сенга ниҳоя топиш бегонадир!
3. Аввал ўзинг, Охир ўзинг, Мобайн ҳам ўзинг! Барчанинг Холик – Яратувчиси ва барча учун Айн – булоқ ўзинг.
4. Жаҳон яширин бўлган бир пайт эди, балки жаҳондек пинхонлик вакти эди.
5. Куннинг юзи ўзидан суман баргларини, кечанинг соchlари хуш бўйини сочмаган...

6. ...кўкда шафак ҳали лолалар очмаган ва унга юлдузлар ёмгири ёғмаган...

7. ...на Ер, на Ернинг юзида бирор киши бор!

Ситамдан бопка иши бўлмаган на кўк бор!...

8. ...Хусн ўти оламни ёритиб, ишқ элини кўйдиришга шайлланмаган...

9. ...шам кошоналарни ёритмаган, унинг ишқида парвона кўймаган...

10. ...гул хануз жилва килмаган ва унинг кошида булбул ох тортиб, сайдамаган эди.

11. Наргиснинг кўзи хароб эди, дема, балки у йўқлик гулшанида маст уйкуда эди.

12. Муғларнинг дайрларида хумнинг боши очилмаган, варавъ ахли эса ўз хиркаларини май ичиш учун гаров бермаган...

13. ...майфуруш муғбача ишва билан зухд элига майни куйкасигача ичирмаган эди.

14. Бахри зот ором ва сукун ичилада бўлиб, мумкинотлар мавжини кўрсатмаган бир пайт эди.

15. Ўша фурсатда факат Сен бор эдинг! Сендан бўлак ҳеч нарса йўқ бўлиб, Сенинг жамолинг, хуснинг факат ўзингта жилва киларди.

16. Сенинг жамолингни ғайб кўзгуси ўзида акс этириар, бу кўзгуда ғайбнинг хаёлоти акс этарди.

17. Кўзгуга караб турган ҳам Сен эдинг, бу кўзгуда кўриниб турган ҳам ўзинг эдинг. Ўз ишқингга хуш, ўз хуснингта магрут эдинг.

18. Факат бирлик, яккалик бор эди, яъни факат Сенинг ягона зотинг, вужудинг бор эди, Бирдан ўзга Бир йўқ эди.



19. Сенинг илмингни ифода киладиган бирор зот ўйук эди. Илмингни баён этишга монет бўлгувчи хам, Сен берган илм сабабли эришиладиган мартабалар хам, сифатлар хам ўйук эди.
20. Лекин ошикларни ёндирадиган Чёрра...
21. ...ўз хуснининг камолини кўрсатиш учун мазохирда намоён бўлипни хаёл қилди.
22. Сенинг жилвасига ҳадду чегара йўқ, шунинг учун у Хусни кўрсатиш учун ададсиз кўзгулар керак бўлди.
23. Натижада хар бир гули Чин ойнаси сингари бўлган рангин гулшан очилди.
24. Бу гулшан Хуснининг жилваси кўриниши учун кўзугу айланди.
25. Восита шу эди. Сен уни тўккизта ойнатхата ўларок яратиб, тамомига етказдинг.
26. Бу сафо чехрасининг юзидаги хар бир юлдуз бамисоли кўзгу, унда Сенинг хуснинг жилва этади.
27. Күёшнинг оразини хам ойна рангли килдинг, унинг тутилиши эса ойнанинг занги.
28. Кўк – зангор рангли сахифа, у сахифа хам мисоли кўзгу.
29. Дунёнинг богчасини покладинг, унинг панжараси олти кирра бўлди.
30. Сенинг санъатинг конларни ранг-бант гавхарларга тўлдирди, хукминг тоғни кимматбаҳо тошлар ила безади.
31. Ёмғир риштаси покиза дентизни топди ва шамолнинг кўлинни унинг учун ипак шохи тўкувчига айлантиридинг.

32. Ел ва чангни бир-бирига чирмаштириб, уни худди чарх каби жаҳонни кезиб юргувчи килдинг.

33. Шундай гаройиботларни шаклта келтириб, хаммасини Жамолинг учун кўзгу этдинг.

34. Сенинг хазинанг ичиди бойликлар бенихоя кўп, лекин уларнинг хаммасидан максад инсон эди.

35. Сенинг ақлни лол колдирувчи каломидан камол топган хам у! Сенинг пинхон сиррингни кўтарувчи хам у!

36. Инсоннинг кўнглига якийн ганжидан бир кисм бердинг, жисмими у ганжни ёпиб турадиган тилсимга айлантиридинг.

37. Уни «Каррамно» билан сифатладинг, «Ахсани таквим»ни унга муносиб кўрдинг.

38. Сенинг маърифатингни ҳеч ким сифатлай олмади, инсонни эса ўз маърифатингта ориф айладинг.

39. Инсоннинг илмига хар зотни тобе қилиб, унинг зоти туфайли оламни яратдинг.

40. Ё Роббим, Сенинг ўша ганжинг шундайки, унга одамдан бошқа ҳеч ким маҳрам бўлмаган.

41. Навоийни, аввало, одамий кил, токи у ўша ҳарамнинг маҳрами бўла олсин!

42. Шу даражага етказки, уни розинга амин айла! Бу унинг дусси, холос, у Сенинг ихтиёрингда, зинкор Сенга шарт кўя олмас, уни қай ахволга солсанг, кай макомга етказсанг, буни ўзинг биласан!





Лугат

- Гирих** – тутун, кирра
Сунъ – яратиш
Муламмаш – ранг-барант
Гухар – гавхар
Мурассас – кимматбахо тошлар билан бештеги
Ахад – ягона, бир
Ижмол – киска, умумлашган ифода
Мони – ман қилувчи
Тафсил – муфассал баён килиш, сўзлаб бериладиган
Шуюн – маргабалар
Сифот – сифатлар
Ламъа – чакнаш
Офок – уфқлар
Сўз – куйдириш
Мазоҳир – зоҳир бўладиган жой
Миръот – кўзгу
Лавҳа – китоб кўйиш учун ишлатиладиган бир-бирига кийиладиган икки тавака таҳтача
Ойинағом – ойна каби
Сафо – поклик, тозалик
Важҳ, – юз, чехра
Ахтар – юлдуз
Кусуд – касофаг; Ой ва юлдузларнинг тутилиши ходисаси
Сафҳа – сахифа
Мину – зантори, рангли
Даҳр – дунё
Назих – покиза
Мусаддас – олти



**ТҮРГИНЧИ БОБ
ИККИНЧИ МУНОЖОТ**

(Шарҳ)

Дунё мўминлар учун абадий тириклика та-
йёргарлик кўриш масканидир. Аллохнинг лут-
фи ила йўқклидан яралган коинот вакти соати
етиб, худди мавжуд бўлмагандек яна йўқклика
кетади. Сўнг Аллоҳ одамзод ва жинларни, фа-
ришталарни қайта тирилиради. Барчани маҳ-
шар майдонига йиғиб, хисоб-китоб қиласи.

Алишер Навоий раҳматуллоҳи алайҳ, «Хай-
рат ул-аброр»нинг учинчи бобида коинотнинг
йўқклидан борликка келгани хусусида сўз
юритган бўлса, тўртинчи бобда яна йўқклика
юз тутишини тасвирлайди. Куръони карим-
да, хадиси шарифларда қиёмат содир бўлиши
аник таъкидланган. Мўминнинг охират куни-
га хозяирги кунидан кўра яхширок ва катъий-
роқ ишониши якийн деб аталади. Аллоҳ таоло
бу хакда Бакара сурасининг 4-оятида айтади:

وَالْأَخْرَجُ مِنْهُ مُؤْفِقٌ

«Аник ишониши» калимасининг ўзаги
«якийн»дир. Алишер Навоий раҳматуллоҳи
алайҳ мусулмоннинг иймони якийн макоми-
да бўлишини истаган. «Хайрат ул-аброр»нинг
иккинчи муножотида ҳам киёматнинг койим
бўлиши – дунё ҳаётининг якуни тасвирини
ана шу макомдан туриб баён этади.

Муножот бевосита ўзидан аввали бобнинг
мантикий давомидир. Сарлавҳада айтилади-
ки, коинот ва унинг ичидаги зебо яратиклар-
нинг борлиги Аллоҳга мутлако фойда келтир-
майди. Аллоҳ бу нарсаларни яратиб, бойиб
колмайди. Мавжуд бўлган бу равно янглиғ
чиройли нарсалар футур топса, Аллоҳ бундан
зийн кўрмайди, камбагаллашиб колмайди.
Боб бутунича ана шу ақиданинг шарҳига ба-
ғишланган.

Аллоҳ таоло коинотдаги ҳамма нарсани ву-
жудга келтириди. Вужуди бор ҳар не Аллохнинг
саховати ила мавжуддир. Жамики яратиклар
Аллоҳга сажда этади, үнга сигинади. Аллоҳ
коинотни бир неча фалаклардан иборат қил-
ди. Бу фалаклар тинимсиз харакатда, бир он
тўхтамайди. Ҳаммаси ўз йўли бўйлаб сайр эта-
ди. Ер эса сокин. Фалакларнинг харакатчан-
лиги хам, Ернинг сокинлиги хам Аллохнинг
амриадидир. Уларнинг ижод ва эълом (йўқ)
этилиши хам Аллохнинг хўммига боғлик.
Коинот шиша гумбазга ўхшайди. Юлдуз-
лар гумбаз ичига ёқиб кўйилган шамлардир.



Гумбазнинг пештоқига эса күёш накш каби чизилган. Ақл усталари унинг тархини, курилишини ҳар қанча тажик этмасинлар, ожизликларини эътироф этадилар. Бирок Аллоҳ учун юзлаб бундай мөйморлик санъати арзимас иш бўлганидек бу ихтиrolарни йўкотиб юбориш ҳам Унинг учун осон. Аллоҳнинг қаҳри шамол каби елса, бутун коинотнинг ахволи ҳароб – само бир этак кулдек совурилади, юлдузлар эса бир ховуҷ гулдек сочилади.

Алишер Навоийга кўра, коинот жами тўккиз қатни ташкил қиласди: дастлабки етти қават осмонда еттига посбон бор, уларнинг ҳар бири бир «хунар» устаси. Улар ўзлари масъул бўлган фалакни кўриклашади, ўз ишлари билан шуғулланишади. Масалан, еттинчи фалак ходимининг исми Зухал(Сатурн)дир. Унинг «хунар»и – баҳиллик, хийлакорлик, пасткашиликдир. Аллоҳнинг амри ила қиёмат койим бўларкан, Зухалнинг ахволи оғирлашади – гўнгўннисиз каби унинг танасида пар – канот пайдо бўлади. Алишер Навоий рахматуллохи алайх. Зухални киёмат даҳшати ичидан гўнгўннисизга қиёслашининг икки сабаби бор: 1) Зухал бутун умр ёмонликини одат тутган эди, у бу билан хаёти давомида гўнг думалатиб яшайдиган гўнгўннисизга ўшпайди. Думалоклаган гўнги кўнғизни босиб колади ва уш тарика ўлим топади. Зухал каби разолатда умр кечиргандарнинг таклири ҳам шундай

якунланади; 2) гўнгўннисиз гўнгни осмондаги юлдузларга караб, яъни Сомон ўйли бўйлаб юмалатиши мутахассислар томонидан аникланган. Алишер Навоий рахматуллохи алаик Зухални гўнгўннисизга қиёслаш асносида ана шу ҳакикатта ишора қилган. Бу ўринда шоирона ташбих шуки, гўнгўннисиз гўнг коптогини олиб, Ер юзида Сомон йўлидаги юлдузлар изидан думалатар экан, Зухал ҳам ўзининг кирдикорлари билан Сомон ўйли ичида шундай ҳаракатланади. Гўнг коптот остида колган кўнғиз эзилиб жон берганида канотлари ёйлиб қолгани сингари Зухал ҳам қилмишлиари сабабли киёмат куни шундай ҳолга тушибади, яъни парчаланиб кетади.

Муштарий (Юпитер) олтинчи қават осмоннинг хизматчиси. У яхшилик, такво, илм билан машғул. Бирок қиёмат унинг минбарини тобутга айлантиради. Баҳром (Марс) бешинчи фалак соҳиби, унинг касби кон тўкиш. Охират даҳшатидан у ўз холига йиелаб, тигини ўз жонига касд килиш учун кўтаради. Кўёш тўртгинчи фалакни макон тутган, Аллоҳнинг қаҳри карписида у кора кулча бўлиб колади. Учинчи фалакда куй ва соз ила машғул Зухра (Венера) кўлидаги даф ва ҷантни синдиради. Иккинчи фалакда ёзиш билан банд бўлган Тийр – Аторуд (Меркурий) котиблигини ташлайди, унинг бу ҳолатини «Жафтал қалам» – «Қаламлар кўтарилди» жумласи билан ифо-





далаш мумкин. Биринчи фалак мезбони Ой, одатда, тунларни ёритар эди, бирок у киёмат вахшати қолида йўқлик тунини янада корайтириш учун ўзидан зулмат таратса бошлайди.

Эътиборли жиҳати шуки, Алишер Навоий раҳматуллохи алайх, бушка ўринларда етти фалак хакида гапиргандга сўзни биринчи қават осмон таърифидан бошлайди. Бу нуктада эса аксинча, еттинчи фалакдан биринчи фалакка «тушиб келди», бунинг замирида киёмат еттинчи фалакдан бошланади, деган маълумотни такдим этмокда. Бу, албатта, Алишер Навоий раҳматуллохи алайх олган илм билан алокадор.

Еттинчи фалакдан бошланган даҳшат бутун коинотни қамраб олади: Аллоҳ ўз қаҳрани кўрсатади – дентизлар қайнайди, Ер гард каби фалак сочилади, унинг чанги ичидаги фалак кўринмай кетади, олов сувнинг ичидаги судади, тоғлар осмонда худди күшнинг патидай учади, айниска, уларнинг тарақа-турук овози «Алфирик» деган фарёд сингари эшигилади, шунда Куръондаги Инфитор сурасининг 1 – 5-оятларида берилгандаги хакикатига юзага чикади:

۱ ﴿إِذَا أَلْسَمَهُ أَنْفَرَتْ
وَإِذَا أَلْكَأَكَثَرَتْ﴾

Ушбу ояти каримада акс этган ахборотни Алишер Навоий раҳматуллохи алайх батагфил баён қилган. Коинот буткул ўйук бўлгач, факат Аллоҳ колади. Аллоҳдан бушка ҳамма илгари мавжуд бўймагандек йўқликка юз тутади. Еру фалакларнинг ўйук ёки борлити, яширин ёки ошкор эканлитидан Аллоҳнинг улуғлигига на фойда, на зарар! Коинотнинг мавжуд ёхуд маъдумлиги Аллоҳ, учун ахамиятсиз. У ўз лутфи билан коинотни яратди, қаҳри билан ўйук қилиб юборади. Бандалар эса Аллоҳнинг лутфига кўз тутишлари керак.

Факат Аллоҳ колгач, Гофир сурасининг 16-ояти ўз исботини топади:

۲ ﴿وَإِذَا أَلْسَمَهُ فَجَرَتْ
وَإِذَا أَلْقَبَهُ بَعْرَتْ﴾

Маъно таржимаси:
«Осмонлар ёрилганда, юлдузлар хар томонга сочилиганда, денгизлар кўшилиб, тўсиклиар очилганида, қабрлар агарилганида (яъни қиёмат қойим бўлганида ҳар бир) жон (дунёда) килиб ўтган ва колдирган (барча) нарсаларни (амалларни) билур!»





يَوْمَ هُمْ يُرْبَوْنَ لَا يَخْتَفِي عَلَى اللَّهِ مِنْهُمْ شَيْءٌ إِنَّ الْمَلَكَيْنِ اللَّهَ

الْوَجْدَانَ الْمَهَارِ (۱۱)

**ТҮРТИНЧИ БОВ
ИККИНЧИ МУНОЖОТ**

(Матти)

Маъно таржимаси:
«Улар (кабрларидан) чиқадиган (қиёматда)
Аллоҳга улардан бирор нарса махфий бўлиб
қолмас. «Бугун подшоҳлик кимникидир?»
 (деб сўраб ўзи айтур:) «Воҳид (ягона) ва Каҳ-
хор (ғолиб) **Аллоҳникидир!».**

Алишер Навоий раҳматулоҳи алайҳ оят-
 даги لَمْنَ الْمُلْكِ کалимасини байтда иктибос ўла-
 рок келтириб, ўз баённинг манбасини аник
 ва равшан кўрсатади.

Муножот якунида Аллоҳга ёлворади, шуб-
 хасиз содир бўлажак, амалга ошажак бу вokeа-
 га, етиб келажак бу кунгача борса ёхуд ундан
 аввал олами тарк этса, кўнглида Аллоҳдан
 бўлак хеч нарса бўлмаслигини, иймони хам-
 рох бўлишини сўрайди.

«Хайрат ул-аброр»нинг бешинчи боби –
 учинчи муножотдир. Унда Махшар майдони
 воеалари ҳакида сўз боради.

5. Сендин алар жунбишу ороми ҳам,
 ўйлаки, ижоди ҳам, эъдоми ҳам,
6. Гунбади мино била токи сипехр,
 Ким анга шамъ анжум эрур, шамса – меҳр.



Иккинчи муножот махлукот зеболари-
нинг жилваи зуҳуридаким, холики ашё аза-
мати даргоҳига ондин суде етмас ва мавжу-
дот ръяномларининг ҳодисаси футуридаким,
воеҳиди доно жабарути боргоҳига кимса ан-
дин зиёнбуде тасаввур этмас

1. Эй бори мавжудга сендин вужуд,
 Балки, вужуд ахлига файёзи жуд.

2. Катми адамдин неки мавжуд ўлуб,
 Сожид ўлуб, сен анга масжуд ўлуб,

3. Кимки боши саждада – масжудисен,
 Кимки юзи қиблада – матьбудисен.

4. Мунчаки афлок сабуссанг эрур,
 Ё Кураи хок куханланг эрур.



7. Даркида косир бўлубон хислари
Чун кўрубон акл мухандислари.
8. Бўлмади юз ончага меъморлик
Санъатинг устодига душворлик.
9. Ё десанг ул вазъга етсун халал,
Қаҳринга бордур бу халал, филмасал.
10. Тунд ел оллинда овуч хокдек,
Илдирим ўтрусида хопокдек.
11. Сарсари қаҳринг чу бўлуб кўжкан,
Тоғ булут янглиғ ўлуб наъразан.
12. Соврулубон кўк бир этак кул киби,
Кўзгалиб анжум бир овуч гул киби,
13. Майл адам даштига айлаб Зухал
Пар бутуб этнида, нечукким, жуал.
14. Катъи хаётин кўрубон Муштари
Тахтаву тобуги бўлуб минбари.
15. Тез этибон катлига Бахром тиг,
Тортибон ўз холига хардам дариг.
16. Бўйла каро кун аро меҳри мунир,
Тийра бўлуб ўйлаки бир курси кийр.
17. Зухра ушотиб даф ила чангини,
Навха кўкида тузуб охангини
18. Тийр илигида не калам, не ракам,
Балки ракам ояти «жаффал калам».
19. Аҳли адам шомига зулматфизой,
Таҳти шиоги абадий ичра ой.
20. Ўт чекибон шульзи бебокни.
Чўркабон анжум била афлокни.
21. Ел кўк ила ерни табоҳ айлабон,
Ўйлаки, мазлумлар оҳ айлабон.
22. Баҳрга бир валвалиу изтироб,
Ким тегиб ахтар юзига хар хубоб.
23. Ер кўлуб ўрнидин, ўлуб ҳамла, гард,
Ким итиб анда фалаки ложувард.
24. Одамий ул дамда анингдек адам,
Ким бу дам одамда вафову карам
25. Ер тутубон авжу фалак таҳ тушуб,
Гаҳ бу чикиб юкори, ул гаҳ тушуб.
26. Ўт килибон баҳрда гаввослик,
Тоғ этибон чарх уза раккослик.
27. Чарх мисосида булутдек гирев,
Девзада, ўйлаки, кўргандада дев.



28. Тогу фалакларда тарок-тарок,
Борча тарокида аён «алфиrok».

29. Бир неча дам борчага бу рустахеэз,
Токи фано сарсари эсгунча тез.

30. Ул чу эсиб тоза ва гар худ кухун,
Бир дам аро «каана каан лам якун»,

31. Тентри колиб бокию дайёр йўқ,
Ёр муаббад бўлуб, агёр йўқ,

32. Арзу фалак йўқидину бориидин,
Борчанинг ихфосио изхоридин

33. Не азамат ичра анга суд ўлуб,
Не жабарутига зиёнбул ўлуб.

34. Сўз «Лиманил мулк» ўлуб ул дам анга,
Ким ангадур мулк муссаллам анга.

35. Ё Раб, агар етсам ўшул кунга жазм,
Ёки бурун айласам ул ёнга азм,

36. Ул нафас имон манга хамроҳ кил,
Кўнглум аро маҳви сиваллоҳ кил.

37. Раҳмати омингни нисор эт манга,
Лутфи амийминг манга ёр эт, манга.

ТЎРТИНЧИ БОБ ИККИНЧИ МУНОЖОТ

(Насрий баён)

**Яратиклар зеболарининг жилва этиб, на-
моён бўлгани хакида иккинчи муножотки,
Уларнинг бу зуухуридан борча нарсаларнинг
яратувчиси ал-Холик Аллоҳ, улуг даргохига
бирор фойда етмайди; мавжудот раюно-
ларининг йўқолиб кетишидан илмилар-
нинг, доноларнинг ягонаси бўлган ал-Воҳид
Аллоҳнинг буюк ҳузурига зиён етишини
бирор кимса тасаввур килмас**

1. Эй Аллоҳ! Мавжуд бўлган борчага факат
Сен вужуд бердинг! Балки вужуд ахлига сахо-
ватингдан чексиз файзлар ато эттанссан!

2. Йўқликдан нимамики мавжудият оламига
келган бўлса, уларнинг ҳаммаси Сенга сажда
килувчилардир, Сен эса сажда килинадиган
ятона Зотсан!

3. Бошини саждага кўйтганларнинг Сажда
этадигани, юзи қиблага караган ибодатгўй-
ларнинг Мазбууди ўзингсан!

4. Фалаклар тинимсиз харакат қилувчи,
сайрни яхши кўрувчи бўлса, Ер кураси оғир
карвон бўлган яратигингдир.

5. Яралиши ва йўқликка юз тутиши Сенинг
амрингда бўлганидек фалакларнинг жунбуш-





га келишию Ер красининг ором олиши ҳам Сенинг изнингладир.

6. Кўк – шиша гумбаздир, юлдузлар бу гумбазни ёритувчи шамлар! Кўёш – фалак пештоқини зийнатлаш учун чизилган бир накшлар.

7. Бу ажаб ишни кўриб, акл усталарининг хислари кусурга йўл кўяди.

8. Холбуки, бу каби юзлаб мельморлик ишларини килиш Сенинг санъатингга заррача душворлик түғдирмайди.

9. Ёки шундай муҳташам ихтирога халал – шикаст етсин десант, бу шикаст ҳам Сенинг қаҳрингда бор.

10. Бу муҳташам иморат Сенинг ила даҳшатли шамол олдиди бир ҳовуҷ тупрокка, чакмок қарплисида эса оддий ҳашакка айланади.

11. Қаҳринг совук шамоли тогларни таги билан кўпорадики, тог булуғлар каби наъра тортиб юборади.

12. Кўк бир этак кулдек совурилади, юлдузлар бир ҳовуҷ гулдек сочилиб кетади.

13. Зужал йўқлик даштига майл кўрсатади, эгнида гўнг кўнғизиникидек канот пайдо бўлади.

14. Ҳаёти кесилганини кўрган Муштарий учун утурган минбар тобутга айланади.

15. Ўзини катл этиш учун тифини кўтарган Баҳром ўз холига надоматлар чекади.

16. Бу кора кунда нур сочувчи кўёш кора кулчадек корайиб кетади.

17. Зухра даф ва чангини синдиради, қайгули кўйлар кўкида унинг оханг янграйди.

18. Тийрнинг кўлида калам ҳам, хат ҳам колмайди, балки у фактат «Жафтал калам» оятини айтади.

19. Йўқлик ахлининг шомида абадий ёѓду тахти ичда бўлган ой зулмат сочувчига айланади.

20. Олов ҳеч нарсадан қайтмас шульани ўзидан чикаради ва юлдузлару фалакларни куйдирив юборади.

21. Мазлумлар тортган ох, каби шамол кўк ва ерни ҳаробага эвиради.

22. Уммонга шундай тўплон ва изтироб тушадики, сувнинг пуфаклари юлдузлар юзига бориб тегади.

23. Ҳужум остида Ер гард каби ўрнидан кўзғалади ва ложувард (мовий) фалак бу чангичида ғойиб бўлади.

24. Одам болалари бу дамда йўқлика юз тутаркан, бирор инсонда вафо ҳам, карам ҳам колмайди.

25. Ер кўтарилиб, учади, фалак йикилади – гоҳ униси юкори чикса, гоҳ буниси пастга тушади.

26. Олов сув ичда ғаввос каби сузади, тог фалакда раккосдек ракс тушади.

27. Фалаклар бир-бирига урилиб булуғлардек баланд овоз чикаради, агар дев буни кўрса, девни кўриб кўркканинг ахволига тушади.

28. Тог ва фалаклар тарақ-тарақ киларкан, ҳар бир товушда «Алфириқ» – деган фарёд аён.

29. Бу ғавво барчага йўқлик шамоли эстунча бир неча дам давом этади.



30. У шамол енгил ёхуд оғир бўлиб эсмасин, бир дамда хеч нарса бўлмагандек хамма нарсани супуриб ташлайди.

31. Факат Тангри бокий колиб, Еру коинотда истикомат қилганлардан хеч ким қолмас! Ёр абадий бўлиб, душманларизиз даф бўладилар.

32. Еру фалакнинг йўку боридан, коинотдаги хамма нарсанинг опкору пинҳонлигидан...
33. ...Аллохнинг азаматига заррача фойда, жабарутига заррача зиён етмас!

34. Уша дамда «Мулук Унинг учун!» деган Сўз Унга хос бўлади, чунки жамики мулук Унга тобедир.

35. Ё Роббим, содир бўлиши анік кунга етсам ёки етмасимдан аввал оҳират диёрига кетсам...
36. ...ўша нафас менга иймонимни ҳамроҳ кил! Кўнглимда Аллоҳдан бўлак хамма нарсанни маҳв эт!

37. Барчага берган раҳматингдан менга хамнисор айла, хаммага ато этадиганинг лут-фингни менга ёр кил!

Лугат

Холики ашё – нарсаларнинг яратувчиси
Азамат – улуғворлик
Суд – фойда
Футур – бузилиш
Воҳиди доно – доно – билимли, илмиларнинг ягонаси бўлган Зот (Аллохнинг сифати)
Жабарут – улуғлик
Боргоҳ – подшоҳ қабулхонаси, каср

Зиёнбүд – зарар, зиён

Файёз – файзли, файз бағишловчи

Жуд – сахийлик, инъом

Катм – сир саклаш, беркитиш

Сожид – сажда килувчи

Сабуксанг – енгил тош, бевикор

Куханланг – телса тебранмас, шошмайдиган

Эъдом – йўқ бўлиши

Гунбадимино – зангори, шиша гумбаз – осмон

Спехр – фалак, осмон

Шамса – зарланган кубба; иморат пептогига кўёш шаклидан солинган тўтарак зарнакшлар

Дарк – англаш

Косир – ожиз, кусурли, кусурга йўл кўювчи

Вазъ – холат, ихтиро

Филмасал – масалан

Овуч – ҳовуҷ

Илдирим – чакмок

Ўтру – қарши, рўпара

Сарсар – кучли совуқ шамол

Кўйкан – тог казувчи; голиб

Нарьзан – наъра тортувчи

Жуал – гўнт кўнғизи

Қатъ – кесиш

Тез этмок – кучайтириш

Дариг – афсус, надомат

Курси кийр – кора кулча

Даф – уриб чалинадиган мусика асбоби

Навха – ғамли оҳанг, кўй

Зулматғизой – зулмат тарқатувчи

Шиоъ – нур, шулья

Бебок – бел парво, күркмас

Чўркамок – куйдириш

Табоҳ – бузук, хароба

Валвала – шов-шув, гала-ғовур, тўйполон

Хубоб – кўпик, сув юзасидаги пуфак

Ҳамла – интилиш, хужум

Итмок – йўқ бўлиш

Тах – ост, таг, қабат

Мисос – тегиш, ишқаланиш

Ғирев – шовкин-сурон, қийқирик

Девзада – девдан кўрккан

Алғирок – айрилик сўзи

Рустажеъ – ғавро солмок, тўйполон солмок

Кухун – эски, қадимги; оғир, қимирламай-

диган

Дайёр – яшовчи, истикомат килувчи

Муаббад – абадий

Ағёр – душман, ғаним

Ихфо – яширин, беркитилган

Изхор – очик

Мусаллам – тобе бўлган, таслим бўлган

Жазм – аник

Азм – азм қилмок – бормок

Маҳв – йўқ бўлиш

Сиваллоҳ – Аллоҳдан ўзга

Рахмати ом – умумий раҳмат

Нисор – бермок, беминнат тақдим этмок

Лутфи амийм – барчага тенг лутғ

БЕШИНЧИ БОБ УЧИНЧИ МУНОЖОТ

(Шарҳ)

Ўқиб келаёттанимиздек, достоннинг биринчи ва иккинчи муножотларида оламнинг яралиши, одамнинг вазифаси, киёматнинг койим бўлиши ҳакида сўз борди. Алишер Навоий раҳматуллоҳи алайҳ оламни молдий чегараларда эмас, балки гайб билан алоказдор холда кўради. Коинотнинг унинг Эгаси наздидаги макоми тўғрисида Фикр юритади.

«Хайрат ул-аброр» достонининг бешинчи боби учинчи муножотдан иборат бўлиб, унда маҳшаргоҳ тасвири берилган. Сарлавҳадан маълум бўладики, олам ҳам, коинот ҳам йўқлигига факат ўзи ҳеч қандай сабабсиз мавжуд бўлган Аллоҳ коинотни яратиб, яна уни ўйқликка ҳукм килиши фактат Унга хосдир. Алишер Навоий раҳматуллоҳи алайҳ Аллоҳни Вужуди Мутлак – мутлак мавжуд бўлган Вужуд деб сифатлайди. Бу сифатнинг замидида Аллоҳнинг борлиги Унинг Вужуди бирор сабабсиз равишда бўлишини такозо килиши ҳакидаги ҳакикат ётибди. Аллоҳнинг Вужуди – Аллоҳнинг зотидир, бирор унинг қандайлигини ҳеч ким билмайди, тасаввур ҳам эта олмайди.

Вужуд ахли – Аллохга итоат килган, Уни танинг Уни танинг Вужуди кошида ўзини йўқ деб билиб, ўзини буткул Аллохга бағишлаганлардир. Улар коинотнинг яралиши ва йўқликка юз тутишини Аллоҳдан ўзга зотга нисбат бермайдилар. Бу уларнинг олам ўз-ўзидан пайдо бўлиб, ўз-ўзидан йўқолади, деган кашни ботил хисоблаганларини ифодалайди.

Сарлавханинг кейинги кисми – исен зулматида оёқдан йикилганлар хақида. Улар иймон эгалари бўлиб, Аллохга итоат килишда хатога йўл кўйган, бирок Аллохга ёниб-кўйиб тавба-тазару этган, ўз нафсларининг осийилтидан азият чеккан мўминлардир. Улар учун Мухаммад солаллоҳу алайхि ва саллам киёмат куни Аллоҳдан афв тилайдилар. Алишер Навоий рахматуллоҳи алайх, муножот мазмумни шу йўналишда кечишини сарлавҳада мальум килган.

Бобнинг дастлабки байтларида Аллохга муружаат этилади – Аллохнинг қаҳрига борни йўқ қилиш, лутфига эса йўқни бор қилиш шиордир. Аллоҳ ўз лутфи ила йўқликдан киностни борликка келтирди, тўқиз қават фалакни бино қилди, катрани дентизга, заррани күёшга боғлаб кўйди. Коинотни қават-қават, устма-уст ҳолда барпо қилди. Иш шу кадар мукаммалки, унинг орасига битта килни сифдириб ёки сугуриб бўлмайди.

Аллоҳ шундай санъатни бунёд этгани билан уни барбод этиши осон, тўғри, акл буни

ўйлаб, даҳшатга тушади. Коинотни илгари бўймагандек йўқ қилиб юборгац, Аллоҳ янга ўз лутфини кўрсатади – ҳамма нарсани қайтадан вужудга келтиради. Бу хисоб учун, адолат учун вужудга келтиришидир.

Одамларнинг ўлимларидан минг йил ёхуд ўн минг йил, ундан хам кўпроқ вакт ўтсин – фарқ этмас, амаллари ёзилган дафтар бусбутун ҳолда кўрилади. Ўша ҳолни тасвириш учун Алишер Навоий рахматуллоҳи алайх Куръондаги Одидёт сурасининг 9 – 10-оятларини иктибос ўларок тақдим киласиди:

أَفَلَا يَعْلَمُ إِذَا بَعَثْرَ مَا فِي الْقُبُوْرِ
وَحْصِلَ مَا فِي الصُّدُوْرِ

Мално таржимаси:

«Ахир, у билмайдими, (киёмат койим бўлиб), **қабрлагилар** (тирилтириб) **чиқарилганида ва диллардаги сирлар ошкор қилинганида!..»**

Алишер Навоий рахматуллоҳи алайх «Зоҳир ўлур مَنْفَعَةٌ مِّنِ الْمَهْرِ» – яъни «Кабрлагилар (тирилтириб) чиқарилганида», – деб Махшар майдонида кабрлар ёрилиб, ўликларнинг тирилиб чиқшлари хақикатини таъкидлайди. Кейинги мисрада «Жилва қилур مَنْفَعَةٌ مِّنِ الْمَهْرِ» – «Диллардаги сирлар ошкор бўлур» ояти жилва қиласиди, деб охират куни одамзоднинг хеч бирни дили-



дагини Аллох, таолодан яшира олмагани, дунё ҳәётидаги амали гўзал кўринса-да, калбida қаллик, шубҳа-тумонлар бўлган инсонларнинг фош бўлишини назарда тутади.

Кейинти байтда эса Абаса сурасининг 34-оятини тўлиқ ҳолда келтиради:

﴿٢٤﴾
يَوْمَ يُرِيكُ الْأَرْضَ مِنْ أَنْجِيدٍ

Маъно таржимаси:

«...ўша куни киши ўз биродаридан қочур...»

Махшарнинг даҳшатидан бу дунёда дўст бўлиб юрганлар бир-бирларидан қочадилар. Чунки ҳамманинг ахволи ўзига мальум – ҳар бир инсон ўзининг дунё ҳәётидаги ҳолатидан нафрат этади, Махшар одамзоднинг фарёд ва чинкириги ила тўлади. Одамларга ўз китоблари – умри давомида килган амаллари битилиган битиклар топширилади. У китобда фактот разил ишлар кўринади, бу разил иш эмас, инсонларнинг юзи кора эканлигини ҳам билдиради. Онанинг киз билан, отанинг ўғил билан иши бўйлмай қолади. Бу эса Абаса сурасининг 35 – 36-оятларидаги хабарнинг айни маъносидир:

﴿٢٥﴾
وَإِذْ يَرَى وَإِذْ يَهْوَى
وَصَرْجِيلَهُ وَيَبْهَهُ

Маъно таржимаси:
«... (киши) яна онаси ва отасидан ҳам, хотини ва ўғилларидан ҳам (қочур)...»

Гунохкорлар занжирланган, бўййинларига, оёқ ва кўлларига кипсан урилган, журмлари – айблари елкаларига тоф каби юклантан жаҳннамазобидан суюклари эрийди, жаннатни кўриб, бир ҳасрат минг бўлади. Дўзах устидан тортилган кўпrik бехад ингичка, ҳаёлни кўриб бўлмаганидек, ўипни ҳам кўриш махол.

Аллох ўз адолатини, ҳукм ва мулк Мутглак лар ва авлиёлар ҳам ҳаёлга ботиб, ташвишга тушиб коладилар. Факаттина пайғамбаримиз Мухаммад соллаллоҳу алаайхи ва саллам бундан мустасно – ул зот соллаллоҳу алаайхи ва саллам Аллоҳдан жами гунохкорларнинг гунохини афв этишини сўрайдилар. Аллох эса қабул килади. Аслида, Расулуллоҳ соллаллоҳу алаайхи ва салламнинг бу максудлари ҳам Аллоҳнинг марҳаматидандир. Чунки Аллоҳ ул зот алайхис салоту вас саломни ўзига ҳабиб, дўст қилиб танлаб олган.

Алишер Навоий рахматулоҳи алайҳ Пайғамбаримиз соллаллоҳу алаайҳи ва салламнинг уммати орасида бир тоифа гунохкорлар – динга халал етказишдан бошқа иш килмаганлар жаҳннамга судраб келинаркан, агар Расулуллоҳ соллаллоҳу алаайҳи ва саллам



улар учун ҳам афв сўрасалар, ўзи ҳам ул зот
соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг кўзига кў-
риниб қолишини Аллоҳдан ёвориб сўрайди.

Айни шу илтижо бобнинг муножот мазму-

нини ўзида акс эттириши билан бирга муал-
лифнинг ўз нафсини Аллоҳ олдида накадар
хакир кўришини маълум килади. У ўзини
бириңчилардан бўлиб кечирилишини ёки
бевосита Аллоҳнинг марҳаматига эришиши-
ни дальво кимлайди, балки бехад хокисорлик,
гуноҳкорлик ва кўркув туйуси билан «динга
халал беришдан бошқа иши бўлмаган» уммат
ичида эканлигини эътироф килади, ҳолбуки,
умматнинг бу тоифаси жуда кўп; бу яна бир
мужим нуктани ифодалайди, яъни марҳамат,
раҳмат ва мағфират ёғиз Аллоҳга хослигини
билириш ҳамдир. Шунингдек, Аллоҳнинг
каҳридан хотиржам бўлмасликка ва марҳа-
матидан ноумид колмасликка ўзига хос чаки-
рик, десак, хато эмас.

**УЧУНЧИ МУНОЖОТ УЛ МАЛЬНИДАКИМ, ОЛАМ
ВА ОДАМНИ ВУЖУД КОШНОНАСИДИН АДАМ ФАРО-
МУШХОННАСИГА СОЛМОҚ ВУЖУДИ МУГЛАҚДИН
ЎЗГА ВУЖУД ГУТМАС ВА БУ МАЛЬНИНИ ВУЖУД
АХЛИ АНДИН ЎЗГА ВУЖУДКА МУГЛАКО ЁВУТМАС
ВА ИСЁН ЗУЛМАТИДА АЁҚДИН ТУШГАНЛАРГА ХУ-
ЛОСАИ ОЛАМ ШАФОАТИ ДАСТИРДУРУР ВА УЛ
ШАФИЙ ШАФОАТ ҚИЛГОНЛАРГА ХОЛИКИ ОЛАМ
ВА ОДАМ ШАФОАТПАЗИР**

1. Эй, килибон қаҳр ила лутғунг шиор –
Борни йўқ айламаку йўқни бор.
2. Йўқ эдилар хар неки – бор айладинг,
Фахму хирад борига ёр айладинг.
3. Ҳам тўқуз афлокни чектинг рафитъ,
Ҳам Кураи хокни ёйдинг василь,
4. Гар фалакиёту аносир дурур,
Борча самин кадр жавоҳир дурур.
5. Конию ҳайвони, агар худ набот,
Ҳар бири бир гавҳари олий сифот.



6. Борчасини гарчи латиф айладинг,
Борчадин инсонни шариф айладинг,
7. Қатрагача күлзуми захордлин,
Заррагача шамсай заркордин,
8. Они мунга, муни анга банд этиб,
Бир-бирига борчани пайванд этиб,
9. Воситалар бўлди аён тў-батгў,
Бир-бирига боғланибон мў-баму.
10. То тикилиб ушбу бийик боргот,
Бўлди мужайё бу улуғ коргоҳ,
11. Онча бўлуб вусъату оройиши,
Ким сари мў йўқ яна гунжойиши.
12. Борчасини бузмок агар истасанг,
Боштин-оёқ зеру забар истасанг,
13. Гарчи эрур акл ҳаросон, басе,
Ул доғи оллингдадур осон, басе
14. Чун килибон кудратинг изхорини,
Бирисининг кўймагунт осорини.
15. Эмдики жунбушга келиб баҳри жуд,
Зоҳир этарсен чу адамдин вужуд,
16. Кимки ҳисоб айласалар мавтидин,
Минг йилу ўн минг йил ўѓуб фавтидин,
17. Колабининг дафтари ажзо бўлуб,
Жузвлари лоятажаззо бўлуб.
18. Зоҳир ўлур «бубсира мо фил-кубур»,
Жилва килур «хуссила мо фис-судур».
19. «Явма яфирирул маръу мин ахих».
«Явма яфирирул маръу мин ахих».
20. Не кун ўшул оху надомат куни,
Оху надомат не, киёмат куни.
21. Аввалу охир эли зору асир,
Ҳар бир ўз ахволига тортиб нафир.
22. Бу чекиб ўз дарди учунвой-вой,
Йиглаб ул ўз меҳнатига хой-хой.
23. Қайси фифонким, жазаби Махшар ул,
Қайси йигиким фазали акбар ул.
24. Номалар эл олиға паррон ўлуб,
Кўрмагидин эл юраги кон ўлуб,
25. Борчаси исён била бадхўйлук
Бадхўлук ўйкки, сияхрўйлук.

26. Кизга ано бокмай, ўғулға ато,
Борчасининг оғзида: «Во ҳасрато!»
27. Ҳар сори журм ахли гуруҳо-гуруҳ,
Юкланибон журмлари кўх-кўх.
28. Ҳар бири бир ҳайъати хойил била,
Боғланниб ағлолу салосил била.
29. Ҳам тамуғ ўти солибон рустахе3,
Кўрмагидин эл сўнгаки рез-рез.
30. Ҳам гули фирдавс бўлуб жилвагар,
Ҳасрати дўзах ўтидин ҳам батар.
31. Кун қизигидин килибон маз жўш,
Кўкка чекиб ахли қиёмат хуруш.
32. Кўтпрук ўлуб, ўйлаки, тори хаёл,
Лек хаёле ки, ул ўлғай маҳол.
33. Кучланибон панжау бозуий адл,
Асрабон ойини тарозуий адл.
34. Ҳокими Одил бўлубон хукмрон,
«Дома лаҳул мулк ва лаҳул ҳукм шон».
35. Авж тутуб шульса жабборлик,
Мавж уруб лужкан қаҳкорлик,
36. Ҳам мутафаккир бўлубон авлиё,
Ҳам мутахаййир қолибон анбиё.
37. Гайри набийи арабий ул нафас,
Ким бўлубон ҳалқ Шағилю, бас.
38. Гоҳ Сирот устигача рўй уруб,
Лахзай мезонға таку пўй уруб.
39. Солибон оғзига бийик химмати,
Замзамаи «Уммати, во уммати!»
40. Йўқки, ҳамин уммати гумроҳни,
Балки, тилаб мо холакаллоҳни!
41. Ҳарне таманноки – Расул айлабон,
Борчасини Тентри қабул айлабон.
42. Бўлса не максудга майли аниңг,
Ҳакдин ўлуб барча туфайли аниңг.
43. Ё Раб, аниңг ҳакқики, қилдинг насиб,
Мартабаиким, Санга бўлди ҳабиб!
44. Ким бу сифат анжумани ғам аро,
Ғам демайин, мажмами мотам аро,
45. Ким ани оламға Шағиъ айлагунг,
Сўзига лутғунгни мутиль айлагунг.



46. Бўлгуси журм ахлини истар замон
Истамагию караминг тавъамон.

**БЕШИНЧИ БОВ
УЧИНЧИ МУНОЖОТ**

(Насрой баён)

47. Умматидин келса бир ул навъ хайл,
Ким борига бўлса жазо чоҳу вайл,

48. Умрида келмай биридин бир амал,
Гайри хатоеки, толиб дин халал.

49. Жонлари андух ўтидин гам аро,
Юзлари исён тутунидин каро.

50. Истаса, ул қавм ҳалосини ҳам,
Кўзига учрат мени – осийни ҳам.

Учинчи муножот шу маънодаки, олам ва одамни вужуд кошонасидан ўқклик Фаромушхонасига солмоқ. Вужуди Мутлакдан ўзгага хос эмас ва буни вужуд ахли Ундан бошка вужудга асло яқинлатмас; исён зулматида оёқдан йикилганларга Хулосаи Олам – Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шафоати кўл тутади ва ул Шафий зот алайхиссалоту вас салом шафоат килганларга Оламнинг Холики – Аллоҳ таоло ҳам, одамлар ҳам шафоатхоҳлик ила бокқайлар

1. Каҳр ила лутғинг борни ўқ айланни ва йўқни бор этишни одат килган Зот!
2. Оламда ҳеч нарса йўқ эди, Сен бор айладинг. Бор қилгач, уларнинг ҳаммасига фахм ва аклни ёр этдинг.
3. Тўқкиз кат осмонни баландлатдинг, Ер курасини кент қилиб ёзиб кўйдинг.
4. Фалаклар ёки моддалар олами бўлсин – ҳаммаси қимматбахо жавохирлардир.
5. Конлар, тириклик ёки ўсиммиллар – уларнинг хар бири олий сифатли гавхарлар кабидир.

6. Яратикларнинг барчасини латиф килган бўлсанг-да, уларнинг ичидан инсонни шарафлантиришт.
7. Улкан дарёлардан тортиб катрагача, күёшдан заррагача...
8. ...уни бунга, буни унга банд килиб, барчасини пайвандладинг.
9. Воситалар устма-уст, кават-кават холда аён бўлди, улар бир-бираига боғланиб, тугалик касб этди.
10. Буюк чодир тикиди, улуг ишхона мухаже бўлди.
11. Бу кенглик, бу зийнат шу кадар мукаммалки, унинг ичига ортиқча бир тола килҳам симайди.
12. Агар Сен булаарнинг ҳаммасини бузишини, бопдан-оёқ остиини устига чикаришни истасанти...
13. ...бу ишдан акл вахимага тушса-да, бу Сенинг олдинга бехад осондир.
14. Курдатингни шундай изхор этасанки, яратикларнинг заррача колдиги ҳам колмайди.
15. Сўнг саховат дентизини тўлкинлантириб, яратган нарсаларингни кайтадан ўйқликдан вужудга келтирасан.
16. Кимки ўлимидан кейинги вақтни хисоб айласа, йўкликка юз туттганларидан сўнг минг йил ёхуд ўн минг йил ўтадими...
17. ...дунё ҳайтида танаси бажарган амаллари ёзилган дафтари варакланади, дафтарниг бирор вараги йўқолмайди.

18. «Киёмат куни кабрдагилар чикарилганда» ояти зохир бўлади, «Диллардаги сирлар ошкор килинганда» ояти жилва этади. (Одиёт, 9 – 10)
19. «Аллоҳ таолонинг яратиклар унда (Махшарда) бўлган кунда» «...киши ўз биродаридан қочур» (Абаса, 34)
20. У қандай кун? Оху надомат, балки, киёмат кунидир у!
21. Аввалу охир эли зору асир бўлиб, ўзларининг дунё ҳаётидаги ахволларидан нафратгланадилар.
22. Буниси дард чекиб: «Вой» деса, униси ўз машаккатига «хой-хой»лаб йиглайди.
23. Пундай фигонки, у Махшарнинг фарёдидир! Шундай йигики, энг улкан вахм, улкан кўркинчdir!
24. Амаллари ёзилган номалар одамларнинг олдига гўё «учиб келади», уларни кўриш билан ҳамманинг юраги қонга тўлади.
25. Чунки амал дафтарларидаги кўринган ҳамма иш ёмон ишлардан иборат. Қандай ёмон иш! Балки, бу юзкораликдир!
26. Кизга она бокмайди, ўғилга ота карамайди, барчасининг тилида: «Во ҳасрато!» – сўзи янграйди.
27. Хар томонда гуноҳкорлар ахли гурух-гурӯх бўлиб, уларнинг елкаларига ёмон амаллари тоф-тоф килиб юкланади.



28. Уларнинг хар бири даҳшатли кўринишда – бўйинларида темир бўйинтуруулару ўзлари кипланланган холда келадилар.
29. Хам жаҳаннам олови кўркинч соладики, уни кўриб одамзод суклари майда-майда бўлиб кетгандек азоб чекади.
30. Хам жаннатнинг гули бир томонда жилва киладики, унинг ҳасрати дўзах ўтидан кўра оғиррок кечади.
31. Күёшнинг кизиши мияни қайнатади, киёмат ахлининг чинкириги кўкни қоплаб олади.
32. Жаҳаннам устидаги кўпприк хаёлнинг ишига ўҳшайди, шундай хаёлки, уни кўришнинг ўзи маҳол.
33. Адолат билаги ва панжаси кучга киради, уадолат тарозисининг ишини маҳкам ушлайди.
34. Одил Ҳоким бўлган Аллоҳ мутлак хукмронлигини кўрсатади, мулк фактат Унга тегишли эканлити, хукм бериш фактат Унинг шашнида бардавомлиги юзага чикади.
35. Аллоҳнинг ал-Жаббор – Унинг олийлиги, Унинг кошида ҳамманинг ҳақир ва ҳор эканлиги шульга каби оламга намоён бўлади, Аллоҳнинг ал-Каххор – барча махлукотларни ўз измида тутиб, ўз кудрати ила бўйсундириб туриши дентизнинг энт тубидан кўтарилган тўлқиндек ҳаммага исбот этилади.
36. Бу ҳолдан авлиёлар тафаккурга ҷўмадилар, анбиё – пайгамбарлар ҳайратда коладилар.

37. Факат арабий пайгамбар – Мухаммад солаллоҳу алаиҳи ва салламдан бўлак! Чунки ул зот солаллоҳу алаиҳи ва саллам ҳалқнинг шафоатхоҳи – ҳалқнинг гуноҳи учун Аллоҳдан афв олиб бергувчиdir.
38. Расулуллоҳ солаллоҳу алаиҳи ва салламгоҳ Сирот – кўпприк устида пайдо бўладилар, ҳар лаҳзада тарози ёнида югуриб-еладилар.
39. Муборак оғизларига буюк химматни солиб, «Умматим! Умматим!» – дея нола киладилар.
40. Ул зот солаллоҳу алаиҳи ва саллам факат шу гумроҳ умматнингина эмас, балки, Аллоҳ нимаики яратган бўлса, ҳаммаси учун афв тилайди!

41. Расулуллоҳ солаллоҳу алаиҳи ва саллам нимани сўрасалар, Аллоҳ ҳаммасини кабул килади.
42. Аслида ул зот алаиҳиссалоту вас салом нимани истаган бўлсалар, бу истаклар Аллоҳнинг ҳохиши, марҳаматидир.
43. Ё Раб, Мухаммад солаллоҳу алаиҳи ва салламнинг ҳақлари ўлароқ нимаики насиб этган бўлсант, бу мартаба Сенинг ҳабибинг бўлганлари учундир!
44. Бундай ғам анжумани, балки мотам йиғилиши ицида...
45. ...Ул зот солаллоҳу алаиҳи ва салламни оламга шафоатчи киласан, айтган сўзларига лутфингни бўйсундирасан.



46. Расулуллох, соллаллоху алайхи ва саллам гунохкорлар ахли учун Сендан кечирим сўрар эканлар, сўраплари ва Сенинг караминг гўё этизак бўлади.

47. Умматларидан шундай бир гурӯхи келсаки, уларнинг ҳаммасига ҷоҳу азоб жазо бўлса...

48. ...уларнинг умрида динга халал берадиган хатодан бўйлак амали топилмас...

49. ...жонлари андух ўти сабабли ғам чангалида, юзлари исён тутунидан коп-кора -

50. Расулинг соллаллоху алаиҳи ва саллам ўша қавмнинг хам хатосини сўраса, ўша онда мен осийни хам кўзларига учрат, Аллоҳим!

Лугат

- Рафигъ** – баланд
- Василь** – кент
- Фалакиёт** – астрономия
- Аносир** – моддалар, унсурлар
- Самиин** – қимматбаҳо
- Набот** – ўсимликлар
- Куизум** – дентизз
- Заххор** – тўлқинланувчи, тўла, серсув
- Заркор** – зарланган
- Тў-багу** – кават-кават, устма-уст
- Мў-бамў** – бирма-бир, тугал
- Вусъат** – кенглиқ
- Мў** – соч толаси
- Гунжойиш** – киргизиш, сиёдириш
- Зеру-забар** – оству уст

Ҳаросон – кўрккан, вахимага тушган
Осор – асарлари, колдиклари
Баҳри жуд – саховат дengизи

Мавт – ўлим
Фавт – йўқолиш, емрилиш

Қолаб – тан; колип
Ажзо – варак-варак

Жуз – бўйлак, қисм
Лоятказзо – бўйлинмас, иккиланмас

Нафир – нафраланувчи
Жазаби маҳшар – Махшардаги фарёд

Фазави акбар – (фазаль – кўркинч, вахм) ул-кан фарёд
Паррон – учувчи, парвоз қилувчи
Бадхўйлук – ёмон фебъллик, совук қиликли

Сияхруйлук – юзи коралик
Кўх-кўх – топ-топ
Хайъат – кўриниш
Хойил – даҳшатли, ваҳимали
Ағтол – бўйинтуруклар, кишсанлар

Салосил – занжирлар
Томуғ – жаҳаннам, дўзах

Сўнгак – суюк
Рез-рез – майдо-майдо

Фирдавс – жаннат

Батар – ёмонрок

Марз – мия

Жўш – кайнамок

Хуруш – кичкирик, хайкирик; тўполон



Тори хаёл – хаёл или

Бозу – билак

Ойин – одат

Адл – адолат

Лужжа – дентизнинг энт чукур жойи

Шафир – шафоат сўровчи

Рўй – юз, чехра

Мезон – тарози

Таку пўй – югуриб-елиш, хар томонга ўзини уриш

Хамин – ушбу

Мо холакаллоҳ – Аллоҳнинг яратиклари

Таманно – орзу, хоҳил

Майл – истак

Мажмаль – ўигилиш

Журм – гуноҳ

Тавъамон – этизак

Ул навъ – шундай

Вайл –вой, афсус, надомат

Танишиб чикканимиздек, «Хайрат ул-аборр»нинг биринчи боби «Бисмиллах» ва «Бисмиллах»нинг таърифи билан бопшланди. Иккиминчи боби Аллоҳга ҳамд бўлиб, унда Аллоҳнинг ал-Холик сифати тилга олинди, оламларни яратган зотга мактovлар йўлланди. Учинчи бобда оламнинг яралиши, тўртинчи бобда киёмат койим бўлиши ва бешинчи бобда Махшар майдонидаги воеалар баён этилди.

Мавзуларнинг бундай мундарика асосида бориши Куръонни очувчи бўлган сурा – Фотиханинг мазмунини ёдга солади. Муборак суранинг дастлабки тўрт оятига диккат каратсак:

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

الْحَمْدُ لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

مَبْرُوكَ بِيَوْمِ الْيَقِينِ

Мально таржимаси:
«Рахмон ва Рахим бўлган Аллоҳнинг иоми билан!»

Ҳамд – мактov оламларнинг Роббиси Аллоҳгаки, у Рахмон ва Рахимдир! У жазо (ва мукофот) кунининг Эгасидир!»

ОЛТИНЧИ БОБ

ТЎРТИНЧИ МУНОЖОТ

(Шарҳ)



Кўриб турганимиздек, Алишер Навоий раҳматуллохи алайх «Ҳайрат ул-аброр»нинг мавзу йўналишини Куръони каримдаги Фотиха сурасининг мазмунига айнан эргашган холда, аникрок айтсак, муборак сурा маъноларини кентрок шарҳлаш, бадиий йўсинда тушутириш билан белгилаган.

مَلِكَ يَوْمَ الْبَيْتِ

Алишер Навоий раҳматуллохи алайх тўртинчи муножотнинг сарлавхасида айтиладики, Аллоҳнинг инояти шамол янглиғ ёсса, иймон келтирган бандаларнинг осийликларини хасу хашак каби учирив юборади ва гунохкорларнинг тог каби лантарлар ташлаб, тўхтаб колган кемаларини максуд соҳилига етказиб кўяди.

Аллоҳнинг раҳмати, магфирати бехад кент. Куръоннинг Аъроф сураси 156-оятида Аллоҳ, истаган кишислига азоб етказиши, бирор куръони нарсадан кентглиги маълум килинган:

عَدَىٰ أُصِيبُ بِهِ مِنْ أَشْكَأَ وَرَحْمَيٌ وَسِعَتْ كُلُّ شَيْءٍ

Маъно таржимаси:

«Азобимни хоҳлаганим кишига етказурман, аммо раҳматим ҳамма нарсадан кенгдир».

Маъно таржимаси:

«У – Аллоҳ жазо (ва мукофот) кунининг Эгасидир» оятига мувофиқ бешинчи бобда Махшар майдонида содир бўлажак ходисалар хакида сўз борди. Ўрганишга киришганимиз олтинчи боб достондаги тўртингчи муножотдан иборат бўлиб, бевосита Махшар куни во-кеаларининг давоми хисобланади.

Тўртингчи муножотнинг сарлавхасида айтиладики, Аллоҳнинг инояти шамол янглиғ ёсса, иймон келтирган бандаларнинг осийликларини хасу хашак каби учирив юборади ва гунохкорларнинг тог каби лантарлар ташлаб, тўхтаб колган кемаларини максуд соҳилига етказиб кўяди.

Аллоҳнинг раҳматига бу оламнинг ўзида бир канча мисолларни кўрамиз. Масалан, тун канчалик коронгу бўлмасин, уни лутф күёши ёритади, зулматни кетказади. Кўёш порлаб, тонг отгунича тунни ой нурлантириб туради. Аслида, исён туни бўлмаса, афв чирогининг ну-





рини қандай килиб кўриш мумкин? Гунох олов каби ёнмаса, ёндири маса, карам булутиниңг ёмғирлари хаётбахш, нажотбахш эканлигини биз англармидик! Хирка кийган – Аллоҳ, йўлида дунёни унугутган зотларнинг этаклари айбу нукусон ила кирланмаса, иноят дарёси сувлари или уни поклапта эхтиёж түгилармиди?!

Дунё хаётида зоҳидлар бор – улар охирагта фойда келтирмайдиган ҳамма ишдан воз кечалилар, ўзларини факат гунохдан эмас, хатто бехуда ишлардан ҳам пок тутадилар. Ибодатга берилган зотлар дунё лаззатларидан юз ўтириб, харобаларда яшайдилар. Бирок инсон калби сирга тўла. Нафсу шайтон ҳужуми зинхор тўхтамайди. Инсоннинг ожизлиги шуки, дунё хаётида бир неъматдан ўзини уса, унинг ўрнига жаннатдан берилажак юзга мукофотга кўз тикиди. Харобаларда умр ўтказаркан, Аллоҳнинг жаннат ичида куриб берадиган қасрларини орзу қиласи. Шахватини тиyrкан, эвазига хурлар насиб этишини хоҳлади.

Алишер Навоий раҳматуллоҳи алайҳ, наздида, жаннатта бўлган хирснинг, истакнинг кучли бўюлиши инсоннинг холис Аллоҳга юзланишига тўсик бўюлиш эҳтимоли бор. Бундай инсонлар Аллоҳга мухаббат туфайли эмас, балки жаннатга ишқи сабабли ибодат қиласи. Ҳолбуки, чиндан Аллоҳнинг мухаббатини ва ризосини истаган мўмин жаннатнинг неъматларидан кўра Аллоҳнинг ризосини,

муҳаббатини қозониш ҳакида ўйлайди. Аллоҳ ва ўзининг орасига на жаннат истаги, на жаҳаннам кўркуви парда тортиб кўйишидан кўркади. Калбини бу кабилардан поклаб, ўзи ни буткул Аллоҳнинг кошида таслим килиши учун курашади ва шу максадда яшайди. У жаннат тамаси ё дўзах кўркуvida эмас, балки Аллоҳнинг амри бўягани учун сидкидилдан ибодатларни адо этади. Аллоҳнинг фарзлари, Расулуллоҳ соллалоҳу алайҳи ва салламнинг суннатларини жону жаҳди билан бажаради.

Агар жаннатга кириш ва жаҳаннамдан сакланиш учунгина иболат килганлар мукофотларини олсалар-у, бошка гунохкорлар жазога буориша-чи! Алишер Навоий раҳматуллоҳи алайҳ гунохкорлар афву марҳаматга кўпроқ сазовор деб ҳисоблайди. Бу ўринда Аллоҳнинг ҳузурида ўзини факат гунохдан иборат деб билган, ҳар қанча гўзal амаллари бўймасин, уларни кўзи кўрмайдиган, кўзи факат Аллоҳнинг азамати, жалолияти, иззати ва олийлигини кўрадиган мўминлар назарда тутилмоқда. Чунки инсон илм эгаллашда, хилм соҳиби бўлишда, хайр амалларни бажаришда юксалгани сайн унинг учун ҳатар кучаяди. Бу ўз амалига маҳлиё бўлиб, ўзига баҳо бериб кўйиш хатаридир. Ўз амалини хуш кўрган бандада Аллоҳга хуш келмайди. Чунки банданинг ишларига баҳо берадиган, қабул ё рад киласидиган Аллоҳдир.





Алишер Навоий рахматуллохи алайх гунохкорлар охират куни азоб ва итиробда оху фарёд чекаркан, Аллохнинг инояти дентиз каби жўшган паллада ўзининг ҳам кечирилишини сўрайди.

**Гарчи гунахнинг ҳаду поёни йўқ,
Айламасанг раҳм ҳам, имкони йўқ –**

байтининг замирида эса Зумар сурасининг 53-ояти мазмунини кўрамиз:

قُلْ يَعْبُدُ اللَّيْنَ أَسْرَوْهُ عَلَىٰ أَنْشِئُهُمْ لَا يَكُنْ طَرَأً مِّنْ رَحْمَةِ اللَّهِ إِنَّ اللَّهَ يَعْفُرُ الظُّوبَابَ بِجَمِيعِ إِلَاهٍ هُوَ الْغَفُورُ الرَّحِيمُ

Майно таржимаси:

«Сен (Менинг тарафимдан): «Эй ўз жонларига исроф (жабр) қилган бандаларим, Аллохнинг раҳматидан ноумид бўлманг! Албагта, Аллох барча гунохларни мағфират этар. Албагта, ўнинг ўзи ўта мағфиратли ва ўта раҳимли Зотдир», деб айт!»

Алишер Навоий раҳматуллохи алайх дунё хаётида зуҳду варъя ила умр кечирганлар жаннатга кириб, осийлар жаҳаннамда ёнипи мумкин эмас, деган сўзларининг исботи учун бир канча мисоллар келтиради, хусусан, агар гунохкорлар афв этилмаса, раҳмат ҳазина-

си нечун?! Асир ва гадоларни Аллох ўзининг неъматлари дастурхонидан ҳайдалиши мумкини?! Овқат очга, кийим яланочта берилгани тўғри иш бўлганидек, булатнинг дengiz ёстига сув тўкканидан кўра куриган бокка ёниши айни марҳаматдир. Мазкур битиклар Абу Храйра розияллоҳу анхудан ривоят қилинган ушбу ҳадисни ёдга солади:

«Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи ва салламнинг: «Ҳеч кимнинг амали уни жанинга

олиб кирмайди», деб айтганларини эшигдим. Шунда сахобалар: «Ё Расулуллоҳ, сизни ҳамми?» деб сўрапди. У зот алаихиссалом бундай жавоб қилдилар: «Аллоҳ тамолонинг раҳмати

ва фазли мени ҳам ўраб олсанга (кираман). Тўғри бўлинглар. Бирортаниз ўлимни орзу килласин. Агар у яхши одам бўлса, шояд яхшилиги зиёдалашса. Ёки շунохкор бўлса, шояд тавба килса» (Илом Мусталим ривояти).

Олимларнинг айтишича, ҳадисда келган «Ҳеч кимнинг амали уни жаннатга олиб кирмайди» жумласи амал билан кибрланмаслик кераклиги хакидаги огохлантиришdir. Инсоннинг хайр амали Аллохнинг раҳмати ва карами билан унга фойда бериши мумкин. Мўмин қилган амалига эмас, балки ёлғиз Аллохнинг фазлига кўз тутиши лозим. Ана шу маънони юзага чиқариш учун Алишер Навоий раҳматуллохи алайх инсонларнинг амали билан жаннатга кираман, деб ҳисоб-



лаши беҳудалитини таъкидламокда. Имом Термизий ривоят килган ҳадисда айтиладили, Аллоҳ таоло, агар ширк келтирмаган бўлса, ўзига дуо қилганларни, ўзидан умидвор бўлганларни кечиради. Ҳусусан, ушбу ҳадиси кудсийда Аллоҳ таоло: «Эй одам боласи! Агар гуноҳларинг осмоннинг тепасига етган бўлса, кейин Менга истиғфор айтсанг, сени мағфират қилурман. Парво қилмайман. Эй одам боласи! Менга ер тўла гуноҳ или рӯбарў келсанг, аммо Менга ширк келтирмаган бўлсанг, Мен сенга ўшанинг мислича мағфират или рӯбарў келурман», – деган.

Алишер Навоий муножотнинг сўнгидаги жаннат ва жаннатдаги хурларга эмас, балки Аллоҳнинг ризоси, мухаббати ва жамолига талабгорлигини баён килган.

1. Эй караминг оллида кўхи гуноҳ, Елта уцуб, ўйлаки, бир парри коҳ.
2. Нечаки жамъ ўлса сомон кўх-кўх, Ел қошида анга не бўлғай шукух?!
3. Жумла жаҳон аҳли хото килсалар, Журм билан нома каро қилсалар,
4. Номани ок айламак осон санга, Ким, йўқ ўшул амрда нуксон санга.
5. Гунки, тузуб шульбада ҳангомасин, Килди каро аҳли жаҳон номасин.
6. Лутф кўёшига чу бердинг зуҳур, Мехр или қилдинг бори зулматни нур.

ОЛТИНЧИ БОБ ТЎРТУНЧИ МУНОЖОТ

(Матн)

Тўртунчи муноҗот қарам дарёси васфи-даким, иноят насимидин мавжға кирса, исён хасу хошокин қироғларга итуур ва кўхи гуноҳдин лангар солғонларнинг га-ронжонлик кемасин бир пари коҳдек мак-суд соҳилига еткуур



7. Чун санаме айлади эл кийнидан,
Гулни нихон сунбули мулкенидин.
8. Елни килиб чобуки буркаъ рабой,
Кече саводида аён килдинг ой.
9. Афв ҷароги қачон ўлгай ёрук,
Қилмаса исён туни осий ёзук?
10. Журм ўтига бўлмаса гар шульга тез,
Абри қарам кайда бўлур каттра рез?
11. Қилмаса олуда этак хиркалўп,
Хожат эмас баҳри иноятка жўп.
12. Йикмаса май айлабон элни асир,
Лутф илиги кимга бўлур дастир?
13. Зухд ила қавмеки, варъ қилдилар,
Килғон учун музд тамаш қилдилар.
14. Ҳар амалеким, киши хайр айлагай –
Коми буким – равзада сайр айлагай.
15. Айламаган май била олуда лаб,
Тонгла қилур бодали кавсар талаб.
16. Мунда жамил истамаган ҳеч кас,
Анда қилур хур жамолин хавас.
17. Гўшаи вайронани қилғон паноҳ –
Касри мурассасъ тилар – оромгоҳ.
18. Ҳар киши бир катъ таматгуъ қилур,
Муздини юз онча таваккуъ қилур.
19. Ахли варъ гар бори музд олсалар,
Нома сиях ҳайл бокиб колсалар,
20. Айламагинг афви хато, бас, қани?!
Баҳри қарам бирла ато, бас, қани?
21. Лутфу қарам баҳри лаболаб туруб,
Бир неча лаб ташнанинг оғзи куруб,
22. Барчаларин ташна лаб ўлтурмагинг,
Ё бу тенгиз теграсидн сурмагинг,
23. Мумкин эрурму экин, оё, бу иш?
Айлагасен сен ҳар иш, илло, бу иш!
24. Ҳар киши осию гунахкоррор,
Афв ила раҳматка сазоворрок.
25. Ахли варъ ажри бўлуб гар биҳишт,
Кўйса томутг ўтига исён сиришт;
26. Ул топибон равзани этса фарор,
Дўзах аро бўлса мунга дарду дод;
27. Лутфу қарам ганжини неткунг дурур?
Кимга атову қарам эткунг дурур?
28. Бир неча мұхтожу асиру гадо,
Юзлари силлий гунахдин қаро,



29. Кайтса хони ниамингдин сенинг,
Хошо, лутфу карамингдин сенинг!

ОЛТИНЧИ МУНОЖОТ

(Насрий бадж)

30. Хон анга ёйғилки – эрур муштахи,
Тўқ емас, ар еса бўлур мумтали.
31. Ўтса куруб қолғон экиндин булут,
Баҳр уза ё асрари, ё ёғди, тут.
32. Ансаб анга лукмаки, ул оч эрур,
Авли анга тўнки, ялангоҷ эрур.
33. Бу бори афсонаи бехудадур,
Кимки, сен уммидисен – осудадур.
34. Ё Раб, урадла караминг баҳри жўш,
Чексалар ул хайл фифону хуруш.

Тўртингчи муножот карам дарёси васфида-
ни, иноят шабадасидан тўлқинланса, исён-
тиради ва гунох тогидан лангтар солганинг
нинг оғир кемаларини куриган сомоннинг
парчаси каби максуд соҳилига етказади

1. Эй Аллоҳу Карим! Караминг олдидагу-
ноҳ тօғлари чириган сомон парчаси каби елга
учиб кетгайд!
2. Сомонларни йиғиб, тօғ-тօғ килиб ба-
ланд кўттарган билан шамолнинг каршисида
унда шукух ё кувват коладими?
3. Жумла жаҳон аҳли хато килиб, гуноҳла-
ри ила амаллари ёзилган китобларини кора
килсалар...
4. ...у номаларнинг корасини кетказиб, ок
айлаш Сентга осондир! Чунки Сенинг амринг
ижросида нуксон бўлиши мумкин эмас!
5. Тун найранги хантомалар килиб, жаҳон
ахлининг номасини корайтириди.
6. Лутф күёшини намоён этдинг – бутун
зулматни офтоб ила нурга چуғадинг.



7. Инчунин, санам элга бўлган гина ва адомати сабабли гулни қора сунбул билан билан яширди.

8. Елни хижобни кўтарувчи қилиб, туннинг корасида ойни аён килдинг.

9. Исён туни гунох, кимаса, афв чироги кандаё килиб ўз нурини кўрсатиб, ёруғлик баҳши этиши мумкин?

10. Айбу нуксон ўти шульланиб ёнмаса, карам булути септан катралар кайдан бўлсин?

11. Хирка кийғанлар этакларини кирлантириласалар, иноят дарёсининг жўшмоғига ҳожат йўк.

12. Май элни асири қилиб, оёқдан йикитмаса, лутғу кўли кимни тутади?

13. Зуҳд билан ўзларини пок тутган инсонлар бу амаллари учун хамиша мукофот тамаш килдилар.

14. Кипши кандаё хайрли исп қимасин, максади – жаннат ичиди сайр қилишибир.

15. Май билан лабини кизартиргатсанлар тоңгла Махшарда кавсар бодасини талаб этадилар.

16. Дунё хаётida гўзаллик истамаган хар кас охириат куни хурнинг жамолига етмокни ҳавас қиласи.

17. Вайрона гўшаларни паноҳ қилиб юрганлар жаннатнинг зийнатланган касрлари ўзига оромтоҳ бўлишини хоҳлади.

18. Дунё неъматидан ўзини бир марта кесган инсон шу ишининг мукофотига юз марта кўз тутади.

19. Шундай тоифадаги аҳли варъ ўз амаллари учун мукофот олсалар, номаси қора бўлганлар эса бокиб қолсалар...

20. ...бас, ҳатоларни афв қилишинг қаерда колади? Карам дengизи ва саховат-чи?!

21. Лутғу карам дарёси тўлиб-тошиб турса, бир неча лаб ташнанинг оғзи куруб...

22. ...уларнинг хаммасини чанкок холда ўлдиришинг ё бу дengиз атрофидан ҳайдаб юборишин...

23. ...шу испни қилишинг мумкини, эй Аллоҳ?! Сен ҳар кандаё испни ирода қилишинг мумкин, бирок бу испни, асло!

24. Чунки осий ва гуноҳкоррок бўлган инсонлар афву рахматга сазоворроқдир.

25. Аҳли варъ жаннатларни ўзлари учун ажру мукофот ўларок кўлга киритсалар, исёнкорлар жаҳаннам оловида куйса...

26. ...униси жаннатдан фароғат топса, буниси дўзахда дарду доғ ичиди қолса...

27. ...лутғу карам ганжини нима қиласан?! Кимга карам ва саҳоват кўрсатасан?

28. Юзлари гунох зарбасидан корайған бир неча муҳтоҷлар, асиirlar, гадолар...

29. ...Сенинг неъматларинг дастурхонидан қайтсалар, йўк! – лутғу карамингдан бебаҳра Колсалар, наҳот!



30. Даастурхонни штахаси борларга ёз, тўқ
хеч нарса емайди, чунки esa, у тўлиб кетади.

31. Куриган экин устидан булут ёғмасдан
ўтиб кетса, дениз узра ёғиш учун ўзини асрар-
дими? Денгизга ёғадими, ёғмайдими – фой-
ласи йўқ.

32. Овкат ейшга оч одам муносиброк, тўн
яланочга берилгани афзал.

33. Бу айтилган гапларнинг барчаси беҳуда
– Сендан умиди борлар – хотиржамдирлар.

34. Ё Роббим, саховатинг дентизи тўлкин-
ланганида бир гурухки, чинкириб, оху фарёд
кўтарсалар...

35. ...гарчи улар килган гунохнинг хадду
поёни йўқ бўлса ҳам, уларга раҳм қилмасант,
имконсиз!

36. Лутф пардаларини кўтариб, уларнинг
килган ва қилмаган гуноҳларини кечирсанг...

37. ...уларнинг барчаси оқизликларини
эътироф этганлари, таслимиятлари сабабли
эҳтиром топсалар, Навоийни ҳам уз лутфинг-
дан маҳрум килма!..

38. Унга хур ва жаннат ҳавас эмас, Сен унга
бўл, унга шу етарлидир!..

Лугат

Гаронжонлик – вазминлик, оғирлик

Пари коҳ – сомон, чириган сомон парчаси

Журм – гуноҳ, айб

Шульбада – ўйин, найранг

Чобук – тез, чаккон, шўх

Буркаль – парда, хижоб

Рабой – сўзга кўшилиб, «тортувчи», «очувчи» матьносини берадиган кўшимча

Савод – кора

Ёзук – гуноҳ

Абри карам – карам (саховат) булути

Олуда – бўлғанган, кир бўлған

Музд – мукофот

Таматтуб – баҳраланиш, фойдаланиш

Таваккъуб – кутиш, умид килиш, кўз тутиш

Исён – итоатсизлик

Сиришт – табиат, яратилиш

Силий – шапалок, мушт

Хони ниам – нетъматлар хонтахаси (дастурхони)

Хопо – хеч качон

Муштахи – штахали

Мумтали – тўла, тўлган

Ансаб – муносиброк

Авли – азалрок

Саропарда – катга парда

Кардау нокарда – килинган-қилинмаган





ёки суннатлари хамда Исломиятга қилган буок хизматлари акс этади.

**ЕТТИНЧИ БОВ
БИРИНЧИ НАБТ
АВВАЛГИ НАБТ**

(Шарх)

«Хайрат ул-аброр»нинг еттинчи бобидан Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг туғибагишланган наътлар болшланади. Наът – пайғамбаримиз Мухаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг сифатлари мадж этилган шेърдир. Бу шеърларнинг шакли турлича бўлиши мумкин – газал, маснавий, китъя ёки руబий кўринишида битилган байтлар Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг мактовларига багишланган бўлса, у наът хисобланади.

Алишер Навоий ижодида наътлар муҳим ўрин тутади. Буок мутафаккирнинг «Ҳазоринул маоний» кулиёти ва бошқа барча ри-солаларида ҳамд ва наът ажралмас кисмидир. Алишер Навоийнинг наътлари асар гояси Расууллоҳ, соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннат ва ҳадисларига мувоғиқ эканлитини тушунитиради ҳамда пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламга бўлган издолшлиқ ва умматлик мухаббатини изхор этади.

«Хайрат ул-аброр» достонидаги беш боб наът ўналишида бўлиб, уларда Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳаётлари

Сарлавҳада келган «зот баҳри» (зот денгиз)дан мурод – Аллоҳнинг сўзицир. Достоннинг иккинчи бобида ҳам зот баҳри тўрисида гап борган бўлиб, биз бу тамсил замирида: «Аллоҳнинг зоти олдида коинот дениз юзидаги бир тўлқин кабидир», – деган маъно борлигини айтган эдик. Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг нури ҳакидаги ушбу бобда ҳам «зот баҳри» тамсилига учрадик. Бу тамсил қайси манбага таъниб кўлланаётгани Куръони каримдаги Каҳф сурасининг 109-ояти мазмуни билан танишсак, ўйдинлашади:

فَلَوْكَانَ الْجَرْمُ مِدَاكَمَتٍ رَّيْلَغَدَ الْجَرْمُ قَبَلَ أَنْ تَنْدَكَمَشَ
رِيْلَوْجَنَاتَنَيْشِلَهِ، مَدَا



Маъно таржимаси:

«Айтинг: «Бордиро, дентиз суви Роббимнинг сўзлари (илму ҳикматларини битиш) учун сиёх бўлса ва яна шунча сиёх келтирсак ҳам, Роббимнинг сўзлари битишидан илга-ри у денгизлар тугаб битар».

Оят мазмунига кўра, Аллохнинг калималари бор. Денгизни сиёхга айлантириб, Аллохнинг калималарини ёзишга кирипсак ва яна ўша дентиз микдорича сиёх келтирсак, сиёх тутайди, Аллохнинг калимаси тугамайди. Аллохнинг калимасидан мурод, муфассирларга кўра, Аллохнинг илми, Аллохнинг хикматидир. Кахф сурасидан келган Мусо ва Хизр алайхиссаломлар киссасидан англапшилади, одамзода берилган жами илм Аллохнинг илми кошида ипна дентизга ботириб олинганда камаядиган сув микдорича бўлиши мумкин, холос.

Аллохнинг зоти Аллохнинг ўз илмидир. У илм ҳеч бир махлукда йўқ ва бўлиши мумкин эмас. Инсониятга Аллохнинг исму сифатлари хакида илм берилган. Шунинг учун, мўминлар Аллохнинг зоти хакида фикрлашдан кайтарилганлар, балки Аллохнинг кудрати хакида фикр килиш тавсия этилган. Чунки Аллохнинг исму сифатлари коинотда акс этиб туради. Коинотдаги хар бир яратик ўз яратувчисидан хабар беради.

Шулардан келиб чикиб, Алишер Навоий «зот баҳри» тамсили воситасида Аллохнинг илму ҳикматини назарда тутганини хулоса қиласиз. «Зот баҳри» тамсили эса юкорида келтирганимиз Кахф сурасининг 109-оятига таянилган ҳолда кўлланган.

Аллоҳ таоло коинотдан аввал Расули акрам соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг нурини яратди. Бу нур сабабли олам ва одам бунёд бўлди. Мантикан фикрланса, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг нурлари Одам алайхиссаломдан аввалроқ яратилган экан, Одам алайхиссалом Пайғамбаримиз алайхиссолату вас салам кошида «ўғил фарзанд» мақомида намоён бўлади. Одам алайхиссалом авлодларининг ҳаммаси Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг «фарзандларига бир фарзанд» кабидир. Бунинг далили Муҳаммад ибн Саид Бусирий (1211 – 1294) каламига мансуб «Касидаи бурда» шеърида келган «Кунту набийян» деб бошланувчи хадисдир. Мазкур хадис имом Бухорий раҳматуллоҳи алайхининг «Тарихи кабийр», Мухаммад ибн Саид ал-Бағдодийнинг (784 – 845) «Табакотул кабийр», имом Термизийнинг (824 – 894) «Алэйлолул кабийр» асарларида зикр этилган:

– ۲ [عن ميسرة الفجر:] سائلُ النَّبِيِّ ﷺ مَنْ كَنْتَ نَبِيًّا؟
قال: كُنْتُ نَبِيًّا وَأَدْمَ بَنْ الرُّوحِ الْجَسَدِ



- البصري (ت ٤٨٠)، إتفاف الخيرة المهرة ٧/٨ • له شاهد آخرجه البخاري في «التاريخ الكبير» (٣٧٤/٧)، وابن سعد في «الطبقات الكبير» (٨٥٨/٨)، والترمذي في «العمل الكبير»
- جامهم بالبيت قالوا هذا سحر مبين ١

• ٦٨٣)

Таржимаси:

«Майсара (розияллоху анху)дан ривоят килинди:

«Мен Расуллоҳ соллаллоҳ алайҳи ва салламдан: «Сиз қачон набиӣ (пайғамбар) бўлгансиз?» – деб ёрадим. Набиӯмиз соллаллоҳ алайҳи ва саллам: «Одам (алайҳиссалом) рух ва жасад орасида эканида набиӣ бўлганман», – дедилар.

Алишер Навоий раҳматуллоҳи алайҳ мазкур ҳадисга таяниб، Одам алайҳиссаломни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам учун «фарзанд» сифатида тасвирлар экан, ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг лафзлари ўларок келган қўнмаганлар учун эса Пайғамбаримиз алайҳиссолату вас саломнинг муборак Аҳмад ۴ исмларига диккат каратади. Ушбу исмни Аллоҳ таоло Куръони каримдаги Соғ сурасининг 6-оятида зикр этган:

Оят мазмунидан маълум бўлмоқдаки، Ийсо алайҳиссалом ўзларининг икки вазифалари ҳақида қавмларига айтмокдалар: ўзларидан аввал келган Тавротнинг илохий китоблигини тасдиклайдилар ва ўзларидан кейин Аҳмад исмли пайғамбар келишининг хушхабарини етказадилар. Қавмнинг бу ҳакикатларни қабул килмагани бизнинг мавзумиз билан боғлик бўлмагани учун биз ояти каримада Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг «Аҳмад» исмлари зикр этилгани ҳакида тўхталамиз, холос.

Алишер Навоий мазкур асосга кўра, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг

وَلَذِّ قَالَ عَسَى اَبْنُ مَرْيَمَ تَبَيَّنَ اِلَى رَسُولِ اللَّهِ اِلَيْهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ اَنَّهُ مُصَدِّقٌ لَّا يَدِيَ مِنَ الْأَنْوَارِ لَيَكُنْ مِّنْ بَعْدِي اَسْمَاءُ اَحَدٌ فَلَمَّا
جَاءَهُمْ بِالْبَيِّنَاتِ قَالُوا هَذَا سِحْرٌ مُّبِينٌ ۖ ۱

Малъо таржимаси:

«Эслан! Ийсо ибн Марям: «Эй Исроил авлоди! Мен Аллоҳнинг сизларга (юборган) пайғамбаририман. «Мен» ўзимдан олдинги Тавротни тасдиқловчи ва ўзимдан кейин келадиган Аҳмад исмли бир пайғамбар ҳакида хушхабар берувчиман», – деган эди. Бас, қачонки, (Ийсо) уларга (пайғамбар) эканига ҳужжат (мўъжизалар)ни келтиргач, улар: «Бу аниқ сехр!», – дедилар».





«Ахмад» исмларини келтириб, ундаги «алиф» – «мим» – ҳамда «дол» – «Одам» – сўзида бор эканига диккат каратади, бу ҳарфлар отадан ўғилга ўтган иззат ва шоннинг бир аломати, «ҳо» – ҳарфи эса Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам учун махсус, яъни бу ҳарф Аллоҳнинг муҳаббатини ифодалайди, зотан Аллоҳ Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламни ўзига Ҳабиб – – – – – Дўст, леб атади.

Аллоҳ таоло Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг нурини Одам алайҳиссаломга берди, бу нур у зотнинг юзларида порлаб турарди. Сўнг бу нур Ҳаввога, Ҳавводан Шис алайҳиссаломга кўчди. Шу тарика отадан отага, онадан онага ўтган бу нур Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг оталари Абдуллоҳга етиб келди. Абдуллоҳдан сўнг Оминанинг чехрасида бу нур порлади.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир дур эдиларки, оналари бу дурни садаф каби бағирларига олганларида жаҳон дентиз каби жўшиб кетди. Чунки инсоният учун халоскор дунёга келаётган эди. Кўёш ўз юзидан пардасини олиб порлагани каби Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дунёга келдилар, ул зотнинг таваллудлари гам тунини нурга тўлдирди, зулму фасод или жаҳаннамга айланган Ер ўзи жаннатнинг бοғига эврилди. Алишер Навоийнинг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳакидаги туғриф ва тав-

сифи факатгина муҳаббат ёки мактоб изҳори бўлмай, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг инсоният тарихидаги буюк вазифалари накадар муҳим бўлганини эслатяпти. Ул зот соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг мақомлари бениҳоя юксак бўлиб, инсоният Йўл-бопчиши шундай бўлиши керак эди, зотан Кейинги наътларда Расули акрам соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг болаликлари, фаолиятлари, асхоблари ва Мөържоқ кечаси воеалари тилга олинган.





ЕТТИНЧИ БОВ

АВВАЛГИ НАБТ

(Матн)

**Аввалги набт ул хазратнинг нури кида-
миятидаким, зот баҳрининг аввалги жунбу-
шида ул дурри бебаҳо ламъаси хафо ришта-
син узди ва ул гавҳари якто ашиъаси ламъа
кўргузди ва дурждин дуржка интиқол этти
то Сафииolloҳдин Абдуллоҳга етти**

1. Эй килибон ламъа нурунг зуҳур –
Андаки не соя бор эрди, не нур.
2. Нурунгта тоб икки жаҳондин бурун,
Ҳар не йўқ андин бурун, андин бурун.
3. Зовияи жисмға ҳар зотдин,
Рух ёқиб шамъ бу мишкотдин.
4. Топти азал субҳи чу базминг ҷароғ,
Не тонг, агар ёруса юз минг ҷароғ.
5. Бўлди санга Одами сабқатнамо –
Аввал ўғул, сўнгра гар ўлса ато.
6. Наслида ҳар ким анга пайванд ўлуб,
Борчаси фарзандингта фарзанд ўлуб.
7. Кимки мунга дайвийи ҳужжат этар,
«Кунту набийян» анга ҳужжат – етар.
8. Ўзга далил истаса табъи сақим,
Басдурур Одамда «алиф», «долу», «мим».
9. Борчаси Ахмадда топиб иззу шон,
Ўғлида уч ҳарф атодин нишон.
10. «Ҳо»и мухаббат сангә ўқдур-насиб,
Ким сени Ҳак деди ўзига ҳабиб.
11. Ҳар неки Ҳак важхи аро мубҳам ул,
Зоҳир этиб юзда ҳабиби ҳам ул.
12. Шоҳид очиб ҷехра, бу кўзгу анга,
Ул не қилиб, кўргузубон бу анга.
13. Айлади чун Одами хокий зуҳур,
Солди анга партавин ул пок нур.
14. Нур дема, борикаи сармадий,
Борика йўқ, шашаан Ахмадий.
15. Бўлди чу Одамда бу партав никон,
Анда никон, лек юзида аён.
16. Эгнига ёпилди дувожи шараф,
Килди макон бошига токи шараф



17. Тахти рисолат уза шох ўлди ул,
Хайли малоўкка панох ўлди ул.

ЕТГИНЧИ БОБ

18. Истади Хавво била чун иттисол,
Айлади Хаввога бу нур интикол.

**АВВАЛГИ НАВТ
(Насрий баён)**

19. Поку жамил айлади Хавво юзин,
Үйлаки, Ҳак партави – хавро юзин.

20. Шиска чун бўлди яна мунтакил,
Ойни килур эрди юзи мунфаил.

21. Риштасидин чун бу гужар бўлди кам,
Бир садаф ўлди яна гавҳар шикам.

22. То отадин ота, анодин ано,
Бир ано ким йўқ эди андок яно.

23. Бўлди рисолат дурининг маҳзани,
Балки нубувват гулининг гулшани.

24. Бўлғац-ўқул дурга садаф пардалаш,
Тушти жаҳон баҳрига жўшу хурӯш.

25. Эмдики рафъ этти юзидин никоб,
Туммали андок яна бир офтоб.

26. Гам тунини нур сиришт айлади,
Ер юзини боғи биҳишт айлади.

**Авалги наът ул ҳазратнинг қадими
нури ҳақидаки, зот денизининг биринчи
тўлқинида у бебаҳо дурнинг нури макфий-
лик риштасини узди ва у бетакор гавҳар-
нинг шуъласи чакнади ва дур сакланадиган
кутилардан бирма-бир кўчиб ўтиб, Одам
Сафиюллоҳ Абдуллоҳга етди**

1. Эй Расули акрам! Соллаллоҳу алайҳи ва
саллам! Нурингиз порлаб, ўзини намоён этга-
нида хали соя хам, нур хам йўқ эди.

2. Нурингизда икки жаҳондан аввал ҳаро-
рат бор эди, ундан аввал хали яратиклар ярал-
маганди.

3. Аллоҳ таоло ҳар зотнинг жисм ўйи бур-
чагида шу чироғдондан рух шамъини ёқди.

4. Азал субҳида базмингиз чироқ ила ёриш-
ди, на ажаб элики, бу чироқдан юз минглаб
чироқлар нурланса!..

5. Одам алайхиссалом Сизга пешкадам
ўғил бўлди, сўнг ота.

6. Одам алайхиссаломнинг наслида ким
унга пайванд бўлган бўлса, барчаси фарзан-
дингизга фарзандир.





7. Кимки бу сўзим учун хужжат даъво килса, «Кунту набийян» ҳадиси хужжат бўлиши учун етарли.
8. Агар табиати кусурли бўлганлар бошка далил истасалар, «Одам» сўзидали «алиф», «дол» ва «мим»га боксинлар.
8. Бу ҳарфларнинг барчаси Ахмад сўзида иззат ва шон топди, ўғилнинг исмидаги бу уч харф отадан бўлган нишон – белгидир.
10. «Ҳо» ҳарфи эса мухаббат маъносида бўлиб, факат Сизга насиб этган, чунки Аллоҳ таоло Сизни йўзига ҳабиб – севикили дўст деб билди.
11. Ҳакнинг важхида мавжуд бўлган сир унинг ҳабиби юзида ҳам намоёндир.
12. Шоҳид чехрасини очтандা, бу унга кўзга бўлди, Чехрада неки бор, кўзгу ўзида акс этириди.
13. Аллоҳ таоло Одам алайхиссаломни тупроқдан яратиб, ўз фаришталарига кўрсатганида унга ўша пок нурни берган эди.
14. Уни нур дема, балки абадий шульадир ўй йўқ, оддий шульла эмас, Аҳмаднинг порлашидир.
15. Бу нур Одам алайхиссаломда пинҳон бўлиб, юзида аён бўлиб турар эди.
16. Одам алайхиссаломнинг энгига шараф либоси ёпилди, унинг бошини шараф тожи ўзига макон килиди.
17. Одам алайхиссалом пайғамбарлик тахтида шох бўлиб, фаришталар жамоасидан ҳам афзал кўрилди.

18. Аллоҳнингизни ила уҲавво билан жуфтлашга, ундали бу нур Ҳаввога кўчиб ўтди.
19. Аллоҳнинг нури жаннатдаги ҳурларнинг юзини ёриттанидек, бу нур Ҳаввонинг юзини гўзал ва пок қилди.
20. Одам алайхиссалом ва Ҳаввонинг фарзанди Шис алайхиссаломга бу нур мерос колди, унинг чехраси ойни хижолатга солар эди.
21. Риштадан бу гавхар камайга, кейинги гавхар дур каби бу нурни саклайдиган садафга айланаверди.
22. Бу нур отадан отага, онадан онага ўтиб келаверди, бир она бор элики, ундаи она ҳеч кечон бўлмаган!
23. Бу она рисолат дурининг хазинаси, нубувват гули очиладиган гулшан эди.
24. У дурга бу садаф пардалуп бўлга, жаҳон леңтизи жўшиб, тоша бошлади.
25. Ул офтоб юзидан никобини кўтарди, бу каби күёш шу чоккача туғилмаган эди.
26. Бу офтоб ғам тунини нур билан тўлдирди ва Ер юзини жаннат боғига айлантириди.

Лутат

- Нури қидамият** – илгариги, энг қадимги нур
Ламъа – шульла, нур, порлаш
- Ҳафо риштаси** – яширинлик, маҳфийлик иши
- Гавҳари якто** – ятона, бетакрор гавхар
Ашиъа – нурлар, шульлалар





Дурж – дур сакланадиган кутича

Интикол – кўчиш, бир жойдан иккинчи

жойга кўчиш

Тоб – харорат

Зовия – бурчак, чет жой, уй бурчаги

Мишкот – чироғпоя, чироғдон

Сабқатнамо – пешкадам

Даввии хужжат – хужжат даввоси

Табби саким – табиати кусурли, мизожи

касал

Иззу шон – иззат ва шон

Важх – юзи

Мубхам – ноаник, тушуниб бўлмайдиган

Партав – порлаш, шулья

Борика – шулья берувчи, нур сочувчи

Сармадий – абадий

Шаша – порлоклик, шулья

Дуввож – кўрпа-тўшак, ёпинчик

Рисолаг – пайгамбарлик

Иттисол – бирлашиш, жипсланиш

Хавро – хурлар

Мунтакил – ўтувчи, кўчувчи

Мунфайл – хижолат килувчи

Шикам – корин

Нубувват – пайгамбарлик

Пардапўш – ёпиб турувчи, беркитиб турувчи

САККИЗИНЧИ БОВ

ИККИНЧИ НАЛТ
(Шарҳ)

Алишер Навоий «Хайрат ул-аборр»нинг биринчи наътида Расули акрам соллаллоҳу ала́йҳи ва салламнинг нурлари ҳамда туги-лишлари хакида сўзлайди. Иккинчи наътда болаликлари ва вахий келган вактга бўлган оралиқ хакида гап борган.

Инсон ўзини борлик ичига камаб кўйиши билан туткунликка мубталодир. Аллоҳ бу тут-кунликдан кутқариш учун Ер юзига пайғамбар жўнатади. Сўнти пайғамбар Мухаммад сол-лаллоҳу ала́йҳи ва салламнинг юборилишила-ри инсоният учун энг улкан саодат эди. Ул зот одамзоднинг чангакда колган фикратини озод-лика чикариб, туман ва зулмат ичидаги калб-ларни нур ва ёрду ила нажот йўлига чорлади-лар. Расулуллоҳ соллаллоҳу ала́йҳи ва саллам инсоният тарихида бекиёс, Одам боласига бе-рилиши мумкин бўлган барча хислатларнинг соҳиби эдилар. Алишер Навоий раҳматуллоҳи алайҳи ва салламнинг нурлари яратилгани ха-кида сўзлагач, ул зотнинг болалик ҳолатларини наврас ниҳолга киёслайди. Наврас ниҳол – гў-



даклик, ўсиш-улгайишнинг истиорасидир. Бу никол кирк йилгача кийғос гүллади. Гүллари хаё ва адабдан иборат эди. Кирк ёшида бунихол бакувват бир дарахтга айланди, у дарахтда нубувват – пайғамбарлик меваси битди. Яъни расули акрам соллаллоху алайҳи ва саллам айни камолотга етганларида, хаётнинг пасту баландини, аччик-чучугуни кўриб, ўз Ваганларида юксак обрӯ ва шарафга эришганларида Аллоҳ ўз фариштаси Жаброил алайҳиссаломни йўллаб, ул зотнинг, соллаллоху алайҳи ва саллам, пайғамбар эканларини ўзларига вахий қилди. Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи ва саллам бир дарахт каби ўслиларки, шохлари Арпга етди – коинотнинг чегарасида ўсувичи Сидратул мунаҳаҳо лебномланган дарахтдан хам юксалиди, соялари эса раҳмат ўларок икки оламни ўз бағрига олди. Бу тамсилнинг замирида Расули акрам соллаллоху алайҳи ва салламнинг олмаларга раҳмат бўлиб келган пайғамбар эканликлари таъкидланмокда. Шунингдек, меъроҳ кечаси фалакларга кўтарилишлари билан боғлик мўъжизага ишора ҳам мавжуд.

Расулулоҳ, соллаллоху алайҳи ва салламнинг болаликлари кандай ўтган? Оталарининг вафотлари, етим холда туғилишлари билан боғлик воеаларни кўпчилик ёдга олди, табиий. Бирок Алишер Навоий раҳматуллоҳи алайҳ масалага ўзгачарок ёндашади, яъни нигоҳларини борликдан ташкарига тиккан холда

сўзлайди: Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи ва салламнинг болаликлари худди янги ойнинг гўдаклигидек кечган. Янги ой кўзга кўринадими? Йўқ, янги ой камиди уч кундан сўнг одамларга намоён бўлди. Мухаммад соллаллоху алайҳи ва салламнинг гўдаклиklärи ул зотнинг нурларининг яралиши билан бошлиған. Расулулоҳ, соллаллоху алайҳи ва салламнинг нурлари инсонлар учун хам, малаклар учун хам ўта севикили эди, мовийранг фалаклар бетиним харакати билан бешик каби бўлган коинотни нурини углайтириди, гўё.

Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи ва саллам суратда бола каби бўлсалар-да, акл жихатдан ҳаммадан устун эдилар. Ул зот соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг сўзларидан ўтказиб бошқа хеч ким гапира олмасди, зотан.

Оталари туғилишларидан аввал вафот этганилари сира ҳам қайгу, ғам эмас, чунки Расулулоҳ, соллаллоху алайҳи ва саллам бир супуллоҳ, соллаллоху алайҳи ва саллам бир дур эдилар, одатда, дурлар олингач, садафлар ўз вазифасини бажариб бўлган хисобланади. Бир дона садафдан минглаб дур чикиши мумкин, лекин биргина дур билан минглаб садаф шарафланади. Худди Расули акрам соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан ул зотнинг Одам





алайхиссаломга бўлган оталари улуғлик макомида бўлганлари сингари.

Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга күёш, ой итоатда эди. Масалан, хилол каби бармоклари билан бадр – тўлин ойни иккига бўлганлар. Шу кадар ростстўй эдиларки, Макканинг энт азиз инсонлари бир овоздан «Амин» – ўта ишончи, дея тан олишган. Туғилишларини илоҳий китобни ўқиган барча одамлар интиқкутганлар. Чунки Инжилда Расули акрам соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг келишлари ҳакида хушхабар бор эди. Таваллуд кунларида Макка бутлари ерга йикиди, бутун олам ёриши, дин ахли оламларга ражмат ўларок бир Набий туғилгани аломатини билиб, подландилар, бу куфр ахли учун улкан ғамга айланди. Айникса, арабларнинг энг «эътиборли» бутлари Лот ва Уззо синдириладиган фурсатга жуда оз колган эди.

Расули акрам соллаллоҳу алайҳи ва саллам чўпонлик билан машғул бўлдилар. Ул зот соллаллоҳу алайҳи ва саллам боккан кўйлар шерларнинг ҷангалзорида ҳам хотиржам юрар эди. Алишер Навоий раҳматуллоҳи алайҳ келтирган бу тарьиф замирида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг умматлари эришажак улуг макомларга ҳам ишора бор. Чунки Ислом неъмати етга, саноқсиз инсонлар кашфа эришиб, ўзларининг ичидаги Аллоҳ берган кувватларни юзага чикардилар.



Мухаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам нағибийлик фаолиятини бошлиғанларида бошлиғира кўп мусибатлар келди. Душманлар нифок зулматининг аҳли бўлиб, Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга кўп хусумат кўрсатдилар, юлдузлар каби кўп – чексиз эди. Бирок Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу маломатлардан голиб келдилар – бирор нуктада хатота йўл кўймадилар, событ туриб, Аллоҳнинг ўзи мукаммал шаклда тарбиялаган эди. Ул зот икбол юлдузининг йўлбошчисидир. Нима учун? Одамлар йўлни йўқотганларида осмондаи юлдузларга караб манзилни белгилайдилар. Икбол – кутилган келажакка шу юлдуз изидан борадилар. Аслида, ана шу юлдузлар хам Расули акрам соллаллоҳу алайҳи ва салламга эргашади. Балки бу юлдузлардан мурод – сахобалардир! Уларни хидоятга чорлаган зот ҳам Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам эдилар. Мусулмонларнинг ҳаммаси Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга, ул зотнинг оиласаларига саловат ва саломлар юбориши керак.

Агар инсон ўз нафсини таниса, ўзини ўраб турган фокиаларни англаб етса, Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни яхшироқ таниган ва янада кўпроқ севган бўларди, шубҳасиз. Алишер Навоий раҳматуллоҳу алайҳининг битикларида айнан шу гоя устувордир.





САККИЗИНЧИ ВОБ

ИККИНЧИ НАЛТ

(Матн)

**Анинг наврас николи жаҳон гулшанин
сарсабз килиб, кирк йилгача андин ҳаё ва
адаб гуллари очилиб, андин сўнгра нубув-
ват меваси бергани, доги шоҳ ва баргин
Сидра шоҳидин ўткариб, икки олам ахли
сояи рахматига киргани**

1. Эй, кўрунуб ғурра киби тифлзод,
тифли рахинг чархи қадимий никод.
2. Инсу малак жонию жононаси,
икки жаҳон гавхари яқдонаси.
3. Махд Санга лавҳаи фируза ранг,
Ким ҳаракатдин анга бўлмай дарант.
4. Сен киби бу гулшан аро тоза вард,
умрида кўрмай фалаки солхўрд.
5. Сурат аро тифл, вале акли кулл,
Кавлунг аро гайри бали «лам якул».
6. Ахтаринг ул тунки, тулув айлабон –
чарх саломига рукуй айлабон.
7. Күфр бийик тогига солиб шикаст,
Ерга бўлуб паст буту бугпараст.
8. Маккада дин ахлига мукнат бўлуб,
Уззо илиа Лотка узлат бўлуб.
9. Мухталиф ахвол ўлуб ахли Кўрайш,
Баъзи ўлуб ғамзада, баъзида айш.
10. Гар отадин йўқ эса баҳрант, не тонг,
Одам ўғул бўлса, ким ўлғай отанг?
11. Гавхари зотингга садафсиз не бийм,
Итти садаф, чикти чу дурри ятим.
12. Дурға шараф бор ўзининг зотидин,
Тонт йўқ анга ор садаф отидин.
13. Гарчики минг дур чикорур бир садаф,
Бир дур илиа минг садаф айлар шараф.
14. Кайси дур ул, дуржи вафо гавхари,
Кайси гужар, буржи ҳаё ахтари.
15. Ахтаридин меҳрга фарҳундалиқ,
Бадру хилол айлаб анга бандалик.
16. Меҳр мутити амру мисоли била,
Шакк бўлубон бадр хилоли била.
17. Гарчи, тижоратка бўлуб моясанж,
Ким каро туфрокдин олинда ганж,





18. Кўз тутуб эл нафту, басорат анга,
Уммат этиб суду, тижорат анга,

19. Нокага маркаблиғидин кўп сурур,
Ёйлаки, тушганда малак узра нур.

20. Деб лакабин ахли тажаммул Амин,
Андин ўлуб хамдами Рухул амин.

21. Чунки шубонлик этиб ўз пешасин,
Жадӣ ватан айлаб асад бешасин.

22. Сут кўрунуб шаккарида хушгувор.
Гарчи хирад пири анга ширхор,

23. Захри жафо кўп эзилиб жомига,
Ширу шакар тайми бериб комига.

24. Неча ачиг йиглағудек иш этиб,
Лутфи шакарханда била дафъ этиб.

25. Шоми нифофок ахли чу айлаб ситеz,
Бошиға анжумдек этиб сангрез.

26. Ул қилибон субҳ қиби нўшханд,
Хайр дуоси била деб элга панд.

27. «Аззама кодрах» – бу не хулки азим,
«Каррама важҳаҳ» – бу не нафси карим.

28. «Ходионо кавкабу иқболиҳи,
Соллу алайхи ва ало олиҳи».

САККИЗИНЧИ БОБ

ИККИНЧИ НАВТ

(Насрий баён)

**УНИНГ – Расули акрам соллаллоҳу алаихи
ва салламнинг ниҳоли жаҳон гулшанини
яшнатиб, қирқ, йилгача ҳаё ва адаб гуллари-
ни очди, сўнг пайғамбарлик меваси билди,
яна шоҳ ва барғи Сидра дараҳтидан ҳам ба-
ландга ўсиб, икки олам ахли рахмат соясига**

КИРГАНИ

1. Бир кунлик ой каби кўриниб, болалиги-
дан ким бўлиши белгили бўлган зот! Сизнинг
гўдаклик йўлингиз кадимий чарх маконида
ўтган.

2. Сиз инсон ва фаришталарнинг жони,
балки жононаси – жонининг ичидаги жони-
дирсиз! Икки оламнинг ятона гавхари!

3. Харакатдан бир он тўхтамаган мовий
рангли само лавҳи Сизга бешик бўлди.

4. Кўп йилларни кўриб, яшаб келаётган фа-
лак умри давомида бу гулшанд Сиз каби по-
киза гул баргини кўрмаган эди.

5. Суратингиз гўдак каби бўлса-да, ҳамма-
нинг ақли Сизнинг сўзингиш кошида ҳеч нар-
са гапирмасликдан бошка иш килмади.



6. Сизнинг юлдузингиз порлаган кеча бутун осмон салом бериш учун рукуъ килар даржада эгилди.

7. Куфрининг буюк тоғларига шикаст етди, бут ва бутпарстларнинг хаммаси ер билан бир бўлди.

8. Макка шахрида дин ахлига кувонч, кудрат етди, узо ва Лот бутлари учун узлат даври келди.

9. Курайш ахли ихтилофга келди – баъзиси гам ва аламдан ёнди, баъзилари шодланди, севинди.

10. Агар отангиз бўлмаса, бунинг ажабланли жойи йўқ, Одам алаийхиссалом Сизнинг ўғлингиз бўлгач, яна ким оталик килиши мумкин!?

11. Зотингиз гавхарига садаф бўлмаса, бунинг кўркинчили жойи йўқ, чунки бебаҳо гавхар чикиши билан садаф ғойиб бўлади.

12. Дурга ўзининг зотидан шараф бор, агар у садаф номидан ор килса, бунга хайрон кол-маслик керак.

13. Гарчи битта садаф мингта дур чикарса хам, бир дона дур билан минглаб садафлар шарафланади.

14. Бу қандай дур?! Бу дур вафо гавхарининг кутичаси, қандай гавхар! Балки хаё юлдузининг буржидир.

15. Юлдузидан күёшга нур – ёруғлик етди, тўлин ой хам, янги ой хам Унга куллик килди.

16. Күёш Унинг амрларига тебе эди, ҳилол каби бармоғи ишпораси билан тўлин ой иккига ажралди.

17. Олдида кора тупрок ҳазина бўлса хам, тижорат билан давлатманл бўлди.

18. Эл Унинг манфаатига кўз тикди, Унда басорат кўзи порларди, тижоратни қилган Уфойда кўрган эса умматидир.

19. Фариштага нур тушгани каби мингтан туяси Унга марқаблик килгани учун хамиша сурур туйди.

20. Макканинг обрули одамлари Уни «Амин» деб атадилар, шунинг учун хам, Руҳул амин (Жаброил алайхиссалом) Унга хамдам – дўст бўлди.

21. Чўпонликини касб этдики, ул зот боккан кўйлар шерлар яшайдиган чанталзорларни ўзларига ватан қилдилар.

22. Унинг шакарида сут жуда хуштальм кўринди. Гарчи ақл пири унинг эмиқдоши бўлса хам,

23. ... унинг жомига жафо заҳри кўп эзилди, сут ва шакар унинг танглайига тайм берди.

24. Унга бир неча бор аччик йиглагудек ишетса хам, хаммасини шакарханда лутф билан даф этди.

25. Ниғок шомининг ахли хусумат килиб, унинг бошига юлдуз каби саноксиз тошлар ёғдирди.

25. У субҳ каби табассум этди ва хайр дуолар билан элга панд-насихат берди.

27. Аллох Унинг кадрини буюк қилсин! Бу
канда́й улуғ хулқ! Аллох унинг юзини мукар-
рам этсин – канда́й карамли нафс у!
28. Икбол юлдузига бўлган Ҳодийимизга –
ҳидоят йўлбопчилизга, унинг оиласига сало-
ват айтинг!

Лугат

Наврас – янги ўсиб келаётган
Сарсабз – доим кўм-кўк, яшнаган
Гурра – бир кунлик ой
Тифлизол – болаликдан белтили
Рах – йўл
Нижод – макон, жой; одат, сифат
Инсумалак – инсон ва фаришта
Яклона – бир дона
Махд – бешик
Лавҳаи фируза ранг – фируза (мовий) ранг-
ли лавҳа, яъни осмон
Даранг – вакт; секин харакатланиш
Вард – гуллинг барғи
Солхурд – кўп йилларни кўрган, кўп яшаган
Акликул – ҳамманинг акли
Қавл – сўз
Бали – имтихон, машаққат етган кипи,
эски, путур етган
Лам яқули – айтмади
Ахгар – юлдуз
Тулув – порлаш
Рукуй – намозда кўлни тиззага кўйиб эгилиш



Муннат – кудрат, кувват, бойлик
Лот ва үззо – араб мушриклари сиғинган
катта бутларнинг номи

Мухталиф – ихтилофли
Ғамзада – ғамгин

Бийм – кўркув
Ити – ёйк бўлди

Дурри ятим – бебаҳо
Фарҳундалиқ – нур сочиш, порлаш; шодла-

ниш

Мутинь – тобе

Шакқ бўйлубон – ёрилибон

Бадр – ўн беш кунлик ой

Хилол – янги чиққан ой

Моясанж – давлатманд

Суд – фойда

Басорат – ўтқир кўзлилик, узокни кўра би-
лиш

Нока – туя

Тажкаммул – безак, зийнат

Рұхул амин – Жаброил алайхиссаломнинг
лакаби

Шубонлик – чўпонлик

Пеша – касб

Жадӣ – кўй

Асад – арслон, шер

Бепса – чанталзор

Хушгуров – хуштальм, лаззатли

Ширхор – сут эмишган, кўкалдош

Ситеz – аччик-тиззик



Сангрез – тошбўрон

Нўшханд – табассум

Аззама кодрах – Аллоҳ унинг қадрини

булоқ қилсин!

Каррама важҳаҳ – Аллоҳ унинг юзини му-

каррам қилсин!

Ҳодионо кавкабу иқболиҳи – иқбол юлду-

зининг Ҳодийиси

Соллу алайҳи ва ало олиҳи – Унга ва оила-

сига саловат айтинг!

учинчи нафт
(Шарҳ)

«Хайрат ул-аброр»даги иккита нафт билан танишдик. Ўрганадиганимиз учинчи нафт Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан боғлик гўзал сифатлар тарьифи билан бир каторда набиyllик фаолиятининг муҳим нукталари хакида сўзлайди. Алишер Навоий Мухаммад солаллоҳу алайҳи ва салламда соя бўлмаган, деб тавъидлайди. Дин уламоси Сайфуллоҳ Носирнинг Расули акрам соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг соялари бўлганими, йўқми, деган масалада ёзишича: «...гарчи айрим уламолар айрим ҳадислардан истин-бот ўларок хуоса қилиб чикарган бўлса-да, Расууллоҳ алайҳиссаломнинг худди бошқалардек қалардек соялари бўлганилиги, бошқалардек даракт ва ўйлар сояси оркали кўёшдан пана-ланганлари хакида сахих ривоятлар кўп.

Агар бундай мўъжизавий ҳусусиятлари у зотда чиндан хам бўлганида, доим ёнида юрган сахобалар хикоя қилган бўлар эди».¹

Алишер Навоий раҳматуллоҳи алайҳ бу борада кандай ёндашган?

¹ <https://t.me/RosullullohD2%EF%BF%77%BA%D2%B2a%D2%9Bida-siz-bilgan-va-bilmagan-malumotlar-10-10-2>





Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам шараф чўйкисидаги инсондир. Ул зотнинг чехралари кўёш шамъига ўҳшайди: хамиша порлок. Бу шамънинг сояси – ети кават осмондир. Агар осмон соя бўлмаса, нима учун Пайғамбаримиз соллаллоху алайхи ва салламнинг оёклари остида колади? Бу ташбиҳнинг замонида икки нуктага диккат каратилган: 1) Расулуллох соллаллоху алайхи ва салламнинг нурлари коинотдан аввалроқ яратилгани; 2) Набийимиз соллаллоху алайхи ва салламнинг меъроқ тунида етти кават самонинг устига чикканлари. Шундай экан, Пайғамбаримиз соллаллоху алайхи ва саллам шамъ кабидирлар, шамънинг сояси унинг «оёғи» тагида бўлгани каби фалаклар ҳам ул зотнинг пойида соя сингари колиши ўта табиий.

Коронғу хонада ёниб турган шамъни кўрганимисиз? Диккат қиласангиз, унинг сояси кўринмайди. Кўёш ҳам Расули акрам соллаллоху алайхи ва саллам сабабли нур сочади, унинг теграсида ҳам соя йўқ. Пайғамбаримиз соллаллоху алайхи ва салламда соя бўлмагани шунинг учун сира ажабланарли эмас.

Гарчи Пайғамбаримиз соллаллоху алайхи ва салламнинг шахсларида соя бўлмаса-да, кадру кийматларининг соясида оламдаги ҳарнимани топиш мумкин. Ҳатто, барча пайғамбарлар ул зотнинг сояси каби, яъни Расулуллох соллаллоху алайхи ва салламнинг

куёшларидан нур олмишлар. Зотлари олий эди. Хамиша нурли эдилар. Шу боисдан қалам Расулуллох соллаллоху алайхи ва салламнинг кўлларидан маҳрум бўлди.

Алишер Навоий рахматуллохи алайхнинг «Пайғамбаримиз соллаллоху алайхи ва салламда соя бўлмаган» деб хисоблаши Сайфуллох Носирнинг **«аайрим уламолар айрим ҳадислардан истинбот ўларок ҳулоса қилиб чиқарган»** деган фикрига мос келади.

Мальумки, Расули акрам соллаллоху алайхи ва саллам кўлларига қалам ушламаганлар, ўқиш ёки ёзиш билан мағбул бўймадилар, чунки бирор инсондан илм, таълим, тахсил олмаган эдилар. Аллоҳнинг ўзи Пайғамбари миз соллаллоху алайхи ва салламнинг тарбиячиси бўлди. Алишер Навоий бу ҳакиқатни кўйидагича баён қиласди: Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам қаламнинг болпини ёрмадилар, бирок ойни иккита бўйлиб кўйдилар. Бу ойнинг икки бўлининши билан боғлик улкан мўъжизага ишорадир. Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам қофозни кора килиб, битта нукта ҳам кўймаганлар, лекин укишининг хатлари – хукмлари, подшохларга ёздирган мактублари ширкнинг барча турларини насх килди – кучдан қолди. Набийимиз соллаллоху алайхи ва салламнинг кўрсатмаларидан бош тортганинг юзи хамиша қаламдек корайди. Қаламнинг бошини узип



уни учлаш демакдир. Мұхаммад соллаллоху алайхи ва салламнинг сиёсатидан бosh этманларнинг боши худди каламдек кесилди. Араб ҳам, Ажам ҳам Пайғамбаримиз соллаллоху алайхи ва саллам келтирган қонунларга итоатан бosh эгди.

Расуулллох соллаллоху алайхи ва саллам оламларга рахмат бўлиб келдилар, бу кофирларнинг куфрига, золимларнинг зулмига чек кўйиш билан боғлик эди. Куфр асли зулматидир, Ислом кириб борган он бу зулмат ёриши. Пайғамбаримиз соллаллоху алайхи ва саллам биргина араблар учун эмас, бутун Ер юзига пайғамбар ўларок юборилган эдилар. Ширкнинг таянчи бўлган Лот деган бутуни Расуулллох соллаллоху алайхи ва саллам майдалатиб ташладилар. Шу ўринда Алишер Навоий раҳматуллохи алайхнинг сўзни санъат ўларок кўллашиб гувоҳ бўламиш: Лот – շу ушагиб, у га айлантирилди, яъни йўқ килинди. Ҳабар бути синдирилда ва у си – мот бўлди.

Расули акрам соллаллоху алайхи ва саллам инсониятинг саодатини таъминламок учун кофирларнинг жазосини беришлари шарт эди, шунинг учун қаҳр кўрсатдиларки, куфрнинг бошида на даҳшат, танида на бosh колди. Алишер Навоий Пайғамбаримиз соллаллоху алайхи ва салламнинг куфрига карпли зафарли курашларини тавсифлаш асносида «ўз куфри»дан сўз очади. Айни шу нуткада кў

ўйлган масала ҳадди альосига чиккан холда намоён бўлди: «куфр анонияти» деган жумлани келтириб, кибрнинг куфрини назарда тутади. Кибр – куфридир: шайтон Аллоҳга кибр килиб, кофирга айланганидек, инсон ўз ичидаги кибрни, каттатарошлини енгмаса, у куфр хатари ичиди колаверади. Алишер Навоий Расули акрам соллаллоху алайхи ва салламга маънан юзланиб, «куфр анонияти»га чора сўрар экан, Пайғамбаримиз соллаллоху алайхи ва саллам инсоният қалбидаги кибрни ўлдириб, Ер юзида куфрни синдириб, исломни барпо килгандарига диккат каратади. Чунки ёлгиз Аллоҳни кўйиб, Лот, Манот каби бўтларга топиниш замирида ўз Роббисидан юз ўтириш, Унга катталик қилишлек оғат намоён. Алишер Навоий раҳматуллохи алайх «зумраи Ислом»га – Ислом жамоасига мансуб бўлишини орзу килади, бу асл Ислом нағе ёвузлиги ҳамда кибр куфридан омонлика эришиш билан юзага чикишини билдиради.

кофирларнинг жазосини беришлари шарт эди, шунинг учун қаҳр кўрсатдиларки, куфрнинг бошида на даҳшат, танида на бosh колди.

Алишер Навоий Пайғамбаримиз соллаллоху алайхи ва салламнинг куфрига карпли зафарли курашларини тавсифлаш асносида «ўз куфри»дан сўз очади. Айни шу нуткада кў





ТҮККИЗИНЧИ БОБ

УЧУНЧИ НАЛЬ

(Матн)

Ул нубувват күёшининг соясизлигининг пояси, балки күёш бўлмоқ анинг сояси ва беш бармогига қалам тутмай ақолими сабъани яккала мақони, балки жамиль милал авроқига насх қалами чеккони

1. Эй шараф авжилда юзунг шамъи меҳр,
Соядек ул шамъга нилий сипеҳр.
2. Соялиғинг бўлмаса гар варзиши,
Тушмак аёғингга нединдор иши,
3. Турфаки шамъинга бийик поядин,
Ор ўлубон шамъ киби соядин.
4. Мехрки, чехрангдин анга нурдур,
Теграсидин сояси маҳжурдур.
5. Сенки юз онча санга Ҳак берди нур,
Тонг йўқ агар, соядин ўлсант нуфор.
6. Соя агар бўлмади шахсинга ёр,
Сояи кадрингда дурур хар не бор.
7. Шамъинга чун нури кидам соядур,
Нурдур улким анга ҳамсоядур.
8. Соя сифат келди Санта анбиё,
Яъни, эрурлар күёшингдин зиё.
9. Жилваи ҳусн айласа меҳри шариф,
Боис ўлур сояга жирми касиф.
10. Зотинг эди жавхари улвий нажод,
Тутмади ер сояси бирла савод.
11. Қайдা савод этгали чеккай ракам,
Колди чу маҳрум илигингдин қалам.
12. Бўлмади гар хома бошин ёрмоғинг,
Ёрди камар хомасини бормоғинг.
13. Кўймади гар бу қаламинг бир нукат,
Лек милал насхига кўп чекти хат.
14. Юз каролик хома киби килди фош,
Кимки хатингдин чикорур бўлди бош.
15. Тифи сиёсат бошин эти қалам,
Кимки чикорди ракамингдин қадам.
16. Итса қалам қайда ғам ўлди Санга,
Чунки жаҳон яккала мақони.





17. Хаттингта баш күйди Ажам то Араб,

Тутмасанг илгингта қалам, не ажаб.

27. Барча милалға чу юруб химматинг,
«Лом»ила «те» дин лат уруб миллатинг.18. Ўтмади илгингни чу нолон қалам,
Мотамий айлабтур ани бу алам,28. Лотки, андин эди динга бало,
Сен ушотиб, поясини бўлди ло.19. Ким юзин айлаб каро, ғамнок эрур,
Шакки эмаским, ёқаси чок эрур.29. Куфр элига улки, бор эрди Манот,
Бўйинни Сен синдурубон бўлди мот.20. Тутмофинг андин эди хомани –
Ким ул этибдур кора кўп номани.30. Куфр бошин кестинг этиб қаҳр фоп,
Болига фар колмади, жисмига баш.21. Нома каро қилғали бўлдик сариъ,
Нома сияҳларга чу Сенсен шафир.31. Хаста Навоий сори наззора қил,
Куфр анониятига чора қил.22. Эй, ёвумай номага хомант Сенинг,
Хома йўку Ҳак сори номанг Сенинг.32. Эт бу иноят била хосил ани,
Зумраи ислом аро дохил ани.

Лугат

Поя – даражা, мартаба

Ақолими сабъа – етти иқлим

Яккалама қилгани – бир қалам қилгани,
яъни кўл остида бирлаштиргани

Милал – миллатлар

Аврок – вараклар

Наск қалами – аввалги ҳукмларни бекор

Қиласдан қалам
Қалам чеккони – қалам билан ёзганиАвж – чўққи
Хар «алиф» Исломинг аро шамъ анга.

Илий сипехр – кўк осмон





Варзин – риёзат, кийинчилик; иш, харалат, одат

Жирми – жисм, оғирлик, мохият

Касиф – касофатли

Улвий нақод – олий даражали

Савод – қора

Чеккай ракам – қалам билан ёзгай, қалам теккизгай

Хома – қалам

Қамар – ой

Нукат – нұкталар

Чекті хат – хат ёзды

Сарыъ – тез, суръати баланд

Ёвумай – яқинлашмай, бормай

Жовид – абадий, манту

Жола – катта йўл

Шориъ – катта йўл, тўри йўл.

Фар(р) – шукух, савлат

Аноннат – худбинлик, такаббурлик

Зўмра – жамоа

Ул нубувват күёшининг соясизлик мартабаси, балки күёш бўймок – унинг сояси бўлмокдир ва беш бармогига қалам тутмай етти иқлимини бирланширгани, балки жами миллиатларнинг варагига эски хукмларни бекор қилиш қаламини юргизгани

1. Эй, шараф чўккисида юзининг шамъи күёш бўлиб порлаган зот! Мовий фалак Сизнинг шамъингизга бир соя кабидир.

2. Агар кўкнинг иши Сизга соялик қилиш бўлмаса, нима учун оёғингиз пойига тушиб унинг одатига айланди?

3. Шамъ соядан ор қилгани каби буок даражангиз боис Сизнинг шамъ каби қоматингиз учун хам соя кераксиздир.

4. Күёш хам ўз нурини Сиздан олгани сабабли унинг атрофида соя йўқ-ку!

5. Аллоҳ таоло Сизга шу қадар нур ато этдики, Сиз хам соядан воз кечсангиз, бу ҳайрон коладиган иш эмас.

6. Сизнинг шахсингизда соя бўлмаса-да, қадрингиз соясида ҳамма нарсани топиш мумкин.

ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ

учинчи нафт

(Насрий баён)





7. Сизга кадимият нури соя бўлдики, нур унинг хамсояси - кўшинисидир.
8. Барча набийлар Сизга соя каби келди, яъни улар Сизнинг кўёшингиздан тараалган зиё кабидир.
9. Офтоб хам ўз хуснини кўрсатиб жилвалинади, бирок у ўзининг касофати сабабли бошлика нарсаларда соя пайдо килади.
10. Зотингиз олий даражали бир жавхар эди, шунинг учун Ернинг соясида колмади.
11. Каерда бўлмасин қоғоз корайтиришни ўзига касб қилган калам кўлингиздан маҳрум бўлди.
12. Умрингизда бирор марта қаламнинг босшини ёрмаган (учини очмаган) бўлсантизда, бармофингиз тўлин ойни ёрган.
13. Бу қаламингиз (бармофингиз) битта нукта хам кўймай миллатларнинг эски хукмларини бекор киладиган фармонлари ёди.
14. Сизнинг хатингиздан (фармонингиздан) бошини чикарганларнинг юзи қалманинг юзи каби кора бўлди.
15. Ракамингиздан - амрингиздан тескари қадам босганинг бошини сиёсатингиз тифи қаламдек кесиб ташлади.
16. Қаламни тутмасликдан Сизга заррача ғам йўқ! Чунки бутун жаҳон Сизнинг копшингизда яккалам бўлди - таслимият келтириди.



17. Сизнинг хатингизга - хўкмингизга Ажам хам, Араб хам бош этди, кўлингизга қалам тутмаган бўлсантиз, нима килиби?!
18. Қалам кўлингизни ўшишга мушарраф бўлмагани учун бу алам уни мотамий қилди - рангини корайтириб юборди.
19. Кимки юзини ўзи кора қилиб, ғамнок бўлса, унинг кўкси ёрилган эмас, балки чокчок бўлиб кетган.
20. Қаламни тутмаганингиз сабаби - қалам кўп номаларни кора қилган эди.
21. Биз ўз номамизни корайтиришда доим гайратли бўлдик, бирок Сиз номаси қораларнинг шафоатчисидирсиз.
22. Сизнинг қаламингиз бирор марта нома битиш учун якинламаган бўлса хам, қаламсиз биттан номаларингиз факат Ҳак учундир!
23. Чунки Сиз азалий бўлган Ҳакнинг абадий раҳматисиз, номасини кора қилган элининг умидисиз.
24. Ким гуноҳлар билан ўз номасини кора қилган бўлса, жонига оро кирган ўзингизсиз.
25. Кимни толеъи гумроҳга айлантириса, шариатингиз йўли унинг учун чинакам најот йўлидир.
26. Куфр зулмати каерга жамланган бўлса, Исломингиз «алиф»лари бу зулматни ёритадиган шамъдир.
27. Ҳимматингиз Ер юзидаги ҳамма миллатлар учундир, Сизнинг миллатингиз миллатлар учундир, Сизнинг миллатингиз мил-





лат сўзидан «лом» ва «тө»ни йўқотиб, уларни бирлаштириди.

28. Динга бало бўлган Лотни майдалаб, «Ло»га айлантириб кўйдингиз.

29. Куфр элининг Маноти бор эди, бўйни ни синдирганингиздан кейин у «мот» бўлиб колди.

30. Шундай қаҳр кўрсатиб, куфрининг бошини кесдингизки, куффорнинг бошидаги шукухни хам, танасидаги бошни хам колдирамдингиз.

31. Хаста Навоийга назар солинг, унинг куфрига бир чора кўрсатинг.

32. Ўша иноят хосили билан уни Ислом жамоасига киритинг!

ЎНИНЧИ БОВ

ТЎРТИНЧИ НАВТ

(Шадрҳ)

Алишер Навоий рахматуллохи алайх «Хайрат ул-аброр»нинг тўртинчи нағти сарлавҳасида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламни «рисолат сипехри» деб атайди.

Рисолат – пайғамбар томонидан Аллоҳни танитган ҳолда инсониятга илоҳий ҳукм – шариатнинг етказилиши билан кечадиган, барча хатти-харакатлар Аллоҳнинг Китобига мукаммал итоатга келтирилган даврdir.

Рисолатни етказган ва амалга оширган шахс расулдир, расулга эъчи маъноси хам берилади, чунки унга Аллоҳнинг одамзодга юборилган хабарчи сифатида каравади.

Алишер Навоий рахматуллохи алайх «Хайрат ул-аброр»нинг иймон бобида расуллар, набийлар ва уларнинг фарқлари жакида тўхтаган. Бу ўринда Мухаммад соллаллоҳу алайхи ва салламни «рисолат сипехри» – рисолат осмони деб аташ асносида ул зотнинг улкан макомларига ишора этмоқда. Бу истиора-нинг ўз асоси бор:

أصحابي كالنجوم بأبيهم إفتديتم

Яъни: «Асҳобларим юлдузлар кабидир, кай бирига эргашсаниз хидоят топасиз»

мазмунидаги ушбу ҳадис Алишер Навоийнинг «рисолат сипехри» ташбеҳи учун асос вазифасини бажарган. Зотан, рисолат осмонни ўта юқсак, сахобалар эса бу осмон ичидаги юлдуз кабидирлар. Мазкур ҳадиснинг санади мухадисслар томонидан заиф ёки ўта заиф дея айтилган. Бирок, дин уламоси Сайфуллоҳ Ноғирга кўра: «Фазоили аъмолда заиф ҳадислардан фойдаланиш зарар кимайди, деган айрим уламолар бу ҳадисдан ўз китобларида фойдаланишган».

Фазоили аъмолдан мурод – амалларнинг фазли, демакдир. Амалларнинг фазллари ҳақида галирилса, ушбу ҳадисдан фойдаланиш зарар килмаслиги айтилган. Алишер Навоий ҳам мазкур бобда асосан сахобалар ва уларнинг гўзал амаллари, динга килган хизматларини мадҳ этгани сабабли юкоридаги ҳадисни истифода этган, дейишишимиз мумкин.

Мазкур нафт бир неча қисмларни тартибли шаклда ўз ичига олади. Бобда масалалар кетма-кет баён қилинади, бу билан Алишер Навоий раҳматуллоҳи алайхининг мавзуға изчила ва максадли ёндашгани ойдинлашади.

Биринчи масала Расууллоҳ соллаллоҳу алайхи ва салламнинг нутклари ҳакида бўйлиб, сўз айтиш бобида ул Зотнинг куйидаги сифатлари саналган:

- 1) Расууллоҳ соллаллоҳу алайхи ва саллам жаброил алайхиссалом – Рухул кудус билан сирдрош бўлгандари учун ҳам нутклари одамларни ожиз қолдириш хусусиятига эга бўлган;
- 2) Мухаммад соллаллоҳу алайхи ва саллам Аллоҳнинг Сўзини – «Мўъжиз қалом»ни инсонларга етказар эдилар, шунинг учун ул Зотнинг тилларидан чикадиган бошқа калималар одамларни лол қолдирадиган коидага, қонунга, тартиботга айланган;
- 3) Набиймиз соллаллоҳу алайхи ва салламнинг гўзал ва хикматли сўзлаплари ҳакидага комил ишонч билан дальво килиш мумкин, бунинг исботи куйидаги ҳадисdir:

أَنَا أَفْصَحُ الْعَرَبِ بِيَدِيِّ مِنْ قَرِئَةٍ وَ نَسْأَتُ فِيْ بَيْنِ سَعْدٍ وَ
اسْتَرْجَعَتْ بَيْنِ زَهْرَةٍ

Таржимаси:

«Мен арабларнинг фасихроги – улардан гўзалроқ сўзлагувчиси – бўлдим, Курайш-Даиман, Бални Сальда улгайдим, Бани Зухра да эмизилдим».

Ушбу ҳадиснинг мухадиси ибн Ҳажар аль-Асқалоний деб кўрсатилгани холда ровийлари аник эмаслиги таъкиданади. Тахқиклар патижасида мазкур ҳадис ҳам заиф тоифага мансублиги мальум этилган. Бу ҳадисдаги мальумотдан ташкари ҳам кўплаб ўринлар-

да пайғамбаримиз Мұхаммад соллалоҳу алайҳи ва салламнинг галиришлари, жумла түзилслари, қисқа ифодага үлкан маъноларни жамлаганлари ўша давр сўз усталарининг ҳаммаси томонидан эътироф этилган. «Шамоили Мустафо» китобида айтилишича: «Пайғамбар алайҳиссалом нутқ майдонида фасоҳат ва балоғатлари билан беназир эдилар. Сўз ва запларни холат тақозосига кўра ташлаб айттардилар. У зотга ҳар бир жумлани диник, тушунарли ва таъсирли ҳолда қисқа ва лўнда баён этиш кобилияти берилган эди. Ҳамто, айтган ҳар бир сўзлари зарубумасалга айланди. Имом Бухорий, Муслим, Термизий ва Насоий Абу Ҳураирә розияллоҳу анхудан ривоят килган ҳадисида: «Мен жамлочи ёзулар билан юборилдим», – деганлар².

Алишер Навоий раҳматуллоҳи алайҳи бу масалада ҳам заиф ҳадисни асос сифатида келтирса-да, максади пайғамбаримиз Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг сўзлари хикмат, илм ва жозиба ила тўлиб-тошгани билан бир категорда инсоният ҳаётидаги энг муҳим сўзлар бўлганига диккат каратиш бўлган.

4) Расули Аҳмад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳадислари соглом, адолатли ҳукм чиқаришда ўз кувватини доимо намоён килган.

Шу билан Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг фасих нутқлари мавзудид:

² Каранг: <http://siyrat.uz/magola/10292> Фойдаланилган сана: 2020 йил, 25 октябрь

сидан ул Зотнинг кўллари, Ислом куввати ва нубувват мўъжизалари кисмiga ўтилади:

- 1) Алишер Навоийнинг тарьифица, Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг Зотнинг ҳаммаси соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг Габири сочувчи дентиз кабидир, яъни Набийимиз соллаллоҳу алайҳи ва салламдан келган ҳар бир иш, ҳар бир сўз, ҳар бир холат жавоҳир сингари кадрли, жавоҳир янглигебаҳо, демакдир. Шунинг учун сўз масаласида дентиздек кафтларидан дуру гавхар сочилади.
- Расули акрам соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг кўллари дентизга қиёс этилишининг сабаби сифатида куйидаги ҳадисни келтириш мумкин:

وعن جابر رضي الله عنه ، قال : عطش الناس يوم الحديبية
رسول الله - صلى الله عليه وسلم - بين يديه ركوة فتوضاً منها
، ثم أقبل الناس نحوه ، قالوا : ليس علينا ماء تووضاً به ونشرب
إلا ما في روتتك ، فرضح النبي - صلى الله عليه وسلم - يده في
الركوة ، فجعل الماء يغور من بين أصابعه كأمثال الع gioin ، قال :
فشرينا وتوضأنا . قيل لجابر : كم كنت ؟ قال : لو كانا مائة ألف
لطفانا ، كلها خمس عشرة مائة . متفق عليه.

Таржимаси:
«Жобир розияллоҳу анхудан ривоят килинади:

«Худайбийя куни инсонлар чанқаб колишиди. Расууллоҳ соллаллоҳу алаихи ва салламнинг олдиларида бир сув идиши бор эди. Ўша идишдан тахорат қилдилар. Сўнгра инсонлар у зотнинг олдиларига келиб: «Бизда тахорат килишимиз ва ичишимиз учун идишингиздаги сувдан бошқа сув ўйқ», дейишди. Набий соллаллоҳу алаихи васаллам қўлларини сув идиши ичига тикдилар. Шунда у зотнинг бармоклари орасидан ҳудди булоклардан чиккани каби сув отилиб чика бошлиди. Жобир розияллоҳу анху айтадилар: «Сўнгра биз чанкогимизни кондирдик ва тахорат қилиб олдик». Жобир розияллоҳу анхуга: «Қанча киши Эдингиз», дейилди. У зот бизга ледилар: «Агар юз минг киши бўлсак ҳам етарди, (ўшанда) **биз бир минг беш юзта эдик» (Муттрафакун алайхи)³.**

Бир хадисни буюк мухадисслар имом Бухорий ва имом Муслим ривоят қилган бўлишса, бу хадис истилоҳда *муттафакун алайх* (унга, яъни хадиснинг сахихлигига иттифок килинган) деб таърифланади. Юкоридаги хадисдан маълум бўяптики, Расули акрамга берилган мўъжизалардан бири – ул Зотнинг бармокларидан сув чикишидир. Ана шу асосга таянган Алишер Навоий Пайғамбаримиз соллаллоҳу алаихи ва салламнинг кўнглини сувдан бошқа сув ўйқ, дейишди. Набий соллаллоҳу алаихи васаллам қўлларини сув идиши ичига тикдилар. Шунда у зотнинг бармоклари орасидан ҳудди булоклардан чиккани каби сув отилиб чика бошлиди. Жобир розияллоҳу анху айтадилар: «Сўнгра биз чанкогимизни кондирдик ва тахорат қилиб олдик». Жобир розияллоҳу анхуга: «Қанча киши Эдингиз», дейилди. У зот бизга ледилар: «Агар юз минг киши бўлсак ҳам етарди, (ўшанда) **биз бир минг беш юзта эдик» (Муттрафакун алайхи)³.**

ху алайҳи ва салламнинг қўлларидаги бешта бармокни бешта денгиз ёки бешта дарё ўла-
рек кўрсатади;

2) бу беш дарё маънан ўта улкан бўлиб, унинг кошида етти кубба фалак еттига хубоб – сув устидаги пуфакка ўшраб колади, мазкур муболаганинг замирида Расууллоҳу соллаллоҳу алаихи ва салламнинг макомлари, ушбу мўъжиза моҳияттан бетакрор эканлиги хакидаги ҳакикат бор;

3) Расууллоҳу соллаллоҳу алаихи ва салламга фарз қилинган беш вакт намоз, аслида, Ислом уммати учун берилган улкан шараф ўларқ Ислом панжасига улкан кувват бағишлади ва бу кувват сабабли куфр ахлига жуда катта ранжу машакккат етди;

4) беш вакт фарз намоз Ислом панжасининг куввати хисобланса-да, факирликни талаб қилди, факирликдан муород – Аллоҳнинг олдилда банди ўзини хокисор тутиши, ҳатто «йўқ» деб билиши лозимлитетини ифодалашдир, факирлик оддий инсонлар учун накадар ёқимсиз бўлмасин, Роббисига факирлик ила юзланишини такозо этадиган беш маҳал фарз намоз шак-шубҳасиз бешта хазинадир;

5) Ислом панжаси кувватга тўлгани сари куфрнинг заифлиги ортди: Алишер Навоий яхудийларнинг Ҳайбардаги кўргонлари забт этилган газотни эслайди, буни «Куфр ети кўргонидин хумс олиб» мисрасида ифода

³ Каранг: https://ahlisunna.uz/rasululloh_alayhissalamning_mojizalari/ Фойдаланилган сана: 2020 йил, 25 октябрь





қилади. Сайдуллох Носир берган маълумотга кўра: «Хайбар газотида фатҳ этилган етти кўргон – Ноъим, Собъ ибн Муоз, Убай, Низор, Кафус, Ватий ва Сулолим кўргонлари. Айримлар Зубайр Кальсанни хам кўшиб, кўргонлар саккизта бўлган, дейди. Бу кўраонлар, золиб, уларни курган килилар номи билан аталаған бўйса керак».

Мисрада келаётган «**хўмс**» сўзи исломий истилоҳда урупда олинган ўлжанинг бешдан бир кисмини ифодалайди. Хумс Расууллоҳ соллаллоҳу алаҳи ва саллам ва ул Зотнинг оиласи учун ажратилган. Күфрининг ети кўргонидан хумс олиш хакидаги мисра, кўриниб турибдики, Хайбар кўргони фатҳида кўлга кирган ўлжалардан улуш олингани билан боғлиқ. Чунки Хайбар фатҳидан сўнг Арабистон яrimоролида Ислом каршисида бирор жиддий куч колмаган эди. Хайбардаги ғалаба барча душманларни синдириди. Алишер Навоий раҳматулоҳи алайх шунинг учун айнан мазкур воеага ишора килган;

6) Расууллоҳ соллаллоҳу алаҳи ва салламнинг ойни бармоклари ишораси билан иккига бўлғанлари, дараҳтнинг ул зотта юриб келиб, салом бергани ҳакида тўхталиш асносида Алишер Навоий Пайғамбаримиз соллаллоҳу алаҳи ва салламнинг даражалари Аллоҳ, наздида баландлитини яна бир карра тавкидлайди.

Найтдан ўрин олган учинчи мавзу – сахобалар тарьифи, уларнинг дин йўлидаги хиз-

матлари мадҳига бағишланган. Дастлаб тўрт буюк саҳобий – Абу Бакр Сиддик, Умар Форук, Усмон Зиннурайн, Али Муртазо розияллоҳу анхумлар ҳакидаги воеалар тилга олинади. Абу Бакр розияллоҳу анху билан алокадор кўйидаги воеа байн этилган:

1) Маккадан Ясрiba Расууллоҳ соллаллоҳу алаҳи ва саллам хижрат килар эканлар, Абу Бакр розияллоҳу анхуни ҳамроҳ ўларок танладилар, йўлда хавфсизлик максадида горга кириб турдилар, натижада, Абу Бакр розияллоҳу анху «Расууллоҳ соллаллоҳу алаҳи ва салламнинг горлаги дўсти» увонига эга бўлди;

2) ғор оғзини ўргимчак тўр тўкиб беркитди, гўёки парда ёпди;

3) бир куш уя куриб, тухум кўйди, бу билан шамол пардани кўтармасин, деб тугма қадаб кўйди;

4) ғор ўргимчак тўрини дом – тузок сифатида ёйди, унга тухумни бир дон сифатида кўйди ва кандай Давлат кушини овлаганини кўринг;

5) ўша фурсатда тог бағрида бир хазина бор эди – Расули акрам соллаллоҳу алаҳи ва саллам олтину, Абу Бакр розияллоҳу анху кумуш каби.

Умар ибн Ҳаттоб розияллоҳу анхунинг динга киришлари ҳакидаги машҳур воеани Алишер Навоий раҳматулоҳи алайх кўйидагича етказади:





1) күфр байрорғи баланд ҳилпираб турган пайтлар бўлиб, Расули акрам соллаллоҳу алайҳи ва саллам дин нусрати учун Аллоҳга дуо қилдилар, дуо: «Аллоҳим! Икки Амрдан (Абу Жаҳл ёки Умардан) бири билан динни кувватлантири!» – деган мазмунда эди;

2) Умар розияллоҳу анху иймон калимасини айтиб, динга кирди, Абу Жаҳл эса кибри сабабли жаҳаннам ахлидан бўлиб колди.

Усмон розияллоҳу анху эса Куръонни жамлаб, китоб холига келтириб, буюк ишни амалга оширган, бу хакда Алишер Навоий шундай ёзади:

1) Каломуллоҳ, Расули акрам соллаллоҳу алайҳи ва салламга насиб этган бир буюк мӯъжиза, ундан каттарок мӯъжиза йўқ;

2) Абу Бакр розияллоҳу анху Куръонни жамлатиб ёздириб кўйган бўлсалар-да, вакт ўтиб, суралар, оятлар, хатто ҳарфларгача сочилган бир холга келди, Усмон розияллоҳу анху уни катъий асосда йиғиб, Куръон жамловчисига айланди.

Али розияллоҳу анху Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам учун бехад кадрли бўлган. Алишер Навоий шу ҳолатни ифодалаш учун хеч бир сахоба билан юз бермаган бир ходисани тилга олган:

1) Расули акрам соллаллоҳу алайҳи ва саллам Маккага улкан кўшин билан кириб келдилар, кўшин адади ўн икки минг кишидан ибо-

раг бўлгани айтилади, Макка ахли кўркувга тушиб колди;

2) Маккадаги барча бутхоналар бузилди, шахар ширкдан тозаланди;

3) Кальбанинг тепасида бутлар бор эди, Набийимиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам у бутларни бузмокчи эдилар, бўйлари етмади, Али розияллоҳу анхуга: «Елкамга чик ва бутларни ерга йикит!» – дедилар. Ҳазрат Али розияллоҳу анху журъат этмади, лекин Расули акрамнинг, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, амрини икки қилиш мумкин эмас, натижада, у кипи Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг елкаларига оёқ кўйиб чиқди ва Катба тепасидаги бутларни синдириди;

4) Алишер Навоий рахматуллоҳи алайҳ айтадики, мельроҳ кечаси Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам етти кат осмоннинг тепасига чиқдилар, Арплдан ҳам юксалдилар, Арши угл Зотнинг оёқ кийимлари наълини – пошнасини ўзи учун тож деб билди, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам эса Али розияллоҳу анхунинг оёқларига елкаларини тутиб бердилар, бу ҳол орадаги буюк бир якинлик ва Али розияллоҳу анхунинг юксак макомларига ҳам далолатдир.

Бу тўрт буюк сахобий Расули акрам соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ёнларида сабит туриб, динга улкан хизмат кўрсатдилар, Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам бами-



соли рух бўйсалар, танларининг тўрт унсури мазкур тўрт саҳобий эди, гўё.

Дин учун маккалик саҳобалар ўз она шахарларини тарк этишиди, Алишер Навоий Расулулоҳ соллаллоҳу алайхи ва салламни «Накди киромий» – иззат, саҳоват ва қарамнинг хазинаси, деб таърифлайди. Бу хазинани кўлга киритиш учун савдога киргандар эса хижрат водийсидаги муҳожирлар эди. Динга куфрдан хатар туғилганда химояга отланган Ясрив – Мадина ахли маккалик муҳожирларга ёрдам берганлари учун «кансор» – ёрдам берувчи номига эга бўйдилар.

«Хайрат ул-аббор»даги тўртични навтнинг умумий мазмунни шундан иборат ва Алишер Навоий бобни Расулулоҳ соллаллоҳу алайхи ва салламга дуо саломи ва салавот айтиш билан якунлайди, киёмат куни Расулулоҳ, соллаллоҳу алайхи ва салламга эргашган барча учун юзлаб тухфалар борлигини таъкидлайди.

ЎНИНЧИ БОВ

ТЎРГУНЧИ НАВТ

(Матн)

Ул рисолат сипеҳрининг риғбатида ва барча оламни сипеҳрдек ихота килғон күдратида ва асҳоби бобидаким ҳар бирига ул сипеҳрда бир кавқаби рахшандалик содик дурурки, «Асҳоби кан нужум» бу мазмунга

НОТИК ДУРУР

1. Эй нағасининг мояи эъжоз ўлуб,
Рухи кудус нуткунгга ҳамроҳ ўлуб.
2. Гоҳи такаллум Санга мўъжиз калом,
Назми каломинг бори мўъжиз низом,
3. Нукта фасоҳатда мунаккаҳ Санга,
Шоҳиди дарьво: «Ана афсаҳ», – Санга.
4. Сиҳҳати ҳукм ичра ҳадисинг сахих,
Арзи фасоҳатда каломинг фасих.
5. Нутқ аро чун зоҳир ўлуб мўъжизинг,
Ахли фасоҳат бўлубон ожизинг.
6. Зотинг ўлуб баҳри жавоҳир нишон,
Сўз аро баҳринг кафи гавҳар фишон,



7. Каф неки, баҳре бўйлуб ул панж шоҳ,
Етти хубоб ул сувга бу етти коҳ.
8. Хамса салотинга чу навбат бўйлуб,
Панжай Исломга кувват бўйлуб.
9. Куфр кўлу панжасини ранжа бил,
Боис анинг ранжига бу панж бил.
10. Факр аро ул панжа кабул этти ранж,
Лек хакикатда эрур панж ганж.
11. Панжай Ислом чу махкам солиб,
Куфр ети кўргонидин хўмс олиб,
12. Дема илик, тигеки бир бормоги,
Ойни ики бўлди ишпорат чоги.
13. Тонг эмас ар, ул кафи мўъжизнамой,
Килгач ишпорат ики айрилса ой.
14. Нокаси ер узра чу рафтор этиб,
Хар изи «Шаккал камар» изкор этиб.
15. Амри этиб нахл қадин хуш хиром,
Ёйлаки, килгай бути саркаш хиром.
16. Хасмидин ўлғонда анга парда ғор,
Оғзида ўргамчи бўлуб пардадор.
17. Айламасун деб ел ила парда сайр,
Байзасидин тутма токиб анда тайр,
18. Пардаси жон риштасидин тор ўлуб,
Тутмалари гавхари шахвор ўлуб.
19. Кўйди чу ул дом ила ул дона гор,
Кўрки, не давлат кушин этти шикор.
20. Горда ёри била ул тез хуш,
Тоғ ичида ўйлаки олтун-кумуш,
21. Куфр чу эълойи ливо айлабон,
Нусрат учун линга дуо айлабон.
22. Ким ики тандин бирин эт тожвар,
Бири Абу Жахлу бириси Умар.
23. Кисмати авваллининг ўлди азоб,
Бўлди икинчидагу мустажоб.
24. Буки Каломуллоҳ ангадур насиб,
Ким йўқ анга мўъжиза андин гариф.
25. Сура дема, «коф» ила «нун» ёки «сад»,
Яъники, хар ҳарфига онинг савод,
26. Сунбулидек борча паришон эди,
Жомиъ анга жомиъи Куръон эди.



27. Маккани чун килди жудо дайрдин,
Тиг сүйи бирла юди гайрдин.

ҮНИНЧИ БОБ

28. Бўлди vale манзарадин бут фиган,
Сўнгра Набий Ҳак эвиде бут шикан.

ТЎРТИНЧИ НАБТ (Насрий баён)

29. Нальини гар тожи шараф килди арш,
Килди Али нальига этнини фарш.

30. Рух эди ул баҳри нубувват дури,
Тўрт рафиқи танининг унсури.

31. Накд киромий Улу, тожир анга,
Водий хижратда муҳожир анга.

32. Динга етиб рахна чу куффордин,
Садига нусрат кўруб ансордин.

33. Ахлию авлодию атбоига,
Олию ахфодию апёига,

34. Тенпри таоло карамидин карин
Юз тухафи раҳмат ила явми дин.

У рисолаг самосининг юксаклиги ва барча оламни само каби куршаб олишдек кудрати ҳакида ва сахобалари бобидаки, ҳар бирiga ул самода бир порлок юлдуз содикдирки, «Сахобаларим юлдуз қабидирлар» – бу мазмуннинг ифодасидир

1. Эй, нафаси мўъжизанинг ўзи бўлган зот!

Сизнинг нуткингизга Рухи қудус сирлош бўлди.

2. Гоҳо Аллоҳнинг мўъжиза каломи Сизнинг тилингиздан баён бўлса, ўзингиз айтган

каломларингиз гўзалиги ҳам бутунича мўъжизавий бир коидадир.

3. Гўзал нутқ айтишида Сизга бехад поклик ато этилган, Сиз бу ҳакда: «Мен гўзал сўзлайман», – деганингиз бу даъвонинг гувоҳидир.

4. Адолатли ҳукмлар чиқаришида Сизнинг сўзларингиз энг тўғри ёрламчидир, фасоҳат ҳақида арз этилса, Сизнинг каломингиз энг фасихидир.

5. Нуткингизда Аллоҳ, Сизга берган мўъжи за ўзини зоҳир этади, кошингизда фасоҳат ахли оқиз колади.





6. Сизнинг зотингиз жавохир дентизиздан бир нишон бўлса, сўз аро дентизизиз кафти эса гавхар сочувицидир.
7. Кафт не! У бешта шох бешта дентиздир! Етти хубоб усувнинг устидаги еттига осмондир!
8. Сизга ва умматингизга фарз қилинган беш махал намоз шараф ўларок Ислом панжасининг кувватига айланди.
9. Куфрнинг кўли хам, панжаси хам ранжу машаккат ичидадир, унинг азиятига мана шу панжани сабаб деб бил!
10. Факирликда ул панжа ўзига бир канча ранжларни кабул қилди, лекин ҳакқиат шуки, у бешта хазинадир!
11. Ислом панжаси билан махкам зарб бериб, куфрнинг етти кўргони фатхидан кўлга кирган ўлжалардан хумс олди.
12. Буни кўл дема, унлаги хар бир бармок бир тифдир, ишора қилган пайт ойни иккига бўлган.
13. Агар у мўъжизасифат кафт ишора қиласа, ойнинг иккига ажрабалиши сира ажабланарли эмас.
14. Расууллоҳ, соллаллоҳу алайхи ва саллам минганд туюхам ерузра шундай кадам босадики, хар изи ойнинг ёрилгани какида хабар беради, гўё.
15. Унинг амири дарахтнинг кадини гўзал хиром кильувчига айлантириди, бу худди саркаш бутнинг кадам бостганига ўхшайди.
16. Рор Расууллоҳ соллаллоҳу алайхи ва саллам учун душманлардан тўсуви парда бўлганида горнинг оғзида ўргимчак парда тўкувчи бўлди.
17. Ел эсиб, пардани учирмасин дея куш унга ўз тухумидан тугма қадаб кўйди.
18. У тўқиган парданинг иплари жон ипидан кўра ингичка, тутмалари эса шохлар тоғини безайдиган энг қимматли гавхар эди.
19. У рор гўёки ўргимчак тўрини дом, куш тухумини дон сифатида кўйди ва қандай давлат кушини овлаганини кўр!
20. Горда ёри билан тез хуш бўлган Расууллоҳ соллаллоҳу алайхи ва саллам иккаловлари тог ичидаги олгин ва кумушга ўшпардилар.
21. Куфр ўз байроғини олий килиб турган пайтда диннинг нусрати учун дуо килдилар.
22. Яъни: «Абу Жаҳл ва Умардан бирига иймон тожини кийдир!» – деган дуо эди бу.
23. Абу Жаҳлинг кисмати азоб бўлди, дуо Умар розияллоҳу анхуда ижобат қилинди.
24. Расууллоҳ соллаллоҳу алайхи ва салламга Каломуллоҳ, насиб бўлди. Каломуллоҳ шундай мўъжизаки, ундан кўра устунрок мўъжиза йўк.
25. Факат суралар эмас, «коф», «нун» ёки «сад» харфлари хам...
26. ... уша сунбул каби сочдек сочилиб ётган эди. У Куръоннинг жамловчиси бўлди.
27. Расули акрам соллаллоҳу алайхи ва саллам Маккани бутхоналардан тозалади, килич суви билан бегона нарсаларни ювди.





28. Бу манзарада у бутларни йикитувчи бўлди, сўнг Хакнинг уйида Набий соллалоҳу алайҳи ва саллам бутларни синдирилар.

29. Набий соллалоҳу алайҳи ва саллам пойабзали пошинасини Арш ўзи учун шараф тожи деб билди, Пайғамбаримиз соллалоҳу алайҳи ва саллам эса Али розияллоҳу анхунинг оёғига ўз елкасини тутдилар.

30. Нубуват дентизининг дури бўлган Расули акрам соллалоҳу алайҳи ва саллам бамисоли рух бўлсалар, тўрт дустлари бу танларининг унсури эди, гүё.

31. Карам ва иззатнинг хазинаси Расули акрам соллалоҳу алайҳи ва салламдир, бухазина билан тижорат килганлар хижрат водий-сидаги муҳожирлардир.

32. Динга коғирлардан кўп ҳужум бўлди, дин деворига ансорлардан ёрдам келди.

33. Расули акрам соллалоҳу алайҳи ва салламнинг ахлига, болаларига, авлодларига, ўнинг нарсаларига...

34. Тантри таолонинг карами сабабли юзлаб тухфалар ва раҳмат қиёмат куни уларга жуда яқин бўлади.

Лугат

Рифъат – юксаклик, баландлик
Иҳота – куршов
Рахшонда – порлок

Аҳоби кан нуҷум – «Саҳобаларим юлдуз кабидирлар»

Моя – асос, моҳият

Эъжоз – оқиз қолдириш

Руҳи қудус – Муқаддас Руҳ – Жаброил алайхиссаломнинг яна бир номи

Ҳамроҳ – сирдолш

Такаллум – сўзлаш, баён этиш

Низом – коида, тартибли, уйғун

Фасоҳат – гўзал нутк

Мунакқах – соғ, тоза

Ана афсаҳ – «Мен фасих бўлдим»

Гавҳарфишон – гавҳар сочувчи

Хубоб – сув юзасидаги пуфак

Коҳ – фалак, осмон

Навбат – ногора, улуғлаб ногора чалиш

Ранжа – ранж, азият

Хұмс – урушда тушган ўлжанинг бешдан бир кисми

Нока – ургочи түя

Рағтор – юриш, кадам босиш

Шаққал қамар – ойнинг ёрилиши

Хасм – душман

Байза – тухум

Гавҳари шахвор – шоҳнинг тожида туришга аризирли гавҳар

Эъло – олиш килиш

Ливо – байрок

Тожвар – тож кийған, тож эгаси

Бутғиган – бутни йикитувчи



Бутшикан – бутни синдирувчи

Нагъл – оёк кийими – пойабзалинг таги, пошнаси

Фарш – тўшпама

Накди киромий – иззат, саховат хазинаси, азизлик ганжи

Тожир – тижоратчи

Хижрат – Аллоҳ йўлида ўз юртидан кўчиб кетиш

Муҳокир – Аллоҳ йўлида ўз юртидан кўчиб чиккан киши

Куффор – кофир

Сад – девор

Ансор – ёрдам берувчи

Атбо – эргашувчи

Оли – оила

Ахфод – набиралар

Ашё – нарсалар

Карин – якин

Явми дин – дин куни, яъни киёмат

«Мельрож», «уруж» каби сўзлар «кўтарилиш», «юксалиш» маъноларини беради. «Исрор»дан мурод – сайр, сайр килдиришидир, сайр килувчи инсон «сойир» деййлади.

Алишер Навоий рахматуллохи алайх тарикат намояндаси, тасаввуф уламоси ва мутасаввуф шоир ўларок Расулуллоҳ, соллаллоҳу алайхи ва салламнинг мельрожига алоҳида эҳтимом, эътибор ва жиддият билан караган.

Буюк мутафаккирнинг наздиги, набиимиз Мухаммад соллаллоҳу алайхи ва салламнинг Ер тортиши кучидан голиб бўлиб, бутун койнотдан юкори чикиб, Аллоҳ билан Олий Даргоҳда роз айтишмоғи – сирлашмоғи инсоният тарихидаги энг буюк ходисадир. Чунки Расуллуппоҳ соллаллоҳу алайхи ва саллам эришган бу маком на инсонга, на фариштага, на бошқа мавжудотларнинг ҳеч бирига насиб этмаган.

«Хайрат ул-абдор»даги бешинчи натъайни шу жараённинг баёнига бағишланган. Аллоҳ таоло Куръони каримнинг Исрор сураси 1-оятида марҳамат килади:

ЎН БИРИНЧИ БОБ

БЕШИНЧИ НАЛТ

(Шарҳ)



الْمَسْجِدُ الْكَارَامُ
إِلَى الْمَسْجِدِ الْأَقْصَا الَّذِي بَرَّكَنَا حَوْلَهُ لِرَبِّهِ مِنْ مَا يَنْتَنَا إِنَّهُ هُوَ
الْأَعْلَمُ بِالْأَصْبَرِ ١

Малъно таржимаси:

«Ўз бандаси – Мұхаммадни – унға мұйылдайларимизни күрсатиш учун Масжиди Ҳаромдан Биз атрофина барокаттың қылган Масжиди Аксога сайр килдирған Зот барча нұксонлардан покдир. Дархакиқат, у Самет (әшитувчи) ва Басир (күрувчи) дір».

Алишер Навоий мазкур оядаги – سَبَّاحُ الدِّيَارِ - «Субхоналази асрор», яъни «Сайр килдирған Зот нұксонлардан покдир!» жумласыни мөрөж кечасининг мусаддаки – тасдикловчиси, деб айтади. Ва оятнинг давомида – مَسْجِدُ الْأَقْصَا الَّذِي بَرَّكَنَا حَوْلَهُ لِرَبِّهِ مِنْ مَا يَنْتَنَا إِنَّهُ هُوَ – «...би адидихи лайлан минал масжидил ҳароми илал масжидил аксо» – яъни, «Ўз бандасини тунда Масжиди Ҳаромдан.. Масжиди Аксога...» илохий хабаридати Масжиди Ҳаром ва Масжиди Аксони Истро ва Мөрөж воеаси солигига содик икки гувох ўларок таъкидлайди.

Масжиди Ҳаром Макка шахри, Қазбатуллахнинг атрофи, ўша жойдати масжидининг номидир. «Ҳаром» сўзи бу маконда катл, кон тўкиш, чивиларни хам ўлдириш каби бир

канча ишлар таъкидлангани учун кўлланади. Умуман, «Ҳаром» худуди Макка шахрини хам ўз ичига олиши айтилади, Масжиди Ҳаром эса шу умумий ҳудуднинг марказидир. Масжиди Аксо – Куддус шахридаги масжид бўлиб, у Фаластин ерлари хисобланган. Мусулмонлар дастлабки даврларда Куддусга – Масжиди Аксога ҳам юзланиб намоз ўқиганлар. Масжиди Ҳаром ва Масжиди Аксони Одам алайхиссалом бунёд қылгани ҳакида маълумотлар бор.

Алишер Навоий Расууллоҳ, соллаллоҳу алайхи ва салламнинг ўз маконлари – Масжиғи Ҳаромдан Масжиди Аксога бориб, у ердан фалакларнинг юкорисига кўтарилганлари воқеасини куйидагича тасвиirlайди:

Мөрөж кечаси ажиб бир кеча бўлиб, хаётнинг булоғи хисобланмисш күёш яшириниб ўз катраларини самога сочиб юборди, яшил осмонда бу катралар юлдуз сингари порлади. Тун ўзининг гардини хушбуйлик каби сочди, енгил шабада жаннат шабадасидек эсди.

Ер эса думалок мижмарни эслагарди. Мижмар – бу чўғдон, демак. Чўғдон ичига чўғ солинади, хушбуйлик таратувчи шоҳ чўкка кадалади ва у тутаб, атрофни муаттар хидларга тўлдиради. Күёш чўғдон ичига худди чўғ каби кириб олди, одатда, чўғдон усти қалин бир мато билан ёпилади, фалак эса ана шу мато каби Ер мижмарини коплади.

Бутун коинот сокин. Гүё сокинлик, ором ёгин каби ёғади, ёғадики, ёмғир тупрок чанти ни кандай босиб кўйса, бу ором ва сукун ёмғир инсон акли етадиган ходисалар тупрогини шундай пастлатиб кўйди. Яъни олам юз беражак улкан вokeага тайёргарлик кўраётган эди.

Айни шу кечга дўстлик гулистоонида сарв бўлган Расууллоҳ, соллаллоҳу алайҳи ва саллам зикру ниёз билан унс (дўстлик) тунини шамъ каби равшан килаётган эдилар. Ҳак васли хаёли кўнглини тўлкинлантириб, кўнглида бир хуруш – хайқирик ўйғонди.

Фалаклар бўйлаб, балки жаннат ва жаҳангам узра кезиб юра оладиган олий макомли сойир – Жаброил алайхиссалом кўлида олий макомли уловни етаклаб келди. Улов бир куш каби бўлиб, унга миниб, сайр килиш кўкни сайр килишдек оромбахш; у учун Ердан кўкка етиб бориш учун бир кадам кифоя.

Жаброил алайхиссалом салом йўллаб, Аллоҳ таолодан Расули акрам соллаллоҳу алайҳи ва салламга васл изҳорини етказди.

Эътибор берилса, Расууллоҳ, соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг Аршиниг тепасигта ёки коинотдан «ташқари»га юксалиши билан боғлиқ ушбу меъроҳ вokeаси рўй берган мақон, холат тасвири Алишер Навоий раҳматуллоҳи алайҳ томонидан хассослик билан «чизиб берилган». Вokeа оддий одамлар онги билан чекланган маконда рўй бермайди, бал-

ки ушбу эпизод учун бутун коинот саҳнага айланган: тун ўз хушбуйини сепади, коинотни сокинлик қоплайди, фаришталарнинг энг улуғи бўлмисп Жаброил алайхиссалом кўлида энг тез югурадиган, шиддатда ва ўз суворий-сига озор бермасликда тенгиз бўлган уловни олиб келади. Мазкур уловнинг номи «Бурок» бўлганлиги жақида турли манбаларда маълумотлар учрайди.

Бурокнинг тезлизги аклга симас даражада бўлиб, буни Алишер Навоий: «Гарди била бора суръатнамо // Еткурубон акл кўзига альмо», яъни «Унинг туёни остидан чиккан гард акл кўзини кўр килди» деб ифодалайди. Шу ўринда Бурокни таърифлашда мутафаккир кўйидаги сўзлардан фойдаланганига хам диккат қаратиш керак: 1) тойири улвий хиром (олий қадами куш); 2) раҳш (олов); 3) бора (олов); 4) тавсан (арғумок); 5) раҳрав (йўл босувчи); 6) маркаби фархунда фол (икболи баҳтили улов).

Умуман, Расууллоҳ, соллаллоҳу алайҳи ва салламни фалаклардан олиб ўтиб, Аршга қадар етказган уловнинг сифатлари ҳам унинг пазифасига уйғун бир шаклда бўлиши табиий. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир ёнларида Жаброил алайхиссалом, таглариди Бурок билан ети кат осмонни бирма-бир босиб кўтарилдилар. Биринчи кават самода Ой, иккинчи каватда Тийри қалмzan, учинчи фалакда Зухра, тўргинчи ос-

монда Кўёш, бешинчи кўкда Бахром, олтинчи саҳнда Мұштарий, еттинчи пояди Зукал Мухаммад соллаллоҳу алайхи ва салламнинг ташрифидан бошлари шараф түйдилар, ўз эктиромларини кўрсатдилар.

Саккизинчи қават осмон ҳам бўлиб, унда юлдуз буржлари жойлашган. Ҳамал, Савр, Жавзо, Саратон, Шер, Сунбула, Палла, Акраф, Қавс, Жадий, Далв, Ҳут каби буржларнинг ҳаммаси оламлар Сарвари соллаллоҳу алайхи ва салламга жонларини Фидо этар даражада муҳаббат изхор килдилар. Ҳусусан, Ҳамал, одатда, қўй, Савр сигир кўринишида тасвир қилинади, Алишер Навоий бу иккиси Расуллулоҳ, соллаллоҳу алайхи ва салламга ўзини курбон қилди, дейиш билан қўй ва сигир курбонлик учун сўйилиши хакидаги шаръий ҳукмга ҳам ишора бериб ўтади. Сунбула бosh шаклида бўлгани учун у Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг уловининг емишига айланади. Акраф – Ҷаён, унинг иши чакиш ва озор беришидир, лекин оламларга раҳмат бўлган Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қадамлари етиши ҳамон чаённинг ниши – нўшга (нўш – мазали ичимлик, шарбат ичишни ифодалайди), заҳри эса шифога айланди.

Далв – кудукка ташланадиган челякдир, муаллиф айтадики, Расулулоҳ, соллаллоҳу алайҳи ва саллам Юсуф каби унга назар сол-

мадилар, бу Юсуф алайҳиссаломнинг кудукдан далв оркали ёруғлика чикканлари билан боғлиқ ривоғтни назарда тутади. Юнус алайҳиссалом Аллоҳнинг изни билан дengиздаги баликнинг корнида қирқ кун қолганлари ҳадидаги хабарга таянган Алишер Навоий Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайхи ва саллам балик паклидаги Ҳут буржила тўхтамай ўтиб кеттандарини айтади.

Тўккизинчи қават осмонда Арш, Лавҳ ва Қалам бўлиб, ўша-ерга чикканларидан сўнг Жаброил алайҳиссалом тўхтайди, Расулулоҳ, соллаллоҳу алайхи ва саллам Уловдан тушидилар. Энди маконлар тутайди. Буёги «Ломакон» водийси эди. Бу водийда олти томон – якори, қуйи; ўнг, чап; олд ва орт каби жихатлар йўқ. Тупрок, сув, хаво ва олов каби тўргунашур мавжуд эмас. Бу маконда инсоннинг ўзалиги – нағси, истаклари бўлиши ақлга сифати майди. Чунки бу Аллоҳнинг азамати ва олий Зотига хос бўлган бир «Харам»дир. Расулулоҳ, соллаллоҳу алайҳи ва саллам шу жойга қадам кўйдилар. Қизиги, бужойда қадам йўқлик қадами, йўл йўқлик йўли эди. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўзликларидан поз кечиб, иззат пардасига хос бўлдилар. Атрофга бокиб, хеч нарсани кўрмадилар, бокийлик кўзгусини кўрдилар. Бокийлик кўзгусида Расулулоҳ, соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир суратга ўшшаб коллдилар, кўзгудан ташкарода-



ти хамма нарса йўқ эди, аслида. Аллох таолонинг иноят дентизи мавжта келди ва Оламлар Роббиси пайтамбарга, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, ўз умматининг гуноҳи учун афв тилапши учун марҳамат қилди. Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўзларига чин дилдан эргашган умматнинг гуноҳини сўрадилар, Аллоҳ қабул қилди. Шу ҳолатда – томонлар йўқ, тўрт унсур йўқ, бирор Мухаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам уйғок эдилар, таналари ўзлари билан бирга эди, дейилса, бу айни ҳакикат ва ажабланадиган ҳол эмас, чунки ул Зотнинг таналари, ҳар бир зарралари Аллоҳнинг зикри, марҳамати билан куршалган, балки Аллоҳнинг рахматидан, муҳаббатидан иборат бўлиб колган эди.

Диккат килсак, Алишер Навоий рахматуллоҳи алайҳ бәён килаёттан воеа Ер юзидан бошланди ва коинотдан «тапкари»да бўлган, Одам боласи аклига сидира олмайдиган «Маконсизлик» маконида ҳадди альосига кўтарилиди. «Маконсизлик»ка ўққлик қадами билан қадам босиш, бако кўзгусида ўзини сурат янглиғ кўриш, бундан ташкири ҳамма нарса фанолигини англаш манзараси моҳиятида Аллоҳнинг кошида бандар ўзининг барча истакларини Аллоҳ учун «ўлдириши» ёки ўзини буткул Аллоҳнинг итоатига бағишлаши, калбиди, нафсида зарра қадар ҳам кибр ёки осийлик колмаслиги кераклиги ҳакидаги ғоя акс

этмокда. Бу Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Аллоҳнинг ҳузурига кўтарилиб, «Аллоҳнинг зотида ғойиб бўлиб колди» сифатида талқин этилиши мутлако ҳатодир. Алишер Навоий илгари сурган фано ғояси, йўқлик концепти – мўминнинг барча ҳатти-ҳаракати, ўй ва фикрлари, туйгулари, бутун борлиғи бутунича Аллоҳга таслим бўлиши шартлигини ифодалайди. Бу шартни бажариш мўминни Аллоҳнинг рахматига, Унинг энг буюк мукофоти – Жамолита муваффак қиласи. Йўқлик деганда тананинг йўқолиб, ружнинг Аллоҳга кўшилиб кетишини тушунмаслик лозим. Бу масалани ўта содда ва жўн қабул қилиш бўлиб, Алишер Навоий рахматуллоҳи алайҳ илгари сурган гояларнинг ўзагидан четлаб кетишидир. Аллоҳ билан роз айтишаркан, Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ружлари эмас, балки таналари мазкур ҳаракатни бажаргани ҳакидаги маълумот: «Ҳамраҳ анга колаби хокий насаб» // Гар десалар: «Бор эди», – ўқтур ажаб», яъни «Унинг хокдан бўлган танаси Аллоҳ билан сирлашиб асносида бор эди десалар, бунга ажабланиш йўқдир» байтида акс этиб турибди.

Алишер Навоий рахматуллоҳи алайҳ ўзижолида айни шу макомга – инсон ўз нафсига, ўз танига эга бўлган ҳолда Расууллоҳ соллалоҳу алайҳи ва салламга эргашиб, Аллоҳнинг амрларини мухаббат ва ихлос ила тўқис бажарив,





« ёўқликка » – фанога эришиш ўйлига давват килади. Бу масалага «Хайрат ул-аббор»нинг кейинги боблари шархида хам тўхталамиз.

Хозир эса меърежнинг якуний тафсилотгариши киска шархласак.

Бу улуг макомга эришгач, Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламда улкан юксалиш содир бўлди. У киши кўрган ва антлаган нуктаслар бехад юксак эди, Паёғамбарамиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўз вазифалари, амалга оширажак ишлари хусусда мукаммал топширикни, нуксонсиз кўлланмани олган эдилар, Сарвари Олам соллаллоҳу алайҳи ва салламда хосил бўлган ҳар қайси маънодаги куч-куватҳали бирор махлукотга насиб этмаган эди.

Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам икки жаҳон раҳматини қозондилар, қозонган – кўлга киритганларини олиб Ерга – жаҳодлат бижгиб турган маконга қайтдилар. Каршиларида осий инсонларни итоатта келтириш, шайтон хийлаларини синдириб, илоҳий коనунларни жорий қилиш, одамзод рухиятини кирликтан тозалаб, Илоҳий нурга етаклаш-дек машаккатли вазифалар турган эди.

Юзларидаги нур шу кадар зиёда бўлдики, Арш ёришиб кетди, оёкларидаги гардни койнот кўзига сурди. Бу ўта юксак макомга дало-лат бўлиб, Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг зиммаларидаги Вазифанинг на-қадар улканлиги белгиси хам эди.

Этгиборли жихати шуки, Мухаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам инсонията, умуман, махлукотларга мальум этилмаган гайбламига сафар этдилар. Коинот олами, фаришталар олами ул Зотга бош эгди, гайб оламини кўрдилар: жаннат ва жаҳаннам билан танишдилар, киёматча бўладиган воеалардан хабардор этилдилар (Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу хабарларни саҳобаларга етказганлар, лекин мальумотларнинг бир қанчаси Аллоҳнинг изни, иродаси ва хикмати билан хотиралардан ўчирилган), Аллоҳнинг бу оламда одамдан бошка яратган барча махлуклари Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга бўйсундириб берилди. Инсониятни тўғри ўйлга бошлиш, инсоният оиги ва калбини кўлликдан чиқариб, кенгликларга чорлаш, жаҳаннамдан жаннатга давват этиш, бу ўйлда золимларнинг жазосими бериш, қиёматгача собит турадиган Ислом низомини Ер юзига ўрнатиш, Аллоҳнинг Каломини қабул қилиб, одамзодга етказиш Мухаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга Аллоҳ юклаган вазифалардан эди. Аллоҳ, бу вазифа бир банда учун нечоғли оғирлигини билгани учун Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни ўзи кўллаб-куватлади ва ўз Олий даргохига чорлаб, бирор махлук енгизши асло мумкин бўлмаган Кудрат ва Мухабат билан неъматлантириди.





Пайгамбаримиз соллаллоху алайхи ва салам боришларидың үнчә бўлсалар, келишларида гулистон каби; зарра бўлиб кўтарилиган бўлсалар, порлок күёш янглиғ Ерга тушдилар. Инсон ақли тасаввур кила олмайдиган будодиса қанча вакт ичдиа рўй берди? Балки бу учун йиллар, асрлар сарф этилгандир?! Йўк, бориш ва келишлари бир онда содир бўлди.

Инсон оламда мавжуд бўлган энг кичик бўлакка назар солсин. Масалан, уни атом (зара) деб аташ мумкин. Бу шундай қисмки, уни кайта бўлиш имконсиз. Агар уни икига бўлман, дейилса, у колмайди. Уша қисмни ўлчов сифатида кабул килиб, у билан вактни хисоблаймиз. Расули алайхиссалоти вас салом ана шу энг кичик вакт ўлчови ичдиа тўккиз қават осмонни кесиб ўтиб, Аллоҳ билан сирлашиб, жаннат ва жаҳаннамни кўриб, кайтиб келдилар. Яъни коинотда мавжуд бўлган энг кичик ўлчов ҳисобидаги вакт орасида Пайгамбаримиз соллаллоху алайхи ва саллам шу кадар улкан масофаларга бориб келдилар. Алишер Навоий раҳматуллохи алайх қаламига мансуб меъроҳ ҳакидаги мазкур боб тасвирини бу йўналишдаги бопшка бадиий асрларда хам, Ғарб адибларининг ижодий намуналарида хам учратмаймиз. Кўйилаётган масала, моддиятдан ғолиб бўлиб, бемисл руҳоний кувват, Илоҳий марҳамат ва иноят тавсифи, инсон қадр-кӣматини бу кадар юксак макомларда баён қилиш камдан-кам ижодкорларга насиб этган.

Алишер Навоий раҳматуллохи алайх қаламига мансуб меъроҳ ҳакидаги мазкур боб тасвирини бу йўналишдаги бопшка бадиий асрларда хам, Ғарб адибларининг ижодий намуналарида хам учратмаймиз. Кўйилаётган масала, моддиятдан ғолиб бўлиб, бемисл руҳоний кувват, Илоҳий марҳамат ва иноят тавсифи, инсон қадр-кӣматини бу кадар юксак макомларда баён қилиш камдан-кам ижодкорларга насиб этган.

Пайгамбаримиз соллаллоху алайхи ва салам мөрроздан кайтганларидан сўнг, Аллоҳ таоло берган шариатни катъий шаклда ўрнатишга киришилар, кофирларга қарши уруслар очиб, уларнинг куфрини килич суви билан ювиб ташладилар.

Пайгамбаримиз соллаллоху алайхи ва салам мөрроздан кайтганларидан сўнг, Аллоҳ таоло берган шариатни катъий шаклда ўрнатишга киришилар, кофирларга қарши уруслар очиб, уларнинг куфрини килич суви билан ювиб ташладилар.





ЎН БИРИНЧИ БОБ

БЕШИНЧИ НАВТ

(Matn)

Меъроj кечаси таърифидаким, карима:
«Субҳоналлази асрро» анга мусаддаки дурур
ва «..би абдиҳи лайлан минал масжиidlil
хароми илал масжиidlаксо» аниng субугти-
га икки гувоҳи содик

1. Бир кеча зулматка колиb коинот,
Мехр ниҳон, ўйлаки, айнул ҳаёт.
2. Гарчи, ки ул ҷашма назардин қочиb,
Хизр кўк узра қатаротин сочиb.
3. Тун килибон гардини анбарсиришт,
Бутратибон Ерга насими биҳишт.
4. Ер куравий шакл или мижмар бўлуб,
Кеча саводи анга анбар бўлуб.
5. Ўткиби Ер мижмари остида меҳр,
Ёлиб этак мижмара узра сипехр.
6. Ёғибон орому сукун ёрини,
Паст қилиб ҳодиса туфроғини.
7. Бу кеча ул сарви гулистони унс,
Равшан этиб шамъи шабистони унс.
8. Васл хаёлидин этиб кўнгли жўш,
Бахрдек ул жўш ила айлаб хуруш,
9. Ким етиб ул сойири улвий маком,
Илгизда бир тойири улвий хиром.
10. Пўяда кўк сайрича ором анга,
Ердин ўлуб кўккача бир гом анга.
11. Косиди кудсий чу салом айлабон,
Ҳак соридин арзи пайдом айлабон.
12. Дебким: «Аё маҳзани асрори шавқ!
Ҳакдин эрур васлинга изҳори шавқ!»
13. Ҷунки Набий муждан жонон толиb,
Муждан жонон чу топиb – жон толиb.
14. Пайки ани кўллабон отландуруб,
Рахшини келган сори-ўқ ёндуруб.
15. Сойир ўлуб Рокиби фаррӯҳ жамол,
Тойир ўлуб марқаби фарҳунда фол.
16. Гарди била бораи суръатнамо,
Еткурубон ақл кўзига аъмо.



17. Ул махи шабгард бўлуб жилва соз,
Жилвагаҳи борча шабистони роз.
18. Чун етибон кўк сори тавсан анга,
Ой бўлубон ўтгали равзан анга.
19. Тийри қаламзан чу топиб ул шараф,
Буқаламунлугни килиб бартараф.
20. Зухра тараб барбатини соз этиб,
Замзамаи таҳният оғоз этиб.
21. Соясидин меҳр чикармай жамол,
Тахти шиъюн ичра нечукким хилол.
22. Мехрида Бахромки, якру бўлуб,
Тифи шрафт юзига кўзгу бўлуб.
23. Мавкибидин поя толиб Муштарий,
Йўлида бир поя бўлуб минбари.
24. Шамъи Зухал зулматини нур этиб,
Зангийи шабрангни кофур этиб.
25. Хам Ҳамалу Савр бериб жон анга,
Жон этибон иккиси курбон анга.
26. Хам тонгибон оллида Жавзо камар,
Ҳам Саратон туз бўлубон жилвагар.
27. Шер йўлиди тутубон гўшаи,
Сунбула раҳшига бўлуб тўши.
28. Палла йўли гардидин иксир санж,
Ақраб аро нўшу даво, нишу ранж.
29. Кавс тутуб чилла дуоси учун,
Жади бериб фулла гизоси учун.
30. Далвга Юсуф киби солмай назар,
Хутда Юнус киби килмай макар.
31. Ел киби чун катъи буруж айлабон,
Арш фасилиға уруж айлабон.
32. Фарфри бўлуб Арш ила Лавху Қалам,
Кўймок учун раҳши аларга қадам.
33. Рафраф уза пўя килиб чун күшод,
Ҳамраҳу раҳравға этиб хайрбод.
34. Колмади йўлида чун асло макон,
Килди макон бодиии Ло Макон.
35. Олти жихат қайдидин ихроқ ўлуб,
Тўрт гуҳар тарки анга тож ўлуб.
36. Йўқлуғ аёғи била солиб қадам,
Андаки, йўлу қадам ўлуб адам.



37. Ўзлугидин накшу намудор йўқ,

Накшу намудоридин осор йўқ.

38. Чун ўзини айлаб ўзидин халос,

Пардаи иззатда қилиб ўзни хос.

39. Анда етиб, гум бўлубон ўтруси,
Хар неча кўз солса, бако кўзгуси.

40. Чун бўлуб ул кўзгуда суратнамо,
Кўзгусидин ташкари қолгон фано.

41. Ахтарига чун етибон мунча авж,
Зохир ўлуб баҳри иноятка мавж.

42. Ҳак тилидин умматин истаб тамом,
Ҳакдин ўлуб борча муродига ком.

43. Ҳамраҳ анга қолаби хокий насад,
Гар десалар: «Бор эди», – йўқтур ажаб.

44. Ким, тан анга болптин оёқ жон эди,
Жони доти восили жонон эди.

45. Икки жаҳон раҳматини қозғониб,
Хар нимаким қозғониб, олиб ёниб.

46. Равшан ўлуб юзидин ул боргоҳ,
Сурма қилиб гардини бу коргоҳ.

47. Ғунча бориб, тоза гулистон келиб,
Зарра бориб, меҳри дарахшон келиб,

48. Борғонию келгани бир он ўлуб,
Акл бу мансубада ҳайрон ўлуб.

49. Қайда хаворик била мўъжиз дуур,
Акл анинг идрокида ожиз дуур.

50. Борғону келган анга жузви сагир,
Ким, эмас ул жузв тажаззийпазир.

51. Қатъ бўлуб чун бу хумюон сафар,
Рұксат олиб Ҳодийи фарҳундафар.

52. Тахт уза олам шаҳи айлаб маком
Оlam ишига берибон интизом.

53. Шаръи тили нома бәёзин ўқуб,
Тифи суйи куфр саводини юб.



ҮН БИРИНЧИ БОВ

БЕШИНЧИ НАВТ

(Насрый баён)

Мэргөж кечаси таърифидаки, «Субхонал-лази асро» ояти бу ҳолатнинг тасдиғидир ва «...би абдихи лайлан минал масжидил ҳароми илал масжиidl аксо» бу вожеанинг событ эканига икки содик гувоҳдир

1. Бир кеча коинот зулмат ичилада колиб, хаёт булоғи бўлган күёш яширинган эди.
2. Гарчи, у чашма кўзлардан кочкан бўлса хам, яшил фалак узра ўз катраларини сочди.
3. Тун ўз гардини хушбўйлантариб, Ер юзи бўйлаб жаннат шабадасини таратди.
4. Ер ўзининг юмалоксимон шакли билан чўғдон бўлдики, унинг учун туннинг қораси хупбўйлик эди.
5. Ер чўғдони остида күёш гўё ўт каби бўлиб, фалак бу чўғдон устига этак ёпди.
6. Ором ва сукун ёмғири ёғиб, ходиса туроргини пастлатди.
7. Айни шу кеча дўст гулистанининг сарви бўлган У дўстлик тунини равшан этди.
8. Васл ҳаёлидан кўнгли жўшиб, бу жўшиш дентиздек ҳайкирар эди.

9. Шу паллада олий макомли бўлган сайдилувчи келди, унинг кўлида олий хиромли бир күшдек улов бор эди.

10. Куш каби улов шундай элики, уни миниб юришда кўкни сайр этгандек ором бор бўлиб, Ердан кўккача учун бир кадам эди, холос.

11. Муқаддас элчи, аввало, салом берди ва Ҳак томондан бўлган хушхабар арзини баён этди.

12. Айтдики: «Эй шавк сирларининг хазинаси! Аллоҳ Сенинг васлинг хусусда шавк изкорини билдириди».

13. Бу сўздан Набий соллаллоҳу алайхи ва саллам жонон муждасини, балки, жон муждасини топдиликар.

14. Фаришта уни кўллаб, йўлга отлантириди, уловга чикарди ва уловни келган томонига кайтарди.

15. Юзларидан нур порлаган Чавандоз сайр килувчига айланди, у сабабли мингган улови хам баҳтиёр бўлди.

16. Бу бехад тез қадам босувчи арғумок түёклари остидан чикарган гард билан аклнинг кўзини кўр килди.

17. Ўша туннинг ойи бўлган Расули акрам соллаллоҳу алайҳи ва саллам жилва кўрасатдиларки, сирлар туни ул Зотнинг жилвагоҳига айланди.

18. У минган от биринчи фалакка етиб борди, бу ердаги Ой улар ўтиб кетиши учун бир бод бўлди.





19. Иккинчи кават фалакдаги Тийри камзан Унинг келишидан шарафланиб, туени ўзгартаришини бас қилди.
20. Учинчи фалак посбони Зухра шодлик созини чалиб, кутлов күйини бошлаб юборди.
21. Тўртинчи фалакдаги Кўёп унинг соясидага юзини очишдан хижолат тортиб, шульласи остида ойга айланниб колди.
22. Бешинчи осмондаги Бахром Унинг юзи олдила нурланиб, бир хил ранга кирди ва шароф тифи унинг бу юзига кўзгу бўлди.
23. Унинг ёнида хизмат қилишдан олтинчи кўкдаги Муштарий маком топди ва ўтирган минбари Унга бир зина сифатида хизмат қилди.
24. Еттинчи кават фалакдаги Зухал Унинг ташрифи боис зулматларни нурга чулғаб, ўзининг кора рангини окартириб юборди.
25. Саккизинчи кўкдаги Ҳамал, Савр Унинг учун жонини бериб, ўзларини курбон қилдилар.
26. Унинг олдила Жавзо лол колди, Саратон эса тўғрилик касб этиб, жилваланди.
27. У Шернинг йўлидан гўша тутди, Сунбула Унинг уловига озука бўлди.
28. Палла унинг йўли гарди тегини билан обиҳаёт торта бошлиди, Ақраб (Чаён)нинг эса ниши нўшга, ранжи давога айланди.
29. Қавс уни дуо килиш учун чилла тутди, Жадий (Тоғ эчкиси) у исчин, деб сут берди.
30. У Юсуф каби Далвга назар солмади, Хутда Юнус сингари қарор топмади.
31. Ел каби буржларни кесиб ўтиб, Арш айвонига кўтарилиди.
32. Арш, Лавх ва Қалам Унинг улови қадам кўйинши учун пояндоз бўлди.
33. У ёрдам келиб, бир зинага қадам кўйиди, хамрохи – Жаброилга, алайхиссалом, ва уловига хайр йўллади.
34. Энди Унинг йўлида макон қолмади, чунки уло Макон – Маконсизлик водийсини мақон қилди.
35. У олти томоннинг занжиридан кутулди, тўрт унсурни тарккилиш Унинг учун тож бўлди.
36. У йўл ва қадам йўклика юз тутган маңонга йўқлик оёғи билан қадам кўйди.
37. Унинг ўзлигидан бирор сурат ё зийнат, балки асар ҳам йўқ эди.
38. У ўзини ўзидан ҳалос қилгани учун у Иззат парласига хос кўрилди.
39. У шундай жоға етдики, унинг учун қарама-карши тараф ҳам ғойиб бўлди, хар канча назар солса, факат бако кўзгусини кўрди.
40. У бако кўзгусида сурат каби бўлиб колди, кўзгудан ташкарида колган ҳаммаси йўқ бўлди.
41. Иноят баҳри мавжга келиб, унинг юлдузи шу қадар юксакликка етди.
42. У Ҳак тилидан умматини сўради, бу сўров Ҳак томонидан ижобат бўлди.
43. Ўша онда Унга танаси – ружига кийдирилган тупрок қолипи ҳамроҳ эди, десалар бу ажабланарли эмас.





44. У бошидан оёгигача жонга айланиб, жони жонон васлига етишган эди.

45. У икки жаҳон раҳматини қозонди ва неки қозонган бўлса, олиб, ортга қайти.

46. Унинг юзи билан Арш ёриши, коинот эса унинг гардини кўзига сурма килиб сурти.

47. Гунча бўлиб борди, тоза гулистонга айланниб келди. Зарра каби бориб, порлок күёш холида қайти.

48. Бориши ва келиши бир он бўлиб, ақл бу холдан ҳайрон.

49. Қаерда одатдан ташкари шундай мўъжиза юз берса, ақлуни идрок килишдан оқизидир.

50. Унинг бориши ва келиши вактнинг энг кичик кисми бўлдики, бу кисмни яна бопка қисмга бўлиш мумкин эмас.

51. Бу саодатманд сафар тугагач, баҳтиларнинг Ҳодийси – йўлбошчиси бўлган зот кўп амрларни бажаришга рухсат олган эди.

52. У олам шохи ўларок тахт узра маком килди ва олам ишини интизомга солди.

53. Шариат тили билан оқномаларни ўқиди, қиличининг суви билан куфрнинг қорасини ювди.

Лугат

«Субҳоналази асрор» – سُبْحَانَ اللَّهِ أَسْرَى – «Сайр

килдирган зот барча нуксонлардан покдир» (Истро сураси, 1-оятнинг бошланиши)

Мусаддак – тасдикловчи

«...би абдиҳи лайлан минал масжидил
хароми илал масжидил аксо» – مَنْدَه لِيَلَ مِنَ الْمَسْجِدِ الْأَقْصَى – «...ўз бандасини унга мўжизаларни кўрсатиш учун Масжиди Харомдан ...Масжиди Аксога тунда...» (Истро сураси, 1-оятдан иктибос)

Айнул ҳаёт – ҳаётнинг булоги (кўзи)

Катарот – шудринг, шабнам, катра

Анбарсиришт – анбарли, хуш бўй

Бутратибон – тарқатибон

Куравий – юмалоксимон

Мижмар – чўғлон

Анбар – хуш бўй

Унс – дўстлик

Хуруш – кичқирик, хайқирик

Сойири улвий маком – олий макомли сайр килувчи

Тойири улвий хиром – қадамлари, юриши олий бўйлган куш

Пўя – югуриш, елиш

Гом – қадам

Косиди қудсий – муқаддас элчи

Арзи паём – хушхабар арзи

Пайк – фаришта

Кўллабон – кўллабон

Рахш – улов

Ёндурууб – кайтариб

Рокиби Фарруҳ жамол – нур порлаган юзли

Маркаб – улов





Фархунда – баҳтиёр, баҳтили
Бораи суръатнамо – тезкор, шиддатли от,
 улов
Аъмо – кўр
Тавсан – аргумок, ўйноки от
Тийри қаламзан – қалам тутган Тийр – Ато-
 руд, яъни Меркурий
Тараб барбати – шодлик сози, барбат – му-
 сика асбобининг номи
Замзамаи таҳният – кутлов куйи, замзама
– оҳанг, куй, кўшик
Оғоз этиб – бошлаб, киришиб
Таҳтишиот – шувъланинг ости, нурнинг таги
Яқрӯ – бир хил ранг
Мавкиб – подшоҳ ёнида юрадиган суворий
Поя – даража, маком
Зангий шабранг – тун рангли занжи; зан-
 жи – кора танли инсон, хабап
Тонгибон – ажабланиб, хайратланиб
Туз бўлубон – тик бўлибон
Тўша – озик, егулик
Иксир санж – обихаёт тортувчи
Фулла – сут
Макар – кароргоҳ
Қатъи буруж – буржни кесиб ўтмок
Фасил – айвон
Уруж – юксалиш
Фарш – тўшама
Рафраф – зина
Кушод – ёрдам

Рахрав – ўйл босувчи
Хайрбол – хайрлашиш, видолашиш
Қайд – занжири
Ихроj ўлуб – чикиб, кутулиб
Накшу намудор – сурату кўриниш, манза-
 раю зийнат

Осор – асарлар, колдиклар

Ўтру – каршиси

Колаби хокий насаб – тупрок насабли ко-

лип, яъни тана

Восил – висолга етувчи, висолдан баҳра-

манд

Қозониб – қозониб, эга бўлиб

Мансуба – тегишли бўлиш

Хаворик – одатдан ташкари ишлар, гайри-
 табий харакатлар

Жузви сагир – кичикнинг бир қисми

Тажаззийпазир – бўлакларга бўлинадиган

Ходийи фархундафар – баҳтиёр, саодат-
 манд, хидоятга бошлайдиган йўлбошли
Баёз – ок





ҮН ИККИНЧИ БОВ

(Шарх)

Хамса Мусулмон Шарки адабиётидаги энг ўйрик жанр хисобланади. У мураккаб коидаларга, каттый анъянага эга бўлиб, бу жанрда 300 га якин асар яратишга уриниш бўлган. Дастрраб, Абу Мухаммад Илес ибн Юсуф ибн Закий Муайяд Низомий Ганжавий (1141 – 1209) «Махзанул асрор» (Сирлар хазинаси), «Хусрав ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Хафт пайкар», «Искандарнома» деган бешта достон ёзди. Лекин Низомий хамса деб номланган жанрга асос солиш хакида ўйламаган эди. Вафотидан сўнг мухлислиари бу беш достонни бир жилдга жамлаб, «Хамса» – бешлик деб атадилар. Хиндистонлик Хусрав Дехлавий (1253 – 1325) бу беш достоннинг хар бирига жавоб ёзди, мазкур асарлар мазмунан ўзаро боғлиқ эди. Шу тарика, Хусрав Дехлавий хамса жанрининг асосчилага айланди. Ундан кейин хамсанавислик майдонига кўпчилик кадам кўйди. Хамса жанрида асар ёзиш шоирларнинг маҳорат ва истебодларини ўлчайдиган мезонга айланди. Лекин хамса ёзиб, шурхрат козонган уч шоир Мусулмон Шарки да ўз ўрнини топди. Улар – Низомий Ганжавий, Хусрав Дехлавий ва Алишер Навоий эди-

лар. Алишер Навоий қаламига мансуб хамса билан таниниш жараёнида бу жанрда ижод килган адиблар кўп бўлганини билиб оламиз. Хамса – анъана йўли. Албатта, ишнинг бoshida турган инсонлар эсланиши, уларга дуо йўллап адилар одобидир. Алишер Навоий рахматуллохи алайх, бу одобни махкам ушлаб, хар бир достон аввалида салафларига – Низомий ва Дехлавийга алоҳида бир боб ажратган. Мазкур боблар шунчаки мактov эмас, балки Алишер Навоининг бу икки шахса, уларнинг ижодига ёндашпуви, асарларига муносабати ва талкинидан иборатdir.

Алишер Навоий рахматуллохи алайх айтидик, назм бир мулк, у мулкка кирган Низомий кўллари билан ерни ковлади, бир қанча хазиналарга эга бўлди, Хусрав Дехлавий бухзиналарга эга бўлишни орзу килди.

Низомий ким? У фасоҳат ахлининг бошидаги тож. Фасоҳат ахли сўз айтса, хар сўзидан маъно англаради. Уларнинг бирор калимаси мазмундан холи бўлмайди. Фасоҳат ахли калбларга кириб боради. Улар аклларни лол колдиради. Фикр тушунтиришила Сўзни санъат ўларок кўллайдилар. Фасоҳат ахлига халк хам, давлат хам муҳтож. Ҳаккатни баён килишида, қалблагини изхор этишда, золимнинг асл башарасини очишда фасоҳат ахли энг биринчи саф одамларидир. Низомий бу жамоанинг бошида тож бўлиб, унинг истебододи,



салохияти ўз даврида тенгсиз деб тан олинди. Бу ёлғиз унинг сўз устаси эканлиги билан

богланмайди, балки у якийн ганжидаги тожга кадалган бир гавхар хам эди. Якийн – иймоннинг энг мукаммал макомидир. Якийн доимий зикр, самимий таквонинг меваси. Низомий якийн соҳиби ўларок Аллоҳга холис куллик килган бир мўмин эди.

У ўтирган хужранинг деворлари сомон билан сувалган бўлса-да, ичига жаннатлар беркитилгандек ундан анбар хидлари таралган; гарчи бу хужра кўнгил хужрасидек камтар, бирок унда икки жаҳон жилва этиб турар эди, гўё. Чунки хужра ичидаги инсон Аллоҳнинг зикри ва ибодати ила шу қадар машгул эди.

Низомий ибодат этган масжиднинг гумбази фалакдан улкан бўлиб, қандилларида ёнган битта шам күёшга тенг келган. Бу улкан-лик мажозий маънода кўлланиб, Аллоҳ билан боғланган калбининг макомига ишорадир.

Қалби шу қадар ҳикмат билан тўлган Низомийнинг кўнгли ҳазинанинг ўзи эди. Низомига нисбатан кўлланаётган ҳазина истилоҳи иймон ва такво туфайли ато этилган ҳикмат маъносини ифодалайди. Низомийнинг вата-ни – Ганжа эди, «Ганжа» сўзи ганж (ҳазина) сўзига ўзакдоли, кўнгли ҳазинанинг ўзи, хотири, тилидан эса ҳикмат жавохирлари тўкилган.

Унинг фикрати бир мезон – тарози бўлиб, хамсани тортган. Аслида бу хамса эмас, беш-

та улкан ганж эди. Агар бу бешта ҳазинани ўтчашиб учун фалаклар тарозининг палласи, тоши эса Ер кураси, акл ҳазиначилари юз йиллаб ўтчасалар, айни шу ҳажм билангина хикматларни адашмай ўтчаш мумкин, холос. Албатта, бу муболага Низомий асарларининг моҳиятига етаклайди – валий шоирнинг ижодининг кийматини англатади.

Низомий сўзида бешта ҳарф бўлиб, аbjад хисобида «1001»ни ташкил киласди. Сўфийларнинг айтишича, Аллоҳнинг исмлари ададидир бу. «Низомий» сўзи ҳам абжадда «1001» хисобланishi бежиз эмас, бу сўздаги «алиф» – ۱ – «Аллоҳ» сўзининг «алиф»и бўлиб, колган ҳарфлар ҳам Аллоҳнинг исму сифатлари адади ҳакида ҳабар беради.

Низомий топган ҳазина билан Ер юзи, фалак кутичалири ҳам тўлди, у Сўзнинг юзига шундай зийнат бердики, башка одамга бу масалада иш колмади, лекин бир инсон пайдо бўлди. У хиндишонлик бўлиб, ижод майдонида кони қайнок суворий эди. Ёзган ҳар бир достони битта Хиндишонга тенг, унинг ёзганларрида ишк оташлек ловуллаб туради, у Низомий юрган ўйлдан юрди, у ёзган мавзууда ёзди, мутлако Низомийнинг пайрави бўлди. уни амир Ҳусрав Дехлавий деб айтишади. Низомий бир зулматга бориб, уерни обод килиб, ўзининг «Махзани асрор» асари дурлари билан безаган бўлса, Дехлавий унинг орти-





дан юриб, «Матлаъи анвор» нурлари билан ёритди. Бу истиорадан мурод – Дехлавий Низомийнинг давомчиси, унинг анъаналарига солик шоир эканига ишорадир. Бу икки шоир

улкан Сўз обидаларини бунёд этдилар, улар билан беллашаман, деганлар кўп эди, Низомий ва Дехлавийга ўхшайман ё уларга тенглапшаман, дея ижод қилган аксар шоирлар сарв ва гулнинг каршиисига ўтиң келтирдилар холос. Лекин бир инсон бор эдик, фалак укаби бошкани эслай олмайди, у Низомийга ҳам, Дехлавийга ҳам муносиб жавоб айтди, уларнинг сафидан муносиб жой оли. Кейинги боб шу булоқ инсон жакида бўлиб, у Алишер Навоийнинг устози – Абдураҳмон Жомий рапхимахуллоҳ эди.

Мазкур боб билан танишиб ҳулоса килиш мумкинки, Алишер Навоий раҳматуллоҳи алайҳ Низомийни Аллоҳнинг дўсти, валий, дарвеш ва мутафаккир шоир, деб билган ва ўз даврида Низомийнинг ижоди Хуросон ва Ислом ўқкаларидагатта шужрат топган. Ҳусрав Дехлавий Низомийнинг издоши ўларок шон-шуҳрот ва ҳакимлик бобида у билан бир сафда тургани Алишер Навоий раҳматуллоҳи алайҳнинг ўқиганимиз байтларидан антлашилиб турибди.

1. Ҳайли фасоҳат бошининг афсари, Ганжи яқин афсарининг гавҳари.
2. Кони фазилат гухарига амин, Баҳри балогат аро дурри самин.
3. Хилватининг қаҳғили анбар сиришт, Тўрт ҳади зимнида секкиз биҳишт.
4. Гарчи кўнгтүл кулбасидек мұхтасар, Икки жаҳон анда бўлуб жилвагар.
5. Масжиди қандили сипеҳри асир, Шулья бу қандил аро меҳри мунир.
6. Қабба уйидин бир очук боб анга, Сажда ҷоғи ҳайъати меҳроб анга.
7. Ганжа ватан, кўнгли анинг ганжхез, Хотири ганжуру тили ганжрез.





8. Фикрати мезони бўлуб хамсасанж,
«Хамса» дема, балки, дегил: «Панж ганж».
9. Каффаи мезон анга афлок ўлуб,
Ботмони тоши кураи Хок ўлуб.
10. Тортса юз карн хирад хозяини,
Чекмагай онинг кўпидин озини.
11. Хони латойифка сўзи мунқасим,
Дурри маонийға тили муңтазим.
12. Нозим ўлуб сўз дури серобига,
Чарх «Низомий» ёёб алқобига.
13. Кудиса сирруж – не маонийдур ул!
Рухи кудус файзи нишонидур ул!
14. Отики беш харф килурлар хитоб,
Минг бир эрур айласанг они хисоб.
15. Ушбу адад бирла оти гавхари,
Хакнинг ўлуб минг бир оти мазхари.
16. Мазхар этиб чун «Алиф»ин исми Зот,
Ўзга адад харфини исми сифот.
17. Дурларидин ер юзи мамлу бўлуб,
Балки, фалак дуржлари хам тўлуб.
18. Чун қилибон сўз юзи ороишишин,
Кўймай эл ороиши гунжойишин.
19. Гайр хам ул хиндуий чобуксувор,
Ким чикариб ханжари хиндий иёр.
20. Ханжарининг барқидин ўт чакилиб,
Рахшидағи тезлик ўтча қилиб.
21. Кай сари ўтдек юз уруб тунду тез,
Солибон ул кишвар аро рустахеъз.
22. Ушбу мамоликдаки, маъмур эли,
Қилди тасарруф, неки макдур эли.
23. Хиндуви чобук демаким, ройи хинд,
Килки учи мамлакат ороиши хинд.
24. Назми саводи аро хар достон,
Ўйлаки, бир кишвари Хиндустан.
25. Ганжа шахи ганжфишон, пайрав ул,
Шах бу сўз иклими аро, хусрав ул.
26. Хусрав ўлуб, мулк этиб обод хам,
Ёлгузи Хусрав дема, Фарход хам.
27. Ранж тогин қозмок анинг пешаси,
Тоги анинг назму, тили – тешаси.



28. Ишк ўти оташгахи жони аниң,
Гам тентизи ашқи равони аниң.

ЎН ИККИНЧИ БОБ

(Насрий баён)

30. Ганжа күёшики, кўтаргач алам,
Айлади сўз мамлакатин яққалам.

31. Бўлмади бир мулк сари кинахox,
Ким, бу дого чекмади ул ён сипоҳ.

32. Бир май ила бодапараст ўлмади,
Ким бу хам ул май била маст ўлмади.

33. Кайси шабистонгаки, ул килди азм,
Базми ерида бу дого тузди базм.

34. Ул безабон «Маззани асрор»идин,
Бу ёртууб «Матлаъи анвор»идин.

35. Маснави услуби мусаллам анга,
Пайраву монанд бу бир хам анга,

36. Кўп киши хам килди тагтаббӯй хавас,
Сарву гул ўтрусиға келтурди хас.

37. Бир кишидин ўзгаки, андок киши
Бермади ёд эски фалак гардиши.

**Ҳафрат шайх Низомий мадхи хусусида-
ки, назм мулкида кувватли билаги ва кучли
панжаси билан беш хазинанинг зару жаво-
хирларини олди ва амир Ҳусрав таърифида-
ки, бу жавоҳир ва олтиналарни тамаъ килиб,
ўз панжасини унинг панжасига солди**

1. Фасоҳат аҳлининг бошидаги тож, якин
тожидаги гавҳар...

2. ...Фазилат конидаги гавҳарнинг ишонч-

ли соҳиби, балогат дengизи ичидаги қиммат-
бахо дур...

3. У хилват тутган хужранинг сомонсувок-
ларидан хуш бўй таралади, тўрт деворининг
ицида эса саккиз жаннат бордек, гүё.

4. Гарчи унинг хужраси кўнгил хужраси
каби камтарона бўлса хам, унда икки жаҳон
жилва килиб туради.

5. Масжидининг қандили фалакни асир
эттудек кент, қандил ичидаги шулья порлок
кўёп кабидир.

6. Бу масжидга Қалъадан бир эшик очилган
бўлиб, сажда ҷоғи меҳробининг ицида Қалъа
кўринади, гўё.

7. Унинг Ватгани – Ганж, кўнгли ганж тўкувчи,
хотири хазинабон, тили эса ганж сочувчиdir.





8. Унинг фикрат тарозиси хамса тортувчи бўлиб, хамса дема, балки бешта хазина де.
9. Бу хазинани ўлчайдиган тарозининг палласи фалаклардир, тоши эса Ер кураси бўлди.
10. Акл хазинабонлари бу бойликни юз аср тортса хам, бундан оз хам, кўп хам тортмайди.
11. Латоййиф хонига сўzlари таксимлаб кўйилган, тили эса мальолар дурларини тизувчиdir.
12. Сўз дурлари учун нозим бўлдики, чарх унинг лакабини «Низомий» деб ёзди.
13. Унинг сирри муқаддас бўлсин! Кандай мальолар у! Балки, Рухи кудус – Жаброил алайхиссалом файзидан нишондир у!
14. Исли беш харфдан иборат, лекин уни хисоб кильсанг, минг бирга айланади.
15. Ушбу адад билан унинг гавхар сингари исми Ҳакнинг минг исми мазхарига айланди.
16. Зот исми унинг исмидаги «Алиф»ни ўзига мазхар килди, бошқа харфлари эса бошлика исму сифатларини билдиради.
17. У сочтан дурлар билан нафакат Ер пози, балки фалак кутичали хам тўлди.
18. Сўз юзига шу кадар оро берлики, одамларга бу иш учун ўрин колдирмади.
19. Лекин бундан бир хинду чавандоз мустасно, у хинду сифатли ханжарини яланчошлиди.
20. Ханжарининг тифидан ўт чакнади, уловини олов каби тез елдирди.



21. У чавандоз каерга даҳшат солиб борса, ўша кишварга гавғо солди.
22. У мазкур мулкларда маъмур – амрларни бажаришга масбул эди, ўзига кадарла насиб этганларни тасарруфига олди.
23. Уни хинд суворийси эмас, хинд рожаси де, унинг калами учи хинда оро берувчиdir.
24. Унинг қофозни коралаб назм этган хар достони битта Ҳиндистон мамлакатига тенг.
25. Ганжа шохи – ганж улашувчи бўлса, бу унга эргашувчи, агар у сўз иклимида шох бўлса, бу хусравдир.
26. У хусрав ўларок мулкни обод этди, балки Фарход эди.
27. Ранжу машаккат тогини қазиш – Унинг хунари, тог – назм, тешаси эса тилиdir.
28. Ишк ўти ёнадиган оташтоҳ – унинг жонидир, ғам дентиз унинг оқиб турган ёшлиdir.
29. Базмларга шамъ каби шульга берадиган ў, базмни нафакат ёритади, балки куйдиради хам.
30. Ганжа күёши ўз байрогоини баланд кўтариб, Сўз мамлакатини битта каламга бирлаптириди.
31. Лекин у кайси мулкка аловат кўзини тикмаган бўлса, бу хам у томонга сипоҳ тортиб бормади.
32. У қайси майни ичиб бодапарааст бўйлмаган бўлса, у хам ўша майни тотмади, ундан маст бўйлмади.





33. У кайси зулматга борган бўлса, бу хам ўша ерда базм тузди.

34. У ўша тунни «Махзани асрор» билан бекаган бўлса, бу «Матлачи анвор» билан ёритди.

35. У маснавий услубини ўзига тобе этди, бу хам унга бу борада монандга ва эргашувчи бўлди.

36. У иккисига кўп киши эргашишни, асарларига татаббуть бояглашни хавас қилди, лекин ишлари сарву гулнинг қарписига хас келтириш бўлди.

37. Лекин бир кишидан ўзга! У шундай киши, эски фалакнинг гардиши у каби бошкасини эслай олмайди.

Лугат

Бозу – билак

Сарпанжа – бош панжа, яъни мушт қилиб тутгилган панжа

Нукул – кумушлар, зар

Афсан – тож

Дурри самин – бебахо дур

Каҳғили – сомон сувок

Хайъати меҳроб – меҳробнинг кўрининши

Ганжхез – хазина тўкувчи

Ганжур – хазиначи, хазина сакловчи

Хамсасанж – хамсанавис, хамса ёзувчи, хамсанни «тортувчи»

Каффаи мезон – тарози палласи

Карн – аср, давр

Хирад хозяини – акл хазиначиси

Мункасим – таксимланган

Мунтазим – назм этилган

Нозим – назм этuvчи, тартибловчи

Алкоб – лакаблар

Сифот – сифатлар

Мамлу – тўла

Гунжойини – киргизиш, сифдириш

Чобуксувор – чавандоз, суворий

Иёр – қимматбахолик даражаси

Рустахез – шовкин-сурон, тўполнон

Мамолик – мамлакатлар

Макдур – тақдир (кодир) қилинган

Чобук – чопкир

Рой – рожа

Ганжфишон – ганж сочувчи

Пайрав – эргашувчи

Фурузанда – шулья берувчи

Сўзандা – кўйдирувчи

Алам – байрок

Кинахон – адоватли

Мусаллам – таслим бўлган, тобе

Татаббуть – бир муаллифга эргашган холда ёзилган асар



ЎН УЧИНЧИ БОВ

(Шарҳ)

«Хайрат ул-аброр»нинг ўн учинчи боби Алишер Навоийнинг муршиди, устози, мальнивий ўйлбошчиси Абдурахмон Жомий таърифига бағишланган. Албатта, боб шунчаки васфдан иборат эмас, унда Абдурахмон Жомийнинг фазилатлари билан бир каторда Алишер Навоийга бўлган муносабати, Низомий ва Дехлавий хамсалари ҳакидаги фикри, «Тухфатул ахрор» тарихи, Алишер Навоийда «Хайрат ул-аброр»ни ёзиш нияти қандай уйғонгани ҳамда бу ўринда шоирнинг концептуал – тамалий қарашлари акс этган.

Тарикат – нафсни поклаш, ружни тарбиялаш, қалбининг юксалиши ҳакидаги амалий илмидир. Нафсни поклаш – унинг нолокистакларини енгиб, фарз ва суннатларда мустахкам туришдир. Ружни тарбиялаш – ички дунёдаги кирлар, тушкунлик ва бекор хаёллардан ҳолос бўлишдир. Қалбининг юксалиши – Аллоҳни барча исму сифатлари билан таниб, уни муттасил зикр қилишдир. Шариат бир шакл бўлиб, унинг можияти эса тарикат оркали намоён бўлади. Алишер Навоий раҳматуллохи алайх Абдурахмон Жомийни «тарикат кутби» деб атайди. «Тарикат кутби» тарикатда ўйлукўрсатиб турган юлдуз, демакдир.

Инсон ички дунёсида ҳамиша зиддиятлар, руҳий инкиrozлар, ғам, қайғу, сикилишлар мавжуд. Ҳис-туйгу ва ақлу фикир орасида одам тўғри йўлни топа олмай муаммога учрайди. Тарикат инсоннинг суюниши, мажкам ушлани учун мустаҳкам устунни, туткичини тақдим қиласи. Тарикат мусулмоннинг ботинини тартибга солади, шубҳа-тумонлардан, ғазабдан, пасткашлидан, дунёпарастликдан, кўркувдан, кўркоклидан, ёлғондан, сергапликдан, золимликдан, мазлум бўлиб қолишдан, риёдан, ўзига маҳлиё бўлишдан, кибрдан, умуман, барча маънавий иллатлардан узоклагиб, Аллоҳдан кўришга, Аллоҳни севишга, Аллоҳдан умид қилишга, Аллоҳга мутлак боғланган ҳолда ибодат қилишга ўргатади. Тарикат комил мусулмон ахлоқининг тизимили ишлаб чиқилган концепциясидир. Бу концепция буткул Куръон ҳадисга таяниди ва соғ тарикатга бопка таъсирлар бўлиши мумкин эмас.

Алишер Навоийнинг хабар беришича, Абдурахмон Жомий ўз даврида тарикатнинг кутби бўлиб, бу барча муршиллар, руҳий тарбия устозлари уни ўзларига устоз деб билтганларини тасдиклайди. Абдурахмон Жомий ҳақиқатларнинг сирига етиб борган, нафсини итоатга келтириб, борлигини Аллоҳ йўлига таслим этган инсон ўларок жамиятда юксак макомга кўтарилиган. Кўкси ҳакикат дурининг



хазинаси, кўнгли маънолар юзининг ойнаси, деб таърифланишининг асоси шу. Даражаси етти фалакдан баланд эканлиги ҳам мазкур ҳолнинг тамсилидир.

Якийн – мукаммал иймон бўлиб, у такво, холис амал, нафс мужодаласи билан кўлга киради. Якийн Аллоҳга, ғайба бўлган иймоннинг энг юксак чўккисидир. Алишер Навоий устози «сув иҷадиган жой»ни – «якийн булоғидир» дейиш асносида Абдураҳмон Жомийни мустаҳкам иймон ва тақво эгаси ўларок танитади.

Абдураҳмон Жомийнинг сўзлари бир каср каби бўлиб, томларига фалаклар арқон отиб, чиқа олмайди. Шайтонларга йўл бўлсин! У ерда фаришталар доимо канот қокадилар. Демак, мутафаккирнинг лутфи зимнидага мальолар шу кадар кадрли.

Абдураҳмон Жомий факирона ҳаёт кечирди. У ўтирган хужра ўз ичига оламни сифдирган осмонга ўҳшарди. Оламки, катта оламдир. Балки, Аллоҳнинг кудратини исботлайдиган бир мўъжизадир.

Алишер Навоий раҳматулоҳи алаих устозининг хиркасини тасвирлайди. Хиркани «қаптон» деб атайди. Қаптон ўша даврда жанг олдидан совут ичидан кийилган кийим бўлиб, икки ёнидан ип билан тортиб, боғланган. Қаптон танага ёпишиб турадиган кийим бўлган. Абдураҳмон Жомийнинг қаптони танга, жис-

ми эса жонга айланиб кетган эди. Бу билан Хирканинг қаптонга киёс килиниши сабаби ойдинлашади – буюк муршид Аллоҳнинг зикри, ибодат билан шу қадар машғул эдики, бутун танаси Аллоҳ деб турарди, гўё. Демак, таннинг жонга айланиб кетиши ажабланарли эмас. Қаптон эса танага ўҳшатиляпти, чунки жанглаги одам совутни ечса ҳам, қаптонни ечмайди. Абдураҳмон Жомий эса нафсу шайтонга карши ҳамиша музофтар бир жангчи эди.

Таважкух – юзланмокдир. Бир ишга касд қилиш, бутун оламдан узилиб, бир максадга катъян киришмок – таважкухдир. Аллоҳнинг зикрига таважкух, этган Абдураҳмон Жомий бошини этиб жим қоларкан, у бу моддий оламни тарк этарди, гўё. Бу сайр шундай бир сайр бўлардики, фалак унинг олдида улади. Анбиё сурасининг 104-оятида Аллоҳ таоло марҳамат киласди:

كَمَا يَعْلَمُ اللَّهُ أَكْمَلَ كَمَا يَعْلَمُ
كَمَا يَعْلَمُ اللَّهُ أَكْمَلَ كَمَا يَعْلَمُ
كَمَا يَعْلَمُ اللَّهُ أَكْمَلَ كَمَا يَعْلَمُ

Мажно таржимаси:

«У кунда Биз осмонни худди мактуб ёзилган саҳифани ўраган каби биринчи марга қандай јратган бўлсак (ўша яхлит ҳолига) қайтарурмиз. (Бу) Бизнинг зиммамиздаги вальдадир. Альбатга Биз (шундай) қилувчиридмиз».





Мазкур оят мазмунидан маълум бўлмоқдаки, мактуб ёзилган сахифа ўраб кўйилгани каби коинот хам бир куни кайта «ўраб кўйилади», яъни «ёпилади». Хозир эса осмонлар худди «очик мактуб» кабидир. Абдурахмон Жомийнинг таважжухи ҳакида сўзларкан, Алишер Навоий «Тай қилибон арз «ккатаййис сижил (ڪڪيٽِ السَّبِيل)» мисрасини ёзади. Яъни, Абдурахмон Жомийнинг «сайри» коинотнинг бир куни очик сахифа каби кайта ўралипши ҳакидаи ҳакикатни (киёматни) арз қиласди – эслатади. Абдурахмон Жомийнинг таважжухи бир жойга ўтириб, зикр билан машгул бўлиш эмас, айни пайтда қалам билан ҳакикатларни баён этиш ҳамдир. Коинот, гарчи «очик мактуб» каби бўлса хам, инсонлар унинг сирларидан, хикматларидан бехабар. Абдурахмон Жомий ўз ҳолатини ҳалк кўзидан яширас-да, шундай сахифаларни ёздики, унда инсонлар онги учун бу «ўралган мактуб»ни очиб берди.

Унинг қалами кора булуғтдек хуруш қиласди – ёмғир ёғадиган кора булут сингари гулдираиди. Вактининг күёшини шу булут тўсиб кўяди. Буни қандай тушунмок керак? «Вактинг кўёши»дан мурод – умрдир. Буюк муршидининг ижоди беҳад баракали бўлиб, унинг қалам тебратиши вактни хам лол килган, яъни вактдан ўзиб кетган.

Унинг сиёҳдони бир зулмат бўлса, сўзларининг маъноси оби хаётдир. Ривоятларга кўра,

оби хаёт дениз тубидаги зулматда бўлиб, уни ичган одам манту яшайди. Абдурахмон Жомий қаламидан тўкилган маънодан баҳра олган инсон хам ана шу макомга эришади – икки дунё саодатини англаб етади, асл мантуликнинг сирини кашф этади.

Назми бутун жаҳонга тарқалтан, насрни эса кўнтилларни забт этган.

Унинг файзи шоҳ ва гадога бирдек. Унинг хизматини қилган шоҳ ва гадо баробар фахр тужди. Чунки Абдурахмон Жомий ҳеч қачон шоҳлар олдиди эгилмаган, гадоларга кибр этмаган.

Диккат қилсак, Алишер Навоий ўз устозига хос бўлган куйидаги хислатларни ўз тартиби билан баён қиласди: 1) ўз замонасадаги макоми (кутби тарикат); 2) маънавий оламининг юксаклиги; 3) соҳиби каромат эканлиги; 4) доимий хирка кийиши; 5) ижодининг можияти; 6) жамиятдаги ўрни.

Шундай улуг шахс ҳузурида Алишер Навоийга алоҳида имтиёз бор эди. Чунки у устози кошида беҳад оқиззлик ва ихлос кўрсатарди. Абдурахмон Жомий асар ёзса, деярли ҳаммасини биринчилардан бўлиб Алишер Навоий ўқиган. Ўз маслаҳатларини берган. Алишер Навоий бу ҳолни камтарлиқ билан изоҳлаб, күёш тогдан кўтариларкан, нури аввал тупроқка тушади-ку, дейди.

Бир куни Абдурахмон Жомийнинг уйида зикр мажлиси бўлади. Алишер Навоий илм ва



зикр мажлисларини «базм» истилохи билан ифодалайди. Устозинг юзидан нур ёғилиб сўзларкан, унинг тилидан бехад нодир хикматлар тўкилади. Гап айланиб, ижодда «рахравлик» ва «пайравлик» масаласига боради. Раҳравлик – йўл бошлиш, демакдир. Пайравлик эса эргашишдир. Сўз сиёси Низомий ва Хусрав Дехлавийга бурилади, Низомий «рахрав», Хусрав «пайрав» эканлиги айтилади. Улар икки хамса – икки бешлик (жами ўнта достон) билан сўз ва хикмат ахли орасига гавго солдилар, ҳаммани ҳайратлантирилар, натижада ижодий тафаккурда янгиланиш, ўйғониш рўй берди.

Абдураҳмон Жомий сұхбатида бу ўн достон санам каби гўзал эканлиги, хар бири мажоз тили билан ҳакикатни баён этгани таъкидланниб, бошланишдаги икки достон – «Махзанул асрор» ва «Матлаъул анвор»нинг аҳамиятига алоҳида диккат каратилади. «Махзанул асрор» мусулмон одамда якийни – муқаммал иймонни шакллантириша хизмат этиши, «Матлаъул анвор»да эса ҳакикатлардан сўз бориши мулоҳаза килинади.

Шунингдек, сўз айтишда ҳакикатнинг ўрни борасида фикрлар билдирилади. Ҳакикат оловидан «чошли» – насиба олган нукта – сўз тошни сув эритгандек эритади. Яъни, тошдек котган калба сўз секин, бирок кучли таъсир кўрсатади.

Ҳакикат бир гавхар, сўз эса риштадир. Сўз ипига ҳакикат гавхари тизилмаса, калам тебратишдан фойда йўқ. Низомий ва Хусрав айнан Аллоҳни таниш, нафсни тарбиялаш, инсоннинг аслияти ҳакидаги ҳакикатларни маъзизий ифода билан тақдим қилдиларки, асалари шон-шуҳратга эришли, севиб ўқилди.

Бу мажлисларни бир-икки ой ўтади. Алишер Навоий устозининг хизматига боради. У хар доим устоз ҳузурига бориб, дусосини олиш ҳақида ўйлар, бирок давлат ишларидан ортиб, вакт ажратиши муаммо тутдиради, гоҳо.

Устозинг кўлида бир ласта вараклар бор экан. Буюк муршид табассум билан бу саҳифаларни узатиб, «Диккат билан ўқи!» – дейди. Алишер Навоий дархол бу саҳифаларни ўқишга тутинади ва кўрадики, бу аввалги сұхбатнинг ҳосиласи бўлибди – Низомий ва Хусравга пайрав ўларок устоз «Тухфатул ахрор» (Хурлар тухфаси) достонини коғозга туштирибди.

«Махзанул асрор» ва «Матлаъул анвор» достонида бор хикматлар ҳаммаси «Тухфатул ахрор»да мужассам, бирок «Тухфатул ахрор»нинг маъносини, албатта, у икки асарда топиб бўлмасди. Қизиги, Абдураҳмон Жомийнинг достони у иккисидан мұхтасар, қиска эди. «Тухфатул ахрор» мутолааси Алишер Навоийни тўлқинлантириб юборади ва калбидан ўналишида бирор асар ёзиш истаги туғилади.





Алишер Навоий рахматуллохи алайх, матн замирига икки саволни кўяди:

- 1) модомики, салафлар – Низомий, Хусрав ва Жомийлар ҳакикат ва хикматларни шу қадар мукаммал баён этган бўлсалар, яна шундай асар ёзишга қандай эҳтиёж мавжуд?
- 2) Алишер Навоийда бу қадар катта мавзуга кўл уриш учун нечорли маънавий хукук бор?

Буюк мутафаккир бу саволларга кўйидаги ча жавоб берган:

- 1) бир йўналишдаги уч асар – «Махзанул асрор», «Матлаъул анвор» ва «Тухфатул ахрор» форсий тилда ёзилган бўлиб, бу тилни билмайдиган турклар улардан бебахрадир. Буюк хикматлардан турклар хам ўз насибаларига эга бўлишлари лозим. Шунинг учун шоир ўз асарини туркий тилда ёзишга, бу билан хамса жанрини турк тилида бошлаб беришга қарор қиласди;
- 2) Алишер Навоий рахматуллохи алаиҳининг зиммасидаги энг оғир вазифа – У уч дошишманд шоирнинг хикматларини жамлап билан бирга улар билан ҳар томонлама тенг макомда баҳоланадиган ва жоиз бўлса, юкорирок даражада турадиган жавоб достони ёзиши шарт эди. Буюк мутафаккир буни чукур англайди, мансуби бўлган йўл – тарикатнинг талабига ва Мусулмон Шарки адабиёти адиларининг одобига кўра ўз салафларига дуо йўллайди. Хусусан, Низомий ва Хусравнинг руҳига Куръон бағишлади, Абдураҳмон



Жомийдан фотиха олади. Лекин уларга тўла эргашпилдан ўзини тияди. У ўз фикрини, ўз сўзини ўз йўли билан айтишини, кашф қилишибни хоҳлайди. «Нукта сурудида раво бўлмагай // Буки, Навоийга наво бўлмагай» байти айни шу маънони ифодалайди. Яъни: «Навоий ўз дарди – навоси (ғояси) бўлмаган сўзни айтиши нукта суруди – хикмат майдонида раво иш эмас, қабул килинмайди», – демакдир. Бу давло катталик бўлиб қолмаслиги учун шоир ўз камтарлигини бир неча тамсиллар билан ифода қиласди, хусусан, ўз устозларини давлат ахли, деб атайди. Ўзини муфлис – ярамас киши кўрсатиб, олиб боражагини қабул қиласар, ўзи хам давлат ахлидан саналишини таъкидлайди. «Ахли жоҳ» – ахли давлатдан мурод – илму хикмат, таквою ихлос ахлидир. Шунингдек, Алишер Навоий салаф мутафаккирларни мушк; лавъ; ўт, сув, хаво, (яъни, тўрт унсурнинг таркиби); сарв, гул, лола; уч соғ қадаҳ сифатида таърифлайди. Мушк теридан олинади, у теридан ор қилмайди; тўрт унсурнинг учтаси – сув, ўт ва хаво накадар ёқимли бўлмасин, тупроксиз тугал бўлмайди; сарв, гул ва лоланинг харидори кўп, лекин ўтилнинг хам бозори бор.

Алишер Навоий ўз ёзажаги хусусида ғоят қиҷиқфельлик билан сўзлайди, ҳаз, атлас ва иксун каби ўз даврининг кимматбаҳо матоларини ўзидан аввал ёзилган уч достонга киёс-

лаб, битигини итнинг устига ёпишта ярайдинган бир палос ўларок кўрсатади.

Мазкур исторалар орасида ўзида муҳим бир манно ташиган бири шуки, Алишер Навоий раҳматуллохи алайх: «Уч қалаҳи соғ ила шах ўлса хуш // Лойи доги колса, чекар дурдкаш» деб ёзади. «Шоҳ учта соғ қадаҳни симириса, тагида колган куйқасини дурдкаш ичади», – деган маннодаги бу байтда мулалиф ўз асарини майнинг тагида коладиган «лой» – куйқага ментзайди. Тасаввув ғистилоҳида майнинг куйқаси – иймоннинг, Аллоҳга бўлганд итоат, кўркув ва муҳаббатнинг ҳадди аълого чиккан макомини ифодалайди. Майнинг куйқаси «дурд» хам дейилади. Алишер Навоий устозлари асарини «уч қадаҳ соғ (тиник) май», ўзининг битигини «май тагидаги лой» деб атап асносида камтарларлик билан ўз хамсасининг гоясини, тамалини хам билдириб ўтмокда. Яъни, Алишер Навоий ўзигача бўлган тарикат (тасаввув) гояларини аниқ тартиби солиб, бу гояларни энг юксак нуктада баён этишни максад қилган. Лекин бу баён салафлар йўлидан четга чикиш эмас, албатта, балки бу уларнинг карашларини тизимлантириш, бойитиш ва бир погона юксалтириши назарда тутади.

Кахф сурасида Аллоҳ таоло «Гор биродарлари» – «Асҳоби кахф» ҳакидаги киссани баён қилган. Мушрик подшоҳ зулмидан қочган йигитлар

ғорга яширинадилар. Улар буғорда уч юз ўйлдан ортиқ ухлайдилар. Уларга бир ит эргашган бўлиб, бу ит хам жаннатга кириши айтилган. Кахф сурасининг 22-оятида бу йигитларнинг адали ҳакида ихтилоф бўлгани хабари берилади:

سَيْمُولُونَ شَكْلَةً رَأَيْتُهُمْ كَبِيْرِهِمْ وَيَقُولُونَ حَسَدٌ
سَادِسْمٌ كَبِيْرٌ رَجَمَا يَأْتِيْنَبِهِ سَبَعَهُ وَيَقُولُونَ حَسَدٌ
كَبِيْرٌ قَلْ رَبِّيْ أَعْلَمُ بِمَا يَعْلَمُهُمْ إِلَّا قَلِيلٌ فَلَا تَحْمَدْ
فِيمْ إِلَّا مِنْ طَهْرٍ أَوْ لَا تَسْتَفِتْ فِيهِمْ فَنَهْمَهُ أَحَدًا

Манно таржимаси:

«Хали улар (Мухаммадга замондош яхудий, насоро ва мусулмонларнинг айримлари ўша Асҳоби Кахф ададини): «Учтадир, тўртингчилари итларидир», – десалар, (бошқалари): «Бешта бўлиб олгинчилари итларидир», – деб гайба тош отурлар. (Тахминан гап сотурлар). Яна: «(Улар) еттиладир, саккизинчилари итларидир», – хам дейилар. (Эй Мухаммад), «Уларнинг саногини Роббим яхши билувчиидир. Уларни жуда озиши билур», – дениг. Бас, улар хусусида факат (вахий асосида) очик мунозара килинг ва (Асҳоби Кахф) ҳакида уларнинг бироргасидан савол сўраманг!»

Алишер Навоий мазкур оятдаги – «Робиухум калихум» жумласини келтиради.



Ўзидан аввалги уч мутафаккир валий зотни адам даштинг йўловчилари, деб тарьифлайди. Адам даштидан мурод – Аллоҳнинг кошида мусулмон ўзини йўқ деб билиши ва нафси хавосини буткул Илохий амрларга таслим килишибидир.

Асхоби кахф – фордаги биродарлар ҳам Аллоҳ, йўлида ўзларини йўқ деб билган эдилар. Шунинг учун улар ўлимдан кўркмадилар, Аллоҳга иймон келтирдилар, мушприк подшоҳ зулмидан кутулдилар. Алишер Навоий устозларини йўқлик горига кирган уч мусулмонга киёслаб, ўзини уларнинг ортидаги ит деб билади. Бу билан муаллиф кўйган максаднинг улуглиги, гоянинг буоклиги англашилади. Лекин Алишер Навоий раҳматуллохи алайх бу максадни ўз кучи билан амалга оширишини айтмайди, балки бечад хокисорлик билан устозларга ҳурмат кўрсатиб, Аллоҳдан ёрдам ўтинади.

Сафо жомининг софи ошоми мавлоно Нуридин Абдураҳмон Жомий маъда зиллаҳу олий васфиким, васфга сигмас ва тарьификим, тарьиғга рост келмас ва ул ҳазрат илтифотининг күёши бу хоксори тиёра рўзгор ҳолига партав солғоннинг изҳори ва ул күёш тарбиятидин бу турфрокка зоҳир килган гули насрин, балки гуногун раёхин осори ва «Тухфатул аҳор» тухафи мутолаасидин назм риштасига тортмокнинг сабаби

1. Улки, буқун кутби тарикатдур ул,
Кошифи асрори ҳакқиатдур ул.

2. Кўкси ҳакойик дури ганжинаси,
Кўнгли маоний юзи ойинаси.

3. Олий анга етти фалакдин маҳал,
Етти фалак мушкили оллида ҳал.

4. Мадрасаи кудс анинг маскани,
Хонакаҳи унс анинг мальманни.

5. Жилвагаҳи гулшани чархи барин,
Обхўри ҷашмаи айнул яқин.

ЎН УЧИНЧИ БОВ

(Матн)





6. Қасри каломи чиқиб андок баланд,

Ким анга гардун сола алмай каманд,

7. Анда шаётин хасига йўқ сабот,
Баски, уруб хайлар малойик канот.8. Гунбадий хужрада зоти ниҳон,
Ўйлаки, кўк гунбази ичра жаҳон,9. Кайси жаҳон, олами кубро дегил,
Кудрати Аллоҳу таоло дегил.10. Хирка анинг жисмида қалтон бўлуб,
Қалгони тан, жисми анинг жон бўлуб.11. Хирка била топмагани ихтисос –
Танни риё тўнидин этмак халос.12. Чунки таважхуда куйи солса фарқ,
Сойири равшан равиш андокки, барқ.13. Дайрдаким, чархни айлаб хижил,
Тай килибон арз «катаийис сижил».14. Вакти кўёшин чу килиб пардалаш,
Килки каро абрдек айлаб хуруш.15. Парда ясаб холати пинхон учун,
Сафха ёзиб сатр или китмон учун.16. Зулмат этиб жамъ давоти анинг,
Маъни ўлуб оби хаёти анинг.17. Каграсидин кимки бўлуб комёб,
Умри муббад килибон иктисоб,18. Назми ақолими жаҳонни тутуб,
Насри доғи кипвари жонни тутуб,19. Файзи гадову шах аро мунташири,
Хизматига шоҳу гадо муфтахир.20. Лек манга оллида ажзу ниёз,
Зарра анинг меҳрида машхурдур.21. Мехридин оғоқ аро гар нурдур,
Борча улусдин берибон имтиёз.22. Куш кўп ўлур боф харимига хос,
Булбул ила гулга бўлур ихтисос.23. Номагаким, роким этиб хомасин,
Кўрмади мен кўрмайин эл номасин.24. Мехр тулув айлади чун тон уза,
Тушти бурун партави туфроғ уза.25. Гулбун уза ҳарне гул очти чаман.
Авал анинг ҳамдами бўлди тикан.

26. Базмда бир кун юзидин нур эди,
Хар соридин нодира мазкур эди.
27. Тушти чу рахрав била пайравга сўз,
Етти Низомий била Ҳусравга сўз.
28. Ким не сифат олам аро солди шайн,
Иккисининг хомасидин хамсатайн.
29. Лек бу ўн турфаки, топмиш жамол,
Икки бурунгисида бор ўзга ҳол:
30. Гавхари йўқ «Махзанул асрор»дек,
Ахтаре йўқ «Матлавул анвор»дек.
31. Ўзга санамлар хам эрур жилва соз,
Борчасининг ҳуснида зеби мажоз.
32. Ул икисидин бири гавхарфишон,
Гавхарида нури якиндин нишон.
33. Ул бириси доги бўлуб нурпощ,
Нури аро партави таҳкик фоп.
34. Нуқта сув янглиғ эритур тошни,
Топса ҳакикат ўтидин чошни.
35. Бўлса ҳакикат гухаридин йирок,
Ришта сўзин сўзламаган яхширок.
36. Риштага чун зохир эрур тору пуд,
Дурсиз анга рангию накши не суд?!
37. Ўтти чу, алқисса, бир ой, икки ой,
Бир кун ўлуб, баҳту хирал рахнамой.
38. Хизматин эттимки, таманно эди,
Илгига кўрдум неча ажзо эди.
39. Кулгу била килди ишорат мангга,
«Гужфа» била берди башпорат мангга
40. Ким: «Олибон боштин аёғига бок,
Кил назар аврокига боштин аёқ!»
41. Олиға жон накдини сочтим равон,
Олдиму ўптум, доги очтим равон.
42. Боштин аёқ гавхари шахвор эди,
Кайси гухар, «Гужфатул ахрор» эди.
43. Нафъ топиб кимки бўлуб мустафид,
Мұхтасар ул иккидин, аммо муфид.
44. Ул икини топса бўлур мунда-йўқ,
Мунда тужаф кўлки, ул иккida йўқ.
45. Шавқида кўксумни шигоф айладим,
Жилдига кўнглумни ғилоф айладим.

46. Чун ўқумок замзамаси бўлди бас,
Кўнглум аро дафдага солди ҳавас,
47. Ким бу йўл ичраки алар солди гом,
Бир неча гом ўлса манга ҳам хиром.
48. Форси ўлди чу аларга адo,
Турки ила қилсан ани ибтидо.
49. Форси эл топти чу хурсандлик,
Турк дöғи топса барумандлик.
50. Ул икига фотиха ўкуб сўруб,
Фотиха бу бири манга еткуруб.
51. Ботин ила қилмаса ул икки рад,
Зоҳир ила бу бири қилса мадад.
52. Менки, талаб йўлида кўйдум кадам,
Бордур умидимки, чу тутсам қалам,
53. Йўйласа, бу йўлда Низомий йўлум,
Кўйласа, Хусрав била Жомий кўлум.
54. Нукта сурудида раво бўлмагай,
Буки, Навоийга наво бўлмагай.
55. Элтса жоҳ ахлига муфлис паноҳ,
Топса қабул ул ҳам ўлур ахли жоҳ.
56. Мушкка ҳаргиз теридин ор эмас,
Латлға ҳам хорадин озор эмас.
57. Боги аносирки, эрур дилкупшой,
Жадвали девори анинг чордой.
58. Бўлса ўту суву ҳаво дилпазир,
Ул аро туфрок ҳам эрур ногузир.
59. Сарву гулу лола харидори бор,
Лек ўтуннинг дöғи бозори бор.
60. Бўлса ҳазу, атласу искусун либос,
Ит жули қилмокка ярар ҳам палос.
61. Лаль ила ёқуту дур истар бахо,
Лек сомонни не чекар қахрабо!
62. Уч қадаҳи соф ила шах бўлса хуш,
Лойи дöғи қолса чекар дурдкап.
63. Ит киби чун пастлигим ҷоғладим,
Ўзни бийиклар ишига боғладим.
64. Бўлса алар озими дашти адам,
Мен ҳам ўлай соя киби ҳамкадам,
65. Каҳфи бақо ичра алар бўлса гум,
Мен ҳам ўлай «Робиухум калбуҳум».

ЎН УЧИНЧИ БОБ

(Насрий бадён)

**Сафо жомининг покиза симмирувчиси
Мавлоно Нуриддин Абдурахмон Жомий вас-
фики, Аллоҳ унинг узок қилсин!
— васфга сигмайди; таърифики, таъриф ки-
лиш кийин; ул ҳазратнинг илтифотининг
куёши бу бечора рўзгор хокисорнинг холига
нур согани изхори ва ул күёш тарбияти-
дан бу тупрокда зохир бўлган насрин гули,
балки ранг-баранг раҳонлар асарларини
«Гужфатул аҳрор» тухфалари мутолаасидан
наzm риштасига тортмокнинг сабаби**

1. Улки, бу кун тарикатнинг кутби, ҳакикат сирларининг кашфиётчисидир.
2. Кўкси ҳакикат дурлари жамланган хазина, кўнгли маъноларнинг юзи акс этган ойна.
3. Унинг макоми етти фалакдан баланд, етти фалакнинг мушкуллари унинг олдида осон ҳал.
4. Поклик мадрасаси – унинг маскани, унс хонакохи унинг омонлик маскани.
5. Баланд осмон гулшани унинг жилвагохи, сув ичадиган булоги – якин чашмасидир.
6. Сўзларининг касри шундай баландга чиқдики, осмон унга аркон солиб ҳам чика олмайди.
7. У ерда шайтонларнинг хас-ҳашакларига ўрин йўқ, чунки унда мудом фаришталар като кокадилар.
8. Ҳужрасининг гумбази зоти яширин, бу гўё кўк гумбази ичига жаҳон жойлаб кўйилга нига ўҳшайди.
9. Қандай жаҳонки, бу катта оламдир, балики Аллоҳ таолонинг кудрати изхоридир.
10. Эгнидаги хиркаси – қаптон гўё қаптон – тан, жисми эса жон каби.
11. Чунки танни риё тўнидан халос этиш Хирка кийиш билан амалга ошмайди.
12. У таважжух билан бошини эгиб ўтиrsa, оламларни равшан холда кўриб сайр этадики, худди чақмоқдек кезади.
13. Бу дунёни ҳаёлан кезиб чиқиша ҷархни ҳам хижолатга солади, унинг бу юриши «Катаййис сижил»нинг ҳакикатини эслатади.
14. Қалами кора булатдек хуруп килиб, вактининг кўёшига пардалапуш бўлди.
15. У ўзининг пинхон холати учун парда ясаб, сатр ва китмон учун саҳифалар ёзди.
16. Унинг сиёҳдони зулматни ўзига жамлади, маъно эса бу зулматнинг обихаётни бўлди.
17. Бу обихаётнинг бир катрасига етишган одам абадий умрга эришган.
18. Назми жаҳон иклимларини тутди, насири эса жон юртларини эгалади.
19. Файзи гадо ва шоҳларга бирдек насиб; хизматини килиб, шоҳу гадо фахрланади.

20. Лекин ожизлик ва ихлосим сабаб унинг олдилла хаммадан кўра кўпроқ имтиёз бор эди.
21. Ахир, күёшдан бутун уфкка нур таркалса хам, зарра кўёшнинг ичидаги бўлиб, шуҳрат топади.
22. Кушлар, одатда, боф харамига хос бўладилар, лекин булбул ва гулда алоҳида хусусият бор.
23. У ўз каламини номалар ёзиш учун шайлади, унинг ёзганларини мен кўрмасимдан аввал одамлар кўрмади.
24. Тоғ узра кўёш порлаганда нури аввал тупрокка тушади-ку!
25. Гул нихолида ҳар канча гуллар чамандек очилмасин, тикан унинг аввали хамдамири.
26. Бир куни у мажлисда юзидан нур таралиб ўтираркан, кўп ажаб хикматлар зикр килинди.
27. Сўз айланиб, йўлбошчилар ва эргашувчиларга такалди ва буборада Низомий ва Хусрав эсланди.
28. Иккисининг каламидан тўкилган икки хамса оламга кандай гавголар солди!
29. Икки хамсадаги ўн достон жуда гўзал! Лекин аввалги иккисида ўзгача бир хол бор.
30. «Махзанул асрор»дек бошқа бир гавхар, «Матгальбул анвор»дек бошқа бир юлдуз йўқ.
31. Колган достонлар (ўзга санамлар)нинг хам жилваси бетакрор, хаммасига мажоздан зеб берилган.
32. Лекин бу иккисидан бири гавхар сочади, гавхарларидан якин нури кўринади.
33. Бу бириси эса нурга чулғангандан, нури ичидаги хакикат шульласи порлайди.
34. Агар хакикат оловидан бир насиба топса, хикматли сўз сув каби топни эритади.
35. Ҳакикат гавхаридан йирок бўлганинлар ришига сўзини сўзламагани яхширок.
36. Дур бўлмаса, ипни ўриб, тўкиганинг билан унда на накш, на фойда йўқдир.
37. Бу сужбатдан сўнг, алкисса, бир-икки ой ўтди. Бахт ва акл йўл бошлиб...
38. ...унинг ҳузурига бориб, хизмат килдим, бу менинг орзум эди. Кўрдимки, кўлида бир канча қоғозлар бор.
39. Табассум билан менга ишора килиб, «Тухфа» билан хушхабар берди:
40. «Бу қоғозларни ол, болидан охиригача, ҳар бир варагига диккат билан назар қил!»
41. Унинг олдига жон накдини сочиб, қорзларни олиб ўпдим ва дархол очиб, ўқишига киришилди.
42. Бу бошдан-оёқ шохона гавхарлар бўлиб, гавхар бўлганда хам, «Хурларнинг тухфаси» эди.
43. Агар кимдир наф топадиган бўлса, бу асар у иккидан («Махзанул асрор» ва Матгальбул анвор»дан) муҳтасар – ихчам, лекин фойдаларишади.
44. У икки достондагини бундан топиш мумкин, лекин бундаги тухфалар у иккисида йўқ.



45. Асарнинг шавки билан кўксимни ёриб, кўнглимни унга жилд қилиб кўйдим.
46. Ўқимок лаззати поёнига етгач, кўнглимга бир ҳавас дафлага солди.
47. Бу йўлга улар қадам босишиди, мен ҳам бунга бир-икки қадам кўйсам!
48. Улар бу асарларни форсийда ёзишиди, мен эса туркийда бошлиб берсам.
49. Форсий эл бу асарлардан хурсандлик топди, энди туркийлар ҳам баҳраманд бўлсалар!
50. У иккисининг ружига фотиха ўқидим, бу биридан эса менга фотиха етди.
51. Ботин билан у иккиси рад қилмаса, зохир билан бу бириси мадад қиласа!
52. Менки, талаб йўлида қадам кўйдим, энди қалам тутсам, деган умидим бор.
53. Низомий бу йўлда йўлдошим бўлса, Хусрав ва Жомий эса кўллаб турса!
54. Лекин Навоининг ўз дарди бўлмаса, уни баён этиш рано бўлмайди.
55. Бир ярамас давлат ахлига ўз топганини элтса, агар кабул килинса, у ҳам давлат ахлига айланади.
56. Мушк ҳам теридан ҳаргиз ор килмайди, лаъл тошдан озорланмайди.
57. Унсурлар боги дилни хушнуд килгувчи бўлса ҳам, жадвали тўрт пахсали девордир.
58. Ўт, сув, ҳаво дилга хуш ёкувчи бўлгани билан ораларида тупрок бўлмаса, тўқислика эришмаслар.

Лугат

Софри – тоза, пок

Ошом – ейиш, ичиш

Мадда зиллаҳул олий – олий соясини (умрини) узун қилсин

Ҳакойик – ҳакикатлар

Махал – ўрин, жой; вакт

Мальман – омонлик жойи

Чархи барин – баланд осмон

Обхўр – сув ичадиган жой, булок

Айнул якин – якин булоғи (кўзи)

Шаётин – шайтонлар

Қаптон – совут остидан кийиладиган тўн,

икки ёнидан боғланадиган камзул

59. Сарв, гул, лоланинг харидори кўп, лекин ўтигининг ҳам ўз бозори бор.
60. Атлас, ҳаз, иксун либос бўлса, палос ҳамитнинг ёпинчи и бўлишга ярайди.
61. Лаль, ёкут, дурнинг ўз баҳоси бор, лекин қаҳрабо ўз имкониятини қандай қилиб кўлдан бериб кўйсин!
62. Уч соғ қадаҳ билан шоҳ дили хуш бўлса, тагида лойи қолса, дурдкаш уни ичади.
63. Пастлигимни ит каби кўрдим ва ўзимни буокларнинг ишига боғладим.
64. Улар йўқлик даштига азм қилсалар, мен ҳам соядек уларга ҳамқадам бўлай.
65. Бако горига кириб гойиб бўлсалар, мен ҳам тўртингич ўларок эргашиб, ит бўлай!

Тай – юрмок

Китмон – пинхон, яширин

Комёб – баҳраманд

Муаббад – абадий

Иктисоб – касб килмок

Мунташир – таркалган

Муфтагхир – фахр қилиш

Гулбун – гул николи

Шайн – ғавғо, тўполнон

Хамсатайн – иккита хамса

Нұкта – нозик маъноли сўз; хикмат

Чошни – маза, талм

Тору пул – ўриш

Таманно – орзу, хоҳиш

Ажзо – жузвлар

Мустафид – фойда олувчи

Муфид – ёриклиш

Барумандлик – баҳрамандлик

Суруд – оҳант; ашула

Муфлис – ярамас, пасткаш

Жоҳ – давлат, бойлик

Чордой – тўрт пахса

Ногузир – иложсиз, қилиб бўйлмайдиган

Хаз – илак мато

Иксун – шоҳи илакли ҳашамдор кийим

Жул – ёпинчик

Каҳрабо – сарик; сарик рангли тош

Сомон – имконият

Озим – ўйловчи; азм қилувчи

Каҳф – гор

ЎН ТЎРТИНЧИ БОВ

(Шарҳ)

«Ҳайрат ул-аброр»нинг муқаддима боблари Алишер Навоийнинг ижод ва сўз масаласидаги тамойилларини хам акс эттиради. Хусусан, ўрганаётганимиз ўн тўртинчи боб ана шундай хусусиятга эга.

Сўз таърифига бағишиланган боб кўйидаги масалаларни камраб олган:

- 1) сўзнинг коинотдаги, инсон хаётидаги, илохий ҳакикатларни етказишдаги, жамиятдаги ўрни;
- 2) баёнда сўзнинг кўлланиш услублари;
- 3) сўзнинг қадрини оширадиган хусусиятлар.

Сарлавҳада шоир инсон вужудини осмонга қиёслайди. Бу осмонни ёритиб турган юлдуз – сўздири.

Инсоннинг зоти маъдан каби. Маъдан ўзида турли кимматбахо тошларни мужассам этади. Инсон зотининг маъданидаги жавоҳир – сўз.

Шарқ нужум илмида айтиладики, осмонда юлдузлар баҳт ва баҳтсизлик юлдузлари деган иккичу турга бўлинади. Буни Алишер Навоий «қавқаби сайд» ва «қавқаби наҳс» деб атайди. Коинотда айланиб юрган баҳт юлдузлари бир фурсатда бир-бирига яқинлашар эмисш.





Бу яқинлашувнинг номи «кирон». Кирон онларида туғилган инсонлар «сохибкирон» деб аталиб, улар кўпчиликка насиб этмаган фазилатлар, тумса салоҳият соҳиби бўлади, деган карашлар учрайди. Умуман, кирон вактида Аллоҳнинг ёзган тақдирига мувофиқ Ер юзида хайрли ишлар содир бўлишига ишонилган. Алишер Навоий раҳматуллоҳи алайх ана шутасаввурларни истиора ўларок кўллаб, инсон вужуди осмонидаги юлдузлар – гўзал сўзларнинг яқинлашувини самодаги баҳт юлдузларниң кирон ҳолатига қиёслайди. Кирон фурсатида хайрли ишлар юз бергани каби гўзал сўзларнинг бир сахифага жамланиши хам чиройли манзара ҳосил қиласди. Ёки қимматбахо дурлар, жавоҳирларни бир жойга йиғип дилини хушнуд килганидек, дилбар сўзларни ўзаро мувофик баён этишининг ҳам ҳосияти бор. Бу мисолларга сунясак, назмнинг насрдан устун жихатлари кўринади.

Алишер Навоий матнларини ўқиша бир нуктага диккат қаратиш керак. Матннинг ичида шоир «савол – жавоб» ёки «жумбок – ечим» услубини кўллайди. Матн ичидаги инсонни кўрамиз: бири савол берувчи, иккичиси жавоб айтиувчи. Савол биз тушунгандан ва одатланган маънода сўрок кўринишидан келмайди, балки бир аник муммо, масала ўргатга кўйилади, биз буни «савол» ёки «жумбок» деб шартли агадлик; сўнг мазкур масала,

муаммо ҳал қилинади, биз буни «жавоб» ёки «ечим» деб шартли номладик.

Алишер Навоий матнларининг замерида ўзига хос «сұхбат» бор. Бу сұхбат «мутакаллим» (сўзловчи) ва «мухотоб» (хитоб қилинучи) ўргассида кечади. Юкорида таъкидлаганимиз – «савол», «жумбок», «муаммо», «масала» мутакаллим томонидан ташланади. Мухотоб эса унга ҳам наклий, ҳам аклий далиллар келириб, ечим беради, ўз жавобини, ўз нуктасини маълум қиласди. Энг қизиғи, бу сұхбатда Алишер Навоий – матнни ёзаётган муаллиф учинчи шахс (ғойиб) ўларок четда туради, сұбатта аралашмайди, бирок матннинг ўргасида ёхуд охирида «Эй Навоий», «Навоий» шаклидаги мурожаат асносида у пайло бўлади. Бундан ташкари мутриб, сокий, муганнийга ҳам хитоблар мавжудки, бу хитоблар бевосита музалиф, яъни Алишер Навоийга тегишли эканлигини кузатиш мумкин.

Ўқиётганимиз бобда кўйилган биринчи масала – Сўзниң моҳияти, сўз нима эканлиги билан боғлик.

Алишер Навоий назлида, сўз – бир гавхар. Лекин бу гавхарни саклайдиган бирор садаф ўйук. Чунки гавхарнинг Ватани – садафdir. Балки Сўз тўрт садафнинг гавхари – ҳаво, ўт, сув ва тупроқнинг ҳам кутичаси, егти қават осмон юлдузлари жойлашган бурж. Буни қандай тушуниш керак? Аллоҳ таоло Кўнгилни



яратди. Кўнгил Аллохнинг яратиклари билан танишаркан, коинотга назар солди. Кўрдики, коинот – бир гуллан, бу гулшанда эса минглаб тоза гуллар барк уриб очилган. Бирок аввал бу гуллан хам, гуллар хам йўқ эди. Улар кандай пайдо бўлди?

Дастлаб, Азал тогидан бир насим эсли. «Азал тоги» бир истилоҳ бўлиб, у Аллохнинг азалийлик сифатига ишорадир. Эслан «насим» Аллохнинг иродасини билдиради.

Бу насимнинг хусусияти шу эдики, у ўзидан гул сочарди. Гулнинг барги ва настарин айнан ана шу насимнинг бир нишони. Хикмат эгалари Азал тогидан эстган насим очган икки япроқни ёнма-ён кўйғанларида унинг «коф» ва ё – «нун» эканлигини билдилар. Бу икки ҳарфни биргаликда ўқисак, ёк – «кун», яъни Аллохнинг «Бўл!» деган амри эканлиги ойдинлапади. Бутун олам Аллохнинг биргина «Бўл» буйругини ифодалаган ёк – «кун» амри ижроси ўларок яралди. Демак, бу дунёда неки мавжуд бўлса, хаммаси ёк – «кун»нинг фарзандларидир. Масалан, «муқайяд» – занжирбанд бўлиб, ўз эркидан айрилган одамларми, озод бўлиб, хур ва эркин яшаетганларми – хаммаси ёк – «кун»нинг болалари, холос, коинот ичидаги хамма яратик – одамзоддан тортиб кумурскача коинотнинг «фарзанди»-дир. Шу тарика, ёк – «кун»нинг болаларидан

ададиз авлод таркалди. Хусусан, инсон хам коинот ичидаги яратилдики, у ёк – «кун»нинг боласига бир бола макомидадир. Лекин Одамга сўзлаш неъмати ато этилди, шу тарика сўз инсондан туғилган бир «фарзанд»га ўхшаб колди. ёк – «кун»нинг ўзи сўз эди, бу холда у хам волидга – ота-онага, хам валад – болага айланди. Шундай экан, сўзни кандай таърифлаш мумкин? Чунки сўз сўз билан васф этилади. Сўзни бошкacha васф килиш мумкинми?

Бу Алишер Навоий рахматуллохи алайхининг «сўзнинг тарихи» хакидаги карашларидир. Мазкур карашлар таъкидлаб ўттанимиз – матн ичидаги шартли «мухотоб» томонидан баён килинган. Демак, буок мутафаккир сўзни, аввало, Аллоҳ билан boglaqti. Аллохнинг «ал-Мутакаллим» – сўзловчи сифати эсланиб, инсонларга бу сифат неъмат ўларок берилгани айтиляпти. Бирок Аллохнинг сўзлаши инсонлар сўзлагани каби эмас, Аллоҳ, Ўзига, ўз олийлиги, ўз зотига хос сўзлайди, у инсонлар каби ҳарфга, товушга муҳтоҷ эмас. Кейинги масала бевосита ушбу нукталар билан boglik. Куннинг яшаетганлари жони бор инсон сўзга талабордир, сўзлашга, сўз тинглапга эҳтиёжданд. Сўз кўнгиллар ичидаги жавхар, оғизлардаги гавхардир. Тилни пўлат ханжарга киёсласак, ханжарни ишлагиши учун, албатта, ласта ке-



рак. Бу дастанинг безаги, зийнати бўлмиси инжулар сўзлардир.

Коинот гулшанидаги лоланинг барги – тил. Лоланинг юзига томган катра каби тилдаги томчи хам дур каби сўздир. Сўз ўликни тирилтиради – сўз билан инсон иймонга келади. Сўз билан одам иймондан чикади. Сўз шундайки, у билан ўликларни тирилтирган Исо алайхиссалом «жонбахш» деган лакаб олди. Шохнинг сўзи ё адолатга, ё зулмга сабаб бўлади, лекин шох сўзини бажарган жаллод тухматга колади, яъни сўз шу қадар муҳим.

Кофиirlар томонидан оловга улоктирилган Иброҳим Халилуллоҳ алайхиссалом хам «Ла илаҳа иллаллоҳ» калимасини айтиб, шу ҳакикатда собит тургани учун ўтга кирди. Энг улуг фаришта Жаброил алайхиссалом эса Аллоҳнинг сўзини «кўтариб юрувчи» бўлди.

Алишер Навоий раҳматулоҳи алайх сўзнинг аҳамияти, унинг вазифаларини шу таррика тушунтиргач, англапшиладики, сўз 1) инсон ружиятидаги холатларни юзага чикардиган бир восита; 2) сўз жамиятдаги муносабатларни, бошқарувни олиб боришида муҳим курол; 3) сўз Аллоҳнинг тавхидини ифодаган мўъжизадир.

Учинчи масала сўзнинг инсон камолотидаги аҳамияти хакида бўлиб, мутафаккир бунда бир тамсил келтиради. Тасаввур этинг: гўзал-

ликда тентсиз бўлган бир париваш бирор сўз айтмаса, гапирмаса, унинг чиройли суврати девордан фарқсиздир. Бирок ҳусни қамар (ой) билан баҳслашмаса-да, лаби лаъл каби ёндири-маса-да, таннозлиники, сўз ўйинларини, араз ва ёлвориши мукаммал бажарадиган санам, шубҳасиз, хар қандай инсонинт аклини олади. Агар бу сўзга усталик ҳусн билан вобаста бўлса, албагта, оламга ўтсолади. Мазкур тасвирлар – гўзал бир «санам» истилохи моҳиятнан ориф инсонга ишорадир. Чунки оддий сўзамол ва чиройли бир қиз Алишер Навоий айтганидек, «бани Одамга» ва «бари оламга» ўт сола олмайди, куйдирмайди. Одамларни куйдирлиб, ақлидан айирувчилар – ҳакикатларни баён килгувчи фасих нутк соҳибларидир. Алишер Навоий таъкидлаяптики, илму хикмат соҳибидагу гўзал нутк, фикрини етказиш салоҳияти бўлмаса, унда жозиба, манфаат бўлмайди.

Тўртингчи муаммо сўзнинг замиридаги дард, мунт билан боғлик бўлиб, Алишер Навоий ўз шеърларининг гояси, моҳияти хакида хам тўхталган. Мутафаккир базмни тасвирлайди. Базмда мутриб – куйловчи достонлар айтиди. Бирок у накш (ижро тури) ва амалда (оҳанг тури) хар канча хунарини кўрсатмасин, «саҳли укул» – ақл аҳлига бу ёқмайди, улар буни хуш кўрмайдилар. Башарти, бу куйлар кўпайиб кетса, ҳаммага малол келади. Ле-



кин шундай мажлисларда Навоий ғазалидан ўқилса, у ғазал лафзлари оташдан дарак беради; базмда ўтирганларнинг ғавосини, яъни уларга караб чинакам мунг, ҳакикий дард сабабли ёкани йиртиб, ўзни халок қилиш қандай бўлишини кўриш мумкин. Демакки, сўзниг қалбга етиб бориши, инсонларни тасирлантириб, ички дунёсини ларзага солиши учун унинг моҳиятида мутлак ҳакикатларга таянган Дард, Мунг бўлиши талаб этилади.

Сўз ҳакидаги бобнинг асосий – сўнгти ўналиши назм, наср ва маъно тўғрисида бўлиб, унда мутафаккирнинг сўз кўллаш услуби билан алокадор муҳим тамалий жихатларини ўрганамиз.

Алишер Навоий сўзнигт насли назми алоҳида хусусиятларга эга эканлигини таъкидлайди. Сўзниг ёлғони эътиборга арзимаслигини айтиб, назмни донолар юкори кўришларини эслатган ҳолда куйидаги тамсиллар билан ўз фикрини янада равшанлаштиради:

- 1) типлар ўз ўрнида турса – манзум, гўзал (назм), лекин сочилса (наср), киймати йўколади;
- 2) гуллар, дарахтлар бօг ичида тартиб билан экилади (назм) ва гўзалик, кадр касб этаиди, лекин агар улар тогда бўлса, ўтин каторига киради (наср);
- 3) Робби Гаффур – кечиргувчи бўлган Аллоҳ инсонларни хам зохирان бир тафовутли яратлиб, хазон бўлган гулга айланади;

ган, масалан, шоҳ бир базм тузса, унда хамма ўз макомида ўтиrsa, бу – низом дейилади (назм), лекин май ақлни олиб, шоҳ ёнига хизматкорни чакирса, кул бек билан тортишса, бу базмда халоват бўлиши мумкин эмас (наср);

4) шатранж (шахмат) доналарини бир жойга тўксантиз (наср), у шунчаки, ёточ парчалири, холос; лекин агар у доналар икки сафдан терилса, шеърнинг икки матльасига ўхшаб тўрт мисра кўринишга келади; матльумки, матлаъ – ғазалнинг дастлабки икки байтиди; бу сафларнинг ичидаги турфа муаммолар пайдо бўлади; шоир бу ўринда муаммо жанридаги шеърга ишора килган – муаммо шундай шеърилади, шеър ўқиётган инсон муаммони ечиши сирларини билса, унга беркитилган исмни топиши мумкин, шу каби фикри сағлом иссон шатранжни махорат билан ўйнаса (назм), муаммони ечиб, исмни топгандек, голиб бўлади, лекин паришон ҳолда бўлса (наср), мот бўлади – ютказади; демак, назмнинг замиридаги матлони англаш учун инсон сахих фикрли – тўғри ва соглом фикрли бўлиши лозим экан;

5) шеърни варакка кўчиргач, уни бир муконага тикиш учун шероза деб атаглан ишакдан (ипдан) фойдаланилган; варакларнинг шероза билан тикилиши уни гулга ўхшатади (назм), лекин вараклар сочилса (наср), барглари сочилиб, хазон бўлган гулга айланади;





Келтирилган беш тамсил воситасида маттум этиляптики, сўзни назмда – аник қоидалар билан тақдим қилиш қолдиришдек бир хусусият бор. Алишер Навоий айтадики, Куръон

– Аллохнинг каломида ҳам сўзларнинг кўлланнишида аник конуният – назм бор, илохий калом бетартиб бир шаклда бўлмаслиги аник ҳакикатдир; бу конуниятлар ўрганилиши натижасида кейинчалик илми адаб, илми лугат, илми сарф каби фанларга асос солинди.

Сўзни назм билан баён этиш – кофия, радиоф, вазн каби тартибларга амал қилишни такозо килади. Лекин назмнинг шакли накадар гўзал бўлмасин, маънодан махрум бўлса, ухуш кўрилмайди, ахли маъно уни кабул килмайди. Назмнинг сурати гўзал, моҳиятида эса чукур маъно бўлиши шарт.

Алишер Навоий шу ўринда Аллохга мурожаат қилиб, шундай сўзлар халкнинг – одамларнинг калбига ёқимли бўлишини сўрар экан, ўзи хам ана шундай сўзлар айтишга орзуманд бўлиб, дуо ўйлайди.

Сўз таърифидаким, башар вужуди сипехрининг кавокиби жаҳонтоби ва инсон зоти маъданнинг жавоҳири сероби дурур ва сайд кавқабларнинг бир-бири бирла қирони яхши асар кўргузуридин ва самин жавхарларнинг бир-бирига иктирони дил-пазир кўрунуридин, назм таркибин наср тартибига таржих қилмоқ

1. Сўз гухарига эрур онча шараф Ким, бўла олмас анга гавхар садаф.
2. Тўрт садаф гавхарининг дуржи ул. Етти фалак ахтарининг буржи ул.
3. Богчай даҳрки, юз тоза гул Тотти, қаёнким назар эти кўнгул.
4. Катми адам гулшани ичра нуухуфт Гунчалар эрди бориси нопшутурт.
5. Чун бу насим эсти азал тоғидин, Мунча гул очилди жаҳон боғидин.
6. Қайси насим, улки эрур гулфишон, Барги гулу настараң андин нипон.

ЎН ТЎРТИНЧИ БОБ

(Матн)



7. Бу икки яфрогни қаочон зуфунун,
Бир-бирита кўйса бўлур «коф»у «нун».
8. Даҳри муқайяд била озодаси.
Борча эрур «коф» или «нун» зодаси.
9. Зодасидин зода бўлуб беадад,
Зодага ҳам волид ўлуб, ҳам валад.
10. Васф не навъ ўлгай анга эл сўзи,
Ҳарне сўз айтилса эрур чун ёзи.
11. Жон ўлуб ул, руж анинг колиби,
Ким танида руж, анинг толиби.
12. Борча кўнгтуп дуржи аро жавхар ул,
Борча оғиз хуккасида гавхар ул.
13. Гар ҳуд эрур ҳанжари пўлод тил,
Суфти доги инжулари сўзни бил.
14. Тил бу чаманнинг вараки лоласи,
Сўз дураридин бўлубон жоласи.
15. Сўздин ўлукнинг танида рухи пок,
Рух доғи тан аро сўздин ҳалок.
16. Тиргузуб ўлганни қаломи фасих,
Ўзига «жонбахш» лакаб деб Масих,
17. Боис ўлуб шах сўзи бедодга,
Тухмат ўлуб ўргада жаллодга.
18. Сўздин этиб ўтга азимат Халил,
Сўз юкига ҳомил ўлуб Жабрайл.
19. Тенгрики, инсонни қилиб ганжи роз,
Сўз била ҳайвондин анга имтиёз.
20. Гунча оғизлик санами нўш лаб,
Сўздин агар айласа ҳомуш лаб.
21. Лавъли май ақлни маст айласа,
Маст неким, бодапараст айласа,
22. Сурати оғизи маҳи осмон,
Сурати девор ҳамон, ул ҳамон.
23. Гар чиройи рапки камар бўлмаса,
Лашли лаби тунги шакар бўлмаса,
24. Айламаса ғамзани новакғиган,
Қилмаса кирпик сафини сафшикан.
25. Бўлмаса ғораттару танноз ҳам,
Чин била ҳусн ўлса анга ноз ҳам.
26. Лек такаллум чоги айлаб итоб,
Талҳ ҳадис ўлсаву ширин жавоб,

27. Фитна килиб, вальдау пайғом ила,
Аклни маст айласа, дашном ила.
28. Кўргузубон лоба малоҳат уза,
Лобаси туз сепса жароҳат уза,
29. Ким экин ул шульага ёқилғучи,
Ё бу жароҳатка даво килғучи.
30. Гар бўлубон хусн ила обид фириб,
Бўлса малоҳат била хуснига зеб.
31. Айтса бу хусну малоҳат билла
Нуктани ойини фасоҳат билла.
32. Солғуси жинси бани одамға ўт,
Не бани одам, бари оламға ўт.
33. Хар дам этиб элни ҳалок, ўртагай,
Балки, башар хайлини пок ўртагай.
34. Базмда хар мутриби достонсаро,
Чекса тараннум била дилкаш наво.
35. Накшда хар неча талоло деса,
Ё амал ичра танадирно деса.
36. Борчасидин хаз этар ахли укул,
Гар ҳудузок чекса, бўлурлар малул.
37. Ё бу наво зимнида асрраб маҳал,
Чекса Навоий сўзидин бир газал,
38. Ким анга алфоз ўлуб оташфишон,
Берса улус кўнглига мунгдин нишон.
39. Базмда ул лахза алолони кўр,
Кўйи харобот аро гаврони кўр.
40. Кўрки, нечукдур ёқа чок айламак,
Ўзни фигон бирлла ҳалок айламак.
41. Донаи дур сўзини афсона бил,
Сўзни жаҳон баҳрида дурдана бил.
42. Мунҷаки шарҳ этти қалам сўзга ҳол,
Насридалур, назмида бор ўзга ҳол.
43. Сўз аро ёлғон киби ўқ нописанд,
Айлар анинг назмини доно писанд.
44. Ўрнида тишлар дури манзум эрур,
Чун сочишур, киймати маълум эрур.
45. Варду шажар шоҳид эрур бօғ аро,
Лек ўтун силкиладур тօғ аро.
46. Мунда паришионлиги ноҳуш қилиб,
Анда мурагатаблиги дилкаш қилиб.



47. Навьи башар бошига Робби Рафур,
Кўйди тафовут била тожи зухур.
48. Шоҳки, гулшанни бисот айлагай,
Базм тузуб, азми нишот айлагай,
49. Хар киши ўз поясси бирла маком
Тутса эрур анжуман ичра низом.
50. Эмлики май зойил этиб хушни,
Шах ёнига торти човушни,
51. Кул бек ила тузди узун можаро,
Кайда халоват яна ул базм аро?!
52. Арсада шатранжни улким тўкар,
Неча йиғоч порасидурким, ўқар.
53. Чунки бирор ўлтурубон хар тараф,
Терса бисот ичра ани икки саф.
54. Хар ён ики саф ики мисрав киби,
Тўргт саф ўлса, ики матгаль киби.
55. Хар бири бир турфа муаммо бўлуб,
Отлар анинг зимнида пайдо бўлуб,
56. Фикри сахих элга бисотида от,
Қилса паришонлиг, ўлуб анда мот.
57. Дафтари назмida чу шерозадур,
Гулвараки гулшан аро тозадур,
58. Узди чу перозасини дафтари,
Ел учурур хар варакин бир сари.
59. Назм анга гулшандা очилмоглиги,
Наср каро ерга сочилимоглиги.
60. Бўлмаса эъжоз макомида назм,
Бўлмас эди Тенгри каломида назм.
61. Назмда хам асл анга маъни дуур,
Бўлсун анинг сурати ҳарне дуур.
62. Назмки, маъни анга маргуб эмас,
Ахли маоний кошида хўб эмас.
63. Назмки, хам сурат эрур хуш анга,
Зимнида маъни доғи дилкаш анга.
64. Ё Раб, ани халк дил афрўзи эт,
Хаста Навоийга доғи рўзи эт.

ЎН ТЎРТИНЧИ БОВ

(Насрий баён)

Сўз тарьиғидаки, инсон вужууди осмонининг жаҳонни ёритгудек юлдузидир; ва инсон мальданининг жавоҳири сероби; ва баҳт юлдузларининг бир-бирига яқинлашуви яхши бир асар кўрсатгани ҳамда қимматбажо жавоҳирларининг ёнма-ён туриши дилга ёққани сабабидан назмнинг таркибини наср таркибидан устун кўриш

1. Сўз гавҳари шу қадар шарафлики, унга гавҳарларнинг садафи садаф бўла олмайди.
 2. Чунки у тўрт садаф гавҳари сакланадиган бир кути; ети фалак юлдузлари жойлашган бурж.
 3. Кўнгил дунё боғчасининг кайси томонига назар солса, юзлаб тоза гулларни топди.
 4. Йўқлик гулшани ичидан пинҳон ғунчаларнинг хеч бири очилмаган эди.
 5. Азал тогидан бу насим эсли ва жаҳон бўғида шунча гуллар очилди.
 6. Шундай насим эдики, у гул сочарди, гулнинг барги ва настарин ундан нишон берарди.
 7. Бу икки япроқни илм соҳиби бир-бирига яқин кўйса, «коф» ва «нун» бўлади.
 8. Дунёнинг занжирандлари ҳам, озод бўлганлари ҳам – барчаси «коф» ва «нун»нинг фарзандлариидир.
9. «Коф» ва «нун»нинг фарзандларидан аладсиз фарзандлар туғилди ва у ўз фарзандларига ҳам ота-она, ҳам бола бўлди.
 10. Уни васф қилишга одамнинг сўзи нима ҳам бўларди! Бу борада ҳар канча сўз айтилса ҳам, васфнинг ўзи ҳам сўздир.
 11. Сўз – жон бўлди, рух унинг колили – тани; кимнинг танида жони бўлса, унинг талборидир.
 12. Барча кўнгиллар кутисидаги жавхар, оғиз хуккаларидаги гавҳар – Сўздир.
 13. Агар тилини ҳанжар пўлат деб айтсан, унинг солидаги инжулар – сўзлардир.
 14. Тил бу чамандаги лоланинг япроғидир, унинг юзидағи томчи – сўз дурларидан.
 15. Сўз билан ўликнинг танига пок рух киради, тан ичидаги рух ҳам сўз сабабли ҳалок бўлади.
 15. Фасих каломи ўлганни тирилтирган Масих ўзига «Жонбахш» лакабини олди.
 17. Шоҳнинг сўзи адолатсизликка боис бўлади, бирок ўргада жаллод тухматга колади.
 18. Сўз сабабли Халил ўтга кирди, Жаброил Сўз юкини кўтарувчи бўлди.
 19. Тантри инсонни сирлар хазинаси киilib, унга сўз ато килди ва хайвондан имтиёзли айлади.
 20. Ғунча оғизли санам сўз айтмай лаби хомуш тураркан...
 21. ...майдек лаъли аклни масти, балки болапаст киласо...



22. ... сурати осмондаги ой каби бўлса ҳам, унинг бу сурати девор билан бир хил.
23. Лекин чиройи қамарнинг рапшини келтирмаса ҳам, лъялъ каби лаби туннинг шакари бўлтмаса ҳам...
24. ...ғамза килиб кўйсларни нишонга олмаса ҳам, киприклар сафини бузмаса ҳам...
25. ...жонни горат этиб, танноз килгувчи бўлтмаса ҳам, ҳусн ва нози чин бўлса...
26. ...сўзларкан, ҳар хил айблар ўйлаб топса, сўзлари гоҳ аччик, гоҳ ширин бўлса...
27. ...въдалар билан фитна килса, дашномлар бериб, ақлни маст айласа...
28. ...ёлворишлар узра малоҳатини кўрсатса ва унинг ёлвориши жароҳатларга туз сепса...
29. ...бу шульага ёқиладиган ё бу жароҳатга даво киладиган ким бор экан?
30. Агар ҳусни билан обидларга фириб берса, малоҳати ҳуснига зеб бағипласса...
31. ...шу ҳусну малоҳатига муносиб ҳолда хикматли сўзларни фасоҳат билан айтса...
32. ...Одам боласига, балки бутун оламга ўт колади!
33. Элни ҳар лахза ҳалок этиб куйдиради, балки Одам ахлини бехад куйдиради.
34. Базмда ҳар достон айтиувчи мутриб дил-кап наво чекиб, тараннум килса...
35. Накшда ҳар неча наво чекса, ё амал ичида ўз айтадиганини айтса...



36. Буларнинг барчасини акл ахллари хуш кўрмайдилар, балки бу наво узайиб кетса, малолланадилар.

37. Ё бу навонинг ичидан Навоий ғазалига жой берилса...

38. ... Навоийнинг ғазалики, лафзлари оташ сочувчи бўлиб, улуснинг кўнглига мунгдан нишон берса...

39. ...базмда ҳар лаҳза кўтарилаётган охвони кўр! Харобат кўчасидаги ғавони кўр!..

40. Ёкани чок килиб, ўзни ҳалок қилиш қандай бўлишини кўр!

41. Сўзнинг дур каби бир донасини афсона бил! Сўзни жаҳон дентизи ичидаги дурдоло на бил!

42. Калам сўзнинг ҳолини бу қадар шарҳлади, сўзнинг насли ва назмида ўзгача ҳол бор.

43. Сўзнинг ичидা ёлғони каби назардан қолгани йўқ! Сўзнинг назмини донолар писанд қиладилар.

44. Тишлар ҳам ўз ўрнида турса, дур каби гўзал! Аммо сочила, қиймати маълум.

45. Боф ичиди турган гул ва дарахтнинг кадри юксак, лекин тогда улар ўтин каторига киради.

46. Бунда паришинлити одамни ноҳуш килади, унда тартиби – мурагатлити дилни шодлантиради.

47. Робби Гофор бўлган Зот инсонларни тоифаларга ажратиб, уларни зоҳирян тафовутли килди.



48. Гулшан ичиди базм тузиб, шодликка азм
килган шох...
49. ...унинг анжуманида хамма ўз даражасига караб маком эгалласа, низом бўлади.
50. Лекин май аклни олиб, шох ўз ёнига хизматкорни тортса...
51. ...кул бек билан талашиб, жанжаллапса, бу базмда халоват бўладими?
52. Бир майдонга кимдир шатранж донарини тўкса, кандай қилиб мактансин – улар ёроҷ парчалари, холос!
53. Аммо бирор ҳар тарафга ўтириб, бисотидаги бу доналарни икки саф қилиб терса...
54. ...ҳар ёндан икки саф икки мисра каби турса! Икки матлаъ сингари тўрт сафга айлансан!..
55. Ҳар бири бир ажиб муаммога айланади ва унинг ичиди отлар пайдо бўлади.
56. Фикри соглом одамнинг бисотида от бўлади, паришинлик килган эса унда мот бўлади.
57. Назм дафтари ипак билан тикиб кўйилса, у гулшан ичидаги тоза гул варагига айланади.
58. Аммо дафттарни ушлаб турган ипак ипузилса, ҳар варакни шамол учириб кетади.
59. Бу ерда назм – гулшандагулнинг очилиши, наср эса гулнинг кора ерга сочилишидир.
60. Назм оқиз қолдирувчи бир макомда бўлмаса эди, Тангрининг каломида назм бўл- мас эди.

61. Сурати кандай бўлмасин, назмнинг асли, можияти – маънодир.
62. Ичиди маъноси бўлмаган назм марғуб эмас, маъно ахли уни яхши деб хисобламас.
63. Суратан чиройли ва можиятан маъноли бўлса, назм гўзалдир.
64. Ё Раб, ана шундай назмни халқнинг дилини ёндирувчи, дилига ёқимли кил ва ундан хаста Навоийга ҳам насиба ато эт!

Лугат

- Сайд** – баҳт
Кирон – яқинлашиш
Иқтирон – яқин туриш
Таржих – кучли, устун
Нуҳуфт – япирин; ғунча
Ноштугут – очилмаган
Зуфунун – билимли; донишманл
Мукайяд – занжирланган
Зода – фарзанд
Волид – ота-она
Валад – фарзанд
Хукка – кутича
Суфт – пичокнинг соли
Бедод – адолатсизлик
Ҳомили – юқ кўттарувчи
Лоба – ёлвориш
Достонсаро – достон айтиувчи
Ҳазл – масхара
Укул – акллар



Малул – малол

Зойил – зое, бекор

Човуш – чолпар; хизматкор

Арса – майдон; кентглик; олам

Ўқмок – мактамок; танбех бермок

Шероза – китоб муковалашда сахифалар очилмасин учун ипак билан тикиш.

ҮН БЕШИНЧИ БОВ

(Шарх)

Алишер Навоийнинг ўз ижоди хусусидаги тамойилларидан хабар берувчи боблардан бири «Хайрат ул-аброр»нинг үн бешинчи бобидир. Унда сўзният маъноси нима эканлиги батагфосил тушунтирилган. Хусусан, сўз айтиувчиларнинг макомлари, шебр ўғрилари ва шеърни химоя қилиш билан боғлик мавзулар ҳам кўтарилиган.

Алишер Навоий айтадики, сўз – тана, маъно – жондир. Мальнодан холи сўз – жонсиз тана каби, мальнони қандай топишни инсон зоти билмайди, мальнони топган кишини ҳам топиш имконсиз.

Бобда дастлабки масала шуки, маъно излаган инсон сўз дентизига ғаввос каби шўнгисиши керак.

Алишер Навоий кўллаган истиораларнинг аксари Куръонга таянади. Шоир сўзни денигизга киёслапи ҳам ана шулар сирасидандир. Кахф сурасининг 109-ояти куйидагича:

فَلَوْكَانَ الْجَرْمُ مِدَا لِكَمْبَتٍ رَيْ لَنْدَ الْبَحْرِ مَقْبَلٌ أَنْ تَغْدِيَكُمْ
رَبِّ وَلْرِجَنْتَانَ يَمْلِهِ مَدَا

Маъно таржимаси:





«Айтинг: «Бордюо, дентиз (суви) Роббимнинг сўзлари (илму хикматларини битиш учун) сиёҳ бўлса ва яна шунча сиёҳ келтирасак ҳам, Роббимнинг сўзлари битишидан илпари у денгизлар тугаб битар!»

Муфассирлар Аллохнинг калималари – сўзларидан мурод Аллохнинг илму хикмати эканлигини айтадилар. Оят сиёқига кўра, Аллохнинг сўзларини ёзиш учун мавжуд бўлган барча дентизларни икки баробар кўпайтириб, сиёҳга айлантирасак, бу сиёҳ тутайди, бирок Аллохнинг сўзлари тутамайди. Зотан, Аллохнинг илму хикматида чегара ва ҳад йўқ. Ўқиётганимиз ўн бешинчи боб мазкур оят мазмунига далолат қиласи.

Алишер Навоий раҳматуллохи алайх оят мазмунига сунгани ҳолда сўзни баҳрга – дентизга қиёслайди. Сўз баҳрига ғаввос бўлиб шўнгигантга маъно дурлари берилади. У дурда файз ҳарами – Аллохнинг хикматидан бир нур акс этади, бу нур эса маъно машъалидандир.

Навбатда кўтарилаётган муаммо бевосита ушбу мазмунга алоказор, яъни сўз май бўлса, уни ичадиган инсон маъно дурининг садафи ни ўзига жом килиши керак. Одатда, дурлар дентиз қаъридаги садаф ичидан бўлади. Садаф – дурнинг онаси, балки онанинг корни. Сўз майини ичган инсон маъно дурининг садафини кадах ўларок тутсин. Яъни унинг сўзлари мальнодан иборат бўлсин.

Тасаввур килиш мумкинки, бир инсоннинг Кўлида қадаҳ, у сўз майини шу қадаҳ, билан ичмокда. Сўз эса бир ажиб май! У жон каби, нафас каби ажиб. Бу май кўнгил кунжи – кўнгил ичидан уни ёритувчи чироқdir.

Сўз майи дентиз каби бутун жаҳонни тўлдириган. Аммо у денгизни ҳеч ким кўрмайди, уни латофат – гўзаллик беркитиб туриди. Юкорида келтирганимиз оята кўра, Аллохнинг сўзлари – унинг илму хикмати бўлса, бутун олам Аллохнинг илму хикмати илиа тўлиб тошган.

Аллохнинг ҳар бир яратигида бир латифлик – латофат, дакиқлик бор. Биз бу яратикларни, гўзалликни кўрамиз, лекин уларнинг замиридаги Сўзни, Аллохнинг хикматини, илмини кўра олмаймиз. Ҳолбуки, Аллохнинг сўзлари коинотни дентиз каби қоплаб олган. Коинотнинг ўзи катта хумга ўҳшайди. Бу хумни сўз майи тўлдирган. Хумнинг оғзини күёш бир пишик ғашт каби ёпиб турибди. Унинг ичидаги май – Сўздан бир катра ичтан инсон ичига жўшиш киради. Аллохнинг хикмати – Унинг сўзидан бир катра баҳра олган инсон тамоман башка бир дунёга айланади. Энди у ҳакикат оламини идрок киради. Кўзларни тўсиб турган парданинг ортини кўради. Ҳар бир нуктани ҳакикати билан англайди.

Бу сўзнинг моҳияти, унинг нима эканлиги хакидаги масала бўлиб, шу ўринда Алишер Навоий ўзининг сўздан баҳраманд бўлганди.





гини маълум килади. У сўз майи нашъасидан ўзини йўқотди. Маст бўлди. Унга ҳакқат оламидан бир насиба етди. Оламнинг ўткинчи эканлигини хис қилди. Аллохнинг кошида банда ўзини қандай йўл билан йўқликка етаклаши зарурлигини кашф килди.

Фано дайрининг аҳли – Аллохнинг ишку муҳаббатига ўз нафсларини, ҳавасларини енгтан инсонлар билан хамфикр, хаммаслак бўйдди.

Аллохнинг сўзини кашф қилган инсон тўлиб-тошади, ўзини куршаб турган кишсанлар га токат кила олмай қолади, у гёё бир олов ичиди ёнади; маъно чирогидан нур етиб, Алишер Навоийнинг хам онгида, қалбидаги бир ҳарорат юзага чиқди. Унга ҳидоят жомидан насиба берилди, у сукунти, ўзига берилган сирларни пинҳон тутишини одат қилди. Лекин бабъзи вактларда у ўз ихтиёрини йўқотади, сўз ва унинг маъноси мастлик уйғотади. Шоир ўзига сифмай, оламни кезади. Кўёш каби хароба ва обод маскан излади.

Тўккиз фалакдан бир ҳамроҳ тилайдики, у билан бирга сўз майини ичса! Бир базм қилса, олдида сўз майи тубсиз дарёдек хайкиради, у эса баланд таҳт узра ўтириб, кўлига кемадек улкан кизил қадаҳни ушлаб, гулрангли шаробни бетиним сипкорса! Турк оҳангидан сўзларни бир-бираига боғласа ва юксак сас билан айтса! Ёнидаги хамроҳнинг укаби баланд

парлага овози етмаса ҳам, кўлига аёлгу – най каби пурфлаб ҷалинадиган созни олиб, дамсозлик қилас! Хамроҳнинг журъати Алишер Навоий каби май ичига етмасада, бир ҳўпламга куввати етса!

У шундай базмни орзу қиласар эди.

Албатта, бу базмдан мурод – Аллохнинг сўзларини хис этиб, тушуна оладиган инсонлар билан дийдор, улар билан ҳамсұхбат бўлмок, дардлашмок, диллашмокдир. Алишер Навоий «тубсиз дарё», «таҳт», «кемадек улкан қадаҳ» истилоҳлари билан ҳикмат макомини назар тутади. У Аллохнинг илму ҳикматини англаб етишда ана шундай улуғ макомни орзу қиласи. Лекин унинг бу истаги ижобат бўлмайди, яъни Алишер Навоий рахматуллохи алайх ўзи етиб келган нуктада муносиб сұбатдош топмайди. Шунинг учун «Илгари бу ерда сўз майини ичган бирор инсон бўлмаганми? Ё мен келмасимдан аввал кетганми экан?», деб ажабланади.

Бу тасвирларнинг елкасидаги тагмально шуки, Алишер Навоий туркий сўз майдонида ўзи билан баробар турадиган иккинчи шахс бўлмаганини идрок этган.

Алишер Навоий рахматуллохи алайх давом этиб айтадики, ўзига мос бир сухбатдош топа олмай юрар экан, бу макомда ҳеч бир киёфага эга бўлмаган бир гурух унинг каршисидан чиқади. Уларда на таъб бор, на дид;





бирок оғизлари сүйден ва ўхшовсиз оҳантдан бўшамайди. Ёзганларида на вазн, на маъно бор! Ҳолбуки, маънодан давво киладиларки, улардан ахли маъно азиат чекиб, халос бўла олмай безордирлар.

Алишер Навоийга наэм боғи насиб эттач, унга бир чин санами йўлиқади. Чин санами – маъно эди. Шоир маънони чин санами – мали билан тасвириламокда. У сўз билан санами безайди, зийнатлайди: сунбул сочига гуллар такади, нарғисдек кўзларига сурма торгади, ўзининг кон ёши билан унинг яногини ол килиди, кўзининг каросини холга айлантириб беради. Сўзлардан ранго-ранг либослар тикади, дурри макнун кадалган кийимларни кийдириб, санамни жонга айлантириб кўяди.

Бу – Алишер Навоий ёзган шеърларнинг истиоравий қиёфасидир. Шоир ўз ижодини шундай бир кўринишда таниширмокда. У ўз газал, рубоий ва бошқа битикларини шу кадар махорат билан тақдим этаркан, юкорида эслаб ўтилган жағогарлар пайдо бўладилар. Улар санамни талон-торож этадилар: либосларини йиртадилар, озорлайдилар, ўзини асир оладилар. уни йиглагудек холга солиб, жундан тўкилган кора ва дағал матони этнита ёпиб, уни «шель» деб атайдилар ва Алишер Навоийнинг «хузурига келтирадилар. Аслида, бу жағогар хузурига келтирадилар. Аслида, бу жағогар кавм биладики, санамни шоир танийди, лекин Ҳакдан хаё килмайдилар; килган ишлари

учун шоирдан эҳсон ва таҳсин кутадилар. Ёзган шеърларини бу кадар беодоблик билан ўзлашибирш, ўзгартиришдан Алишер Навоийнинг жонига озор етади ва у ўз ижодини «кўриклишга», «химоялашга» карор киласи.

Баланд коя устига тошдан калъя куради: калъя деворларининг остидаги хандакни лаҳм кавлаб бўлмайдиган ва караганинг куши бошидан учадиган даражада чукурлайди; минораларини бирор арқон етмайдиган килиб юксалтиради; ўз паризодини бу калъяга жойлаштириб, деворлар тепасига тош ва ўқлар кўядики, бирор беадаб якинласа, ўқ ва тош унга, албатта, азиат етказади! Тошлар – нафсни қийнайдиган такво, ўқлар сахарда килинган дуолар эди.

Айни шу нунгтада янада ойдинлашадики, Алишер Навоий бунёд этган бу калъя бир маъз бўлиб, у ўз ижодини, ўз шеърларининг мураккаб услубини назарда тутмокда. Шоир битикларини факат ўзига хос бўлган йўлда көргозга тупширадики, унга тақлид килиш ёки ўзгартириш имкони колмайди. Сабаби, унинг сўзларидан бир сўз алмашса, албатта, маъно бузилади, мантиқиззлик юзага келади – бу масаланинг биринчи томони; иккинчи жиҳати шуки, Алишер Навоий ижодга Аллоҳнинг инвоми, илоҳий ҳакикатларни баён килиш воситаси ўларок караган. У Аллоҳ насиб этмаса, бирор сатр бита олмаслигини, ёзганлари



калбларга етиб бормаслигини чукур идрок этган, шунинг учун бу йўлда таквони маҳкам ушлаб, айтажак сўзларининг макоми баланд бўлишини сўраб Аллохга дуо килган.

«Тоши анигт тақвии жонкоҳдин // Ўқлари хам охи сахаргоҳдин» байти шу ҳакқиатнинг айни ўзири. Яъни курилган калъанинг тоши – нафсни кийнайдиган такводан, ўқлари эса сахар ҷоғи чекилган оҳлардандир. Бунинг замрида ўз асарларини такво ва дуо устида ёзганилити ва уни химоялашни Аллоҳга ҳавола килгани ҳакида маъно бор.

Бу тасвирлар адибнинг ўзига бўлган чукур ишончини ифодалайди, лекин бу ифода бевосита муаллифнинг ўзига тегишли бўлиши мумтоз адабиётда «фаҳрия» деб аталса-да, Алишер Навоий бу фахрияси учун Аллоҳдан афв тилайди. У ўз сўзларини девоналарнинг оғизидан чикадиган бир афсона деб хисоблайди. Бу ифодаларини мастиликда килган шовкиним, жунун занжиридаги айтган гапларим, деб тан олади. Йўқса, бу лофларни акли соғлом инсон айтиши мумкинми, деб савол беради. Шеър ўғриларини мактаб, уларнинг сўзлари рангин, битиклари ширин, дейди. Уларнинг устидан килган маломатларидан афсус чекиб, бу сўзларни айтар экан, хуши ўзида эмаслигини таъкидлайди.

Китобхонда ўринилган савол туғилади, нима учун Алишер Навоий рахматуллохи алайх икки

хил гапирияти: ўзининг сўз майдан мастилигини, туркий сўз майдонида ўзига мос бирор тент йўқлигини айтиди, шеър ўғриларини айблади? Бунинг куйидаги сабаблари бор:

- 1) инсоннинг ўз макомини англаши – бу унинг кибридан эмас, балки вазиятга тўғри назар сола билиш қобилияти ҳамdir, чунки ўз даражасини билмаган одам тартибни, мувознатни саклай олмайди, шунинг учун шоир сўз ва маъно борасида ўзининг куч ва имкониятини билишини билдириди;

- 2) сўзнинг қадри накадар юксак бўлмасин, уни кадрсизлантирувчилар кўп; ҳамма ҳам сўзни ўз киймати билан истифода кила олмайди, хусусан, шеър ўғрилари;

- 3) инсон айтажак ҳар сўзи учун масъул, инсон ўз сўзини такво ва дуо билан химоялаши керак;

- 4) Алишер Навоий бу таъкидлари сабабибр ва ўзига баҳо бериш оғати калбига оралаб колишидан кўришиб, дархол истигфор айтади, шунинг учун айблаган одамларини ўзидан афзал деб эълон килади.

Бобнинг сўнгида гадолар олида ўзини гадо билган одамга Аллоҳ шоҳ курбины бериши айтилади. Матнга суюнсак, Алишер Навоий шеър ўғриларини гадо деб хисоблаяти; бу масаланинг бир томони; иккинчи томони шуки, гадолар дунёга мухаббат кўймаган,





ЎН БЕШИНЧИ БОБ

(Матн)

дунё билан машғул бўлмаган инсонлардир: уларнинг дуоси Ҳакнинг ҳузурида ижобат, демак, уларга эхтиром кўрсатган одамни Аллоҳ хуш кўради ва шоҳларга яқинлаштириб кўяди. Шоҳ қурбидан мурод – факирилик ва гадоликдан унга хабар бериб, ҳакиқатларни анатлишиб туришидир.

Алишер Навоий ўн олтинчи бобда Султон Ҳусайн ҳакида сўзлайди, уни мадҳ қиласи, бу байт, ўз ўрнида, кейинги мавзу билан боғловчи кўпприк вазифасини хам ўтаяпти.

Бир неча сўз ул маънилаким, сўздаги маъни жоне дурурким, сўз колиби онсиз колибе дурурким жонсиз ва ани топмок ишини киши билмас, балки ани топкон киши топилмас ва аҳли газоф ноинсофлиига мунсиф бўлмок, балки ўз газофига инсоф бериб, аларнинг узрин килмок

1. Ул киши сўз баҳрида гаввос эрур Ким, гужари маъни анга хос эрур.
2. Файз ҳаримида тажаллий анга Ким, ёрубон машъали маъни анга.
3. Сўз майини ул киши ошом этиб Ким, дури маъни садафин жом этиб.
4. Рух сағолик не ажаб роҳдур, Тийра кўнгул кунжига мисбоҳдур.
5. Лаб-балаб ул май била хуми сипхер, Оғзидаи кирпич анга хишти меҳр.
6. Гарка анинг баҳрига аҳли жаҳон, Кўздин этиб они латофат ниҳон.



7. Қатрасини ҳар киши нүш айлабон,
Нашъасидин хум киби жўш айлабон.
8. Нечаки файзи била олам тўлуб,
Қатрае, баҳридин анинг кам бўлуб.
9. Менки, бу май нашъасидин маст мен,
Дайри фано ахлига хамдаст мен.
10. Андок эрур гарм димоғим менинг,
Ким ёқиб ул шулья ҷарогим менинг.
11. Гарчи етиб жоми хидоят манга,
Сўзда сукут ўлди багоят манга.
12. Лек бирор вакт бориб ихтиёр,
Май илигимдин чикариб ихтиёр,
13. Арсаи оламға сабодек бориб,
Мехрдек ободу бузук ахтариб.
14. Илгима тушмай бори оғоқ аро,
Балки тўкӯз ҷархӣ кухан ток аро.
15. Уйла ҳарифики, чу базм айласам,
Ичгали бу бодани азм айласам,
16. Назм бийик маснадида ўлтурууб,
Олима назм ахли туман минг туруб,
17. Базмда шоҳона ясад созу барг,
Бошлим уза эгри кўюб нимтарик.
18. Сўз майдин олима дарёйи жарф,
Илгима заврак киби жоми шигарф.
19. Ҳар нафас айлаб тўла ул жомни,
Сипкориб ул бодай гулғомни.
20. Турк суруди била солиб кўлум,
Қилсам адo: «Ҳай тулутум, ҳай тулум».
21. Ул қила олмаса ҳамовозлик,
Қилса аёлғу била дамсозлик.
22. Бўлмаса бир жомим ичар журъати,
Бўлса бирор журъа чекар куввати.
23. Базми муродимни сипехри баланд,
Қилмади бу тухфа била аржуманд.
24. Йўқ эди эркинму, бурун ҳам киши,
Ким бу май ичмак эди эркин иши?!
25. Ё бўлубон борчаси азм этилар,
Базмға мен етмас экач, кеттилар?!
26. Манга бу бекаслик эмас эрди бас,
Ким чиқибон ҳар сари бир ҳеч кас.

27. Табъ кажу борча такалумнамой,
Нағмагару, борча тараннумсарой.
28. Англамаин сўзда туок баҳрини,
Қайси туок, балки кўшук баҳрини.
29. Лафзлари бемаза, таркиби суст,
Носара маънио, адo нодуруст.
30. Борчасига дაъвийи маънии хос,
Хосларим толпмай алардин халос.
31. Равзали назм ўлгали рангин манга,
Харне ўйлукти – санами чин манга.
32. Бор эди машшотаи табъим иши,
Бермак алар ҳуснининг оройиши.
33. Шона уруб сунбули гисусига,
Сурма чекиб наргиси жодусига.
34. Кон ёш ила оразини ол этиб,
Юзида кўз мардумини хол этиб.
35. Лафз либосин тикибон ранг-ранг,
Киймак учун ул санами шўху-шанг.
36. Кийдурубон хуллаи мавзун анга,
Зевар этиб юз дури макнун анга.
37. Қилсам этиб боштин-аёқ жон ани,
Хажлаи ноз ичра хиромон ани,
38. Чун анга бу хайли жағогар этиб,
Хуллаларин ғорату торож этиб.
39. Жисмида не хулла кўюб, не харир,
Ўзини белод ила айлаб асир.
40. Зохир этиб йиғлагудек хол анга,
Кийдурубон эски қаро шол анга.
41. Турфа буқим, шеър кўюб отини,
Еткуруубон кўкка мубоҳотини.
42. Турфарок улким, тониримни билиб,
Ҳакдин уялмай, манга зохир қилиб.
43. Вахки, манга жилвагар айлар чоги,
Истабон эҳсон доғи, таҳсин доғи.
44. Кўнглума кўп тики жафо урдилар,
Дема кўнгул, жонима еткурдилар.
45. Колмади чун ўзга манга чорае,
Калъя ясадрек топибон хорае.
46. Кулла чу хам олий эди, хам василь,
Устига кўйдум бу бинойи рафий.





47. Сувгача хоро била бунёд этиб,
Кўкка дегин пораи пўлод этиб,
48. Хандакини вахм анингдек қозиб,
Кимки бокиб каврига акли озиб.
49. Не тубига накб бўлуб судманд,
Не етибон кунгирасига каманд.
50. Мальнини ул хайл паризод этиб,
Жонларин ул хавфдин озод этиб.
51. Тикмак учун жисму учурмокка боп,
Анда қилиб таъбия кўп ўку тош.
52. Тоши анинг таквийи жонкоҳдин,
Ўқлари ҳам охи сахаргоҳдин.
53. Ногах анга ёвуса бир беадаб,
Тош ила ўқдин анга еттай гааб.
54. Аллоҳ, Аллоҳ, бу не афсонадур,
Ким бу фасона деса, девонадур.
55. Арбада кўл бўлди, магар маст мен,
Ёки жунун кайдига побаст мен.
56. Эрмас эсам маст, недур мунча лоф,
Махз жунун бўлмаса, мунча газоф.
57. Бу неча тандинки, шикоят дедим,
Англамайин харза хикоят дедим.
58. Борчасининг нуктаси рангин эрур.
Назмлари дилкашу ширин эрур.
59. Ўзда йўқ эрдим бу сўз айтур замон,
Борча алар яхши эрур, мен ёмон.
60. Тебра Навоий-ю, наво демагил.
Харне эмас бўлса раво, демагил,
61. Савтунг эрур боштин-аёқ харза кўп,
Бошларига эврул, аёқларин ўп.
62. Борча гадо олида бўлғил гадо,
То сангя шах курбини бергай Худо.



ҮН БЕШИНЧИ БОБ

(Нацрий бадён)

Шундай мальнола бир неча сўзки, сўздаги мально – жондир, сўз колили усиз жонсиз бир тан кабидир; ва уни кандај топишни инсон билмайди; балки уни топган кипи топилмайди; ёлғончилар аҳлининг ноин-соғлиги қошида инсофли бўлмок, балки ўз ёғонига инсоф бериб, улардан узр сўрамок

1. Мально гавхари сўз дengизида ғаввос бўлган инсонга тегишилдири.
2. Уни мально машъали ёриттани учун унга файз харами тажаллий этади.
3. Мально садафини жом килган одам сўз майнин ичади.
4. Мально рух сафолик бир майки, у коронгу кўнгил бурчагидаги чирокдир.
5. Бу май билан осмон хуми лаб-балаб бўлиб тўлган ва куёп ғишти унинг оғзидали кирпицдир.
6. Унинг дengизига ахли жаҳон гардир, уни латофат кўздан яширган.
7. Бу майнинг бир катрасидан ичган кипи шундай нашъя киладики, ичи май тўла хум каби жўпади.
8. Унинг файзи билан олам тўлади, дengиздан эса бир катра камаяди.

9. Мен бу майнинг нашъасидан маст бўлиб, фано дайри ахлига ҳамдастман.

10. У чирогим менга шундай шұулья ёқдики, димогим шу кадар қайнок бўлди.

11. Менга хидоят жоми еттан бўлса ҳам, сўзда сукут саклаш одатим эди.

12. Лекин баззи вактлар ихтиёrimни йўқтдим – май кўлимдан ихтиёrimни олди.

13. Олам майдонида сабодек елиб, күёш каби обод ва ҳаробаларни ахтариб...

14. ... бутун оғоқлар аро, балки бу эски тўқиз кават осмон токи аро кўлимга...

15. ... шундай бир дўст тушмадики, у билан базм килсан, бу болани ичип учун азм этсам!

16. Назмнинг буюк тахтида ўтириб, олдимда ўн минглаб назм ахли туриб;

17. ... базмда шохона созу асбобларни ясаб, бошимга соябонлар тутиб...

18. ... сўз майдидан олдимда белоён дарё, кўлимда кема каби кизил жом!..

19. ... хар нафас у жомни тўлдириб, бу кизил бодани сипкори!..

20. ... Турк оҳангли билан кўлимни солиб, «Ҳай тулутим, ҳай тулум!» – деб куйласам... етмаса ҳам, аёлгуни пуллаб ҷалиб турса!..

21. ... ёнимда бўлганинг овози овозимга са, хеч йўқса, бир култум ичишга журъати бўлмаса,

23. Лекин такдир менинг муродим бўлган бу базмни насиб этмади, бутухфа билан мени шодлантирмади.



24. Илгари бу майни ичган бирор одам бўлмаган эканми?!

25. Ё бўлсалар хам, келганлару, мен бу базмга етмасимдан аввал кетган эканмилар?

26. Бу бечоралик хали мендан ўтиб кетмаган эди – ҳар томондан бир неча каслар пайдо бўйди.

27. Уларнинг табби тескари, лекин ҳаммаси сўзлашни яхши кўради; нафма қилиб, таранум килишга одатланган.

28. Лекин сўзда туюк баҳрини хам, қўшик баҳрини ҳам англамайдилар!

29. Лафзлари бемаза, таркиби суст; маъноси хам тўғри эмас, услуби нодуrust.

30. Уларнинг ҳаммаси хос маънога датво киладилар, хосларим эса улардан халос бўла олмайдилар.

31. Менга назм боғи рангин бўлиб кўрингач, бир чин санами йўллиди.

32. Уни зийнатлаш, хуснига оро бериш табимнинг иши эди.

33. Унинг сунбул сочларига гуллар такдим, нарғислек жоду кўзларига сурмалар кўйдим.

34. Конли ёшларим билан унинг юзини ол килдим, кўзимнинг корасини унинг юзига хол этдим.

35. У кувнок санам кийсинг учун сўзлар либосини ранг-баранг тикдим.

36. Унга ярашган ипак либосларни кийдирдим, бу либосни эса юзлаб бебаҳо дурлар билан безадим.

37. уни бопшдан-оёқ жон қилиб, ноз чодраси ичиди хиром қилдирсам...

38. ... бу жафогарлар тўдаси келиб, унинг либосларини тортиб, йиртдилар...

39. ... унинг жисмида на либос, на харирни колдириб, бедодлик ила ўзини асири қилдилар.

40. Кўрса йиғлагудек ҳолга солиб, эгнига қора ва эски бир шол (жуандан тўқилган дагал) матони кийдирдилар.

41. Кизиги шуки, унга шеър деб от кўйиб, қилган ишларидан кўкка етгудек фахрланиб;

42. ... ундан ажабланарлиси, танишимни билатуриб, Ҳакдан уялмай, уни менга такдим этдилар.

43. Воҳки, уни кўрсатарканлар, бу ишлари учун эхсон ва тахсин истадилар.

44. Бу ишлари билан кўнглимга кўп жафотифини урдилар, кўнгил эмас, жонимга бу озорни етказдилар.

45. Менда харсанглар билан калъя ясашдан ўзга чора қолмади.

46. Чўкки олий ва кенг бўлиб, унинг тепасига баланд бино курдим.

47. Сувгача тош билан бунёд килдим, кўкка етгудек қилиб, пўлат парчаларидан деворларини ясадим.

48. Хандакини шундай кўркинчили каздимки, унга боккан инсон ақлдан озади.

49. Унинг тубидан лаҳм кавлапнинг на бирор фойдаси бор! Унинг чўккисига на бирор аркон етади!



50. Шу тарика манони паризод тоифасидан

қилиб, жонларини хавфлардан озод айладим.

51. Жисмни «тикиш» ва бошни учирин
учун деворга кўпдан-кўп ўқ ва тошлар жой-
лаштиридим.

52. Унинг тошлари жонни қийнайдиган
такводан, ўқлари эса сахар чоғлари чекилган
оҳдандир.

53. Ногох бирор беадаб яқинласа, бу тош ва
ўқдан унга озор етади.

54. Аллоҳ, Аллоҳ! Бу қандай афсона бўлди!

Ким бундай афсона айтса, девонадир.

55. Маст бўлсам керакки, кўп шовқин кил-

дим ёки жунун занжирига бойланганман...

56. Агар мастер бўлмасам, бунча лоф каер-

дан?! Агар бужунун бўлмаса, ёғон каердан?

57. Бир неча одамлардан шикоят килдим,

уларни англамай, бехуда хикоятлар келтир-

дим.

58. Уларнинг барча сўзлари рангин, шерь-

лари дилкаш ва ширин.

59. Бу сўзларни айтишида ўзимда эмас эдим.
Аслида, уларнинг ҳаммаси яхши, мен ёмон-

ман.

60. Навоий, тебран! Лекин наво килма! Раво
бўймаган сўзни гапирма!

61. Савтинг бошдан-оёқ бехудалик! Улар-
нинг бошларига бор ва оёқларини ўт!

62. Гадоларнинг олида гадо бўлсанг, Ал-
лоҳ сенга шоҳ курбини беради.

Лугат

Газоф – ёлғон

Мунсиф – инсофли бўлмок

Рух – жон, нафас

Роҳ – 1) май; 2) ўйл

Кунж – бурчак

Мисбоҳ – чирок

Кирпич – пишган гишт

Ҳишт – гишт

Ҳамдаст – ҳамдам, ўўлдош

Гарм – иссиқ, кайнок

Кухан – эски, қадимги

Хариф – ракиб; дўст

Барг – асбоб; жихоз

Нимтарк – бошга кўйиладиган соябон

Жарф – чукур, белпоён

Заврак – кема

Шигарф – қизил бўёқ, қизил ранг

Гулфом – гул ранг

Аёлғу – пулфлаб ҷалинадиган мусика асбоби

Дамсозлик – пулфлаш

Каж – қайсар

Такалумнамой – сўзловчи

Таранумсарой – нағма қилувчи

Машшота – безак, зийнат

Гису – соч

Шўху-шанг – жилвали, ўйинкарок

Хула – илак қийим

Мавзун – мутаносиб; ихчам, ўлчанган

Зевар – безак, зийнат





Макнун – яширинган
Хажла – чодир

Шол – жундан тўкилган кийим

Мубоҳот – фахрланиш, ифтихор

Хора – топ

Кулла – чўкки

Василь – кент

Рафит – баланд

Пораи пўлод – пўлат парчаси

Накб – лахм, ер ости йўли

Кунгира – калъя девори устидаги панжара

Каманд – аркон

Таббия – жойлаштириш; тартиба солиш

Жонкок – жонни кийновчи

Ёвумок – якинлашмок

Тааб – озор

Арбада – шовқин-сурон; мастона бакириш

Кайд – занжир

Побаст – боғланиш

Махз – ёлғиз; холис

Харза – бехуда

Курб – яқинлик

Алишер Навоийнинг барча асарларида, албатта, Султон Ҳусайн «Ислом подшохи» сифатида эсланади. Унинг адолати, куч-кудрати мадҳ этилади. Бунинг бир канча мантикий ва сиёсий асослари бор эди. Ҳусусан, салтанат боп вазири, муҳрдор, султонга энг яқин амир, энг улут амир, дин ва шариат ишлари нозири бўлган Алишер Навоий давлатнинг ҳимоячиси ўларок сулоланинг сиёсий мафкураси – исломий ақида ва конунларнинг амалда устуворлиги, султоннинг хавфсизлиги, мавкеи, чет давлат ҳукмдорлари орасидаги сўзи, ҳалқ ичидаги эътибори учун курашиши керак эди. Шоирнинг султонга аталган шеър-

ЎН ОЛТИНЧИ БОВ (Шарҳ)

Алишер Навоий



ларини мазмунан баҳолашда бу биринчи муҳим жихатдир. Иккинчидан, Алишер Навоий ва Султон Ҳусайн орасида факат расмий ва сиёсий муносабатлар эмас, балки шахсий дўстлик, биродарлик ришталари ҳам мавжуд эди. Уларнинг болалиқдан бирга улгайгани, Алишер Навоийдаги донишмандлик, такво, илм ва жикмат билан иш кўриш, сиёсий професия, мустаҳкам садоқат, давлат манфаатини хамиша устун билиш каби фазилатларга Султон Ҳусайн мутлако комил ишонч билан қараган. У ўз дўстига ҳар қандай ҳолда ҳам суюниш мумкинлитетини билган. Шунинг учун Алишер Навоий салтанатда жуда катта сиёсий таъсирга эга бўлган. Бу алоҳида тадқиқот масаласи, биз айни чоғда шоирнинг Султон Ҳусайн ҳақидаги мактобларининг асослари хусусида таҳлил юритиб, бу шеърлар замирида дўстнинг дўстга бўлган мухаббати ва садоқати ҳам акс этиб турганини таъкидламокчимиз. «Хайрат ул-абброр»дан ўқиийдиганимиз – ўн олтинчи боб Султон Ҳусайн ҳакида бўлиб, бу қисм факат мадж эмас, балки Алишер Навоий раҳматулоҳи алайхнинг салтанат ишлари, султонда бўлиши керак бўлган фазилатлар ҳақидаги карашларини ҳам акс эттиргани билан аҳамиятли. Колаверса, қасида услубидаги бу боб ўз йўналишидаги асарларнинг энг сараси, сўз санъати жихатдан юқсак қийматлиси эканига шубҳа йўқ.

Шарҳга киришар эканмиз, Алишер Навоий Султон Ҳусайнни қандай сифатлар билан улуг-лаганига, қандай истиоралар, ташбих ва бошка воситаларни кўллаганига диккат каратамиз. Сарлавҳада шоир Султон Ҳусайнни дин, дунё ва салтанатни азиз эттувчи – «**муиззис салтанати вал-дунё вал-дин**» деб таърифлайди. Бир карашда оддий туюлган бу васфф замирида бир канча муҳим нұкталар бор. Ал-Муиз – «азиз этгувчи» сифати Аллоҳнинг исм ва сифатларидан биридир. Аллоҳ, кимни хоҳласа, азиз этади, макомини кўтаради ва хоҳлаган бандасига бу сифатдан насиба ато киласи. Одамлар ичидан бирини бопкаларидан ажратиб олиб, унга султонлик, ҳукмдорлик беради.

Йўлбошли миллат учун жуда муҳим. Биргина шахсият – одамларни рухлантириш кобилиятига эга бўлган инсон даврнинг, давранинг файзи, баракасига сабаб бўлиши мумкин. Одамлар ўша шахсият атрофига тўпланиди, илму ирфон хосил киласи, тўғри ўйланиди, топади, калблар таскинга эришади. Йўлбошли орадан кўтарилганда калблар кайгуради, халк улкан йўқотишни хис киласи.

Алишер Навоий Султон Ҳусайнни дин, дунё ва давлатни азиз килгувчи инсон сифатида таништириши подшохнинг чиндан ҳам бехад муҳим ўрнига ишора киласи. Эътиборли жиҳатларидан бири, Султон Ҳусайн тайёр таҳтга



эгалик килмади, у таҳти кураш ва уруш билан эгаллаган, ўз мардлити, жасорати, жангчилигини амалда кўрсатган хукмдор эди. Бу омиллар унинг даврида салтанат тинчлигини, хотиржамлигини тъминлагани сир эмас.

Алишер Навоий султонни таърифлашда шерриятдаги муболага санъатининг ғулув туридан фойдалантган. Бу аклга сифмайдиган таъриф оркали бирор шахснинг сифатини ойдин ва равшан очиб беришда кўлланадиган услубдир.

Бобдаги биринчи масала султоннинг насле-насаби, шон-шуҳрати ва ҳашаматли давлати ҳакида бўлиб, Султон Ҳусайн учун олам – мулк, одамлар – сипоҳ экани айтилади. Етти қаватли осмон унинг учун каср, ети аждоди хон, лекин у факирликни ўзига фахр билади. Турк ва мўғул ҳонлари ҳам унинг итоатида, султоннинг юзи күёшлек, байроғи хиллираб офтобга тегади. Баланд осмон унинг таҳти учун бир зина, кўёш унинг тожини безайди.

Иккинчи масала султоннинг қаҳру лутфи ва жанговар кобилияти таърифидир. Қаҳр – душманлар учун, лутф – ҳалқ, раият учун Махсус. Унинг белидаги камари учун кўёш оддий бир ёкут, ҳанжари эса Ҳут буржидаги юлдуздир. Ҳут – балиқдир, ҳанжар ва балиқ ўртасидаги шаклий ўхшашлик ва буржнинг хосияти, баракали эканлиги ҳакидаги тасаввурларга суюнлиган ҳолда у султон белидаги ҳанжарга киёсланган.

Кавс – камон шаклидаги юлдуз буржи сulton кўлидаги ёй, фалак эса қалкони, қалкон куббасида эса Сомон йўли – Қаҳкашон бир зийнат; тонгда кўринган юлдуз – шихоб юлдуз эмас, султоннинг найзасидир.

Шу тарика подшоҳнинг ҳанжари, ёйи, киличи, найзаси тасвирлангац, унинг лутфи, карон макталади. Султоннинг карами – дарё ва кон учун оғат, чунки дарёдан чиқадиган дур, кондан олинадиган жавоҳирларни подшоҳ муҳтоҷларга ҳадя килиб юборади. Лекин газаби жаҳон мамлакатлари учун оғат, шоҳ жангга кирса, у олтинранг совутга шундай бурканадики, гўё кузнинг барглари сувга тушибди, деб ўйлайсан. Сабаби жант ҷоғи унинг оккан тери ана шундай манзарани кўрсатади. Шоҳ килични шундай маҳкам тутадики, тиф унинг кўлидан ўсиб чиқкандек таассусрот ўйғотади.

Чаркас – килич ё пайконнинг тигидир.

Шоҳ килич ураркан, ҳар зарбда чаркасадан ўт саҳрайди. Найзаси душманнинг бошига шундай санчиладики, уни бало яшини ургандек бўлади. Султон мингган отнинг ранги чакмок тусига киради, кадам босганда уяшиндек учади. Шундай югурадики, оёқлари кўриншунинг учун отнинг оти «Бодло» – Елоёқдир. Шоҳнинг совути, куроллари, жант маҳорати таърифидан сўнг шоир у мингган отнинг тасвирини алоҳида муболагалар билан

чизади: султоннинг тулпорининг югуриши олдида фалак оти ҳасадга тушади. Чунки фалак хирмонда дон янчаётган аргумок, холос. Йўқ, ундан эмас, десант, кара: фалак хирмон оти бўлмаса, нима учун доира ясаб айланади? Менга хирмонни ва донни кўрсат, десант, мана Сунбула юлдузига ва Сомон йўлига бок!

Сунбула бурама ҳолда ўсадиган ўсимлик бўлиб, кузда қорайиб кетади. Унинг кўриниши бошкни эслатади. Шунинг учун уни Алишер Навоий хирмонга, Сомон йўлини эса хирмон узра сочилган донга, фалакни эса бу донни майдалаётган отга ўхшатади. Султоннинг оти эса жанговар от, у дон янчмайди, балки сакрагандан фалаклар узра сакрайди, югурса, тоғ ва дашт унинг қаршисида фарксиз.

Подшоҳ жант майдонидаги ишни тутатга, зафар шукронаси учун базм уюштиради.

Айни шу нуктадан бошлаб, шоҳ базми саҳнасига кириб борамиз.

Алишер Навоий султонни жант майдонида Рустамга киёслайди. Рустам Форс тарихига кўра, кәёнийлар сулоласига мансуб жаҳон пахлавони, унинг ҳаёти қаҳрамонликлар билан тўла. Шоҳнинг таҳтада савлат тўкиб ўтириши эса афсонага айланган подшоҳ Жамшидга мукояса этилади.

Султон жангни якунлаб, совутини, бўрка, хафтон каби жант либосларини ечиб, ҳулла ва каттон сингари базм кийимларини кияди.

Базмда созандалар соҳ чалади, хонандалар куйлайди, сокийлар қадаҳ тутади; лекин ҳеч ким султон изн бермаса, бир оғиз гапирмайди. Ҳатто, шоҳлар одоб билан кўзларини ерга тикиб, беклар сукут саклайди. Бу базмга койнотдан Зухра тушиб келиб, соҳ чалади, Сужайл юлдузи эса шоҳни мактайди.

Базмда шоҳ ўз саховатини кўрсатади: куз олтин баргларни сочгандек олтин сочади, баҳор булути дур тўккандек дур тўқади.

Бобнинг сўнгида шоир шоҳ ҳакига дуо килади, Аллоҳдан унинг салтанатини то киёматга колдиришини сўрайди; шоҳнинг тозига абадийлик зийнат бериб, бако дengизининг гавхари қадалиб туришини хоҳларкан, бу билан султоннинг охиратда ҳам Аллоҳнинг марҳаматига ноил бўлишидан умид қилади. Үқиб, мухтасар танишганимиз ушбу боб Ҳусайн Бойқаронинг шон-шавкатининг мактovидантина иборат эмас, балки Алишер Навоий комил деб ҳисоблаган султоннинг сиёсати, фазилатлари қандай бўлиши ҳақида ҳам муайян ахборот беради.



ҮН ОЛТИНЧИ БОВ

(Матн)

**Салотин хайлиниң сарофрози ва хаво-
кин мулкиниң ганж пардоzi музизис сал-
танати вад-дуне вад-дин Абулғози Султон
Хусайн Баходир-хон халладаллоху мулкаху
ва султонаху ва авзаха алал-оламина бирра-
ху ва эхсонаху маъдхиким, гүё тил била маъ-
хин демак маҳоддурур, батахисским, қалам
тили маҷхида лол дуур**

1. Кайси шах, ул хисрави олампанох,
Оламу одам анга мулку силпох.
2. Касри ети гунбази гардон келиб,
Етги атосига дегин хон келиб.
3. Хон келибон ҳам ото, ҳам от анга,
Факр оти бирла мубоҳот анга.
4. Турку мўғул куллари хонлар аниңг,
Мулк лиҳи, мулкситонлар аниңг
5. Куллуғи хонларга келиб фарзи айн,
Хонлару шаҳлар шаҳи Султон Хусайн.
6. Шоҳ Абул Ғозийи хуршид рой,
Роятининг маҳчаси хуршид сой.
7. Чархи барин таҳти учун по耶,
Шамсан хур тожига пиюе.
8. Абрри кафи баҳри жавоҳир нисор,
Тифи бу дарё сүйига жўйбор.
9. Мехр камарбандида ёқут ўлуб,
Ёнидағи ханжар анга Ҳут ўлуб.
10. Недур, агар Ҳут эмас ханжари,
Қабзала тавҳардин анга Муштарий.
11. Қавс анга бир ёки, чу тортиб кўчун,
Ости фалак токиға маншур учун.
12. Турукли фалак чун анга гоҳи етиб,
Тебрага олмай нечаким, зўр этиб.
13. Чархи мудаввар анга колкон келиб,
Қуббаси хуршеди дураҳшон келиб.
14. Бўлди бу қолкон юзида Каҳкашон,
Қини мурассаль киличидин нишон.
15. Найзасидур ҷарҳда, эрмас шихоб,
Кавс киби ёпкон анга сийми ноб.
16. Лальлийи таҳ нукра қилурга шафак,
Рангти афшонга күёш зарварак.



17. Каҳри ўти чикти муҳолиф гудоз,
Лутғи ели эсти раият навоз.
18. Борикаи ханжари оғок сўз,
Шаштайи согари гети фуруз.
19. Илги саҳоватдин ўлуб зарфишон,
Лутғи талагтуф била гавхарфишон.
20. Кўнгли биллик гавхаридин ганжхез,
Илги саҳоват кафидин ганжрез.
21. Хам қарами баҳр ила кон оғати,
Хам газаби мулки жаҳон оғати.
22. Лек қачон қаҳри ўти чекса бош,
Ағви саҳоби етибон қатрапоп.
23. Разм куни бўлса темур иҷра гарк,
Жавшани заркор кадам то ба фарк.
24. Рост ҳаizon барглари сув аро,
Ёки адув чехраси кўзгу аро.
25. Тиги темур панжа аро чун тутуб,
Тиги ҳамоно бу темурдин бутуб.
26. Шульайи тигин демагил, чаркаси
Чекти забона ҳамул ўт шульаси.
27. Чун тушубон найза адув фаркига,
Ўхшабон ул лаҳза бало баркига.
28. Туштач анинг абрри кафидин бу барк,
Тўда кулу тог аро йўқ ҳеч фарк.
29. Ашҳаби ранг иҷра бўлуб баркфом,
Ранги неким, пўяда ҳам барк гом.
30. Музмар аёғи, илгида сабо,
Оти бу маънидин ўлуб болпо.
31. Хар сориким, пўя қилиб тезу тунд,
Тавсани афлок ўлуб оллида кунд.
32. Жанбила гардун кўрубон тавсанин,
Уйки, юруб янчар анинг хирманин.
33. Хирман уйи бўлмаса невчун мудом,
Дойир этар сайру туз этмас хиром.
34. Истасанг ул хирману уйдин нишон,
Бас, бу нишон Сунбулау Каҳкапон.
35. Секримак иҷраки, анинг йўқ ҳади,
Гунбади гардун киби ҳар гунбади.
36. Йўргаламок вакти чу солиб аёғ
Кабки дари оллида андокки зоф.





37. Лек бориши вакти югурган замон,

Тоғ хамон оллида хомун хамон.

38. Сайр чоги түпсә кўзи хар сори,

Солиб аёқ минг йиғоч андин нори.

39. Иш куни бу раҳш уза жавлон уруб,

Юз туман аъло ҷеригин синдуруб.

40. Разм иши чун колмаса майдон сори,

Ишрат учун кўйса юз айвон сори.

41. Тушсау Рустам киби қилса хиром,

Тахт уза Жамшедек этса маком,

Хам белидин ешса мурассасъ камар,

43. Чикса уруш бўкгару хафтонидин,

Кийса тараф хуллау каттонидин,

44. Боги Ирам сахнида базм айласа,

Бодай ноб ичтали азм айласа,

45. Киласа навозандалар оҳанги руд,

Ахли фино тортса дилкаш суруд,

46. Сокийи гулчехра тутар бирла кўп

Айласа базм ахлига торожи ҳуш,

47. Шаҳлар адабдин тикибон ерга кўз,

Сўрамаса, бегларга не имкони сўз,

48. Анжумани гулшани гардун бўлуб,

Анда кўёп согари майдин тўлуб,

49. Зухра сурудини матоъ айлабон,

Бадр бу мажлисда самоъ айлабон,

50. Балки Аторид киби ҳардам Сухайл,

Зохир этиб маҳадосига майл.

51. Базми бўлуб тулшани ахзар киби,

Курси газак ҳар сари ахтар киби,

52. Маснади узра ўзи Жамшедек,

Ёўқки, силхор авжида хуршедек,

53. Эл кўзини партави равшан қилиб,

Бал, каро туфроғни гулшан қилиб,

54. Жуд илиги аҳли фино бошига,

Қайси фино, шоҳу гадо бошига,

55. Боди ҳазондек дирами зар сочиб,

Абри баҳорий киби гавхар сочиб,

56. Токи ҳазон ели зарафрон эрур,

Абри баҳорий гухар афшон эрур,





57. Ул биридек элга зарафшонлиг эт,
Бу бири янглиг гухар афшонлиг эт.

58. Бахри фалакдин санга гавхар хирож

Гавхари зотинг бори оламга ток.
Авжи уза бахри бако гавхари.

59. Тожингга тарсъя абад зевари,

**Султонлар жамоасининг улуғи ва хокон-
лар мулки хазинасининг зийнати, дин, дунё
ва салтанатни азиз этгувчи Абул Фозий Ху-
сайн Баҳодирхон, Аллоҳ, унинг мулкими ва
салтанатини абадий килисин ва яхшилиги-
ни ва эҳсонини оламларга кўрсатсан, мад-
хидаки, сўзамол тил билан унинг маджини
килиш махол, хусусан, қаламнинг тили хам
унинг мактобида лолдир**

1. Бу кайси шоҳ? У оламни кўриклаб турган хукмдор! Олам унинг мулки, одамлар унинг сипохи – лашкаридири.
2. Қасри етти қават осмоннинг гумбази, зо-
тан, унинг етти отаси хон бўйлиб ўтган.
3. Унинг отаси хам, оти хам хон, лекин фа-
рикликини ўзига фахр билди.
4. Турк, мўгул хонлари унинг кули, мулк бе-
риш ва мулк унга берилган.
5. Унга қуллик килиш хонлар учун фарзи
айн бўлди, унинг исми хонлар ва шохларнинг
шохи Султон Ҳусайндири.
6. У шоҳ Абул Ғозийдири, нигоҳлари күёш
каби! Байроғи офтобга тегиб хилпириайди.
7. Баланд чарх унинг тахти учун бир зина,
куёш накши унинг тожига зийнат.

ЎН ОЛТИНЧИ БОБ (Нацрий баён)





8. Кафтиниг булути жавохир дентизлари ни хадя килади, тифи бу дарё суви учун сув бахш этувчидир.
9. Күёш унинг камарбандида ёкут, Ҳут эса унинг белига осган ханжарицидир.
10. Мабодо, Ҳут унинг ханжари бўлмаса, не килибди? Чангл солса, Мушттарий унинг кўлидаги гавхардир.
11. Фалак тогининг остига ёйиш учун кўчиши тортиб юрадиган Қавс унинг учун бир ёйдир.
12. Фалак кўшини унга гоҳо етиб олади, лекин ҳар канча зўр киласа ҳам, уни тебрага олмайди.
13. Думалок чарх унинг учун қалкон бўлди, Қалконининг куббаси эса порлок күёшдир.
14. Қалконининг юзи Қажқапон, кини зийнатланган киличидан нишон!
15. Самода кўриниб турган шихоб юлдуз эмас, унинг найзаси, Қавс каби уни ҳам соғ кумуш коплаган.
16. Унинг остини лаъл ва нукрага тўлдирипга шафак, рангига олтин зарраларини сочишга күёш шай.
17. Қаҳрининг олови душманларини куйдиради, лутфининг ели раияти парваришлайди.
18. Ханжарининг чакмоги уфкларни ёқади, қадаҳининг шульласи оламларни ёритади.
19. Қўли саҳоват билан зар сочади, лутфи юмшоклик билан гавхар улапади.
20. Кўнгли илм гавхари билан тўла хазина, кўли саҳоват кафти билан хазина таркатувчи.
21. Унинг карами дентиз ва конларнинг офати бўлгани каби газаби жаҳон мулкиниг оғатидир.
22. Қаҳрининг олови осмонга баш кўттарган паллада афв булути ёмғир сочади.
23. Жант куни совут ичига киаркан, зирхи оғидан бошигача олтилланади.
24. Бу сув ичидаги куз баргларини ё душманнинг кўзгудаги чехрасини эслатади.
25. Киличини темирдек панжасида тулади, аслида бу килич ҳам шу темирдан битган!
26. Тигнинг шульласи дема, чаркаси тилини узатиб, ўша ўт шульласини пайдо қилади.
27. Найзаси душманнинг бошига бало яшипидек тушади.
28. Кўлининг булутидан бу чакмок чаккач, бир тўда кул ва тонгнинг орасида фарқ колмайди.
29. Минтан бўз отининг ранги чакмок тустига киради, ранги не, қадам босишда яшиндек учади.
30. Шу қадар тезки, оёги кўринмайди! Кўлида тонг ели, оти шу боис болтой – елоёқдир.
31. Ҳар томонга тез ва даҳшат солиб қадам босадики, фалак аргумоги унинг олдидаги оқизлашиб, баҳиллик килипга ўтади.
32. Каршисидаги фалак оти хирмон янчади.
33. Агар ухирмон уйидаги от бўлмаса, нима учун доимо айланади, тўғри юрмайди?



34. Агар бу уй ва хирмондан бир нишон ис-
тасант, нишони – Сунбула ва Каҳкашондир.
35. Сакрашда унинг чегара – ҳадди йўқ, ҳар
қадамининг ости фалак гумбази кабидир.
36. Йўргалайлигиган бўлса, тоғ каклиги унинг
олдилда каргага ўхшаб колади.
37. Лекин ҳужумга ўтиш вакти югуаркан,
тоғ ва дашт унинг олдилда бир хилдир.
38. Сайр қиларкан, кўзи қай томонга туш-
са, оёк кўйса минг йиғоч ё ундан кўпроқка
оёғи етади.
39. Жанг куни убуулов устида жавлон уриб,
юз минглаб дүшман кўшинини синчирди.
40. Саваш иши майдонда колмагач, уишрат
учун ўз айвонига юзланади.
41. У жангда Рустам каби кадам босади,
тахтда эса Жамшид каби маком тутади.
42. Бошидан олтин тожини олиб кўйиб, бе-
лидан зийнатланган камарини ечса...
43. ...урушда кийғани – бўктар, хафтонидан
чикиб, ҳулла ва каттонларини кийса...
44. Боги Ирам саҳнида баэм қилиб, соғ бо-
даларни ичишга азм этса...
45. ...навогўйлар руд ҷалиб, оҳант қилса-
лар, ғино ахли дилкаш кўшиклар куйласа...
46. ...гулчехра сокий май тутиш билан баэм
ахлининг хушини олса...
47. ...шоҳлар одоб билан кўзларини ерга
тикалдилар, агар у сўрамаса, бекларда сўз ай-
тишга имкон йўқ!

48. Унинг анжумани фалак гулшанига ўх-
шайди, унда кўёш қадаҳи май билан тўлади.
49. Зуҳра ўз кўйларини ҷалади, тўлин ой бу
мажлисда тингловчига айланади.
50. Аторуд каби Сухайл ҳам ҳар дам уни
мадх этиш учун майл билдиради.
51. Унинг базми самонинг яшил гулшан
каби, газак кулчалари хар томондаги юлдуз-
лар сингари.
52. Тахт устида ўзи Жамшид каби, йўқ, ос-
мон чўққисидаги кўёшлек...
53. ... нурлари эллининг кўзини равшан қила-
ди, балки кора тупроқни гулшангга айланти-
ради.
54. Саховатининг кўли ғино ахлинига ўх-
шига, кайси ғино ахли – шоҳ ва гадоларнинг
бошига...
55. ... куз шамолидек олтин дирхам, баҳор
булутидек гавҳар сочади.
56. То куз ели ўз зарини, баҳор булути гав-
ҳарларини сочар экан...
57. ... уни биридек элга зар сочувчи, бу би-
ридек гавҳар улашувчи кил!
58. Фалак дентизидан сенга гавҳарлар хи-
рордир, зотинг гавҳари эса олам учун тож!
59. Абадийлик зийнати тожинги безасин
ва авжига бако дентизининг гавҳари қадал-
син!



Лугат

Салотин – сүлтон	Мурассас – зийнатланган
Сарафroz – улуг, юксалган	Шихоб – юлдуз
Муиззис салтанати вад-дунё вад-дин – азиз килгувчи	Ноб – тоза, тиник
Халладаллоху мулкаху ва султонаху ва авзаха алал оламина бирраху ва эхсонаху – унингмулкини ва салтанатини абадий киисин ва яхшилигини ва эхсонини оламларга курсатсинг	Тах – таг
Багахсис – айникса, хусусан	Нукра – кумуш
Гарлон – айланадиган	Афшон – ... сочувчи
Дегин – ... гача, ... га қадар	Гудоз – күйдирувчи
Дих – берадиган	Навоз – парваришловчи
Рой – нигок	Борика – чакмок
Роят – байроп	Пашша – порлаш
Махча – байропнинг матоси	Гети фуруз – осмонни ёритувчи
Сой – ... га етувчи	Зарфишон – зар сочувчи
Шамса – күёш шаклидаги нақш	Талаттуғ – меҳрибонлик, сахийлик, юмшоқлик
Хур – күёш	Катрапош – катра сочувчи
Пироя – безак	Разм – жанг
Жўйбор – дарё	Жавшан – совут, зирх
Қабза – ҷантал	Чаркас – камон ўқининг, тифнинг учи
Кўч – кўч, юк	Фарқ – боп
Маншур – ёйиш	Ашҳаб – кулранг от
Мудаввар – думалок	Музмар – яширин
Дурахшон – порлок	Болпо – елоёқ
Какашон – Сомон йўли	Кунд – ўтмас; баҳил
	Жанб – ён томонида; каршисида
	Дойир – айлана
	Хомун – дашт, сахро
	Йиғоч – масофа ўлчови, такрибан 6 – 7 километрга тўгри келади
	Аъдо – душман
	Бўқтар – жангчи кийими





Хафтон – совут ичидан кийиладиган кийим
Хулла – халат, либос
Катгон – канопдан тўкиладиган кийим
Навозанда – наво килувчи

Руд – мусика асбоби
Гино – бойлик

Матоб – мол, ашё, давлат
Бадр – тўлин ой

Самоть – тинглаш
Ахзар – яшил
Курс – кулча

Газак – май ичгац, тановул килинадиган

таом
Жуд – саховат
Тарситъ – безак

Алишер Навоий раҳматулохи алаҳҳ, кўнгил масаласига алоҳида диккат каратган. «Хайрат ул-аббор» достонидаги ўн еттинчи боб кўнгил таърифиға бағишланган бўлиб, унда кўнгил тарихи, юрак ва кўнгилнинг фарқи, кўнгилга етишмок машакқати, соҳибдил – кўнгил соҳибларининг макомлари ҳакида сўз борган.

Умуман олганда, Алишер Навоий нафс, рух, жон, кўнгил, акл каби Аллоҳнинг яратиклари ни Аллоҳнинг сири деб билади. Уларнинг ҳар бирни хусусида алоҳида таърифлар келтирсан, уларнинг вазифалари ҳакида тўхталган. Лекин шоир кўнгилни жисм султони, Ҳожа деб атайди. Бу хулоса Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг куйидаги ҳадисларига таянади:

أَلَا وَإِنْ فِي الْجَسَدِ مُضْعَةٌ إِذَا صَلَحَتْ صَلَحَ الْجَسَدُ كُلُّهُ وَإِذَا فَسَدَتْ فِي الْجَسَدِ كَاهَهُ أَلَا وَهُوَ الْقَلْبُ

Таржимаси:

«Огоҳ, бўйинглар! Ҳамманинг жисмида бир бўлак гўшт бўлади. Агар у салоҳиятли бўлса, бугун жасад салоҳиятли бўлади. Агар

ЎН ЕТТИНЧИ БОВ (Шарҳ)



У фасод (айниса, яроксиз) бўлиб қолса, бутун жасад фасодли бўлади. Огох бўлинг у калбдир», дедилар.

Сахобий Нўймон ибн Башир розияллоху анхудан ривоят қилинган мазкур ҳадис муттафакун аллаҳ, яъни имом Бухорий ва имом Муслимнинг китобларида келтирилган.

Шуаро сурассининг 88 – 89-оятларида салим калб – саломат қалга охираг куни бу дунё незматлари фойда келтириши башпорат килинган:

﴿٨٨﴾
يَوْمَا يَنْفَعُ مَالٌ وَلَا بَنْوَنٌ
إِلَّا مَنْ أَنْقَبَ اللَّهُ يَعْلَمُ سَلَيمٌ

Маъно таржимаси:

«У кунда на мол-дунё, на фарзандлар фойда бермас! Факат Аллоҳ хузурига соглом дил билан кепган кишиларгагина (фойда берур!)»

Салим қалб – иймонли қалбидир. Иймон қаерда бўлади, деган саволга уламолар Моида сурасининг 41-оятига таяниб, қалба бўлади, деб жавоб берганлар:

يَكْتَبُهُمَا الرَّسُولُ لَا يَجِزُّنَكُمْ الْأَذِيَّةُ يُسْتَرِعُونَ فِي الْكُفْرِ مِنْ أَذِيَّتِهِمْ قَالُوا عَامَّنَا يَأْفُرُوهُمْ وَلَمْ يُؤْمِنُ قُلْوَبُهُمْ وَمِنْ أَذِيَّنَ هَادُوا

«Эй Аллоҳнинг Расули! Яхудийлардан ва оизларида «Иймон келтирдик» деб, лекин калбida иймон келтирмаганлардан иборат куфр сари интилаётганлар сизни хафа қилмасин!»

Аллоҳ таоло қалбida иймон келтирмаганлар ҳакида хабар бермокда. Уларнинг сўзлари оизларида, холос. Қалблари эса иймондан бебахра. Демак, ҳаккий мусулмоннинг калбida иймони бўлади. Куръони каримда калбинг кўйидаги турлари келтирилган:

«1. Салим қалб – Аллоҳга ихлос килувчи, куфр, ширк, нифок ва разолатлардан пок қалб (Шуаро сураси, 89-оят).

2. Муниб қалб – Аллоҳга кайтувчи, үнга тавба килувчи, тоатига юзланувчи қалб (Коф сураси, 33-оят).

3. Мұхбит қалб – бўйсунувчи, таскин топувчи қалб (Ҳаж сураси, 54-оят).

4. Важил қалб – солих амалларини Аллоҳ кабул килишай колишидан кўркувчи қалб (Мўминун сураси, 60-оят).

5. Такий қалб – Аллоҳнинг конунларини хурмат килувчи тавволи қалб (Ҳаж сураси, 32-оят).

6. Маждий (хидоят қилинган) қалб – Аллоҳнинг тақдирига рози бўйсунувчи, Унинг амрига бўйсунувчи қалб (Таобут сураси, 11-оят).

7. Муттасин қалб – Аллоҳнинг тавхиди ва зикри бўлан хотиржам бўйсунувчи қалб (Раъд сураси, 28-оят).



8. *Ҳай* (тирик) калб – эшитган гапларни тушунувчи, Аллоҳ келтирган мисоллардан ибрат оловчи калб (*Коғ сураси*, 37-оят).

9. *Мариз* калб – шак-шубҳада, нифокка, ман этилган шахватларга гирифтор бўлган касал калб (*Ахзоб сураси*, 32-оят).

10. Аъмо калб – тўёри ўйни кўрмайдиган, ҳакикатни ифрок этишадиган кўр калб (*Ҳаж сураси*, 46-оят).

11. Лоҳий калб – Кўръони каримдан ғоғил, дунё шахватлари билан овора, ақл юритишдан маҳрум калб (Либие сураси, 3-оят).

12. Осим (ўндоҳкор) калб – ҳак зувоҳликни бер-китадиган калб (*Бакара сураси*, 283-оят).

13. Мутакаббир калб – Аллоҳнинг тавхидидан, У Зотга штоат этишдан қибр куловчи, кўп зулм кишуви калб (*Ғоғир сураси*, 35-оят).

14. Гализ (купол) калб – меҳр-шафқат ва мурувватдан мостово калб (*Оли Имрон сураси*, 159-оят).

15. Махтум (мухрланган) калб – хидоятдан тўсилган, ақл юритмайдиган калб (*Жосия сураси*, 23-оят).

16. Косий (катник) калб – имонга юмшамайдиган, танбех ва огоҳлантириши таъсир этишадиган, Аллоҳнинг зикридан юз ўғирувчи калб (*Моуда сураси*, 13-оят).

17. Гофил калб – Аллоҳнинг зикридан ғоғил, нағсида бўйсунувчи калб (*Қаҳф сураси*, 28-оят).

18. Аделар (беркитилган) калб – Ра суллюҳоҳ солаллоҳу алаихи ва саллам ёзлари етиб бормайдиган калб (*Бакара сураси*, 88-оят).

19. Зоиғ калб – ҳакдан тойшувчи калб (*Оли Имрон сураси*, 7-оят).

20. *Муриб* калб – шубҳаланувчи калб (*Тавба сураси*, 45-оят)⁴.

Калб ўзбек тилида, эски туркий тилда ҳам кўнгил деб айтилади. Алишер Навоий кўнгил сўзи билан айнан қалбни назарда тутган. Калб ақл англамайдиган ҳакикатларга таслим бўлади, калб Аллоҳни танийди, Аллоҳнинг копшида таслим бўлади, Аллоҳдан кўрқади, Аллоҳни севади. Бирор калб – кўнгил ҳаммага насиб этишади. Тирик инсоннинг танида рух, руҳида жон бўлади. Жон гоҳо нағс сўзи билан ўринидош келади. Ақл миёда жойлашган ва у фикрга, таҳлилга таянади. Юрак инсоннинг кўкрак қисмидаги аъзо бўлиб, тан бўйлаб кон хайдаш билан шуғулланади. У бошқа моддий аъзолар каби бир аъзодир. Калб юракнинг ичиди бўлиб, у моддият касб этишади, унинг кайфияти, шакли тасаввурсизdir.

Сарлавҳада Алишер Навоий кўнгилнинг тарьифига кўнгил тўлмаслигини айтади. Шоир асарларида роким, ракам, ракамкан, маркум сўzlари кўп кўлланади. Роким, ракамкан деб бирор сўзни қогоғза тушурувчи, ракам эса битиладиган сўз, маркум эса ёзиги бўйинган мисра, байт ё асар мальоларини беради. Кўнгил тарьифини кўнгил роким ракам

⁴ «Кўръон – калблар шифоси», Зиёуддин Рахим, Тошкент, 2020





Килиши хакида сатрни мазкур мазмунга суюнниб ўқисак, мохият ойдинлашади.

Алишер Навоий дастлаб Аллоҳ таоло хокий одам – тупрокдан яратгани инсоннинг вужудини гулистан янглиг гўзал эттанини таъкидлаш билан сўз бошлилайди. Албатта, гулистаннинг гуллари, сунбул, раҳон ва сарвлари бўйлиши табиий. Сажда сурасининг 9-оятида айтилганидек, Аллоҳ Одамнинг вужудига йўз руҳидан пуфлади, натижада инсон тирилди:

وَالْأَبْصَرُ وَالْأَفْيَةُ قَدْلَا مَاتَشْكُورُونَ
وَسُونِيَّهُ وَنَعْجَنْ فِيهِ مِنْ رَوْجِيَّهِ وَجَعَلَ لِكُمْ أَسْعَمَ

«Сўнгра уни ростлади ва унинг ичига ўз руҳидан пуфлади, сизларга кулок, кўзлар ва диллар пайдо қилди. Қанчалар оз шукр қиласизлар-а!»

Алишер Навоий бу ҳолни насим эсишига киёслайди: гулистанга енгил шабада эсаркан, харакатсиз турган гуллар, ўсимликлар тебранади ва уларга жон киради. Инсон вужуди гулиston каби экан, унга Аллоҳ ўз руҳидан пуфлаганда бу гулистангага футух етиши – тан гулшанига жон кирди.

Бундан максад не эди? Шоир айтиадики, максад жисм гулшанидаги бирор гул эмасди, максад – кўнгил эди.

Шу нутқадан эътиборан бизда кўнгилнинг мавкеи хусусида маълумот хосил бўлди: инсоннинг яралиши, унга хаёт баҳш этилишидан максад кўнгил бўлган экан, демак кўнгил, шубҳасиз, Аллоҳнинг наздилда бехад улкан маомга эга.

Кўнгил ва юракниң фарқи борми?

Бу Алишер Навоий мазкур бобда кўтарган иккинчи масаладир.

Кўнгил тан гулистанидаги ғунча эмас, ё кўнгил ғунчадек кон эмас. Бу шакл ва ранг билан кўнгилни тасвирлаш ё тасаввур этиш маҳол. Чунки ҳар қандай жисмнинг тириклигига боис Аллоҳ сабаб ўлароқ яратган ғунчадек кон бўлади. У дажджолда ҳам, пайғамбарда ҳам бор. Агар бу билан инсон макомини белгиласак, Исо алайхиссалом ва у мингтан уловнинг даражаси тенг бўлиб қолмайдими? Агар биз шу бир парча конни кўнгил десак, уни жисм султони – Хожаси атасак, ахли дил уни кўнгил деб хисоблайдими?

Йўқ, бу кўнгил эмас, агар уни кўнгил деб билсанг, ундан юз ўтири, воз кеч, чунки у юракдир, лекин исми кўнгил билан ўхшаш. Кўнгилга муштарарак.

Биз бу сўзлар оркали кўнгил ва юракниң иккичиларига яратик эканлигини билдик. Расулуллоҳ соллаллоҳу алаиҳи ва саллам назарда тутган «бир парча гўшт»дан мурод юрак эмас, балки кўнгил эканлигини англадик.





Матнда ёритиб берилилган кейинги мавзу – кўнтилнинг моҳияти, унинг хусусияти, белгилари жакидалир.

Алишер Навоий Аллохнинг хикматларини, Аллохга бўлган курбатни, Аллохни танишини бир сир деб билади. «Бўстони роз» деб атайди. Бу бўстонга қадам кўйиш ҳаммага насиб этмайди, чунки у Ҳакнинг ҳарамига хос бўлган пинхонийликдир. Ақл уни англашдан оқиз. Шубоис қудс ҳарамига хос бўлиш неъмати кўнтилга ато этилган. Шунинг учун кўнтил жаннати аълонинг муборак хиди, Аллоҳ ҳикматининг тажаллийсидир. Соликлар – руҳий тарбия йўли (сулуки) йўловчилари кўнтилни Аршга тентлаштиришган. Улар наздила кўнтил Олий Аршдир. Сўғифилар – тасаввуфдан юриб, дунё неъматларига кайрилиб ҳам бокмайдиган, калби Аллоҳ зикри, вужуди Аллоҳга итоат билан банд бўлган зотлар эса кўнтилни олами кубро – улуг олам деб танитилар.

Кўнтил – покдир. Агар у пок бўлмаса, демак, кўнтил йўқдир. Шунинг учун у назоҳат – покликининг кўзидағи, моҳиятидағи буюк олам; лекин у жаҳон аҳлининг кўзидан яширинган. У яширингани учун ҳам қадрли, кийматлидир. Унга етиш машаккаг бўлгани учун ҳам у бехад суюклидир.

Каббани Аллоҳ олам аҳли учун кибла этиб буюорди. Ислом дунёси Каббани ўзига саждагоҳ ўларок қабул қилди. Лекин кўнтил ундан қадр-

ли, чунки кўнтил – Аллохнинг жилвагохидир. Жилва – нурнинг шаффоғ бир юзага тушиб, акс этишидир. Аллохнинг нури – иймон; иймон эса қалбда. Демакки, кўнтил Холикнинг жилвагохи дейлишидан мурод – кўнтил иймон масканни эканлигини ифодалашдир.

Кўнтилнинг макоми ва сифатлари хабаридан кейинги мавзу кўнтилга эришмок тўғрисида бўлиб, бу кўнтил неъматига соҳиб бўлишнинг машаккатли синовлари борлиги билан боғлик. Инсон оддий юракка эмас, балки кўнтилга, кўнтил ичилаги кашфий иймонга етишмоги учун узун бир йўлни босиб ўтишига тўри келади. Алишер Навоий раҳматуллоҳи алайҳ ана шундай тушунтиради.

Таклидий иймон ўта замфидир. Кашфий иймон эса инсоннинг ич-ичидан икрор бўлган, таслимийт кеттирган, мухабbat, садоқат билан мукаммаллик касб этган иймондир. Кашфий иймонга мувадҳфак бўлиш билан одам кўнтил соҳибига айланади. Бунинг учун у, жоиз бўлса, такдир чиғиригидан ўтиши, синов тегирмонларига тушиши, кўркмаслиги, тўғри ниятда собит туриши талаб қилинади. Алишер Навоий раҳматуллоҳи алайҳ айтадики, бу сирлар хазинасини топиш учун соликлар хулқига, уларнинг йўлига, саботига эга бўлмок лозим. Шоир шартли тарзда бу йўлда рўй берадиган имтиҳонларни куйидагича келишишимиз учун уларни ракамлаб кўрсатамиз:





1) «*Кальбага каты манозил килиб*» – Кальбага борсин, Кальбани зиёрат килсин! Кальбани зиёрат килиш – Ислом фарзларининг бири, Ислом биносининг устунидир. Эътиборли жихати, Расули акрам соллаллоҳу алайхи ва саллам сўзларига мувофик, Ислом беш нарсаға бино қилинган, биринчиси, иймон, иккинчиси намоз, уччинчиси рўза, тўртингчиси закот ва бешинчиси хаж – Кальба зиёратидир. Яъни дастлаб тўрт фарзни адо қилган инсонда Кальбага бориш учун маънавий ҳукук пайдо бўллади, иймонсиз ҳолда ёки соғлом бўла туриб, рўза тутмайдиган ва намоз ўқимайдиган, умуман, Ислом фарзларини тўқис бажармаган инсоннинг Кальбага боришидан наф йўқ. Кальба зиёрати, муқаддас масжидларда ибодат килиш, хажни адо килиш билан бир мусулмон зохирда Исломнинг фарзларини тугал адо этган инсонга айланади. Алишер Навоий тарькиди бўйича эса кўнгилга эришмок йўлига – сулукка кирган инсон учун бу асосий сафарнинг болшанишидир. Яъни дин арконларини мукаммал адо қилган: иймони етук, ибодати комил мусулмон сулукка мушарраф бўлади; аслида, бу Ҳак йўлидаги биринчи кадамdir; хўш, кейин нима бўлади?

2) «*Дайрга ҳам тайи мароҳи этиб*» – дайрга бориб кўрсин! Дайр – оташпарастларнинг ибодатхонаси. У ерда оловга сифининг аллоҳ учун бутун дунёдан узилсин; шайхларнинг хизматини килсин;

ичиш – фарз. Дайрдаги дин пешвоси – муғдир. Муғ ибодатга келгандарга май ичиради, май куйиб беради. Гоҳо бу иш юзи кўркам ўсмирларга юклатилган. Алишер Навоий нима учун дайрга дайват қилмокда? Гап шундаки, тасаввуфий истилоҳга кўра, дайр ирфоний сухбатлар маскани бўлиб, муғ – ориф инсон, Ҳакқа етишган муршидни ифодалайди. Исломнинг акси бўлган оташпарастлар, дайр ва муғ кабиларнинг истилоҳ, ўларок олинишибаби шуки, биринчидан, сўғийлар ўз амаллари билан ғурурланиш, қалбларида Аллоҳ зикридан бўлак ўй пайдо бўлишидан сакланниш учун ўзларини бениҳоя хакир тутар эдилар, шу максадда гуноҳкорлик никоби билан калб поклигига интилгандар; иккинчидан, динга амал қилаётгани хакида илдао этувчи риёкорлар, Ислом номидан кўп гайримашруръ ишлар содир қилаётганларга муҳолиф ўларок мазкур истилоҳлар кўлланган. Байт мазмунига келадиган бўлсак, дайрга бориши – муносиб муршидлан муносиб сабокларни олиш, маърифатга эришиш керак, деб тушунилади;

3) муножот қилаётганлар билан, хароботда яшаётганлар билан юзлашмок лозим – уларнинг дардларини хис этсин!

4) хонакоҳларда эътикофлар тутсин, яъни Аллоҳ учун бутун дунёдан узилсин; шайхларнинг хизматини килсин;





5) ишк нималигини татиб кўрсин – ишқдан бебаҳра инсонда асло кўнтил бўймайди; васлава фирок туйғусидан бехабар одам хәётдаги хамма нарсадан бехабардир; дард чекмаса, Фарход каби тоғларни тирноклари билан ўймаса, Лайли ишқида Мажнундек даштларда саргашта бўймаса, инсон кўнгилни орзу этмасин! Чунки бу холатларниг ҳаммаси кўнгилга хосдир.

Диккат килсак, Алишер Навоий хәётнинг ҳамма кирраларини кўриш, оғир изтироблар билан танишиш инсонни юксалтиришини – кўнгилга етаклашини таъкидламокда.

Аслида, бальзи инсонлар ботинида тинмайдиган бир олов бўйлиб, у зинхор бикиклика, турғулликка, зулм ва кулликка токат қилмайди. У хамиша ўз атрофидаги занжирларга исен киласди, ўзини боллаган арконлардан, кўзини тўстган пардалардан халос бўлишга интилади – шундай одамларда кўнгилга эришмок имкони мавжуд. Бу ўзига хос шартли босқичлардир. Инсон ўз босқичини, дарражасини, холатини била олмайди, белгилай ҳам олмайди. Чунки ҳаётнинг синови кўнгил сохиблари учун туганмасдир.

Бу машқатларни бошлан кечиргац, инсон кандай ружий ҳолга эришади? Унга кандай маком насиб киласди?

Бу бобнинг якуний муаммоси, айни пайтда энт юксак чўккисидир. У билан мавзу тўлиқ очилади, максад аник ва равшан англашилди.

Шариат коидаларини мукаммал адо қилиб, ишқдан Аллоҳ незъматлантирган инсон синовлардан ўтгац, унинг исёнлари босилади: самандар күшидек олов ичиде сокин торади, гавхар каби суви тубига чўкали.

Самандар деган афсонавий куш бўйлиб, унинг рамзи мажозий маънода кўлланади: бу куш умр бўйи ўтин йигади ва шу ўтинда ёниб кул бўлгац, кулдан полапон куш чикади ва у хам ўтин йигишга киришади. Кўнтил талабгори барча синовлардан ўтгац, ўтин устида ёнишини кутаётган самандар күшдек одамлар кўзитортади. Тупрокдаги ганждек одамлар кўзидан гойиб бўлади.

Айтадиларки, булатлардан ўйлда бир марта хосиятли ёмғир ёғади. У ёмғир катралари денгизга тушади ва денгиз суви билан аралашмай деңгиз тубидаги садафнинг ичига боради. Айни шу катрадан гавхар пайдо бўлади. Осмондаги булатнинг ичи гавхар, лекин у хаво каби. Унинг гавхарини кўриш ва олиш имконсиз. Кўнтил талабгори ҳам ўша булатга айланади.

У етмаган, кесиб ўтмаган бирор водий, туймагани бирор изтироб қолмайди. Унда камолот алломатлари хосил бўлади. У чинакам олами куброда – улуг оламга айланади. У ўлимнида хотиржам кутиб олади, дунёнинг бирор ишидан хаяжонга тушмайди, шодланмайди, дунё учун қайғурмайди, йигламайди, кулмайди: у таквою мухаббат, кўркув ва умидини ёл-





Риз Аллохга бағишлайды ва бүткүл Аллохнинг кошида таслим күл макомига эришлади.

Аллох таоло фарипталарга Ер юзида ўз халифасини – ўринбосарини яратиши хакида айтган. Бу хакда Бакара сурасининг 30-оятида ҳам хабар берилган:

وَإِذْ قَالَ رَبُّكَ لِلْمَكَّةِ اثْبِطْ حَاجَلٌ فِي الْأَرْضِ
وَإِذْ قَالَ رَبُّكَ لِلْمَكَّةِ اثْبِطْ حَاجَلٌ

Маъно таржимаси:

«Эсланг! Парвардигорингиз фаришталарга: «Мен заминга (одамни) халифа қиласман», – деди...»

Аллохнинг Ёрдаги ўринбосари бўлиш хар бир инсон учун насиб этмайди. Балки бу мавкега муносиб бўлиш лозим. Шунинг учун Алишер Навоий раҳматгулохи алайх «Улки, етиб маҳзани ръфат анга // Бўлди бу оламда хилофат анга», яъни ръфат – меҳрибонлик, Аллохнинг шафкати насиб этган инсон оламда хилофатга – Аллохнинг ўринбосари бўлишга эришади, деб таъкидлайди. Бундай инсонга учраганлар унга жону кўнгил ила иктидо этиши керак. Чунки бу макомдаги бир одами топиш бехад мушкулдир.

Алишер Навоий шунинг учун бу каби соҳибдиллинг этагини тута олмаса ҳам, унинг либо-

сидан бир ришта етарли, яъни шу риштани ушлаб, тўғри йўлга эришмок мумкин, дейди. Мазкур муболагали изхор замирида соҳибдилнинг даражаси, кадри хакида комил бир ишончни кўрамиз. Хулоса қилиш мумкинки, Алишер Навоий кўнтил деганде Куръонда салим, муниб, мўлҳит, важил, такий, маҳдий, мутмасин, хаи (тирек) сифатлари билан таърифланган кўнтилни (калбни) назарда тутмокда. Кўнгилнинг бу сифатларга эга бўлиш жараёнлари кейинги учхайрат бобларидаги батафсил ёритилган.





ҮН ЕТТИНЧИ БОВ

(Матн)

Кўнгугу таърифидаким, кўнгугу тилагандек қилимай дуур ва анииг васфин соҳибдиллика мавсуз бўлғон кишидин ўзга киши билмай дуур. Кўнгулсиз роким хомасин ракамкаш қилмоқ ва бу ракам саводи билан кўнгалин хуш қилмоқ.

1. Субҳи азал, килди чу дехкони сунъ Одамий хокийни гулистони сунъ.
2. Эстти насими бу гулистон сари, Сунбулу сарви гулу раҳон сари,
3. Ким бу раёхинга етишти футух, йўлаки, тан гулшанига кирди руж.
4. Эрмас эди анда гараз хеч гул, Гайри кўнгулким, гараз эрди кўнгул.
5. Эйки, кўнгугул васфи баён айладинг, Сен бу кўнгулни не гумон айладинг.
6. Гулшани жисминг аро гул ғунчаси, Битса гумон этма кўнгул ғунчаси.
7. Гунча эмаским, бу кўнгул кон эрур, Ё бўялиб, кон аро пайкон эрур.
8. Йўқки, бу бир шакл дуур рангу бўй, Харне керак бўлсун, агар бўлса бу.
9. Гар бу дуур, хар нимаким жони бор, Жисмида бу гунча сифат кони бор.
10. Хам они дажжол топиб, хам наби, Ийси била тенгму бўлур, маркаби?
11. Гар бу эса Ҳожа, ўзин муттасил – Қайси кўнгул бирла легай ахли дил?
12. Бу худ эмас жазм сен истар кўнгул, Гар бу кўнгул бўлса, сен андин тўнгул.
13. Буки кўнгул дерсен, эрур бу юрак, Исм кўнгул бирла анга муштарак.
14. Кўнгул эрур бўлбули бўстони роз, Қудс ҳаримида бўлуб жилвасоз.
15. Ройихаи жаннати аъло хам ул, Паргави мисбохи тажалло хам ул.
16. Солик ани арши муалло, деди, Сўфи ани олами кубро, деди.

17. Аёни назохатда бу аззам жаҳон,
Борча жаҳон аҳли кўзидин ниҳон.
18. Кальбаки, оламнинг ўлуб кибласи,
Қадри йўқ андокки, кўнгул кальбаси
19. Ким, бу халойикка эрур саждагоҳ,
Ул бири Холикка эрур жилвагоҳ.
20. Топкуча ганжинаи асрорлик,
Кўп килибон солики атворлик.
21. Катъбага хам катъи манозил килиб,
Дайрға хам тайи мароҳил қилиб,
22. Хам етибон аҳли муножот аро,
Хам тушубон кўйи гаробот аро.
23. Гоҳ бўлубон мұтакифи хонақах,
Шайх ани тоатға килиб рӯбараҳ.
24. Гоҳ кириб дайри фано сори маст,
Муғбача олида бўлуб бутпараст.
25. Гоҳ килиб шамъға парвоналик,
Гоҳ пари ишқида девоналик.
26. Гоҳ висол ичра бўлуб айш соз,
Гоҳ фироқ ўтига айлаб гудоз,
27. Гар кўрубон чобуки сиймин тане,
Ханди ширин билла шўрафгане.
28. Дарду бало тогида Фарҳод ўлуб,
Тирноғ анга тепаи пўлод ўлуб.
29. Ё йўлукуб моҳрухи дилкаше,
Дашти малоҳат аро лайливаше,
30. Ишқида саргашта чу гардун ўлуб,
Дард биёбонида Мажнун ўлуб.
31. Сокин ўлуб ўтда самандар киби,
Ғўта уруб сув аро гавхар киби.
32. Ғарқи хаво абри гужар санждек,
Туфрок ичинда ётибон ганждек.
33. Водие колмай ул анга етмаган,
Катъида такмили сулук этмаган,
34. Ориз ўлуб жумлаи холот анга,
То бўлубон касби камолот анга,
35. Олам аро хар не кўруб, касб этиб,
То лакаби олами кубро этиб.
36. Кимга бу олам сари очилса ўйл,
Олам аро аҳли дил ул бўлди, ул.





37. Улки етиб махзани рафат анга,
Бўлди бу оламда хилофат анга.

ЎН ЕТТИНЧИБОР

(Насрий баён)

38. Тахти сафо бўлди анинг маскани.
Сўфиий сохиб дил ани бил, ани.

39. Йўлида жону кўнгул айлаб фидо,
Жону кўнгулдин анга қил иктидо.

40. Гар этагин тутмок эмас ласт рас,
Тушса Навоий сари бир ришта бас.

**Кўнгил тарьиғилаки, уни кўнгил доҳла-
гандек тарьиғилаки, уни кўнгил доҳла-
ни сохибдил ўларок сифатланган инсондан
бонка кипши билмади; кўнгилсиз қаламкаш
қаламини бу ишга сафарбар этмоқ, ва бу ра-
қамни кора килиб, кўнглини хуш қилмоқ**

1. Санъат дежкони бўлган Зот азал субҳида хокий одам жисмини гулистон ўларок яратди.
2. Насими бу гулистон сари – ундаги сун-
бул, сарв, гулу раҳон сари эсли.
3. Бу раҳонларга футух етиб, гўё тан гул-
шанига рух кирди.
4. Максад бу гулистондаги гул эмас, балки
кўнгил эди.
5. Эй! Кўнгил васфини баён қилган инсон!
Сен кўнгилни нима деб гумон қилган эдинг?
6. Жисминг гулшанида бир гул ғунчаси
битса, сен буни кўнгил ғунчаси деб ўйлама.
7. Кўнгил ғунча эмас, кондир! Ё кон конга
бўялган, кон ичига қадалган пайкондир.
8. Йўқ, бу бир ранг, хид ва шакл, холос. Агар
бу кўнгил бўлса, хар не керак, бўлсин!
9. Агар бу кўнгил бўлса, хар ниманинг жони
бор! Жисмида ғунчага ўхшайдиган кони бор!





10. Буни дажжол хам, Аллохнинг набийси
хам топган, ахир, Исо алайхиссалом ва умин-
ган улов тент эмас-ку!
11. Агар бу Хожа бўйса, кайси кўнгил билан
ахли дил ўзини ахли дил деб атапи мумкин?
12. Бу сен истаётган кўнгил эмас, агар бу
кўнгил бўйса, ундан юзингни ўтири, воз кеч.
13. Буни кўнгил деб атаяпсан, бу юракдир,
исми кўнгил билан муштарак, холос.
14. Кўнгил – роз бўстонида булбулдир; кўн-
гил – кўлсият харамида жила этувчиdir.
15. Аъло жаннатнинг хиди хам у! Тажаллий
чироғининг нури хам у!
16. Солик уни олий арш деб агади, сўфий
эса улуг олам деб хисоблади.
17. Поклик кўзидали улуғвор жаҳон у! Барча
жаҳон ахлининг кўзидан пинхон у!
18. Оламнинг қибласи бўйлан Кальбанинг
кўнгил кальбаси каби кадри йўй.
19. Чунки у халойик учун саждагоҳ, бу эса
Холикнинг жилваҳодидир.
20. Бу сирлар хазинасини топиш учун ин-
сон солик табиатли бўлиши керак.
21. Кальбага бориш учун манзилларни кесиб
ўтсин; дайрларга йўл босиб борсин!
22. Муножот ахли орасига кирсин, харобат
кўчаларига кадам кўйсин!
23. Гоҳо хонакоҳларда эътикофда ўтирисин,
шайхнинг тоатига рўбарў келсин.
24. Гоҳо фано дайрига маст бўлиб кирсин,
мугбаҷанинг кошида бутпарастлик килсин!
25. Гоҳо шамга парвоналийк этсин, гоҳо би-
рор пари ишқида девона бўйсин!
26. Гоҳ висол ичра айш этсин, гоҳ фирок
ўтида ёнсин.
27. Агар кумуш танлик, ширин ханда билан
шўр ипларга ташловчи бир шўхни кўрса...
28. Дарду бало тогида Фарход бўлиб, тирно-
ғини пўлат тешадек килсин!..
29. Ё бирор ой юзли дилкашга – малоҳат
даштида бир лайливашга йўликиб...
30. ... унинг ишқида гардунни саргашта ке-
зиб, дард биёбонида Мажнун бўйсин!
31. Окибатда оловда самандардек сокин
бўйсин! Гавҳар каби сув тубига чўксин!
32. Ичи гавҳарга тўла булутдек хавога синг-
син! Тупроқнинг ичиди хазинадек ётсин!
33. Уетмаган водий, камолотда кесиб ўтма-
гани сулук (йўл) қолмасин!
34. Жумла холатлар унда кўринсин ва камо-
лот касб этсин!
35. Олам ичиди хар не кўргани, хар не касб эт-
гани лакаби олами кубро бўйлан оламта етсин!
36. Кимга бу олам сари йўл очилса, олам
ичра уахли дил бўлди.
37. У меҳру шафқат хазинасига етиб, бу
оламда хилофат унга насиб этди.
38. Сафо тахти унинг маскани бўлди, со-
хибдил сўфий деб уни тани!





39. Унинг йўлида жон ва кўнгилни фидо
кил, жон ва кўнгилдан унга иктидо кил.

40. Агар этагини тутишга кўли етмаса хам,
Навоийга бир риштаси насиб этса хам, етарли.

ЎН САККИЗИНЧИ БОБ

АВВАЛГИ ХАЙРАТ

Лугат

(Шарх)

Мавсүф – сифатланган, сифатли

Роким – ракам килувчи

Ракамкаш – ракам килувчи

Бў(й) – хид, ис

Тўнг – кайт, юз ўтири; музла, сови

Ройиха – хид, ис

Назоҳат – тозалик, поклик, софлик

Автор – хулк

Манозили – маизиллар

Мароҳил – ўйллар

Мультакиғ – эътикоф ўтирувчи

Афган – ...ташловчи, таратувчи

Гўта – шўнғили

Такмил – охирига етиш, камол топиш
Сулук – йўл, тарикат

Ориз – пайдо бўлиш

Холот – холатлар

Раъфат – меҳрибонлик, шафқатлилик

Кўнгилнинг таърифидан сўнг Алишер Навоий рахматулохи алайх, кўнгилнинг саёҳатлари, сайдлари ва бу жараёнда у топган хайратларни учта боскичда тасвирлайди.

Хайрат, хайратланиш сўзининг замирида

лол колиш, аклни ўйкотиш, хушдан айрилиш, аклни бой бериш каби маънолар тушунилади. Кўнгилнинг хайратларини Алишер Навоий Ҳакниңг кудрати каршиисида аклни ўйкотилиш, асл ҳакикатни англаб, лол колишидир, деб таърифлайди.

Ўқиётганимиз мазкур ўн саккизинчи боб ва галдаги икки боб хам хайратларга бағишиланган. Уларнинг мазмунни, моҳияти, кўтарилган муаммолар тўғрисида таҳлил давомида хулоса киласиз.

Биринчи хайрат кўнгилнинг ўқкликтан борликка келиши – яралishi ҳакида бўлиб, Алишер Навоий унинг мулк олами баҳористонига қадам кўйганини айтади. Шу чоккача таркалган нашрларда бу сўз «малак» – фаришта, деб ёзиб келинган. Бирок биз ушбу бобни кайта-қайта ўрганиб, арабийда شا шаклида



ёзилган сўзни «малак» эмас, «мулк» деб ўқисак, тўғри бўлади, деган хуносага келдик. Чунки кўнгил сайр килган оламда бирор фаришта хакида мальумот йўқ, унда Ер юзи – инсониятга мулк килиб берилган худуд ва унинг гўзаллиги васф этилган. Демак, бу малак олами эмас, балки мулк оламидир.

Алишер Навоий кўнгилни Хожа деб атайди. Нима учун Хожа деб атагани учинчи хайрат бобида ойдинлашади. Ўрганаётганимиз аввалти хайрат бобида Хожа мулк оламини кезиб, у ердаги ҳар бир яратик Алло сурасининг 1-оятидаги ушбу амрни адо этаётганига гувох бўлади:

سَيِّدِ الْأَعْلَى

Маъно таржимаси:

«Бутоқ Роббингиз исмими барча нуксондан пок тутган ҳолда тасбих ўқинг!»

Бу хол эса кўнгилнинг хайратини оширади ва хушидан айрилишига сабаб бўлади. Мазкур ходиса қандай рўй берди? Буни Алишер Навоий батагфосил тасвирлаган. Тасвирларнинг ҳар бири китобхоннинг ҳам хайратини уйғотиш учун йўналтирилган. Тасвир жонлантирилган: инсонлар жонсиз кўрадиган мавжудотларга ўзига хос феъл, хусусият ва холатлар бериб, тарьифланган.

Ўқувчига тушунишни осонлаштириш максадида биз ҳар бир ҳодисани ракамлаган холда ёзишга карор килдик. Даствор тонг суврати чизилади: субҳ – тонг тун қаърига беркингандек юшни фош этли; шоир шукронга учун кўёш каби жом сўрайди:

1) тонг бир кушдир, у сайради ва сабух – тонгла ичиладиган майдан дарак берди, муаллиф буни тинглайди ва субҳ, каби соф майдан ичиб маст бўлишни, нолада кушга хамрохлик килишни истайди. Бу – тонгни зикр ва ибодат билан бошлаш истагининг ифодасидир;

2) сахарнинг жарли бир либоси бор, у шу либосни кийиб, ўзини кўрсатди. Тун тутиб кўйтган пардан бир ип ҳам колмади – у ғойиб бўлди;

3) такдир калами Аллоҳнинг изни илия фалакнинг тогига «Ваш шамс» ва «Ваз зухо» деб ёзиб кўйди. Чунки бу Куръон оятлари бўлиб, «Ваш шамс» – «Кўёшга касам!», «Ваз зухо» – «Кундузга касам!» – демакдир. Аллоҳ кўёш ва кундузни гўзал ҳикмат ила яратдики, унинг сирини ўзи билади ва шунинг учун Куръонда бу икки яратиги билан касам ичди; бу сўзни эса Қалам Аллоҳнинг амири билан ёзиши ана шу хикматга ишорадир;

4) субҳ – сўфийдир; у ўзини кўрсатди ва осмонга нурдан жойнамоз тўшади;

5) субҳ, кўлида супурги тутиб, шомнинг кора тупрок каби кукунларини супуришга кириши;





6) чарх – осмон тунда олам узра кора кукун сепган эди, энди эса ок кукун села бошлади;

7) чарх нилуфар гулдир, у ўз кўзёшларини тўкли ва сахарнинг бодида сарик лола очилди: яъни күёш порлади;

8) обнус – қора, танаси каттик, ўзи хушбўй дарахт; тун осмони – обнус дарахтидан ясалган панжара ёхуд туннинг ўзи обнус кабидирки, шохлари панжара хосил килган. Панжара орасида эса юлдузлар. Тонг отиши билан бу панжара филлингишларига айланди – окарди. Сандарус – сарик тусли дарахт, у чўғонларга солиб ёкилган. Кўёш бамисоли сандарус чўғони, ундан эса ўт сочили;

8) кўёшнинг ўти зулмат тунини куйдириб, хавога юлдузлар учкундек сачради, гойиб бўлди; 9) тун – товусдир, у жилва килиб юрган эди, аммо тонг отиши билан жилваси гум бўлди; унинг гулларининг кўзгусидан нур хам йўколди.

Алишер Навоий мазкур истиоралар ва жонлантиришлар воситасида тонгни васф этади, китобхон тасаввурига тонг гўзаллигини олиб киради. Ўкувчини тонг ичига етаклайди, унинг чиройидан завкланишга чорлайди.

Тонг чори Хожа – кўнгил йўқлик тунидан кўз очди – тонг ели бир хушхабар бўлдию, бу хушхабар унга жон бағишлади. «Тонг ели» Аллоҳнинг инсон танасига рух пурфлаши маъносини ифодалashi хақида аввалги боб шархида айтиб ўтган эдик.

Хожа, яъни кўнгил йўқликдан борликка келганида, яралганида у ўзига бетона эди. Хеч нарсани билмай ўзини хар томонга телбаларча, девоналарча урди. Юзи тонг каби саргайди, тонг ели кетганидек, ўзидан кетди. У ўзи келиб қолгани – олам ичидаи ажойиботларга бокар, лекин ҳеч нимани англамас, тушунмас эди. Кўраётган гаройиботларининг сирини билгиси келар эди. Хар бир яратик ҳакида «Бу нима?» каби саволларни ўзига берар, жавоб топа олмай, ўзининг бу оламга нима максадда келганлигини билмай қайгуга тушар эди. У гўё бир парда билан ўралган, кўзлари зулматда; Ерга йикилди ва сажда қилди, ўзининг ожизлигини айтиб, «Мен нима учун борман?» – дея кўп йиглади.

Харам – ман этмок, такиқламок, беркитмокдир. Каср харими – беркитишнинг кўплиги, такиқларнинг бехадлиги бўлиб, кўнгил ана шу макомда туриб қолди. Унинг учун хамма нарса берк ва ёпик эди. Фарёд билан бу саволни бераверганидан кейин гойибдан бир нило келди: «Ўрниндан тур ва ўзинг ичидаги бўлганинг бу яшил оламга назар сол!»

Кўнгил ўрнидан турди ва бир-икки кадам кўйиши билан кўз ўнгиди Боги Ирам пайдо бўлди. Қандай Боги Ирам? Бамисоли ойнадан бўлган гулшан, жаннатнинг бир бояи эди бу. Алишер Навоий шундан сўнг Ер юзининг вассифига киришади. Унинг гўзалликларини



даражлари, гуллари, сувлари мисолида аник ва равшан кўрсатиб беришга интилган. Биз шоир каламга олган ҳар бир манзарани ўзимизда тутал тасаввур ҳосил бўлиши учун ракамлаб таҳлил киламиз:

1) даражлар: ҳар бир даражат сидрага бориб тегади. Сидра – коинот тугаган чегарада ўсадиган даражатлар. Даражларнинг шохи сидра шохлари билан чирмашиб кетган. Барглари эса кўкни кўркитади, соясида күёш улғаяди, тарбия топади, хусусан –

сарв даражти: сарв саркаш, чунки унинг кадди тик, у эгилишни билмайди; ранги эса зантор – мовий; сарвларнинг ҳар бирини осмон учун устун килиш мумкин;

чинор даражти: чинор шундайки, унинг баландлиги кўёшга озор беради, шунинг учун офтоб бу жонни азобловчи кийнок сабабли саргайиб кетган, окибатда чинорни кизитан охи билан кўйдиради. Ривоятларга кўра, чинор минг йиллаб куrimайди, аммо умри сўнгига ўз-ўзидан ёниб кетар эмиш, шоир шу риоятта ишора беряпти;

сандал даражти: сандал жигарранг ва хушбўй бўлиб, унинг атри Исо масих алайхиссаломнинг нафаси кабидир. Ривоятларга кўра, Исо алайхиссалом ўлик одамни силаб тирилтирган, сандалнинг хиди боис ўлик хам тирилиб кетади. Сандалнинг хиди боис сув гулобга, тупрок эса мушки ноб, яъни тоза

хушбўйга айланган. Мушк сўзи кора маъносига эга бўлиб, тупрокнинг коралигига ишора килиб, у «мушки ноб» деб тарьиғланмокда;

санидор даражти: сафедор, яъни ок теракниг танаси шундай кумушки, насим эсиб унда зарра гардни колдирмаган; суман ёки ёсуман (ясмин) ўсимлигининг гули окдир,

санидорнинг кумушли худди суман гулидек; ок теракниг барги шундайки, унинг юзаси яшил, ости – ок, шунинг учун Алишер Навоий сапидорнинг япроги тагига шила каби ок кумуш кукуни сепилган, леб айтади;

санубар даражти: санубарнинг бўйи 15 – 25 метр орасида бўлиб, шохлари дастлаб конусимон бўлса, йиллар ўтиб, яssi соябон шаклига киради, бу даражатнинг ватани Шимолий Америка дейилади, яна бир номи Италия карагайи; кўриниши гўзал даражат. Алишер Навоий санубар даражти ҳакида ёзиб, унинг шохлари осмонга етишини таъкидлайди; тутма каби майдабарглари яssi соябон ҳосил килгани учун бош кийимни эслатади. Шу бош кийим юлдузларнинг бошлига кийилади. Кийилганда ҳам, танталари билан зийнатланган бош кийим сингари.

Умуман, сарвлар, сапидорларнинг сафлари шу кадар текиски, хатто, бу борада сарв сапидорни хижолатга солади. Бу даражларнинг бошида очилган гуллар ўзларининг оёғига сочиласи, яшиллиги зумрадга, танасида-



ги ришталар – томирларнинг тутмалари эса забаржада ўхшайди.

Дарахтлар суврати якунига етгач, Алишер Навоий ховузларни тасвирлайди:

2) сув: хар ёнда ойна рангидаги ховузлар кўзга ташланади, унинг нами ойнани хам, бопка нарсанни хам занглатмайди. Мальумки, сув занг пайдо бўлишининг асосидир, лекин бу сув ундей эмас. Бу ховузлар кўзгу каби, унда жон жилва қиласи, акс этади, яъни сув тириклик омилидир. Ховузга кўйиладиган арикнинг кўриниши худди дастани эслатади. Бу арикнинг суви руж учун озука, арикнинг тубидаги майдаги тошлар эса лаъл ва ёкутдир. Арикда оқаётган сув гулнинг оёғига бошини кўйган, балки ўзидаги ушокдай тошларни гулнинг пойига тўқади, бу худди ёрнинг оёғига зару жавохир сочишдир;

3) ғунча: ғунча эса бокира кизга ўхшайди. У ўз парласига ўранган. Ғунчанинг шакли – тутгилган тутунни эслатгани учун уни Алишер Навоий бахт риштасидаги тутуни очилмаган, деб ёzáди. Нега бахти очилмаган? Чунки у ўз хуснини ўз ошиги учун саклайди, бир хон каби инсон келиб, завкланиши учун чиройини намоён этмайди. Шабнам унга дур солади, насим эсса, гулнинг барги унга кумуш тўқади, гулнинг юзи ва яшил баргининг акси сувга тушади. Натижада, кўзгуда бир гўзал юз (гул) ва хатт (барг) акс этади, гўё. Хат – ўсмирлар ва

ёш қизларнинг лаблари устидаги яшил тусли ва майнин тук бўлиб, умумтоз адабиётда гўзаликни ифодалаш учун кўлланган;

4) сунбул: кўкламда кўк, кузда эса кора тусга киради, буралиб, илонга ўхшаб колади. Алишер Навоий сунбулни захарли илонга киёслайди: у ғунчани чакиб олган, ғунча эса ундан озорланган. Захар боис ғунчанинг танаси кўкариб кетган, булбул эса унинг бошида афсунгарлик қиласи. Зотан, афсунгарлар, одатда илонларни авраб, томопса кўрсатганлар. Ғунчанинг тагидаги яшил тутунча илоннинг ғунчанинг оёғига тушуб, тўплантган захри. Бирор ғунчанинг тикани бор, у ўз тиканини афсунгар булбул ўз тумшугини най каби чалиб юборди, яъни сайради;

5) тазарв: Алишер Навоий тустовукни тазарв деб айтади, тустовук – думи узун бир куш, учмайди, балки жуда тез югуради, шоир шунинг учун тазарвни оловга ўхшатади, сарв дарахти тагидан юрган тазарв – шулья, сарв эса унинг тутуни каби кўринади;

6) товус: товус, одатда такаббурлик тимсоли бўлиб, унинг юришидан гулларга, гулбуталирига шикаст этади;

7) тол: тол дарахти янги шохлар чикарган, унинг барглари бехад кўп, шохларини осилтириб туриши билан у соchlари тўзгиб кетган девонага ўхшайди, боғ ҳакими, яъни эгаси



эса макр-хийла килиб, бу телбанинг оёғига сувдан занжир соган. Бог эгасига «хаким» сифати кўлланаётгани бежиз эмас, чунки мажнуну телбаларни даволовчи одам ҳаким дейилган, Алишер Навоий эса мажнунтолни тасвиirlар экан, унинг сув бўйида ўсишини назарда тутиб, оёғига сувдан занжир солинди деган ифодани кўллайди;

8) нарғис: нарғис гули кўзни эслатади, шунинг учун мумтоз адабиётимизда нарғис ва кўз ўзаро ташбих ўларок кўлланган ўринлари кўп учрайди. Касал бўлгани учун нарғиснинг кўзлари саргайған, сувга қараб, унинг остидаги яшил ўтларни балик деб ўйлади;

9) ҳамишабахор: ҳамишабахор гули жуда беозор бўлиб, хокисор бўлиб очилади, у ҳар томонга ўсиб, кўпайиб, атрофни гўзалликка тўлдиради. Номия – ўсимликларнинг ҳар томонга ўсиш хусусиятидир. Ҳамишабахорда эса айнан номия кучли. Алишер Навоий унинг бу хусусиятини назарда тутиб, ҳамишабахор ҳар томонга зар ошкор килди, деб тарьифлайди;

10) лола: лола очилиб тураркан, тонг маҳали унинг бафрида шудринг пайдо бўлади. Алишер Навоий эса лолани маст бир киморбоз ўларок кўрсатиб, у ўз тосига (яъни бағрига) ёмғирдан кимор тошлиарини солиб, ўйин килади, деган ташбихни кўллайди. Гул эса лоланинг бу ўйинига хавас килиб, ўйнайди,

лекин ютқазади, чўнтагидаги хурдаларини – майда олтиналарини ютқазиб кўяди. Гап шундаки, лоланинг ичидаги шудринг томчилари нисбатан узоқ вакт сакланади, лекин бошка гулларда ундаёт эмас: уларнинг юзасига кўнган шабнам тезда оқиб кетади. Шоир ана шу холатни тасвиirlаюти, тонгда кўёш акси тушадиган томчиларни хурда – майда олтин бўшаклари сифатида кўради;

11) барқ – чақмок: булуут ичидан чақмок ўзининг ялтирашини намоён этади, булуутдан ёғажак ҳар катра эса Хизр ҷашмасидек хаётбахшdir. Хизр ҷашмаси, ривоятларга кўра, мангу хаёт суви қайнаб чиқалиган булокdir;

12) насим: насим (тонги ел, шабада) ўликларни тирилтиргувчи, у Исо алайхиссалом нафаси каби;

13) сув ва тупрок: катра суви гавхар сувидан зиёда, тупроғи эса жаннат гулидан тозарок, софрокдир.

Хожа бемисл гўзаллик ва чирой билан тўлиб тоштан бу маконда ҳар томон бокаркан, бир ғаройибот унга минг бўлиб кўринади, томопса килишга иштиёқи ошгани сайнинг таажкуби устига таажкуб бўлаверди. Бу яратикларнинг боши – манбаси каерда деб шукардар кўп бosh котирдики, хайрати уни камраб олди. Ҳатто, саволига жавоб топа олмагани учун кайғу аклини жунунга солди, васвасага тушуб, хуши забун бўлди.





Кўнгил мўъжизалари: бу жаҳон ўз-ўзидан пайдо бўлмаслигини тушуни, модомики, шундай экан, яратувчи ким? Хожа бу ўйлар ва хайратлар оғушида экан, гойибдан садо келди: «Бу қандай фойдасиз хайрат! Сенга бу хайратда қандай наф бор? Ҳакикат сирридан баҳраманд бўламан десант, басират кўзи билан назар сол!»

Басират кўзи ички, ботиний нитоҳ бўлиб, у шакллар ортидағи моҳиятни, аслиятни кўради. Кўнгилга ғойибдан келган овоз унга басират кўзи билан оламта назар солмок амрини берди. Кўнгил бу сўзни дур каби қулогига тақди ва унга ҳидоят нури келиб, кўз очди. Шунда у ўзини хайратга соглан бу ажойиботларнинг хаммаси бир Буюк Вазифа билан бандлигини кўрди: булбулу кумрилар, дарахту япроқлар ўз яратувчиларининг Кайом Зотини мактаб, улууглаб зикр этар эдилар. Ҳар бир зарра ўз Роббисига тинимсиз шукур килиш билан банд! Агар ел эсиб, ундан нидо келса ҳам, сувокиб, шиддираган товуш чикарса ҳам, буларнинг хаммаси ас-Сониль (санъат эгаси) бўлган Аллохнинг марҳамати билан билан ўзгача сирилил касб этар эди.

Кўнгилнинг жоҳиллик хайрати – билмаслик хайрати орифлик – билиш хайрати билан алмашди. У бу хайрат билан шу қадар оҳчекди, чунки жамики мавжудлар ўз Роббига хамду шукур айтсао, бу соков ва гунт бўлиб

сукут этса, хомуш турса! Кўнгилнинг ўз хо-
мушлиги боис тортган охи тутун каби уни бе-
хуш килиб кўйди.

Яна бир ҳикмат шуки, барча яратик ўз-ўзи-
дан, бетартиб шаклда эмас, балки Аллохнинг
амрига кўра бу вазифани мухаббат ила адо ки-
лар эдилар:

سَيِّدُ الرِّبْلَيْكَ الْأَعْظَمِ

Маъно таржимаси:

«Буюк Роббингиз исмини барча нуксондан пок тутган ҳолда тасбих ўқинг!»

(Альо сураси, 1-оят)

Зотан, Аллоҳ, ўзи исмини барча нуксондан поклаган ҳолда улууглаб зикр этишини буорган. Кўнгилдан бўлак барча мавжудот шу амр ижросига машғул. Кўнгил эса ўзини ҳам, Роббисини ҳам танимагани учун хомуш ва рафлатда. Якунда шоир сокийга мурожаат киласди, ҳарорати ошиб, хупидан кетганини айтади. Юзимга бода сеп, дея илтимос киласди. Ҳушигъа келиб, сўзлашни, Роббисига ҳамду сано айтишини орзулаиди.

Холоса килиш мумкинки, Алишер Навоий-га кўра:

1. Кўнгил – Аллохнинг яратиги, Аллоҳга оид сир ва унинг тарбияси ҳам Аллохнинг қарами, марҳамати билан амалга опади.





2. Кўнгилнинг кўзи Аллоҳ насиб этса, марҳамат кўрсатса, очилади, акс ҳолда, кўрлиги ча колади – оламдаги гўзаликларни мутлако хис қилмайди. Зотан, оламнинг гўзалилиги ва мўъжизаларини кўриш, ундан ҳайратланиш ҳаммага насиб этмайди.

3. Олам гўзалилгини кўришнинг ўзи ҳакиқатни англаш учун етарли эмас, гўзаликнинг хикматини, маъносини англаш лозим, бу эса якка Яратувчини танимокни талаб қиласи.

4. Оламдаги ҳар бир яратикнинг ягона Робба ҳамду шукур айтишини англаш басираг кўзи билан кўлга киради, лекин мазкур незъматга Аллоҳ раво кўрганлар мушарраф бўладилар.

Шоирнинг ўз бехушлигини эътироф этиши, сокийга юзланиб, бода сўраши эса, ўз гафлатига икрорлик келтириб, ҳар бир мавжудотга йўл кўрсатувчи Сокий – Аллоҳдан нусрат ўтилмок маъносига эга. Зотан, тасаввухга кўра, сокийнинг истилохий маъноларидан бири Аллоҳнинг исмини ифодалайди. Ирфон, муҳаббат ва хидоятнинг манбаси – Аллоҳдир.

Бу – хидоят нури билан оламни кўриш улуг Яратувчини танишнинг илк босқичидир. Кўнгилнинг Ер юзидаи ажойиботлар туфайли туғилган ҳайрати хали етарли эмас. Унинг кейинги макомлари – сайрлари, юксалиши хакида иккинчи ҳайрат бобида сўз боради.

ЎН САККИЗИНЧИ БОБ

АВВАЛГИ ҲАЙРАТ

(Матн)

Кўнгулнинг адам тунидин кутгулуб, вужуд субҳига ҳамнафас бўйтуб, мулк олами баҳористонининг ранго-ранг азҳори ва гуногун ашқорин тамошакиғони ва аларни «Саббаха исми раббикал аль» амри била Каёноми ҳакқиий тасбихига машгул эрконин билиб димоги борида ҳайрат гуллари очилғони ва ул гуллар аттри димогидин хуш олиб бехуш ўйқилғони

1. Субҳдур, эй сокий, этиб меҳр фош,
Тут манга бир жом нечукким күёп.
2. Тонг куши чун берди пәёми сабух,
Нўш этайин бир-икки жоми сабух.
3. Субҳ сафолик майидин маст ўлай,
Тонг кушига нолада ҳамдаст ўлай.
4. Берди сахар ҳуллasi зар ришта тоб,
Колмади тун парласидин ришта тоб.





5. Ёзди фалак токига килки казо,
Ояти «Ваш шамс» била «Ваз зухо».
6. Сўғийи субх айлабон ул дам зуҳур,
Ёзди сипехр узра мусаллоий нур.
7. Шом саводи асарин тийра хок,
Субх супургуси била қилди пок.
8. Чархки, даҳр узра эди мушкрез,
Бўлди ҳамул мушк уза кофурбез.
9. Нилуфари чарх тўкуб жоласин,
Очти сахар боғи сариф лоласин.
10. Ож ўлубон панжараи обнус,
Ўт сочибон мижмарай сандарус.
11. Куйди күёш ўтига зулмат туни,
Учти хаво узра нужум учкуни.
12. Жиљва бўлуб гум кеча товусидин,
Нур кетиб гуллари кўзгусидин.
13. Кўз очибон Ҳожа адам шомидин,
Жон топибон тонг ели пайғомидин.
14. Шоми адамни суруб андокки дуд,
Эсти димоғига насими вужуд.
15. Зохир ўлуб ўзига бетонавор,
Юз урубон ҳар сори девонавор
16. Ҳар нафаси субх киби соргориб,
Тонг елидек хардам ўзидин бориб.
17. Юз туман аъжуба тамошо қилиб,
Сиррини билмакни таманно қилиб.
18. Фикрати килғон сойи кўпрак хаёл,
Англабон ўз комини кўпроқ маҳол.
19. Бўлмади ул пардада чун кашфи роз,
Кўп қилиб изҳори сужуду ниёз.
20. Каср ҳаримида маком айлади,
Ажзу тахайорга киём айлади.
21. Яъс ила ўз ажзини килғоч адo,
Қилди анга хотиғи гайбий нидо
22. Ким: «Кўпу, сайр айла бу гулшан сори,
Айла назар сабзаи равшан сори».
23. Кўптио, кўйди чу бир-икки қадам,
Бўлди аён равзай боғи Ирам.
24. Қайси Ирам, гулшани минусиришт,
Гулшани мину дема, боғи биҳишт.





25. Ҳар шажари сидрага бosh еткуруб,

Шохин анинг шохига чирмаштуруб.

26. Барглари кўкка қилиб сарзаниш,

Соясида меҳр толиб парвариш.

27. Сарвлари саркашу зангоргун,

Ҳар бири кўк боргахига сутун,

28. Меҳр чинор оғатининг ранжаси,

Панжасини ожиз этиб панжаси.

29. Сорғориб ул меҳнати жонкоҳ ила,

Кўйдурубон они кизик оҳ ила.

30. Сандалиниг атри Масихо дами,

Андин ўлук мисли Масих одами,

31. Сув бўлуббон ройихасидин гулоб,

Сояси туфроғни килиб мушки ноб.

32. Соқи сапидорнинг, андокки, сийм,

Гарданинг сиймига кўймай насим.

33. Сийм анга чун соқи сумансо бўлуб,

Яфроғи тах нукраи мино бўлуб.

34. Чархқаким, шохи санубар етиб,

Тутмаларин анжум учун худ этиб.

35. Сарву салидор сафи муттасил,

Сарву салидорни айлаб хижил.

36. Турфа буқим, бошида гул очилиб,

Ул гул аёғига доги сочилиб.

37. Сабзасининг ранги зумуррад киби,

Риштасида тутма забаржад киби.

38. Ҳар сори бир ҳавзаи ойина ранг,

Ким намидин тутмайин ойина занг.

39. Жилвагар ул кўзгуда жон сурати,

Даста бўлуб анга ариғ ҳайъати.

40. Рухка ариғ суйидин кут ўлуб,

Реза тошли лаъл ила ёқут ўлуб.

41. Гул оёғига сув кўюб бошини,

Бошини кўйким, бу ушок топини.

42. Зийнат учун қилғали ҳалкол анга,

Йўқки, бу накд ўлғали помол анга.

43. Бикр сифат гунча бўлуб парда чех,

Риштаи баҳтидин очилмай гирих.

44. Шоҳиди гул ҳусну намойиш учун,

Хон олиб илгига кушойиш учун,





49. Дур солибон шабнаму эсгач насим,

Барги шукуфа тўқубон анда сийм.

50. Сабзау гул акси тушуб сув аро,

Оразу хат ўйлаки кўзгу аро.

51. Гул уза шабнам чу тушуб, хар варак

Кўргузуб афрухта юзда арак.

52. Сунбули печон бўлуб афъий мисол,

Гунча анинг нишидин озурда хол.

53. Захр ила ёшил бўлубон пайкари,

Булбул анинг бошида афсунгари.

54. Тутмаки, остида гумон этти хайл,

Захр дурур, қилғон оёғига майл.

55. Ништар урарга чидамай хордин,

Булбул этиб доия минкордин.

56. Сарв аёғида хиромон тазарв,

Шулья тазарв ўлди, анинг дуди – сарв.

57. Жилва килиб хар сори товус маст,

Гуллару гулбун топиб андин шикаст.

58. Толни янти шоҳ ила барги гулу

Айлади девонаи жўлидамў.

59. Бор ҳакими хиялу макр ила

Солиб аёғига судин силсила.

60. Наргис арилмай маразидин ариғ,

Кўзлари айни яракондин сариф.

61. Кўз тикибон сувгау ранги синиб,

Сабзани сув ичра балиғ сориниб.

62. Хар сори занг зар этиб олпкор,

Номия пайкиға ҳамишабаҳор.

63. Ринд мукаммирлек этиб лола шайн,

Тоси аро жола бўлуб қалбатайн.

64. Гул ул ўюнға чу ҳавас кўргузуб,

Жайбидаги хурдаларин уткузуб.

65. Жола бинафшага уруб тошини,

Боғлаб кўк ёғлиғ ила бошини.

66. Кўргузубон барқ булатдин дарахш,

Қаттра Хизр чашмасидек рух баҳш.

67. Қилғали амвотни ихё насим,

Фопп этиб анфоси Масихо насим.

68. Қатраси гавхар сўйидин хам фириҳ,

Туфроғи жаннат гулидин хам назих.





69. Ул бу Ирам тавфида беҳол ўлуб,

Зойил ўлуб хушу тили лол ўлуб,

79. Дур киби етгач күлогига бу сўз,

Нури ҳидоят била очти чу кўз.

70. Ҳар тарафиким бокиб ул равзанинг,

Кўзга гаройиб кўрунуб бирга минг.

80. Фохтадин кумрию булбулгача,

Балки шакар яфроғидин гулгача,

71. Неча назар бўйса тамошоталаб,

Булъажаб узра кўрунуб булъажаб.

81. Барчаси Қайюмига зокир эди,

Ҳар бир Анинг шукрига шокир эди.

72. Топмади сарриштани чун фикрати,

Хайрат уза қилди гулу хайрати.

82. Гар ел, агар сув бўлубон нагмасоз,

Сониъ ила ҳар бирига ўзга роз.

73. Акл ишин яъс жунун айлади.

Васваса ҳушини забун айлади,

83. Чекти бу хайрат била ўтлук хуруш,

Ким бори гёё эдилар, ул – ҳамуш.

74. Ким бу гулистонким, эрур бу жаҳон,

Балки жаҳоне гул ичинда ниҳон!

84. Солди димогига бу хомушплук

Оҳ бухори била беҳушплук.

75. Бутмак ўзи худ эмас имкон анга,

Гар бу эмас, ким эса Дежон анга?!

85. Сокий, етуббур яна жисмимга тоб,

Юзума ур, бода суйидин гулоб.

76. Солди ниҳодига бу хайрат хуруши

Ким, деди ул хайрат ичинда Суруп

86. То толибон хуш, такаллум тузай,

Сўз чамани ичра наво кўргузай.

77. Ким: «Недурур хайрати бефойида?!

Санга бу ҳайрат ила не фойида?!

78. Сирри хакикатдин ўлуб баҳравар,

Айла басират кўзи бирла назар!»





ЎН САКИЗИНЧИ БОБ

6. Тонг сўфииси ўзини намойиш килиб, осмонга нурдан жойнамоз ёзди.

7. Шомминг кора тупроғи асарини тонг ўз супргиси билан супурди.

8. Чархки, дунё устига кора кукун сепувчига эди, энди у кора устидан ок кукун сепувчига айланди.

9. Фалак нилуфари ўз ёмгирини тўқиб, са-

хар боби ўзининг сарик лоласини очди.

10. Обнус дарахтининг шоҳлари фил тишларидек окарди, сандарус чўрдени оламга ўт соҳди.

11. Зулмат туни күёшнинг оловини куйдирди, хаво узра юлдуз учкунлари учди.

12. Туннинг товусидан жилва ғойиб бўлди, тун гулларининг кўзгусидан нур кетди.

13. Хожа йўқлик тунидан кўзини очди, тонг елининг пайғомидан жон топди.

14. Йўқлик шамолини тутунни сургандек суребунинг димонига вужуд насими эди.

15. Уўзига ўзи белона кўриниб, хар тарафга телбаларча юзини урди.

16. Хар нафас тонг каби саргайди, тонг ели-дек ўзидан кетди.

17. Юз минглаб ажойиботларни томоша килиб, уларнинг сиррини билиш орзусига тушди.

18. Фикрати бу ҳакда канча хаёл килса, ўз мақсадига етишмокни тобора маҳол кўрди.

19. У қанча сажда килиб, оқизлик изкор этмасин, парда кўтарилмади, сирлар кашф бўлмади.

(Насрий баён)

Кўнгилнинг йўқлик тунидан кутулиб, вуҷуд тонгига ҳамнағас бўлгани; мулк олами баҳористонининг ранго-ранг гуллари ва ажиб дарахтларини томоша килгани; ва уларнинг «Буюк Роббингиз исмими барча нуксондан пок тутган ҳолда тасбих ўқини!» амрига мувоғик Кайоми Ҳақиқий тасбихи билан машгул эканлигини билиб, димоги бояида ҳайрат гулларининг очилгани ва у гуллар агри диморидаги ҳушни олиб, беҳуш ўйқилгани

1. Тонг вакти. Эй сокий, офтоб ўзини фошли, күёш каби бир жомни май билан тўлдирб менга тут!

2. Тонг куши сабух ҳушхабарини берди, мен хам бир-икки жом сабухий чай!

3. Субҳнинг сафоли майдан маст бўлиб, тонг куши билан бирга нола қилай.

4. Сахарнинг ипак либоси ўзининг зар ришталарини ёйди, тун пардасининг ришталари колмади.

5. Фалак тоғига Казо қалами «Ваш шамс» билан «Ваз зухо» оятларини ёзди.



20. Аладсиз тақиқлар устида маком тутиб, ожизлик ва ҳайрат ичида турив қолди.
21. Малъюслик ва гам билан ўз ожизлигини адо килганидан сўнг, хотифдан гайбий нило келди:
22. «Ўўрниингдан тур! Бу гулшантга сайр кил! Кўриниб турган яшил оламга назар кил!»
23. У ўўрнидан турди ва бир-икки кадам кўйдиди: Боги Ирамдек равза аён бўлди.
24. Кандай Ирам! Ойна каби мовий гулшан! Ундаи дема, жаннат боғи де!
25. Бу боғдаги хар дарахтнинг боши сидрага етган, поҳлари сидра шоҳларига чирмашган.
26. Барглари кўкка таъна қилиб, уларнинг соясида кўёш ҳам парвариш топади.
27. Кўк рангли сарвлари бўйсунмас; хар бири осмон уйига устун бўлгудек.
28. Чинор оғат бўлиб кўёшни ранжу маҳшакатга солади, унинг панжаси оғтоб панжасини ожиз килади.
29. Натижала кўёш жонни оловчи меҳнат билан саргайди, унинг қизиган охи чинорни куйдирди.
30. Сандалининг атри Масихнинг нафаси каби бўлиб, ундан ўлиқ инсон тирик одамга айланади.
31. Унинг хуш бўйларидан сув гулоб, соясидан тупрок тоза мушк бўлди.
32. Салидорнинг танаси – кумуш, чунки шабада унинг кумуш тани устида гард колдирамаган.
33. Унинг кумуши суман гуллидек, япроги-нинг таги шипа каби кумушдир.
34. Санубарнинг шоҳи осмонга етиб, тутгмаларини қолдузлар учун темир калпок қилди.
35. Сафи узилмаган сарву салидорлар текис ва равонлиги билан сарву салидорнинг ўзини хижолатга солди.
36. Кизиги шуки, унинг бошида гул очилди ва бутул унинг оёғига социлди.
37. Яшил ранги – зумуррад, риштасидаги тутмалар – забаржад.
38. Ҳар томонда ойна рангли ҳовузлар, бу ҳовузнинг намидан ойналар зангла майди.
39. Бу кўзгуда – жоннинг сурати, арикларнинг кўриниши гўё унинг ластаси.
40. Бу арик суви рух учун кут, унинг ичида ги майдо тошлиар эса лаъл ва ёқут.
41. Сув гулнинг оёғига бошини, балки бу ушокдай топларини кўйди.
42. Гул оёғига таксин – зийнатлансин учун халкол, балки оёқлари остига нисор қилинган ҳазинадир.
43. Бокира сифатли ғунчанинг пардаси ёпик, унинг баҳт риштасидаги тутун очилмаган.
44. Гулнинг хусни, намойиши ва хон кўлига хурсандчилик учун олсин дея...
49. ... насим эсгаҳ, шабнам дур солди, гулнинг барги эса угга кумуш тўкли.
50. Сабзанинг ва гулнинг акси – сувда: гўё ораз ва хатт – кўзгуда.



51. Гул узра шабнам түшди ва хар варак аланталаниб турган юз узра томган терларни намоён этди.
52. Корайиб, ўзига ўзи чирмашган сунбул захарли илон каби, унинг нишидан гунча озорда.
53. Бу илоннинг захридан ғунчанинг сурати яшил тусга кирди ва унинг бошида булбул афсунпар бўлди.
54. Бонжалар тутма деб ўйлаганлари гулнинг оёғидаги заҳардир.
55. Лекин гулнинг ништари бор, унинг ништар уришига чидаёт олмай, булбул нола чекади.
56. Сарвнинг оёғида тазарв хиромон юриб, шулья каби ёнади, гүё ундан чиккан тутун – сарвдир.
57. Товус хар томонга жилва қилиб, ўзини кўз-кўз этади; гуллар, гул николлари эса ундан шикастланади.
58. Янги чиккан шоҳлари ва бехад кўп каби барглари толни соchlари ёйилган девонага айлантириди.
59. Боф ҳакими хийла ва макр билан унинг оёғига сувдан занжир солди.
60. Наргис беморликдан халос бўйлмай, кўзлари яракондан саргайган.
61. Уранги синикиб, сувга кўзини тикиди ва сув ичидағи яшил ўтни балик деб ўйлайди.
62. Ҳамишабахор гули номиядан келган элчига занг каби зарини хар сари сочиб, ўзини ошкор килди.



63. Лола майпараст қиморбоздек шовкин солдики, унинг тогораси ичиде ёмғир қиморнинг тошлари бўлди.
64. Гул бу ўйинга ҳавас кўрсатиб, чўнтагидаги олтиналарни ютқазди.
65. Дўл ўз тошини бинафшага урди, бинафша эса бошини кўк рўмол билан боғлади.
66. Чакмок булутичиди бир шулья кўрсатади, бир катра сув Хизр ҷашмаси каби руҳбахшидир.
67. Ўликини тирилтириши учун Тириклининафаси елга айланди.
68. Катраси гавжар сувидан кўпроқ, тупроғи жаннат гулидан покиза.
69. Кўнгил бу Ирамни тавоғ қилишда бехол бўлиб, ақлу хуши учди, тили лол котди.
70. Бу разванинг хар тарафига бокиб, бир гаройибни минг карра зиёда кўрди.
71. Унинг кўзлари хар канча томошаталаб бўлса, таажжуби узра янга таажкуб ортди.
72. Фикрати калаванинг учини тополмайдолди, хайрат устига хайрати авжга чикди.
73. Ақлнинг ишини кам жунунга айлантириди, ваваса ҳушини забун килди.
74. Бу гулистонки, у жаҳондир! Балки гулнинг ичига жаҳон япириб кўйилган!
75. Бу ўз-ўзидан пайдо бўлиши мумкин эмас, модомики, шундай экан, унинг Дежкони ким?
76. Ҳожанинг табиатига бу хайрат улкан тўлкини, ғаврони солди; хайратнинг ичиди бир Овоз унга деди:





77. «Бу бефойда хайрат нимадир? Сенга бу

хайратдан не фойда бор?..»

78. ...Хакқикат сирридан баҳраманд бўй ва
ботин кўзи билан назар сол!»

79. Бу сўз унинг кулогига дур каби етгач, у
хидоят нури билан кўз очди.

80. Сайроқи кушлардан кумрию булбулга-
ча, балки дарахт япроғидан гулгача...

81. ...барчаси Унинг Кайом сифатини зикр
этиб, хар бири Унинг шукри билан шукур
килгувчи эди!

82. Агар ел ва сув нағма қилаётган бўйса,
Сониль бўлган Аллоҳни таниш билан уларнинг
хар бирида ўзгаца сирлар намоён!

83. Кўнгил хайрат билан ўтли фарёд чекди,
чунки бутун борлик зикр ила сўзлаяпти, у эса
хомуш!..

84. Бу хомушлик оҳ тутуни билан димогига
бехушликни солди.

85. Сокий, жисмимга харорат етди, бода су-
видан юзимга гулобур.

86. То хушимга келай ва сўз айтай! Сўз ча-
мани ичра бир наво кўргазай!

Лугат

Азҳор – гўзалликлар, гуллар

Ашжор – дарахтлар

Саббаха исми раббикал аъло – سَبْبَحَةُ إِسْمَ رَبِّكَ الْأَعْلَوْ

– «Буюк Роббиниз исмини барча нуксондан

пок тутган холда тасбих ўқинг!» (Аъло сураси, 1-оят)

Сабуж – тонгда ичиладиган майд

Мусалло – жойнамоз

Ож – фил тиши, фил сугли

Обнус – кора тусли, танаси каттик, хушбуй

дарахт

Сандарус – сариқ тусли дарахт

Сарзаниш – маломат, озор, тальна

Зарногун – кўк тусли

Соки – дарахт танаси; болдир

Сапидор – ок терак

Сумансо – суман (ўсимлик номи) каби, гўзал

Мино – шипа, хаворанг

Хўд – икки чакка ва иякни ёпиб турадиган

темир калпок

Хижил – хижолат

Хайъат – кўриниш

Ариғ – ариқ, анхор

Халкол – оёкка такиладиган халка, такинчок

Помол – оёк остида эзилган

Чех – ...чи

Шукуфа – гул, чечак, гунча

Ораз – юз, чехра

Хат – лаб устидаги сезилар-сезилмас майдат

туклар

Афрухта – порлаган, аланталаниб турган

Арак – тер

Афъий – захарли илон

Пайкар – сурат, шакл





Хор – азоб, дард

Доия – истак; чакирик

Минкор – тумшук

Тазарв – тустовук

Гулу – хаддан ташкари кўп

Жўлида – паришон, таркок

Мў – мўй, соч

Хиял – хийлалар

Силсила – халкалар, занжир

Мараз – касаллик

Ариғ – пок

Яракон – сарик касаллик

Номия – хайвон ва ўсимликинг хар то-

монлама ўсип хоссаси

Пайқ – хабарчи, элчи

Ринд – майпараст

Мукаммир – киморбоз

Тос – тогора

Кальбатайн – кимор, нард тошлари

Жайб – чўнтак, этак

Хурда – майда олтин бўлаклари

Жола – дўлл

Ёғлиғ – рўймол, ластрумоль

Дарахш – чакмок, ялтираш, порлаш

Амвот – ўлим

Ихё – хаёт

Анфос – нафаслар

Фириҳ – ортиқ, зиёда

Назих – покиза

Тавф – кўзга суриш, тавоф

Булъажаб – таажжубланаарли, энг қизик

Сарришта – калаванингучи

Яъс – ғам

Ниход – табиат, табъ

Хуруш – тўлқин, ғавро

Суруш – овоз

Баҳравар – қалб кўзи, ботиний кўз

Фохта – сайреки куш

Сониль – гўёзал ва бетакрор шаклда Яратув-

чи, Аллохнинг исму сифати

Бухор – тутун

Тоб – харорат

ҮН ТҮККИЗИНЧИ БОВ

(Шарх)

Набиймиз, хабибимиз, оламлар сарвари Мухаммад мустафо Расууллох солаллоху алайхи ва салламга кирк ёшларида вахий келди. Хиро горида Жаброил алайхиссалом Аллохнинг илк каломини етказдилар. Мухаммад солаллоху алайхи ва саллам кўркиб кетдилар. Уйларига келдилар ва Хадича ро зияллоху анҳо онамизга: «Мени ўраб кўйинг! Мени ўраб кўйинг!» – дедилар...

Ибн Аббос розияллоху анхумонинг айтишларича, пайгамбаримиз Мухаммад солаллоху алайхи ва саллам ўз хајонларини босиш учун ўраниб ётиб олдилар. Шунда Жаброил алайхиссалом яна келдилар ва Музаммил су расининг илк оялари нозил бўлди:



Маъно таржимаси:

«Эй ўраниб олган зот! Тунлари ўринингдан тур – кечанинг бир кисмини ибодатда ўтказ, бир кисмида истироҳат эт!» (1 – 2-оятлар)

«Музаммил» сўзи лугатга кўра, «ўраниб олган одам» матьносини билдиради.

Музаммил сураси 20 оятдан иборат. Үн тўккиз ояти Маккада тушган. Йитигирманчи ояти эса Мадина шаҳрида нозил бўлган. Оятлар сиёқига кўра, Аллоҳ таоло ўз Расуулини, солаллоху алайхи ва саллам, кўллаб-куватлайди, унга кунларни, тунларни кандай таксимлашни ўргатади, Аллоҳга ибодат килиш ўйл-йўрикларини беради, Аллохнинг динига коғир бўлганларга азоб вальда киласи.

Алишер Навоий «Хайрат ул-аброр» достонидати иккинчи хайрат бобида Кўнгиллининг мулк – Ер оламидан дунё осмонинга – коинотга килган саёҳати ҳакида ҳикоя килган. Бобининг сарлавхасида эса юкорида тарихи ва мазмунидан гап бошлаганимиз Музаммил сурасидаги 8-оятни келтирган. Шоир айнан Музаммил сурасини танлагани нафакат Кўнгиллининг саёҳатларини тушунишида, балки «Ҳайрат ул-аброр» достони, умуман, «Ҳамса»нинг тўлик концепцияси, гоявий йўналиши, максад-мулдаоси, шоирнинг маслагу эътиқоди хакида аник, равшан, катъий хуносани беради.

Кўнгил мулк оламини кўрди. Замон ва мақон жихатдан олиб қарасак, горизонти ва вертикал ўлчамлари бениҳоя кенг, жатто, ўлчамсиз, ҳажмсиз – яъни инсон аклига сифматиган – худудларда воеалар содир бўлмокда.





Алишер Навоий одам аклини, калбины, руолам саржадлари ичиде тасвирламокда. Аладий тафаккур мезонлари билан караганда бу юксакликдир. Ақл ожиз, рух, – күнгил затт этишга көдир бўлган юксаклик ҳакида сўз бормокда.

Мухаммад соллаллоху алайхи ва салламга вахий келиши – Илоҳият ва инсоният ўртасида алоқа тикланганига далолат эди. Алишер Навоий одамзод тарихида бу улуғ ходиса жараёнида тушган Музаммил сурасидан 8-оятни асос килиш билан, аслида, инсон кўнгли кандай бўлиши лозимлигини ёки инсон кўнглининг асл ўрни, макони каер эканлигини, инсон кўнгли каерга караб талпиниши зарурлигини айтмоқда.

Шоир Кўнгилни иккинчи ҳайрат бобида ҳумою бол куш деб атайди. Коинотни малакут олами – Аллоҳнинг ҳукми бевосита нозил бўладиган олам ўларок кўрсатади. Кўнгил куш каби парвоз этди. Бу оламдаги хар бир кават фалакка чиди, кўнди, назар солди. Уларнинг хаммаси Музаммилдаги 8-оят ҳукми билан мутахаррик эканини кўрди:

وَذِكْرُ أَسْمَ رَبِّكَ وَبَيْلَ إِنْهَىٰ تَبَيْلَ

Маъно таржимаси:

«Роббингнинг исмини бутун оламлардан узилган ҳолда зикр эт ва унга бутун вужудинг билан юзлан!»

Мазкур бобни Алишер Навоий рахматуллохи алайх воеа рўй берадётган вакти тасвирлаш билан бошлайди. Биринчи ҳайрат воеалари тонг вакти бошланган бўлиб, кун бўйи давом этди. Кўнгил мулк оламини кезиб, у жойнинг гўзллигидан эмас, билъакс, жами мавжудотларнинг Ҳак зикри билан машғул эканлигини кўрди, ўзининг хомушлигини англагач, ҳайрати зиёда бўлди ва хушидан кетди. Кўнгилнинг бежушшлиги бир тун ва бир кун давом этди. Ниҳоят, кейингти куннинг окшомида Кўнгил уйғонади – ҳушига келади.

Турк сўзининг бир маъноси «шўх», «гўзал» демакдир. Хўтган шахри кадим турклар ўлкаси бўлиб, Мовароуннахр ва Хурросонга нисбатан Шарқда жойлашган. Шунинг учун күёлга нисбатан «Хўтган турки», яъни «Хўтган гўзали», «Чин луббати» – «Чин кўфиричоғи» каби ташбихлар кўлланган.

Алишер Навоий кундуз ниҳоя топиб, ошом бошлангани ҳакида сўзларкан, ўша лахзаларнинг сувратини чизади:

- 1) Хўтган гўзали бўлган офтоб ўзининг зебожамолини ёпди, окшомда эсадиган насим шамоли эса бутун оламга мушк – кора хушбўйликни сепди;
- 2) насим буткул хушбўйдан иборат бўлиб, нафас урган эди, бўтакўз – кундузнинг сахфаси ёплиб колди;



3) жаҳон гулнинг николи каби оппок гулларини (кундузни) тўқди – фалак боячасида настарин – юлдузлар очилди;

4) Чин кўғирчоги бўлган кўёш юзини ёпиб, кора сочларини ёқди;

5) бутун оламни бу кадар ёкимли хид қоплагани боис тунда само кезадиган юлдузларнинг димоги куриб колди ва кўзларидан уйкулари қочиб, чаракладилар;

6) тун кўршапалак каби бўлиб, елкаларига канотларини йигиб ўтирган эди, у ўрнидан кўзгалди ва парларини ёзиб, фалакка учди, ой эса унинг учун доира чала бошлиди;

7) кўк ўтлоқзорга ўхшайди, унинг атрофи эса мовий доира ва юлдузлар билан ўралган.

Ана шу холда Кўнтил осмонга бокиб, яна акли шошли. Чарх – тақдир найрангбоз бўлиб, хар нафас уни довдиратиб, турли найранглар кўрсата бошлиди. У найрангбоз учун бутун бошли осмон чодир. Чарх – тақдир найрангбоз бўлиб, хар нафас уни довдиратиб, турли найранглар кўрсата бошлиди. У найрангбоз учун бутун бошли осмон чодир, ўйнатадиган кумушбадан кўғирчоқлари эса юлдузлар. Кажхашон – Сомон ўйули эса кўкка сайр этиши учун узун йўлак. Кўнтил шу йўлакдан юриб, осмонга сайр килишни хоҳлади. Само бир боғ каби ҳар юлдузини гулдек зийнатлаб, кўёшнинг рашкини келтириб турган палла эди. Кўнтил бу гўзалик қарписида бир оху наво тортди ва фалакка сайр учун кўтарилди. У бу сирларнинг хам маъносига этиши шарт эди.

Ушбу нуктагача ўрганиб, шуни киска холоса килиш мумкинки, Алишер Навоий Кўнтилни

Ер устида тасвирилаяти, воеалар тунда юз бергитти. Кўнтил ўзи турган маконни ўзгартириди – у кўкка йўл олди. Бирок у кандаи килиб учди? Алишер Навоий раҳматуллохи алайх Кўнтилни «Тойири кудсий» – «Пок күш» деб атайди. Унинг танаси Ерда колади, ўзи фалакнинг юлдузидек фалаклар узра чиди. Кўнтилнинг тутпроқдан яралган танасидан Рухи ажралган бўлиб, Рух ўз хоссасига кўра тортиш кучларидан голибидир. У моддий олам коидаларига бўйсунмайди.

Кўнтил учиб бораркан, йўлида бир равза – гўзал боячча, ҳовли намоён бўлди. Бу **Биринчи осмон** эди. Биринчи осмоннинг ўзи уммон, маркази олам эди. Яъни олам – инсоннинг яшайдиган макон биринчи осмоннинг кок юрагидадир, Ер ой фалагининг худудига киради. Биринчи осмонда халқа шаклидаги, юришлари олий хиромли, ўзи думалок лаган мисоли юлдузлар анжууманида машъалдек бўлган бир пайкар ўтирас эди. У пайкарнинг исми – Ойдир. Ой бечоралар кулбаси учун чирок, киёфаси – доирамонанд, савти хам, тасбихи хам Аллоҳнинг зикри билан банд. Балки унинг жисми улкан тил мисоли муттасил. Ҳакнинг мактобини айттаётган эди. Кўнтил Ойнинг ҳолатини томоша килиб бўлга, кенинги боячага ўтди – бу **Иккинчи кат осмон** эди. У ерда кумуш каби оппок бир бут сокин. Алишер Навоий бутпарастлар ўз бутларини



кумушдан ва қимматбаҳо ҳомапёдан гўзал шакллар билан ясашларига, бутлар шаклан чирой ва гўзалликни намоён этишини на- зарда тутиб, хушсурат инсонни ё бирор яра- тикини тасвирламокчи бўлса, бут ё санам каби гўзал дея тарьфлайди. Мазкур кават осмон- даги пособон ҳам шундай малоҳат сохиби – унинг қоси афсун килади, кўзи танноз, исп- ваю нози жонни олади. Сочлари ҳалқа-ҳалқа бўлиб, қозига тушган, соч ўзининг қора ранги билан ой каби юзига зирх тортган, гўё. У ўзи- га ўзи ошик, наво килиб, ўзига ўзи май куйиб ичади. Унинг ранги йититлиқ кувватидан ол, лекин ёнида бир қария ҳамдам. У қария шука- дар озгин эдики, суюкларигина эмас, танаси- ниңг ичидаги кон томирлари ҳам бўртиб чи- кан. Фусуналли куйлари билан қон сўрадиган мутриб унинг томирларига ўз оҳангти билан иғналар санчади, лекин ичидаги кон қолмагани учун томирларнинг ўзи ҳам нола килади. У гўзал пособон шу томирлар билан бирга жўро- вов бўлиб, Аллоҳга тинимсиз шукур килади.

Кўнгил унинг ҳолатини томоша килиб, ке- йинги – **учинчи фалакка** кадам босади. Бу фалак бир хужра эди, гўё. Унда сўзлаш санъа- ти соҳиби бўлган нодир зот ўтирибди. Унинг исми Муншо (Мунший)дир, унинг ҳатлари ришта, иншоси эса риштага кадалган дур каби бетакрор. Унинг табиати мум каби юм- шок, ўзи эса барча узуклардан зийнатли – узук

(нигин)дан мурод фалакдаги барча сайёра- лардир. Унинг табиати ҳалим экани шундаки, ҳар қандай зарф – косага куйилса, унинг ран- гига киради. У тинимсиз ёзар экан, когозлари сира кораймайди, чунки у Илоҳ учун мактов ёзяпти, бу мактovлар эса қофозни ҳам корай- тирмайди, табиий. Чунки Аллоҳнинг макто- ви факат нурга болслайди. Бу вазифада масъ- ул пособоннинг исми Зухрадир, яъни Венера.

Кўнгилни йўлда яна бир гулплан – тўргин- чи фалак кутиб турган эди. Бу фалак сохиби паридек гўзал, фалак бир кутича бўлса, шу кутича ичидаги бебаҳо дур эди у. Фалакда ундан кўра нурли бирор саёра йўқ. Киёфа- си эса ойнадек тиник. Унинг кўзгусидан ой жило олган, чунки бу пособоннинг исми Күёш, Кўёшнинг нури эса Ойнинг юзини ёритади, табиий. Унинг нурлари худди қанотлар каби, Кўёш фалакда фаришталар сингари қанот ко- киб учади, утириклик манбаи, кўринипши ҳам хаёт суви қайнаб чикаётган булокни эслатади, ривоятларга кўра, хаёт сувининг булоғи зул- матда жойлашган, тун Кўёш учун ана шундай зулмат вазифасини ўтайди. Кўёш булок бўлса, унинг ҳар бир нури шу булокдан окиб чикаёт- ган ариклир. Йўқ, ундаи эмас, балки бу нурлар этил, ҳар бир тил эса Аллоҳнинг исмини зикр этади, Аллоҳга ҳамд ва мактov йўллайди.

Кўнгил бу осмон сохиби билан танишиб, **бешинчи самога** ўтди. Бешинчи само уруш





майдонига ўхшайди. У ерда Тахттан – Бахром (Марс) сайёраси кон тўкиш билан машгул. Каҳрининг олови осмонга ўрларкан, ундан чиккан тутунлар – ғазаб, хар бир учкуни эса юз йил учадиган думли юлдуз сингари. Унинг хунари – жумла оламга каҳр кўрсатиш, ўзининг аччиғи боис у бошдан оёқ заҳарга айланган. Кўлидаги коса одамларнинг бошидан ясалган, ичаёттани май эмас, кон. Камонидан учган ўқ юлдузларни нишонга олади. Киличи эса ойни кесади. Ажойиби шуки, унинг хар бир тиги – ханжару киличлари, найзао пайконлари тилдир, бу тилларнинг ятона иши оламлар Роббисига мактov айтиб, уни зикр килишдан иборат.

Кўнгил Тахтанинг ишларига разм солди, Аллохга ўйлаётган мактovларини тинглади ва **олтинчи Фалакка** кўтарилиди. Олтинчи кўк бир ажойиб, сокин маскан экан. Унда юзларидан нур ёғилган бир зот бор. Қиёфаси фаришталарникидек. Кийимлари ипак каби. Елласига ташлаб олган матони ридо ёки тайласон деб атап мумкин, олти зинали минбарда ўтиради, зухд шукухи чехрасидан ёғилади. У ўз юзини тунлари очади, чунки унинг исми Муштарий (Юпитер), уни Ер юзидаги одам тунда кўриши мумкин. Нур ва сафо мул克拉ри унга берилган, чунки нукул Аллохга жамоли абадий давлату, ўзи ятона акл каби баҳтиёр.

Муштарийнинг шукухли масканидан сўнг қоп-кора юзли ва ўта секин ҳаракат киладиган бир зотнинг маконига ўттан Кўнгил бу жой оташпаастлар ибодатхонаси – дайрга ўхшашини билди. Унинг исми Зухал (Сатурн) бўлиб, жуда секин харакат қиласар, ишларини сабр устига курган эди. Бу **еттинчи кават осмони** бўлиб, Зухалнинг кора пешонаси машқкат кунига, чўллок оёғи эса айрилик кунинга ўхшайди. У шиддат билан югураётган саломларни кузатади, бирок ўзи оғиркарвон. Ҳеч шопшмайди. У етти кават осмоннинг устини – еттинчи Фалак томини тавофгоҳга айлантирган. Юз йилда бир бу жойни тавоф килиб кўяди. Кўлида – тасбих, хамиша Ҳайй (Гирик) ва ҳар ишга Қодир бўлган Зот Аллохнинг зикри билан машғул. Зухалнинг кўлидаги тасбихдан муород – уни ўраб турган ҳалқадир.

Кўнгил етти кават фалакинг хаммаси билан танишга, **саккизинчи осмонга** хам дучкелди. Бу осмон чўккилар устига курилган қалъалардан иборат. Шу кадар юксаки, «Буруж» сурасидаги «Зотиги буруж» (Буржта кам) ояти айнан у хакла бўлса, не ажаб! Қалъалар остига казилган хандакнинг туби кўринмайди, деворлар устида ўн иккита бурж – туйнуклар бор, лекин дарвоза йўқ. Бу туйнуклар деворнинг танасидаги очик жароҳатни эслатади, ичига боксанг, ажиб хоналар бор. У хужраларда жилва кўрсатиб ўтирган зотларни кў-





риш мумкин. Улар тинимсиз сайр этадилар, лекин сайрлари ўн икки маком – ўн икки маңдан ташкарида бўлмайди. Бу ўн икки юлдуз бурж бўлиб, уларнинг номлари куйидагичади: Далв, Хут, Хамал, Савр, Жавзо, Саратон, Асад, Сунбула, Мезон, Араб, Кавс, Жадў. Кўнгил буржларни айланаб, уларнинг барчаси Карими Мутабол – Олий Саховат соҳиби Аллохнинг зикру хамди билан бандлигига ўзвоҳ бўлди.

Кўнгил бу фалакдан хам юкорига чиқди, тўккизинчи кават осмон эди бу. Коинотнинг сўнгти чегараси бўлиб, у ер бутхона сингари мухташам эди. Бутларнинг барчаси нурга чулғанган, оплок бўлиб, ўзларини ясаган бутгарга – Яратувчисига муттасил сажда қиласи эдилар. Уларнинг бу саждаси бутпарастнинг бутга сажда килишини ёдга солади. Алишер Навоий раҳматуллохи алайх тўккизинчи кат осмонда Арш жойлашган деб хисоблайди, Аршни эса мухташам бутхона тамсили билан тақдим қиласи. У ерда Аллохга сажда килиш, уни улуғлаш билан машғул фаришталарни бут деб атайди. Мазкур истиоралар биз учун хотаниш ва тушунарсиз туюлади, аслида, шоир оламлар сифинадиган бутлар хам аслида Аллохнинг ихтиёридаги бир нарса эканлигини тушунтирияти, шунингдек, бутнинг нафси, хиссияти бўйлмаслитини, у карага кўйилса, ўша ерда қимирламай туриши, ўз ясовчиши уни синдириса хам, бирор жойини ўзгар-

тираса хам, итоат билан тураверишини, исён этмаслигини назарда тутиб, фаришталар хам шу даражада Аллохга итоатли эканлигини мальум киляпти. Бутларнинг жони йўқ, улар гунохга кодир эмас, бирорва озор бермайди, фаришталарнинг жони бор, лекин улар нафсоний хошишлардан ва гунохлардан мутлако холи зотлардир.

Кўнгил тўккиз кават осмоннинг чегарасига борди, кўрган гаройиботларига ибрат кўзи билан бокиб, англалики, барча яратиклар Аллохга сажда киляпти, Аллохни зикр киляпти, Аллохни улуғлаяпти. Бу Аллохни таниш – Мальрифатуллоҳа шоҳид бўлиш эди. Кўнгил ўз холига бокди ва ўзининг гунг эканлигини, гафлат чангалида қолганини тушунди.

Кўнгилнинг саёхатини томоспа килган ва у билан маънан фалакларни кезган муаллиф Сокийга – барчага хаёт бергувчи, иймон насиб этгувчи Аллохга юзланиб, жисми нафас олишга хам заиф бўлганини айтади, иймон май тўла турган жомга оғиз кўя олмаслигини мальум килиб, пахта билан оғзига томизишни сўрайди.

Коинотни кезиш, хар бир кават осмонда бўлиш Кўнгил учун улкан мальрифат эшиклигини очди, ети кат осмонни макон килган Ой, Аторуд, Зухра, Кўёш, Миррих, Мунтариий ва Зухал, сакизинчи кават фалакдаги юлдуз буржлари, тўккизинчи осмондаги Арш – бар-





часи бир хилда Аллохга итоат килиб, Унинг зикри, хамди билан машғуллитини англаш Кўнгилни маърифатга етаклади.

Кўнгил малакут олами Музаммил сурасидаги 8-оят амрини адо этаётганларини кўрдил:

وَذِكْرُ أَسْمَ رَبِّكَ وَبِنَلِ إِنْهِيَّ بَيْتَكَ

Мально таржимаси:

«Роббингнинг исмини бутун оламлардан узилган ҳолда зикр эт ва унга бутун вужудинг билан юзлан!»

Ҳайрат инсон фитратидаги заифликни, тасслимиятни келтириб чикаради. Аллохнинг азамати ва жалолияти кошида одам, шубҳасиз, ҳайратдан қотиб колади. Кўнгил ана шу ҳолатларни бошдан кечириб, фалаклар устига чиди. У ерда ҳам ҳайрат юкидан кучини йўқотди, учинчи ҳайрат бобида эса у ўзига Ватан излайди.

Ул ҳумоюнбол күшнинг мулк олами гулестонидин малакут олами шабистонига ҳаво килиб, ул раффи манозилнинг шамъ ва машоилин за-бона тилидин «Вазкур исма раббика ва табаттал илийхи табтило» ҳукми била Холики аслий зикрига зокир эркачин мальум килиб, ҳайратдин бир оламдин яна бир оламга боргони ва бу ҳайрат яна ани бехудлукка солгони

1. Турки Ҳўтган ёпти чу зебо жамол, Мушк фишон бўлди насими шамол.
2. Урди нафас нафҳаи анбар насим, Ёпти варак сафҳаи абҳар шамим.
3. Тўкти жаҳон гулбуни барги суман, Очиғи фалак боғчаси настаран.
4. Лъубати Чин чехра никон айлади, Зулғин очиб мушкфишон айлади.
5. Ройихадин айлади бу суда мушк, Анжуми шабгард лимонини хушк.



6. Ўйлаки, ул юбс чутаъсири этиб, чекратибон кўзлари уйку кетиб.
7. Пардаги ўлди этин ичра карак, учти очиб пардаларин шабпарак.
8. Бумки, азми фалак ўлди анга, Доирадин ой дафак ўлди анга.
9. Кўк ўланг атрофида хар гунавард Анжум или доираи ложувард.
10. Бу кечаким юз тааб ўлди анга, Бир-биридин булъажаб ўлди анга,
11. Айлар эди чархи мушаъбид шиор Хар нафасе ўзга тилисм ошкор.
12. Кўк бу мушаъбиднинг ўлуб чодари. Ахтар ўлуб лужбати симминбари
13. Хайъати тулоний или Каҳкашон, Чархка сайр этали йўлдин нишон.
14. Дема китоба фалак айвонига, Раҳрав ўлуб чарх шабистонига –
15. Килди чу зийнат била боғи сипехр, Ахтарининг хар гулини рапшки меҳр.
16. Тойири кудсий яна истаб наво, учти доги ул сори қилди ҳаво.
17. Колиби хокий колибон хок уза, чикти фалак ахтари афлок уза.
18. Рух каноти била тойир бўлуб, Чарх шабистонига сойир бўлуб.
19. Ушбу жинон равзассининг тойири, Бўлди чу аввалги чаман сойири.
20. Зоти анинг жавхаре эрди басит, Оlam анга марказ ўлуб, ул мужит.
21. Ҳалқа бўлуб жавхари улвий хиром, Хотам анга нуктаи сифлий маком.
22. Ҳалқа дема, балки мудаввар лаган, Шамъи анинг машвалии анжуман.
23. Машъал ўлуб хажр шабистонига, Шамъи гадо кулбай вайронига.
24. Нури бериб кулбага шамъи фарор, Шамъни кўйиким, гухари шабчарор.
25. Хайъати гах доира монанд ўлуб, Савт анга тасбихи Худованд ўлуб.



26. Гоҳ бўлуб пайкари андокки тил,
Айтур учун Ҳакка сано мутгасил.
27. Чун яна бир равзани килди ватан,
Сокин эди бир бути симинбадан.
28. Коши фусунгар, кўзи танноз ҳам,
Ул бир этиб ишва, бу бир ноз ҳам.
29. Турраси маргуласида юз гирих,
Мушкдин айлаб камар узра зирих.
30. Шоҳид ўзи эрди, навосоз ўзи,
Сокий ўзи, замзама пардоузи.
31. Ранги йигитлик майдин ол ўлуб,
Ҳамдами бир пири кухансол ўлуб.
32. Зоҳир этиб зальф сўнгаклар анга,
Ким кўрунуб жисмсида раглар анга.
33. Рагзан ўлуб мутриби хажжомваш,
Раглар аро кон ўққидин нолакап.
34. Ўзи ҳам ул раглар ила ҳамсадо,
Раглару рагзан қилибон шукр адо.
35. Чун яна бир хужра сори чекти ранж,
Анда эди нодираи нуктасанж.
36. Ислм ўлуб ул ҳужрада Муншо анга,
Риштада дур ҳат била иншо анта.
37. Мум киби табъи аниг дилпазир,
Борча нигиндин бўлубон накштир.
38. Сув киби ҳар зарфга оҳанг этиб,
Ўзини ул зарф ила ҳамранг этиб.
39. Хомасидан нома сиёҳ ўлмайин,
Ёзғони жуз ҳамди Илоҳ ўлмайин.
40. Чун яна гулшанни маком айлади,
Ҳар чамане ичра хиром айлади.
41. Анда никон эрди пари пайкаре,
Дуржи сипехр ичра самин гавхаре.
42. Гавхари сарчашмаи жондин ёрук,
Ҳарне ўйқ андин ёрук, андин ёрук.
43. Ҳайъати оинаи гетинамо,
Қўзгуси ойнинг топиб андин жило.
44. Чарх уза парвози малойик сифот,
Хатти шиобий анга ҳар ён канот.
45. Чашмасини чунки Масихо топиб,
Пок дамидин ўлук ихё топиб.



46. Чашма аро оби хаёти аният,

Кеча саводи зулумоти аният.

47. Пайкаридин зохир ўлуб чашмалиғ,

Хатги шиоий анга хар ён ариғ.

48. Йўкки, бу хат боштин аёқ тил бўлуб,

Хар тили Ҳак зикрига қойил бўлуб.

49. Чун яна майдон сори кўргузди хез,

Тахмтане тортиб эди тифи тез.

50. Қаҳри ўти чекса чу дуди газаб,

Ҳар шарари юз йил ўлуб зузанаб.

51. Жумлаи оламга иши қаҳр ўлуб,

Аччиғидин боштин-аёқ заҳр ўлуб.

52. Тиф солиб ҳар сори аччиғидин,

Кон демаким, заҳр томиб тигидин,

53. Эл бошининг косасидин жом анга,

Май ерида кон бўлуб ошом анга.

54. Ҳам ўқи тийра кеча анжумрабой,

Ҳам киличи заҳми ўлуб янти ой,

55. Румҳи била ўқлари, бал тифи ҳам,

Тиллар ўлуб дегали шукри ниам.

56. Чун яна бир марҳалаға чекти раҳт,

Сокин эди сахнида бир некбаҳт.

57. Ўзи малакваш, кийими ҳулласон,

Хоҳ ридо бил ани, гар тайлассон.

58. Минбари шаш поя уза ўлтурууб,

Зужд шукухи юзидин билгурууб.

59. Чехрани очмок кеча одат анга,

Машъал ўлуб нури саодат анга.

60. Давлати сармад киби фаррухжамол,

Акли мужкарради киби фархундафол.

61. Кишвар анга нуру сафо хигтаси,

Анши этиб ҳамду сано хутбаси.

62. Чун яна бир дайр сори қилди сайр,

Кўрдики, бир хинду эрур пири дайр.

63. Ҳар ишида сабр таманий анга,

Сабр киби ишда тааний анга.

64. Тийражабин ўйлаки, меҳнат куни,

Лангхиром ўйлаки, фуркат куни.

65. Дайри сабукравға нигаҳбон бўлуб,

Лек батийсайру гаронжон бўлуб.



66. Томини бу дайрнинг айлаб матоғ,
Карн ўтубон айлаб ани бир тавоғ.
67. Илгидаким субхани айлаб мудир,
Тилни килиб зокири Хаййи Калир,
68. Чун яна бир куллага айлаб карор,
Толиб анинг даврини маҳкам ҳисор.
69. Буржига бу ети фалакдин уруж,
Балки анинг бобида «Зотил буруж».
70. Хандақининг умкига андоза йўқ,
Буржи ўн икки, анга дарвоза йўқ.
71. Равзана ҳар буржи аро гурфае,
Жилвагар ул гурфа аро турфае.
72. Турфа буқим, сайр килиб барлавом,
Сайрлари лек ўн икки маком.
73. Хол тили бирла макол айлабон,
Ҳамди Карими мутаол айлабон.
74. Чун боридин юқкори урди алам,
Юқкориги пояга кўйди қадам.
75. Кўрди ўшул хиттани бутхонае,
Ҳар бутининг хайъати дурданае.
76. Анда не раҳбон эди, не барҳаман,
Лек бори бутлар эди сиймтан.
77. Ҳар бути буттарга парастишда маст,
Ўйлаки, бут саждасида бутпараст.
78. Мунча гаройибгаки, қилди гузар,
Айлади ибрат кўзи бирла назар.
79. Борчасида зикру сужуданглади,
Маърифатуллоҳа шуҳуд англади.
80. Юзланиб ўз жолида гайрат анга,
Бирга минг ўлди яна хайрат анга,
81. Ким бори зокири эди, ул гунгу лол,
Борчаси маҳмузву, ул ошуфта ҳол.
82. Қилди яна хайрати бехад ани
Ҳуш заволи била бехуд ани.
83. Сокий, эрур жиссим анинглек заиф
Ким, нафасим чиккали эмас ҳариф.
84. Жомға худ мен кўя олмон оғиз,
Пахта била оғзима они томиз.

ЎН ТҮККИЗИНЧИ БОБ

ИККИНЧИ ХАЙРАТ

(Насрий баён)

У бахтиёр иқболли күпининг мулк олами гулистанидан фаришталар олами шабистонига ҳаво қилиб, у юксак манзилларнинг шам ва машъалаларининг тили «Вазкур исма раббика ва табагтади илайхи табтило» ҳукми билан Аслий Ҳоликнинг зикри билан зокир эканини билиб, хайратдан бир оламдан яна бошқа бир оламга боргани ва бу хайрат уни яна ўзсизликка согани

1. Ҳўтган Турки гўзал жамолини ёпди, насим шамоли эса мушк соғди.
2. Ҳушбўй насим хушбўй нафаси билан пурфлади, бўтакўз хидли сахифанинг варагини ёпти.
3. Жаҳон гулбуни суман гулларининг опекои баргларини тўқди, фалак боғчаси настарин гулларини очди.
4. Чин кўғирчоги чехрасини яшириб, зулфини очиб, атрофни мушк билан тўлдирди.
5. Бу туйиб, майдаланган мушк хиди тунда кезиб юрувчи юлдузлар диморини куриди.

6. Бу куруқлик таъсир килиб, уйку кетиб кўзлари киртайб колди.
7. Елкаси ичида бир неча каватли парласи бўлган кўршапалак пардаларини очиб учди.
8. Азм этгач, фалак унинг манзилига айланниб, доира шаклидаги ой унинг учун доира чалувчи бўлди.

9. Унинг атрофидаги кўк ўтлок турли юлдузлар ва мовий доирадир.

10. Бу кечга унинг учун козлаб изтироблар етди, оламдаги хар бир яратик гаройибдан гаройиб эди.

11. Чарх найрангбозликини шиор килиб, хар нафасда хилма-хил тилсимлар кўрсатар эди.

12. Осмон бу найрангбознинг чодири бўлди, юлдузлар эса унинг оқ баданли кўғирчокларидир.

13. Узунчок кўрининши билан Каҳкашон осмонга саёр этадиган йўлдан нишон беради.

14. Буни фалак айвонидаги ёзув дема, чарх шабистонида йўловчи бўлиб...

15. ...осмон боғи зийнат билан хар юлдузининг гулини кўёшнинг рашкини келтирувчи килди.

16. Кудсий куш наво истади ва яна у томонга хаволанди.

17. Унинг тупроқдан бўлган танаси Ер узра колди ва фалак юлдузи фалаклар узра чиқди.

18. Рухининг каноти билан у куш бўлди, чархнинг шабистонига саёр этгувчи бўлди.



19. Ушбу жаннатларнинг куши биринчи чамнинг кезувчиси бўлди.
20. Унинг зоти кент бир жавхар бўлиб, олам унинг маркази, у эса мисли уммондир.
21. Унинг жавхари халка бўлиб, олий калам босувчи эди, куйи маком нуктаси унинг учун хотам эди.
22. Уни халка дема, балки у думалок бир лагандир, унинг шами эса анжумани ёритувчи машъаладир.
23. У хажр шабистонидаги машъала, гадоларнинг вайрона кулбасига шамдир.
24. Бу фарорат шами кулбага нур берди, шамни кўй, у тунни ёритувчи гавхардир.
25. Унинг киёфаси доирага ўшпайди, овози эса факат Худовандни макташ учун янграйди.
26. Гоҳо унинг бутун вужуди тил бўлиб, Ҳакка тўхтамасдан сано ўқийди.
27. У яна бир ҳовлини ватан килди, унда бир кумушбаданли бут сокин эди.
28. Унинг коши фусунгари, кўзи танноз бўлиб, коши ишва, кўзи ноз билан банд.
29. Ёйилган сочининг кокилларида юзлаб халкалар бор, мушк билан камар юзини зирхлаб ёғган.
30. Гўзал маҳбуба ўзи эди, наво этувчи ошик хам ўзи! Сокий хам ўзи эди, овозини гўзал қилиб кўйлаган хам ўзи.
31. Унинг ранги йигитлик майидан ол бўласада, хамдами бир қари чол эди.

32. Чолнинг суклари унинг хасталигини, заифлигини зохир килиб, жисмидаги кон томирлари хам кўриниб турар эди.
33. Кон оловчидек мутриб томирларга игна уради, лекин ичидаги кон йўклигидан томирлар нола чекади.
34. Ўзи хам томирлар билан жўровоз бўлиб, томирлар ва кон оловчи биргаликда шукур адо килар эди.

35. У эса яна бир хужра томон кадам кўйди, унда латофатли сўзлайдиган бир нодира бор эди.
36. Унга «Мунший» исми берилган, унинг учун риштадаги дурҳат билан иншо бўлди.
37. Унинг табби мум каби юмшок, у барча узуклардан кўра накшли, гўзалроқдир.
38. Сув каби хар косага куйилиб, ўзи хам у косанинг рангига киради.
39. Унинг қаламидан номалар кораймайди, чунки у Илоҳ ҳамидидан бошқа бирор сўз ёзмайди.
40. У яна бир гулшанни маком қилди ва бу гулшан ичидаги хар бир чаманга кирди.
41. Чаман ичидаги пари пайкар яширингандан бўлиб, у фалак кутичаси ичидаги бебахо гавхардир.
42. У жон сарчашмасининг гавхаридан хам нурли эдики, хотто энг порлок нарсадан кўра у ёругрок!
43. Унинг киёфаси мовий кўзгу сингари, ойнинг кўзгуси ундан жило топади.



44. Осмондаги парвози фаришталарнинг учишларига ўхшайди, нурга тўлган мўйлари унинг учун хар томондаги канотлардир.
45. У ўз чашмасини Масихо деб топади ва унинг пок нафасидан ўликлар тирилади.
46. Бу чашма ичди – унинг оби хаёти, кечанинг коронгулиги унинг зулматидир.
47. Унинг вужуди чашмани эслатади, нурли мўйлари хар томондаги ариклар каби.
48. Йўк, бу мўйлар бошдан оғигача тиллардир, ҳар бир тил Ҳакнинг зикри билан машғул.
49. У яна бир майдон томон сакради, бу майдонда Гахмтан ўткир тигини сермайди.
50. У ўз қаҳрининг ўтини кўрсатса, газаби тутунга айланади; бу ўтнинг хар учкуни юз йил учадиган думли юлдуз, гўё.
51. Унинг иши жумла оламга қаҳр кўрсатиш бўлиб, ўзининг аччиғи сабабли бошдан оёқ заҳарга тўлган.
52. Аччик килиб ҳар томонга тиф соларкан, унинг киличинан кон эмас, заҳар томади.
53. Одамларнинг бошидан ўзи учун жом ясад олган, май ичиш керак бўлган жойда у кон ичади.
54. Ўқлари тунда юлдузларни тўқади, киличи эса янги ойнинг заҳмидир.
55. Ҳанжарлари, ўқлари, балки тиглари хаммаси ўзига ато этилган неъматларнинг шукрини айтадиган тилдир.
56. Кўнгил куши яна бир манзилга кўчиб ўтди, бу саҳнда бир саодатманд зот сокин эди.
57. Унинг ўзи малакларга ўхшайди, кийимлари ипак сингари; у кийган либосни хоридо деб бил, хоҳ тайласон.
58. Олти зина устидаги минбарда уйтиради, зуҳдининг салобати унинг юзидан уфуради.
59. Кечалари юзини очиш унинг учун одат, саодат нури унинг учун машъалдир.
60. У абадий давлат каби нурозли, ягона ақл сингари баҳтиёр.
61. Нур ва сафо шаҳри унинг учун мулк килиб берилган, унинг хутбаси эса факат ҳамду санодан иборат.
62. У яна бир дайрга сайд қилди, кўрдики, бир хинду бу дайрнинг пиридир.
63. Ҳар ишда у сабрни истайди, сабр каби ҳар ишда оҳиста ҳаракат қиласади.
64. Унинг кора пешонаси машаккат кунини эслатади, оқсокланиб юриши айрилик куни каби.
65. У тез югурадиган Фалакнинг коровули, лекин юриши суст, ўзи оғиртабиатдир.
66. У бу дайрнинг томини тавоғ этиладиган жой килиб, бир марта тавоғ килиши учун эса юз йил ўтади.
67. Кўлида доимо тасбиж ушлаган кўйи тили Ҳаййи Қодир бўлган Зотнинг зикри билан банд.
68. У яна бир чўккига учиб бориб, карор тутди ва унинг атрофи мустажкам деворлар билан куршалганини кўрди.



69. Бу чўқкининг буржлари етти фалакдан баландрок, балки «Зотил буруж» ояти у ҳақдалир.

70. Бу калъя хандакларининг туби ўлчовсиз, ўн икки буржи бор, лекин дарвозаси йўқ.

71. Хар буржидаги туйнуклар бир хужрадир, у хужралар ичидаги бир гўзал жилвагарлар бор.

72. Ажойиби шуки, бу ўн икки жилвагар тўхтовсиз сайдир киладилар, лекин сайдлари шу ўн икки макомдан чикмайди.

73. Уларнинг хаммаси ҳол тили билан сўзлаб, Олий бўлган ал-Карийм Зотнинг хамдини айтади.

74. У хаммасидан хам юкорига байрок кадиди – энг юксак пояга қадам босди.

75. У ердаги масканни бир бутхона ўларок кўрди; бутхона бутларининг кўрининши эса дур каби.

76. У ерда на раҳбон, бархаманлар йўқ! Лекин барча бутлар кумушбадан эди.

77. Бутпараст бутта сажда килишдан масти бўлганидек, хар бир бут ўзларини ясаган бутгарга сифинишдан мастилрлар.

78. Кўнгил бунча гаройиботларга ташриф этгач, барчасига ибрат кўзи билан назар солди.

79. Барчасида зикр ва саждани англади ва Аллоҳни танимокка шоҳид бўлди.

80. Унинг холида бир гайрат ўйғонди ва бир хайрати минг бўлди.
81. Уларнинг барчаси зикр қилувчи элию, у гунт ва лол эди, барчаси жамланган, у эса ёлғиз ва ошуфтахол эди.

82. Чексиз ҳайрати унинг ҳушига завол етказди ва ўёзидан кетди.

83. Сокий, менинг жиссими унингдек заифки, нафасим чикмоги учун ҳам у дўстлик киломас.

84. Ўзим жомга оғзимни кўя олмайман, хеч йўқса, пахта билан оғзимга томиз.

Лугат

Шабистон – тун

Малакут – фаришталар

Нафха – хушбўй ҳиддинг таркалиши

Абхар – бўтакўз наргис

Шамим – хид

Лульбат – кўтирчок

Пабгард – тун коровули, тунда айланиб юрувчи

Хушк – курук

Юбс – курук

Чекрамок – кирттаймок

Эгин – елка; бўйин

Карак – марта, карра

Шабпарак – кўршапалак

Бум – манзил

Дафак – ногора, доирачи

Ўланг – ўт-ўлан

Гунавард – хар хил, турли хил

Мушальвид – найрангбоз

Чодар – чодир





Симинбари – окбадан, хушпүрүй	Некбахт – хурсанд
Хайъат – күйиниш	Хулласон – илакка, хуллага ўұшаш
Тулоний – узунчок, узунасига	Тайласон – бошга, бүйинга солиб, оркага
Басит – кент, ёйик	ташлаб күйиладиган мато,
Мухит – денгиз, океан	ридо
Улвий – юкори	Шаш – олти
Сифлий – күйи, тубан	Сармад – абадий
Мудаввар – доирасимон	Мужаррад – япон, якка
Савт – овоз	Фархундафол – баҳтили, баҳтиёр
Турра – кокил, ўрилган соч	Хитта – шахар
Маргула – соч ўримлари, жангалақ соч	Анши – иншо, ёзмок
Гирих – туғун	Таманий – истак, хоҳиши
Зирих – зирх, совут	Тааний – охисталик
Кухансол – эски	Жабин – манглай, пешона
Раг – томир	Ланг – чўллок, оксок
Рагзан – томирга итна уриб, кон олиш; тор	Сабукрав – тез юрувчи, тез харакатланучи, суръатли
чекиб, чолғу ҷалувчи	Батий – секин, суст
Ҳажжомваш – томирдан кон олувчи табибек	Сайд – килич; ёз
Нуктасанж – латофатли сўзлаш	Гаронжон – оғиртабиат, имиллаб харакат
Муншио – ёзувчи, иншо қилувчи	қилувчи, вазминлик
Зарф – коса, идиш	Матоф – тавоб этиладиган ер
Шио – нурлар, шульалар	Карн – юз йил
Хез – кўзгалмок, интилмок, сакрамок, сап-	Субҳа – тасбих
чимок	Умк – чукур, туб
Тахмтан – Бахром (Марс) сайёраси номи	Равзан – туйнук
Шаар – учкун	Гурфа – хужара, хона
Зузанаб – думли юлдуз	Мугаол – олий, юксак
Анжумрабой – тортувчи, элтувчи	Рахбон – бутпарастларнинг бошлиғи
Ниам – нельматлар	
Рахт – юклар, нарсалар	Барҳаман – браҳман, бутпараст



ЙИГИРМАНЧИ БОБ

«Мени зикр этинг, сизни зикр этурман!»

мазмунига кўра ўз Роббисини эслар эдилар.

Мазкур воеалар тонгда бошланади. Шоир

ўз услубига содик равишда вакт тасвири би-

лан сўзни очади. Бу холат учун бир неча таш-

биҳчларни келтиради:

1) күёш ўз байрориги кўтариб чиқди ва
фалакларда сайр килиб ўтгани учун учинчи
хайрат бобида шоир унга «ошуфтахол мусо-
фир» търифини беради. Кўнгил фалаклар-

тасвиirlариди эса у «Хумоонбол куш», «Тойи-
ри кудсий» номини беради. Кўнгил Ер юзи ва

хайрат бобида шоир унга «ошуфтахол мусо-

фир» търифини беради. Кўнгил фалаклар-

тасвиirlариди эса у «Хумоонбол куш», «Тойи-
ри кудсий» номини беради. Кўнгил Ер юзи ва

хайрат бобида шоир унга «ошуфтахол мусо-

фир» търифини беради. Кўнгил фалаклар-

тасвиirlариди эса у «Хумоонбол куш», «Тойи-
ри кудсий» номини беради. Кўнгил Ер юзи ва

хайрат бобида шоир унга «ошуфтахол мусо-

фир» търифини беради. Кўнгил фалаклар-

тасвиirlариди эса у «Хумоонбол куш», «Тойи-
ри кудсий» номини беради. Кўнгил Ер юзи ва

хайрат бобида шоир унга «ошуфтахол мусо-

фир» търифини беради. Кўнгил фалаклар-

тасвиirlариди эса у «Хумоонбол куш», «Тойи-
ри кудсий» номини беради. Кўнгил Ер юзи ва

хайрат бобида шоир унга «ошуфтахол мусо-

фир» търифини беради. Кўнгил фалаклар-

тасвиirlариди эса у «Хумоонбол куш», «Тойи-
ри кудсий» номини беради. Кўнгил Ер юзи ва

хайрат бобида шоир унга «ошуфтахол мусо-

фир» търифини беради. Кўнгил фалаклар-

тасвиirlариди эса у «Хумоонбол куш», «Тойи-
ри кудсий» номини беради. Кўнгил Ер юзи ва

хайрат бобида шоир унга «ошуфтахол мусо-

фир» търифини беради. Кўнгил фалаклар-

(Шарх)

Алишер Навоий биринчи хайрат бобида

Кўнгилнинг йўқлик тунидан борлик гулис-
тонига келгани хакида ёшиб, уни «Хожа» деб

агайди. Иккинчи хайрат бобида эса Кўнгил-

нинг тўккиз кават фалаклар бўйлаб кезгани

тасвиirlариди эса у «Хумоонбол куш», «Тойи-
ри кудсий» номини беради. Кўнгил Ер юзи ва

фалакларда сайр килиб ўтгани учун учинчи

хайрат бобида шоир унга «ошуфтахол мусо-

фир» търифини беради. Кўнгил фалаклар-

тасвиirlариди эса у «Хумоонбол куш», «Тойи-
ри кудсий» номини беради. Кўнгил Ер юзи ва

фалакларда сайр килиб ўтгани учун учинчи

хайрат бобида шоир унга «ошуфтахол мусо-

фир» търифини беради. Кўнгил фалаклар-

тасвиirlариди эса у «Хумоонбол куш», «Тойи-
ри кудсий» номини беради. Кўнгил Ер юзи ва

фалакларда сайр килиб ўтгани учун учинчи

хайрат бобида шоир унга «ошуфтахол мусо-

фир» търифини беради. Кўнгил фалаклар-

тасвиirlариди эса у «Хумоонбол куш», «Тойи-
ри кудсий» номини беради. Кўнгил Ер юзи ва

фалакларда сайр килиб ўтгани учун учинчи

хайрат бобида шоир унга «ошуфтахол мусо-

фир» търифини беради. Кўнгил фалаклар-

тасвиirlариди эса у «Хумоонбол куш», «Тойи-
ри кудсий» номини беради. Кўнгил Ер юзи ва

фалакларда сайр килиб ўтгани учун учинчи

хайрат бобида шоир унга «ошуфтахол мусо-

фир» търифини беради. Кўнгил фалаклар-

тасвиirlариди эса у «Хумоонбол куш», «Тойи-
ри кудсий» номини беради. Кўнгил Ер юзи ва

фалакларда сайр килиб ўтгани учун учинчи

хайрат бобида шоир унга «ошуфтахол мусо-

фир» търифини беради. Кўнгил фалаклар-

тасвиirlариди эса у «Хумоонбол куш», «Тойи-
ри кудсий» номини беради. Кўнгил Ер юзи ва

фалакларда сайр килиб ўтгани учун учинчи

хайрат бобида шоир унга «ошуфтахол мусо-

фир» търифини беради. Кўнгил фалаклар-

тасвиirlариди эса у «Хумоонбол куш», «Тойи-
ри кудсий» номини беради. Кўнгил Ер юзи ва

фалакларда сайр килиб ўтгани учун учинчи

хайрат бобида шоир унга «ошуфтахол мусо-

фир» търифини беради. Кўнгил фалаклар-

тасвиirlариди эса у «Хумоонбол куш», «Тойи-
ри кудсий» номини беради. Кўнгил Ер юзи ва

фалакларда сайр килиб ўтгани учун учинчи

хайрат бобида шоир унга «ошуфтахол мусо-

фир» търифини беради. Кўнгил фалаклар-



Жудотлар Аллохни зикр қилиб, Унга хамд ва мактоб юбораётганио ўзининг гафлатидан хайратга тушиб колди. Бу хайрат уни мастр килди, у бу хайрат ичди хушдан кетди. Ер юзини томоша килиб, коинот чегарасига қадар бориб келгац, у хам ўз ўрнини истади, зотан хар бир яратик ўз масканнида Роббиси зикри билан машгул.

Шу ҳолда кетаркан, Аллохнинг изни билан унинг каршиисида ажойиб бир шахар намоён бўйди. У қандай шахар эди? Бу шахар – инсоннинг баданидир.

- 1) бу шахардаги ажойиботларнинг чеки кўринмайди, турфа гаройиботларига саноқ ёўй;
- 2) уни Сунъ Илиги – Санъат Кўли балчикдан хамир килиб қорган ва лутф – юмшоқлик билан уни бехад гўзал қиёфали айлаган;
- 3) бу шахар икки устун узра ўрнатилган – одам танасини икки оёғи кўтариб туради;
- 4) шахар шундай тартиблантанки, у тўрт жавохирдан таркиб топган. Бу тўрт жавохирнинг иккиси баландда юради: шамол (хаво) хамда олов; иккиси эса куйид: тупрок ва сув. Сув оловга, тупрок ҳавога карши, умуман, бири иккинчисини инкор киласди. Лекин улар биринкиб, гаройиб адолатни – мўътадилликни барпро килган – инсон танаси айнан мана шу зиддиятли тўрт унсурдан ташкил топган. Бу шахарда масжид, бозор, маҳаллалар, кўчалар, бўстонлар, харобалар бор – инсон танасидаги аъзолар

мазкур айтилган маконларнинг вазифасини бажаради. Сўнг тўрт унсурнинг ўзига хос васфи келган: а) бу шахарнинг ўти бор – олови бор, бу ўт ҳудди Мусо алайхиссаломни дарахт шохидаги чорлаган олов кабилир; б) бу шахарнинг ели – Ийсо алайхиссаломниң нафаси сингари хаётбахш; в) суви шу кадар майинки, жаннатнинг зилолига ўхшайди; г) тулпрои эса гулдек хупбўй, ундан ёқимли ис таралади;

5) бу шахарнинг пойттахида бир тахтох мавжуд бўлиб, у бўлажак подшоҳ учун хозирлаб кўйилган, тахтнинг хусусияти шуки, ким унга келса, у барча иклими кўриб ўтириши мумкин; у тахтда ўтирган соглом бўлса, шахар элининг барчаси соғлом, агар бемор бўласа, барча бемордир – ифодалардан маълумки, гап калб – юрак ҳакида бормокда;

6) шахарнинг юкори кисмida Санъаткор – унинг кўриниши акли энг майда зарраларнинг моҳиятига етадиган доноларни хайрон, унинг тархи Чин наккошларини лол киласди; каср узра олий асоссли бир гумбаз бор, у юксаклиги билан осмон гумбази билан бўйлашади; бу гумбаз ичди нимаики бўлса, фалак гумбазига хам шу ракам килинган – бу тасвирлар инсон бошининг таърифи бўлиб, Алишер Навоий унинг азизлигини тушунтирумокда;

7) касрнинг бир эшиги бор – бу эшикдан дур ва гавжарлар сочилади, бу эшикнинг лаълдан





иккита дарвозаси бўлиб, у ҳар тарафдан соғ ва оқ дурлардан кунгурулар бор; эшикдан кирилса, унинг фарши – тўшамаси ёқутдан, дурлар эса уни куршаб туради – мазкур васф оғиз, тип ва тил ҳакида бўлиб, таърифлар бошни каср сифатида кўрсатиш билан мантикан боғланган;

8) ейиладиган ва ичиладиган ҳар не бу эшикдан киради; ундан кейинги йўл бўйлаб бу нэйматлар сахар ва шомда шахар одамларининг насибасига айланади; уларнинг ортиқаси учун икки йўл бор – катта ва кичик жоғат йўли;

9) касрнинг эшиги тепасида икки бодгир – бурун тўйнуклари бор; бодгир – шамол кириб-чиқадиган йўлдир; унинг кўриниши дилни хушнуд килувчи, у касрга оро бериб туради; бодгирдан насим кириб чиқади; бурун ичидаги сув (манка) устидан олинадиган нафас худди сув бўйлаб эсадиган шамол кабидир, у шохининг ботига ҳам бориб, унинг базмига шодлик баҳш этади; шоҳдан мурод – юракдир, олинган нафас юракка етиб боради ва кон айланисини тартиба солади;

10) бу шахар шохининг хикмат соҳиби бўлган бир вазири бор, у шу қадар оқилки, фикрата ни қаерга қаратса, мавхум нуктани ҳам юз қисмга бўла олади; вазирнинг фикрлари амрларни бажаришдан хурсанд, ралъи эса мушкул бўлган тутунларни ечишга уста; бу вазир юкоридаги касрда макон тутган – кўриниб ту-

рибдик, Алишер Навоий вазир дея Ақлни зарда тутмокда, Ақл инсон бошининг ичидаги (мияда) жойлашганига ишора қилиб, макони юкори касрнинг ичидаги леб тушунтирмокда;

11) касрда бешта супа бор, бу супалар устига чиккан ҳар томонни томоша қиласа бўлади; бу супаларни бир-биридан уста ва моҳир кордон – тадбир эталали эгаллаган; улар ўзлари соҳиб бўлган хунарда тентсиздирлар; хўш, улар ким? **Биринчиси** – кўриш кувватидир (босира). Кўриш кўз билан юзага чиқади. **Иккинчиси** – эшикниш кобилиятидир (сомия), бу вазифани кулок ад-қилади. **Учинчиси** – таъм билишдир (ломиса). Бу ишни тил бажаради. Тилнинг ўзи бальзан ўлим найзасига айлансанга ҳам, ҳайёт бағипласа ҳам, у таъм ажратишга масъул. **Тўртинчиси** – хид сезишибдир (зоика). Бурун хоҳ курук, хоҳ намчил бўлсин, хидларни кабул килади. **Бешинчиси** – сезишибдир (шомма). Иссяк ва совукни хис этмоқдир. Бу хусусият баданнинг ҳар нуктасига берилган;

12) касрнинг ичидаги бир даҳлиз бор, унинг майдонида беп омонатдор – ишончли ходимлар турадилар. Юқорида зикр этилган беш хис «жавоҳирлар»ни йигадилар: кўз тасвирларни, кулок товушларни, тил таъмни, бурун хидни, тана турли сезигиларни тўплаб, ушбу беш амин (омонатдор) **биринчисига** беради. У хизабони каби. Сўнг ушбу бойликлар **иккинчи** хазинабонга ўтказилади. Иккинчи хазинабон



Хаёлдир. Учинчиши ўзига етган ҳамма бойликни сакловчи. Тўплайди, асрайди. **Тўртингиси** эса мутасаррифдир – учинчи газначи бисотидаги бойликни ўз ўрнига сарфлайди. Унинг касби шу. **Бешинчи** амин хотириси пок, фикрати теран нойиб бўлиб, у бу мулкда вазир каби макомга эга. Унинг вазифаси шуки, икбол даргохига азм килади, истаклар Каъбасига юзини кўяди ва мамлакатни бошкариб ўтирган адолатли шохга арз этиб, хаузиналарни топширади. Шох эса келган барча бойлика назар солади, кабул этиладиган ва ради килинадиганларини ажратади, сўнг Иззат Ҳазратига – Иззат сохиби бўлган Зот – Аллоҳга юзланиб, барча тухфаларини оқиззлик, хокисорлик билан унинг ихтиёрига топширади.

Алишер Навоий инсон бошининг ичидарўй берадиган ҳолатларни – ташки ахборотларнинг кай тарика Калба – Юракка етиб бориши боскичларини ифодаламокда. Калб тананинг тахтохи, лекин ҳали шох йўқ. Бирок вазир бор – Ақл. У мияни макон тутган. Шахарга кириш ва чиқиш йўллар мавжуд. Беш хис ўз вазифасини муттасил бажармокда. Уларнинг келтирган, толған-тутгани ҳам беш боскичда бадан мамлакати подшохига етиб боради. Подшох эса уларнинг ичидан сараларини ажратаб, оламлар Роббисига ҳадя этади.

Шахарнинг йўл бопшловчиси улар учун Аллоҳнинг нажоти ва даражаларининг кўтари-

лиши сабабчисидир. Шоир «бадракаи роҳ» – йўлбошчи ҳали бадан мулкида йўклилига ишора килиб, мавке кўтарилиши айнан у сабабли эканига ишора беради.

Кўнгил бу жаҳонни кўриб яна лол қотди. У кўрдики, битта зарранинг ичига бутун бошлижаҳон сидидириб юборилган. Катранинг ичидада дарё мавжургаётир. Кўнгил бунинг сиррига нахангта айланиб, уни ютиб юборди. Хайрати дентиздек чайкалдики, Кўнгил бу дентизнинг энг чукур еридаги балик бўлиб колди, гўё.

Кўнтилнинг фикрати оловдек ёнди. У ўз алангасини кўкларга етказди. Ҳайрат эса уни ҳалок килди. Кўнгил ўзини билмай колди. Лекин бу ҳали буткул йўқ бўлиш – Ҳакнинг кошидаги таслимият эмасди. Чунки унда «тирикликинг» – «мен»нинг аломати бўлиб, бу бариккинчи фонийлик содир бўлди: ҳайратнинг ичидаги чексиз машакқат, оғрик ва изтироб Хожани – Кўнтилни яна фонийлик сари етаклади.

Тасаввуфа инсондан фано макомига етиш талаб қилинади. Фанонинг нима эканлиги мальум бўлган ҳолда бирор инсон фоний бўлдим, мен фанога эришдим дея олмайди. Фонийлик муттасил, тўхтовсиз равишда ўлимга қадар кечадиган жараёндир. Фонийлик ўзини йўқ деб билиб, факат Аллоҳни бор деб эътиқод килмокдир. Чунки тасаввуф таълимо-



тига кўра, инсон ўз нафсоний хошишларини ўргага кўйиб, Аллохнинг амрларини унутиб, нафси истаган йўлдан юар экан, уўзини Худо деб датво қилган хисобланади. Шунинг учун у фонийликка талпинади, ўзининг барча хишларини унугтиб, факат Аллохнинг амрларини бажариш иштиёқида яшайди. Алишер Навоитча бўлган сўфийлар инсон фоний бўлади, бас деб хисоблаганлар. Лекин кўлимиздаги манбаларда Алишер Навоий каби иккичи марта фоний бўлиш леган жумла ё бу ҳакда бирор ишора толмадик. У холда, шоир иккичи фано дегандан имани назарда туттган?

Бу саволнинг жавобини «Хайрат ул-аброр»нинг ўзидан излап керак деб хисоблаймиз. Расууллоҳ соллаллоҳу алайхи ва саллам мадхларига аталган бешинчи наътда мезроҳ воеаси бәён килинган эди. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайхи ва саллам тўккиз кават осмондан ўтиб, Аллоҳ билан роз айтишпар эканлар, фонийликка эришган эдилар. Лекин янагайтиб Ерга тушдилар. Яшадилар. Исломни Ер юзига жорий этдилар. Аллоҳ берган умр поёнига етиб, жонлари узилди ва иккичи фонийликка – муғлак бокийликка Аллоҳ ул Зот соллаллоҳу алайхи ва салламни кўтарди. Алишер Навоий рахматуллоҳи алайх барча мусулмонлар суннатга эргашган холда худди Набийимиз соллаллоҳу алайхи ва саллам сингари, мезроҳта чиқмаган холда, нафси-

ни тарбиялаб, тирикликларида фонийликка эришмоги керак деб хисоблайди. Бу Аллоҳнинг ҳузурига борганде бокийликка, Аллоҳнинг рахматини қозониб, Жамолига мушраф бўлишда аҳамияти деб билади.

Кўнгил ва унинг уч олам – Ер юзи, фалаклар ва инсон бадани бўйлаб саёҳати, хайратларга гарк бўлиши, хар бир оламда барча мавжудотларнинг Аллоҳ зикри билан машғуллигини кўриши, ўзининг гафлатининг англаши мажозий мальнода хам талқин килиниши мумкин. Кўнгил тимсолида Ҳакни англапни ва Унга куллик килишни касд этган хар бир инсонни тасаввур килсак, у бутун оламга басорат кўзлари билан караб, ўзига тегишли хулосаларни чиқармоги керак. У нафсини синдириб, голибликка – Аллохнинг ҳузуридаги муғлак таслимията муввафрак бўлса, бу биринчи фано макоми деб номланади. Лекин инсон буни охиратга бормагунча била олмайди. Шунинг учун тинимсиз зикр, тавба ва истигфорда бўлади.

Кўнгил иккичи фано макомини хосил қилгац, у ўзини бадан салтанати ичидагурди. Унга бу мулк фатҳ этилган бўлиб, гўё жаҳон мулки унга бўйсундириб берилди. Кўнгил атрофга назар солиб, мулк, таҳт, шоҳлик унга тегишли эканлитини англади. Бу «Ким нафсини таниса, батажқик, Роббисини танибди» мазмунидаги хикматнинг исботидир. Бу имом Бухорий даврида яшаб ўтган зоҳид Яхъе





ибн Музга тегишли бўлиб, Газзолий ва Байзозвий каби олимлар буни бир хикматли сўз ўларок келтиришида. Нафсини унинг кирдикорлари, ёвузиликлари билан чукур таниган инсон Роббиси қошида таслим бўлади.

Бобнинг сўнгти икки байтида Алишер Навоий сокийга мурожаат килиб, хуштальм май

тўла қадаҳ сўрайди. Бир-икки жомни кўтариб, Хожанинг мадхиди қалам суришини – Хожа Убайдуллоҳ Ахрор Валий васфи хусусида ёзипини мальум қиласди.

«Хайрат ул-аброр» достони учун танишиб чикканимиз уч бобга жо бўлган уч хайрат факат мазкур достоннинг рояси, мазмунни, йўналиши ни тушуниша, талкин килишида асосий қалит вазифасини бажарувчи нукталардан биридир. «Хайрат ул-аброр» инсон кўнглини покланаш, хаёт тарзини қай тарика Аллоҳ ризолигини максад қилган ҳолда куриш лозимлиги ҳакидаги назарий-фундаментал асар бўлиб, жамият хаётида фаол бўлган шахсларнинг мажнавий-рухоний оламига кўйилган талаблар ёхуд ички олам мувозанатини саклаш мезонлари акс этган кўлланма сифатида таърифланниши мумкин. «Шундай инсонлар хаётда борми? Бу йўлнинг замондаги раҳнамолари ким?» – деган саволга Алишер Навоий икки шахсни кўрсатиш билан жавоб беради: Бахоуддин Накшбанд ва Хожа Убайдуллоҳ Ахрор Валий. Бу масалада кейинги бобда сўз юритилади.

ЙИГИРМАНЧИ БОБ

УЧУНЧИ ХАЙРАТ

(Матн)

Ул ошуфта ҳол мусоғирнинг малакут олами шабистонидин бадан мулки шахристонига нузул қилғони ва ул кипвар ахлининг хам «Фазкуруни азкуркум» бўйруги била. Кодири Мутлак ёди бирла эрконин билиб, хайрат ўти иштиол этиб, вужуди ул ўтдин кули бўлуб, фано елига билкул совурумок била иккинчи фано макомин хосил этиб, андин сўнг Ҳакдин бакойи комилий этиб, Ҳожанинг ул мулкда хилофат таҳтига қарор тутқони

1. Мехр чу машриқ сори урди алам,
Олди жаҳон мамлакатин яккарам.
2. Тавсани гардунга минар майл этиб,
Чикти уфук жонибидин секритиб.
3. Чунки бийик бўлғугча қилди шитоб,
Солди ҳарорат била оламга тоб.
4. Ҳожаки, хайрат майдин маст эди,
Мастлик уйкусига ҳамдаст эди.





5. Солди күёш тоби чу мағзига жўш,
Сесканибон кирди диморига хуш.
6. Асрур ачиғ май била маҳмур ўлуб,
Балки кизик ўт била маҳрур ўлуб,
7. Гурбат ўти хар дам ўлуб шульзазан,
Тушти хаёлига хавоий ватан.
8. Ёна сафар ранжи кабул айлади,
Манзили азмиға нузул айлади.
9. Чунки жаҳон арсасидин топти баҳр,
Келди анинг олиға бир турфа шаҳр.
10. Хар ёни аъжубага хад нопадид,
Турфаи бехадга адад нопадид.
11. Сунъ илиғи болчигин айлаб хамир,
Лутф ила айлаб ани ҳайъатпазир.
12. Икки сутун узра килиб тальбия,
Анда кўп аъжуба килиб тальмия
13. Вазъини ул дамки мураттаб килиб,
Тўрт жавохирни мураккаб килиб.
14. Икки анга гавҳари улвий нажод,
Икки анга жавҳари сифлий никод.
15. Ўйла, таодулки, бўлуб тўрт зид,
Борча таракқуб юзидин муттаҳид.
16. Масжиду бозору маҳаллот анга,
Кўчаву бўстону харобот анга,
17. Ўтига Мусо ўти янглиғ зиё,
Ели Масихо дамидек жонғизо.
18. Суйи латофатда зулоли биҳишт,
Туфроғи гул, нағҳаси анбар сиришт.
19. Кишварининг калбиди бир тахтгоҳ,
Бўлмок учун хисрави кишварпаноҳ.
20. Тахтиға хар ҳолки, торий бўлуб,
Жумла ақолимида сорий бўлуб,
21. Анда салоҳ ўлса, борида салоҳ,
Бўлмаса солиҳ, бориси бефалоҳ,
22. Авжида бир қасрки, меъмори сунъ,
Айлаб ани мұқассам паргори сунъ.
23. Вазъида ҳайрон хиради хурдабин,
Лол килиб тархида наккоши Ҷин.
24. Қаср уза бир гунбади олий асос,
Гунбади гардун била раъсан бараз.





25. Харне ракам гунбади гардун аро,

Борчаси бу гунбади мавзун аро.

26. Қасрига бир турфа эшик очилиб,

Ким дуру гавхар унидин сочилиб.

27. Бўлуб ики лаълдин абвоб анга,

Хар сори дандона дури ноб анга,

28. Фаршики, ёқут ила марбут ўлуб,
Дурлари ёқут аро мазбут ўлуб,

29. Ҳарнеки маъкул ила машруб эрур,
Ким егали, ичгали марғуб эрур.

30. Шаҳрға бу йўл била айлаб хиром,
Шаҳр элининг кути бўлуб субҳу шом.

31. Фазлалари дафъи учун икки йўл
Жониби асфалдин ўлуб зохир ул.

32. Лаль эшиги узра ики болгир,
Хайъати матбуту ўзи дилпазир.

33. Ҳам кирибон, ҳам чикиб андин насим,
Тошида гажкорлиги сода сийм.

34. Гунбади руқнига махориж бўлуб,
Шаҳр йўлидин йўли хориж бўлуб,

35. Ушбу мамар бирла насими шамол
Шаҳр элини айлабон осуда ҳол.

36. Шоҳ риёзига ҳам айлаб мурур,
Еткурубон базмиға юз минг сурур.

37. Шоҳға бир нойиби ҳикмат маоб,
Кишвари атрофифда ул комёб.

38. Диққат аро фикри қаёнким кетиб,
Нуктаи мавхумни юз кисм этиб.

39. Фикрати ҳар амрда фарҳундарой,
Ройи бори уқлада мушқилкупой.

40. Шоҳ ани ўз мулкида дастур этиб,
Мулкини ул адл ила маъмур этиб.

41. Юқкориги қаср уза фарруҳ вазир
Сокину эл амрига фармонпазир.

42. Қасрда беш раҳбада мухайё анга,
Бўлгали ҳар сори тамошо анга.

43. Лек бу беш раҳбада беш кордон,
Бир-биралик ҳар бири бисёрдан.

44. Ҳар бири бир равзада топиб махал,
Ўз фанида ҳар бирига йўқ бадал.



45. Бири назар илмини идрок этиб,
Айни сафодин назарин пок этиб.

46. Бирига иш буки, эшитташ самоть,
Килгай ани диккат ила истимоъ.

47. Бирига кильмок бўлубон таъм дарк,
Нўши ҳаёт ўлсун, агар ниши марг.

48. Бирига ҳар ройиха айлаб асар,
Хоҳ куруқ нофау, гар мушки тар.

49. Бирга гулу хор муассир бўлуб,
Совуғ, исидин мутаассир бўлуб.

50. Босирау сомиау ломиса,
Зойикай шомма била хомиса.

51. Ҳар неки, оламда бўлар мудраки,
Кимдаки идрок – мунга йўқ шаки.

52. Қасрки, даҳлези топиб нақши Чин,
Соҳатида сокин ўлуб беш амин,

53. Ҳарнеки, зохир бўлубон беш ҳавос,
Ўз иши кунхила бўлуб раҳшунос.

54. Борча жавоҳирни йигиб келтуруб,
Бурноғи хозин кўлиға топшуруб.

55. Андин иккинчига топиб интикол,
Ким бўлубон хозини онинг ҳаёл.

56. Андин учунчи бўлубон накдсанж.
Хофиз ўлуб ҳарне анга етса ганж.

57. Чун яна бирга бўлубон мунтакил,
Ул мутасарриф бўлубон мутгасил.

58. Ҳарне тасарруф кўли онинг этиб,
Борчани дастурга таслим этиб.

59. Забт этибон нойиби равшанзамир,
Накди мамоликни нечукким вазир.

60. Азм этибон даргахи иқболга,
Юз қўюбон Кальбаи омолга.

61. Арз қилиб борчани шоҳ оллида
Долгари мулкпаноҳ оллида.

62. Шах бу ҳазойинга чу ҳозир бўлуб,
Диккат ила борчага нозир бўлуб.

63. Рад килибон ҳарнеки мардул эрур,
Ойириб ул тухфаки максуд эрур,

64. Ҳазрати иззатка ниёз айлабон,
Тухфаларин воситасоз айлабон.





65. То етиб ул лахза нидони қабул

Топибон ул тухфа тарики вусул.

66. Бадракан рохи најоти бўлуб,
Мужиби рафти даражоти бўлуб.

67. Хожаки, кўрди яна мундок жаҳон,

Заррада кавн, катрада дарё ниҳон.

68. Фикр нахангига яна кут ўлуб,

Лужжай хайрат аро мабхут ўлуб,

69. Фикрат ўти кўкка чекиб дудини,

Хайрати нобуд этибон будини.

70. Чунки бу хайрат аро ранжу ано,
Фони этиб Хожани, балким, фано.

71. Хакдин ўлуб тоза вужуде анга,
Тоза вужуд ичра шуҳуде анга.

72. Шамъи бако чун ёргуф айлаб кўзин,
Англабон ул салтанат ичра ўзин.

73. Фатх ўлуб мулк или кипвар анга,
Балки жаҳон мулки мусаххар анга,

74. Мулк ўзию таҳт ўзию шоҳ ўзи,
Борча ўзи, борчадин огоҳ ўзи.

75. Нафсга чун ориф ўлуб мў-бамў,
Фойиз ўлуб «Кал арафа Раббаху».

76. Сокий, олиб кел қадаҳи хушгувор,
Бирга олиб тортай ани хожавор.

77. То чекибон бир ики-жоми шигарф,
Хожа мадихида сурай неча ҳарф.

ЙИГИРМАНЧИ БОБ

УЧИНЧИ ХАЙРАТ

(Насрий бабён)

У ошуфта ҳол мусофириллинг малакут олами шабистонидин балан мулки шахриситонига тушгани ва ул юрг ахлининг ҳам «Мени зикр килинглар – сизларни зикр килурман!» бўйруги била Қодири Мутлак ёди билан банд эканини билиб, хайрат ўти шульаланиб, вужуди у ўтдин кул бўйуб, фано елига буткул соврулмок билан иккичи фано макомини ҳосил этиб, ундин сўнг Ҳакддин бакойи комилий етиб, Ҳожанинг мулкда хилофат таҳтида карор туттани

1. Кўёш машрикка байрок қадали ва жаҳон мамлакатларини зabit этди.
2. Гардун аргумогига миниб, уфқлар тарафдан уловини сакратиб чиқди.
3. То осмоннинг тиккасига келгунича шитоб билан ҳаракатланди ва оламни ҳарорат билан қизитди.
4. Ҳожа хайрат майдан маст бўлиб, мастерлик уйкусига дўсту ҳамдам эди.
5. Кўёшнинг ҳарорати унинг миясини кайнатди ва сесканиб, димогига хуш кайти.

6. Беҳад аччик майдан у маст бўлиб, қайноқ оловдан ҳарорати ошиб...
7. ...ғурбат оловининг ҳар дам шульаси зиёда бўлиб, унинг хаёлига ватан орзуси тушди.
8. Яна сафар ранжини кабул килди, азм килган манзилига нузул қилди.

9. Шунинг учун жаҳон майдонига козланди, унинг қарплисидан ажойиб бир шахар чиқди.

10. Ҳар ёнидаги ажойиботларга чегара, бу турфа беҳадликларга адад кўринмайди.

11. Санъат кўли бу шахарнинг лойини ҳамир килиб, лутф билан шаклга киритди.

12. Икки устун устига уни ўрнатиб, кўп ажойиботларнинг жумбокларини яратди.

13. Ўша дамда шаклини тартиблаб, тўрт жавоирдан таркиб топтириди.

14. Бу тўрт жавоирининг икки тавхари олийнасаб, икки жавхари эса қўйи табиатли.

15. Бу шундай мутаносибликки, ўзаро карашкариши тўрт жавоир бирлашган.

16. Бу шахарда масжид, бозор, маҳаллалар, кўча, бўстону боғлар, ҳаробалар бор.

17. Унинг ўтида Мусонинг олови каби зиёбор, ели Масих нафасидек жонбахш.

18. Латофат бобида суви – жаннат зилоли; тупроғи – гул; хушбўй хидининг таркалиши анбар каби.

19. Бир подшоҳ бу мулки келиб бошқариси учун мамлакатнинг марказида бир таҳтагоҳ ўрнатилган.



20. Бу шаҳар таҳтида ҳар кандай ҳол содир бўлса, барча иқлиmlарга таркалади.
21. Унда саломатлик бўлса, барча иқлиmlар саломат, агар у соглом бўлмаса, барчаси на жотдан бебахра.
22. Бу шаҳарниг тепасида бир қаср бор, санъат паргори уни шундай – юмалоксимон чизган.
23. Унинг тузилиши энг майда нарсаларни хам кўра биладиган аклни хам хайрон колдиради; тархи эса Чин наккожини лол этди.
24. Бу қаср устида олий асоссли бир гумбаз бор, у осмон гумбази билан бошини баробар кўтарган.
25. Осмон гумбазига нима ёзилган бўлса, бу гумбаз ичига хам ёзилган.
26. Қасрга бир ажиб эшик очилган, унинг унидан дур ва гавхарлар сочилади.
27. Бу қаср учун икки лаълдан эшиклар бор, бу эшиклар ҳар томондан тоза дурлар билан куршалган.
28. Қасрнинг ости ёкут билан копланган, дурлари эса бу ёкут ичига жойланган.
29. Емок ва ичмокка марғуб, ёқимли бўлган неъматлар ейилади, ичилади.
30. Шаҳарга бу йўл билан кирган неки бор, тонгдан оқпомгача шаҳар элининг озукасидир.
31. Кирганларниг ортиқалари чиқиб кетиши учун куйи тарафдан икки йўл зохир.
32. Лаълдан бўлган эшикниг устида иккита шамол тортар туйнук бор, кўриниши ёқимили, ўзи дилга хуш келувчи.
33. Унга шамол ҳам киради, ҳам чикади, ташкариси соғ кумушдан шакл олган.
34. Бу болигир гумбазининг асосида жойлашган, унинг йўли шаҳар йўлларидан ташкарода.
35. Бу сув йўлидан насим шамоли шаҳар ахолисига осудалик бағипслайди.
36. Бу йўлдан юрган шамол шоҳнинг бояига ҳам ўтиб, унинг базмига юз минг сурур етказди.
37. Шоҳга хикмат сўраб мурожаат этиладиган бир ноиб борки, у бу мамлакат атрофида ўз максадига эришган.
38. У каерга диккат қаратса, мавҳум нуктани юз қисмга бўлиб беради.
39. Ҳар бир амрда унинг фикрати оқил варайи барча тугулнларни ечувчи.
40. Шоҳ уни ўз мулкида дастур эгаси этган, у эса мулкни адолат билан обод айлайди.
41. Юкори қасрга жойлашган баҳтиёр вазир эл амрини бажаришга ҳамиша хозир.
42. Қасрда ҳар томонни томоша қилиш учун мўлжалланган бешта супа бор.
43. Бу беш супанинг устида беш корлон бўлиб, уларниг ҳар бири иккинчисидан ўтадиган даражада билимдон ва окил.



44. Беш кордоннинг хар бири бир таҳти, маконни эгаллаган ва ўз хунарларини бажаришда бекиёс.
45. Бири назар илми – кўриши идрок килади, софлик булоги билан назарини покаган.
46. Бирининг иши шуки, убирор овоз эшитса, диккат билан эшитгади.
47. Найзаси ўлим ё хаёт келтирса ҳам, бири таъмни идрок қилип билан машғул.
48. Яна бирита хидлар, хоҳ куруқ, хоҳ нам бўлсин, таъсир қиласи.
49. Бирита гул ва тикан таъсир этувчи – соувук ва иссиқдан мутгаассир.
50. Кўриш, эшитиш, сезиш, таъм ва хид билиш билан бу кордонлар жами бештадир.
51. Кимда идрок бўлса, оламдаги хар ненинг англанган бир жихати борлигига шубҳаси йўқ.
52. Қасрнинг Чин накши билан зийнатланган дахлизида яна беш нафар мохир ва ишончли ходим!
53. Атрофда нимаки содир бўлса, юкорида айтилган белта Ҳис ўз ишларининг устаси ўларок...
54. ...топган жавохирларини мазкур дахлизидагиларнинг аввалти хазинабонига тутказади.
55. Ундан кейин иккинчисига кўчади, у – Ҳаёлдир.
56. Ундан сўнг учинчиси хазина сакловчи бўлиб, ўзига қандай ганж етса, уни кўриклайди.
57. Тўпланган хазина яна бирига ўтади, у доимий равишда сарфловчи.
58. У кўлига етган хар нени сарфлайди ва барчани битта дастурга таслим қиласи.
59. У равшанзамирли нойибдир ва мамлакатни вазир ўларок забт этган.
60. У икбол даргоҳига азм қиласи, истак ва умидлар Қаъбасига юз кўяди.
61. Барчанинг дардини шоҳ – адолатпеша мулик султони олдида арз қиласи.
62. Шоҳ бу хазиналар узра хозир бўлиб, келтирилган ҳамма нарсага назар солади.
63. Қабул этилмайдиганларини рад қиласи, максудга мувоғифик тухфаларни эса айириб...
64. ...иззат ҳузурида ожиззлик изкор этиб, барча тухфаларни ўз таслимиятига восита қиласи.
65. Ўша лахза қабул нидоси янграйди ва тухфа васл йўлини топади.
66. Йўлбошчи шахар ахлининг нажоти ва юқсак дарожот сабабчисидир.
67. Шундай қилиб, Ҳожа шундай жаҳонни кўрдики, олам заррага, дарё катрага жо килинган эди.
68. Ҳожа ўз фикрининг наҳангига емак бўлди, хайрат дентизининг қаърига чўқди.
69. Фикрат оловининг тутуни кўкка етди; хайрати унинг бору булини нобуд қиласи.
70. Бу хайрат ичидан ранж ва машакқат Хожани фоний этди, балки фанога айлантириди.





71. Сўнг Ҳакдан унга тоза бир вужуд етди ва бутоза вужуд ичида шохидлик унга насиб этди.

72. Бако шами унинг кўзини ёритди, у ўзини бу салтанат ичида кўрди.

73. Мулк ва юрт унга фатҳ бўлди, балки жаҳон мулки унга бўйсундирилди.

74. Мулк ҳам, тахт ҳам, шох ҳам ўзи эди. У барча нарса эди, барчадан огоҳ эди.

75. У ўз нафсини бошдан-оёқ билди ва «Нафсими таниган, батажик, Роббисини танибди» калимасидан файз олди.

76. Сокий, хуштамъ кадаҳни олиб кел, хожаларча уни сипкорай.

77. Токи бир-икки жомни кўтариб, энди Хожанинг мадхиди бир неча сўз айтай.

Лугат

Иштиол – шульаланиш

Билкулл – мутлако

Жониб – тараф

Марз – мия

Махмур – маст

Махрур – хароратланган, иситмалаган

Шульазан – шульла сочувчи

Арса – майдон

Алькуба – ажойибот

Нопадид – кўринимас

Хайъатпазир – шаклланувчи, шаклга ки-
рувчи

Таббия – жойлаштириш, тартиба солиш,
сафлаш

Тальмия – тезда тушунилмайдиган қизик

нарсалар, жумбок

Вазъ – ахвол, шакл, кўриниш

Мураттаб – тартибланган

Мураккаб – таркиб толған

Улвий – олий, юкори

Нажод – насл, насаб, келиб чиқиш

Сифлий – куий

Ниход – табъ, табиат

Таодуи – тенглиқ, мутаносиб

Тараккуб – таркиб

Муттаҳид – бирлашиш

Нафха – хушбўй хиддинг тарқалиши

Торий – пайдо бўйлмоқ; экмок

Сорий – сайр этувчи

Салоҳ – соглом

Бефалоҳ – нажотсиз

Муқассам – таксимламок

Паргор – циркул

Хурдабин – майдон нарса

Раъс – бош, бошлиқ

Мавзун – мувоффик

Дандона – тип

Фарш – тўшпак, ост

Марбут – алоқали

Мазбут – махкам, берк, аник, ўзлаштирил-

ган, эгаллаган

Машкул – емок

Машруб – ичмок

Маргуб – ёқимли, исталган





Фазла – кераксиз, ортикча
Асфал – паст, тубан
Бодгир – шамол торгадиган түйнүк; бурун
 тепити
Магбұй – ёқимли
Төш – тапкари
Ганжкорлик – ганжкорлик
Сода – соф, тоза
Рукн – устун
Махориж – чикишлар
Мамар – юриб ўтиладиган жой, сув йўли
Риёз – боғ
Мурур – ўтиш
Нойиб – ўринбосар
Маоб – мурожаат этиладиган жой
Комёб – максадга эришган
Фархундарой – доно, окил
Укда – тутун, банд, чигал
Мушкилкушой – мушкунли ечувчи
Фармонпазир – буйрукка бўйсунувчи
Рахба – сахна, супла
Кордон – билимдон, тажрибали
Бисёрдон – кўп билувчи, билафон
Дарк – идрок, фахм
Нўш – ичиш
Марг – ўлим
Нофа – мушк
Тар – нам
Муассир – таъсир этувчи, ёқимли
Мугаассир – қийин, душвор; таъсир
Босира – кўриши

Сомиа – эшитиш
Ломиса – ушлаб кўриш сезгиси
Зойика – тაъм билиш
Шомма – ҳидлаш
Хомиса – бешинчи
Мудрак – тушунилган, маълум
Соҳат – майдон
Ҳавос – ҳислар
Кунж – моҳият, хар бир нарсанинг асли
Рахшунос – йўл танийдиган, билағон
Бурноғи – аввалги
Хозин – ҳазиначи
Интиқол – кўчмок
Мутасарриф – сарф қилувчи
Мамолик – мамлакат, юрг
Омол – истаклар, умидлар
Долгар – адолатлеша
Бадрака – йўлбошли
Мужиб – сабаб, бойис; лозим
Рафъ – юксак
Қавн – олам
Лужжа – денгиз калри
Мабхут – гурурга берилган; хайрон
Ано – кийинчилик, машаккат
Мусаххар – буйсундирилган
Мў-бамў – бирма-бир, бошдан-оёқ
Фойиз – файзи, мўл
Хушгувор – хуштам, мазали
Хожавор – хўжайиндек
Шигарф – муносиб, келишган; ажойиб



ЙИГИРМА БИРИНЧИ БОВ

(Шарх)

Алишер Навоий рахматулохи алайх яшаган даврда Темурийлар салтанати Ислом динига – ақидала мотуридия, фикхда ханफияга, тарикатда накшбандия мафкуравий, конуний ва маънавий асос ўларок таянган. Темурийлар сулоласи улкан мавке ва кудратга эга бўлган вактда Давлат ишларига улкан тасъир кўрсатган шахслардан бири Баҳоуддин Накшбанд (1318 – 1389) таблимоти намояндаси Хожа Убайдуллоҳ Аҳор Валий (1404 – 1490) эди.

«Хайрат ул-аббор»нинг йигирма биринчи боби достон мукаддимасининг сўнгти ҳисобланниб, Баҳоуддин Накшбанд ва Хожа Убайдуллоҳ Аҳор Валий мадхига бағипланган. Муаллиф бу икки буюк шахснинг маънавий ва ижтимоий ҳаётдаги ўрни ҳакида ёзди, уларнинг сultonлар – давлат раҳбарларига йўлбошчи бўлганини эътироф этади. Алишер Навоий рахматулохи алайх сиёсий арбоб бўлиб, унинг битиклари бир вактнинг ўзида Темурийлар салтанати тизимидан, тузугидан ҳам хабар беради. Шу маънода тарикатнинг икки йирик раҳнамоси тўғрисидаги унинг мuloҳазалари, эътироғи ҳукмрон сиёсий карашларнинг ҳам инъикосидир. Ўқиётганимиз боб икки кисмга ажралади: дастлаб Баҳоуддин Накшбанднинг маънавий

сиймоси тасвирланади. Сарлавҳада Аллоҳ ул зотни Ислом билан нельматлантириб, Исломга хизмат килувчи ходим қилгани айтилади. Шунингдек, куфр ахлининг кўнглидан куфр накшларини ўчиргани тилга олинган.

Боб матнига кўра:

1) Баҳоуддин Накшбанд Аллоҳнинг марҳаматига сазовор бўлган зотлардан биридир. Оламларнинг Накъоши бўлган Аллоҳ Ер саҳифасини ҳам накшлар билан зийнатлаш учун бир-биридан мунаққаш варакларни яратди, у накшларнинг ҳаммаси дилкаш эди, лекин у каби дилларга нур баҳш этувчи накшни бунёд этмади. Бу ўринда Алишер Навоий накш сўзини истилоҳ даражасига кўтаради, накш тамсили остида инсониятнинг энг мӯътабар вакиллари, Аллоҳта яқин бўлган валийларни назарда тутади. Аллоҳ осмонни накш килди, Ер юзида эса ўзига якин бандаларини накш сингари гўзлал айлади. Уларнинг ичиди бир зот бор эди, у бу накшлар ичиди беназир бўлиб, Оламларнинг Роббиси кўлидаги хикмат калами ўнингдек бошқа наклни чизмаган эди;

2) у инсоннинг кўнглида жуд накши – саҳоват накши собит, яъни Аллоҳ унга карам кўрсатиб, жуда кўп нельматлар берган, раҳматлар кўрсатган. Шунинг учун бу сахифада вужуд накши йўқ. Алишер Навоий Баҳоуддин Накшбандни бир саҳифа деб, унинг қалбига Аллоҳ ато этган саҳоват, карам боис вужуд накши



фойиб бўлганини айтади. Вужд накли – ўзини бор деб билиш, нафсоний истакларни голиб килишидир. Аллох, йўлида саховатли бўлган инсон эса ўз вужудини, борлигини, нафсини бу йўлда курбон киласи, яъни нафс хошишлари Аллохнинг амрларига итоат эттиради;

3) унинг накшига Чин накши ўзини тенг тута олмайди, чунки Чин накшида зохирий накш бор, холос, бу инсоннинг ички олами эса иймон накпидан иборат;

4) у инсон учун оламнинг ўзи накшинкор бир узук. Оlam инсон кўзига доира шаклида кўринади, Алишер Навоий ушбу тасаввурга таяниб, Бахоуддин Накшбанд наздида коинот бир узук сингари бўлганини айтмоқда, бу узукнинг накши, ичидаги жин ва девлар хизматда;

5) ичи накшга тўлган бу гумбаз доира бўйлаб шаҳдам юриб – саъй килиб, ўзидан қанчалар накш кўрсатмасин, Бахоуддин Накшбанднинг накши олдилда деворга чизилган накшдай кўринади. Яъни коинотнинг ичидаги юлдузлар, гўзалликлар, сирлар пиру муршиднинг накши – ички олами гўзаллиги кошида қийматсиз ва оддийдир, албатта, бундай накшлар соҳиби исмини айтганимиз Бахоуддин Накшбандир, халқ у зотни шоҳ Накшбанд леб эъзолайди;

6) бу инсон бу юксак макомга қандай эришиди? Алишер Навоий айтадики, у зот ўз жонига ранжу ано – машаккат ва қийинчилик накшини чекди, яъни ўйди. Нима учун? У нафсига

фено накшини чизмокни максад қилган эди. Бахоуддин Накшбанд бошидан кечирган ранжу анони кандай тушунмок керак? Ул зот 1318 йили туғилган, яъни болалиги мўгуллар даврида кечган, 1390 йил вафот килган – умрининг охир Амир Темур салтанатида ўтди. Устози Мир Шамсиддин Кулол бўлганни ривоят килинади. Нафс тарбияси билан машғул бўлган Бахоуддин Накшбанд ўз етулиги учун экин эккан, матога накп босган, сultonлар кошида улкан эътиборга эга бўлса хам, мансабга, мол-дунёга муҳаббат кўймаган. Максади – Аллохнинг йўлида фано бўлмок эди. Нафсни буткул синдириб, Аллохнинг ҳузурида ўзини ўйк деб билмокдир;

7) шу боис унинг жони фано накшига макон бўлди, бу накшдан бошка барча накш – нафсоний истаклар, орзулар, дунёга бўлган муҳаббат – ҳаммаси йўқлика кетдики, бу билан угё бакога мушарраф бўлди;

8) ул зот ўз масканида ўлтирган кўйи накш саёрига чикар эди – Аллохнинг зикрига киришар эди, сайрохи – само бўлиб, кўли күёшнинг устида бўлар эди. Күёш унинг изига пешонасини суриб, кўзини равшанларат эди;

9) Бахоуддин Накшбанд вафот этди – жаннатни макон килгандир, иншаллох, унинг йўли бўшаб колмади: ўринбосари, халифаси бор.

Бу халифа ким эди? Алишер Навоий Бахоуддин Накшбанднинг давомчиси ўларок Хожа убайдуллох Ахрор Валийни кўрсатади. Хожа Ахрор Валий ўз даврида Мовароунахр султон-



ларига жуддий кўрсатган. Алишер Навоий бу хакикатларга бир неча ўринларда ургу беради.

Дастлаб унинг фазилатларини келтиради:

1) у бу оғокда ягона, яъни ўз замонасида тентсиз ва барча комил зотларнинг муршиди, ўйлбошчиси;

2) унинг буюклиги шу қадарки, унинг ос- тонасида само тупрок ўзиб юради, пепонаси билан супуради, бу бежиз эмас, чунки унинг хизматини килишга шоҳлар шай;

3) унинг базмида – зикр ва илм масжисла- рида ўзини оқил санайдиган огохлар ўзидан кетади, бехуд бўлади – нафси синади;

4) унинг хизматини килган кимки бор, огох- лика эришади. Алишер Навоий *огохлик* маса- ласини тасаввуфнинг тамал тушунчаларидан бири сифатида кўрган, мальноси шукки, дунё ишларига ўралашиб, калбини ҳаётнинг гам- ташвиши қамраб олмаган, балки Ҳак ёди билан банд бўлиб, охиратнунутмаганинсон чинакам огоходир. Чунки у ўз ҳолини билади, дунёнинг ўтқинчи эканини чукур англайди. Ҳожа Аҳрор Валийнинг хизматини килган зотлар огохлик- ка муваффак бўлади, чунки ҳаётини такво уст- тига курган инсоннинг ёнида бўлганлар илму ҳикматдан, сұхбат оркали хакикатлардан оғох бўлиб борадилар, гадоларга бу мальнолар билан шоҳлар каби юксак маком насиб этади;

5) Алишер Навоий Ҳожа Аҳрор Валийнинг либосларини тасвирлаш оркали асосий ғояни

ёритади: Ирфон Ҳозини – маърифат хазиначи- си бўлган Аллоҳ, унинг эгнига юзта либос ёп- ган. Ҳожа Аҳрор Валий макру хийла билан ли- босларини ўзгартирмайди, хазз – қимматбаҳо методан тикилган кийим ёки палос – ул зотга умуман фарки йўқ. Бу кимматли ёбуарzon дея хәёлига келтирмайди. Либостга эътибор берил- ганига диккат каратсак, иккি масала назарда тутилгани сезилади: а) Ҳожа Аҳрор Валий сер- хашам кийинган, лекин бу унинг либосларга муҳаббатини билдиримайди; б) Алишер Навоий даврида соҳта пиру муршидлар тарикат ахли- нинг либосларидан никоб ўлароқ фойдаланган бўлиши эҳтимол, Алишер Навоий Ҳожа Аҳрор Валийнинг либосларга эътибор бермаслиги- ни таъкидлаш асносида бу ишнинг можиятига ўкувчи диккатини жалб қилмокда;

6) ул зот хилватни гўша қилмади, балки жамият ичидаги яшади, чунки кўплаб тарикат аҳли тарки дунё ўйини тутади, лекин Ҳожа Аҳрор Валий инсонлар ичидаги яшаб, Аллоҳ- нинг зикрида бўлиш таълимотини берди;

7) осмон атласкаби, лекин унинг тўни ости- да астар каби, бу тўннинг иплари муршидлар учун ўйлбошчи бўлмок масаласида тутадиган ришта, аркондир, замона пирлари Ҳожа Аҳ- рор Валийдан сабоқ олиб, унга эргашадилар;

8) ул зот жаҳонни кузатиб туради, сultonлар- га хат ёзса, унинг мактубини биш устига кўяди- лар. Гўё мактуб ток, унинг ичидаги сўз тождаги



гавхардир. Чунки Хожа Ахрор Валий ҳак сўзни айтишда шоҳ ва гадони фарқламади – хамиша тўғри сўзни сўйлади, шунинг учун унинг ҳар бир каломи шоҳлар учун тож каби бўлди;

9) унинг шогирдлари ҳам сулукла – тарикатда раҳбардирлар, улар ҳам устоз тарбияти билан кўр кўзларга нур бағишловчи бўлиб етишганлар;

10) Хожа Ахрорнинг касби тижорат бўлиб, карвонларида ташилган моллар фано тужфаси эди, уни олганлар зинхор зиён кўрмадилар, чунки савдо ҳалоллик ва таквога курилган эди, зотан.

Бобнинг сўнгида Алишер Навоий Хожа Ахрор Валий ҳакига дуо йўллади, жаҳон айвони унинг шарафи билан хамиша тўла бўлиши ҳакида тилак билдиради. Унинг иймони ва факридан файз истайди.

Киска ҳулоса килиш мумкинки, Алишер Навоий раҳматулохи алайҳ ёзган «Ҳайрат ул-аброр» достони жамиятда фаол бўлган инсонлар учун руҳий тарбия кўлланмаси, назарий йўрикнома ўларок ўз даврининг намояндалари томонидан тасдиклиниши керак эди. Муқаддима бобда исмлари зикр этилган Бахоуддин Накшбанд ва Хожа Ахрор Валийлар тарьифи илгари сурилаётган ғоянинг асосчилари, амалда кўрсатган шахслар, шунингдек, мазкур фундаментал китобнинг ўзига хос ҳужжати вазифасини хам ўтаган дейиш мумкин.

ҶИГИРМА БИРИНЧИ БОВ

(Матн)

Хожа Баҳоуддин Накшбанд, Кудлуса сирруҳу мадҳидаким, сунъ накқоши хикмат ҳомаси била рўзгор саҳифасида анинг вужуди накшин исломий тарҳ этти ва сурати иршоди била куфр аҳли кўнсли варакидин хитояи ва фаранги накши кетти ва Хожа Убайдуллоҳ салламаҳумулоҳга ниёз арзиким, ул ҳазратқа ҳалафи мутлак, балки халифаи барҳак дурур

1. Ҳожаки, накқоши сипехри баланд, Бўлгали Ер сафҳасига накшбанд
2. Айлади аврок мунаккаш басе, Накш ракам айлади дилкаш басе.
3. Лек анинг накши киби дилнавоз, Чекмади то хомасидур накш соз.
4. Собит анинг кўнгли аро накши жуд, Махв ўлуб ул сафҳада накши вужуд.
5. Накшига тенг тутмай ўзин накши Чин, Олам ўтуб илгига накши нитин.



6. Бўйла нигин накшига фармонбари Мунча ажаб накш ила деву пари.
7. Саъй ила бу гунбади бисёр накш, Ҳар нечаким айлабон изхор накш
8. Накшининг олида намудор уза, Накш бўлуб сафҳаи девор уза,
9. Мунча ажаб накш била аржуマンд, Кимса эмас гайри Шаҳи Накшбанд.
10. Жонға чекиб ранжу ано накшини, Сизмок учун анда фано накшини,
11. Жони чу ул накш макони бўлуб, Накшдин ўзга бори фоний бўлуб.
12. Турфа буким, накшга кўз солмайин, Жонида жуз накши бако колмайин.
13. Кўнгли чекиб маскан аро накши сайр, Сайрда ўйк кўнгли аро накши гайр.
14. Сайр анга бу тоқи мунаккаш уза, Накши кафи лавҳаи заркаш уза.
15. Чун изининг накшига суртуб жабин, Равшан этиб кўз фалаки накшбин.
16. Равзали жаннатка чу айлаб хиром, Ҳоли аният ўрнида қойим маком.
17. Улки, бу оғок ичида ток эрур, Ток неким, муршиди оғок эрур.
18. Чархи нигун даргахида хокрўб, Балки жабини била хопокрўб.
19. Юз кўюбон куллуғига шоҳлар, Базмида бехуд ўлуб отоҳлар,
20. Хизматидин ҳар киши огоҳ ўлуб, Гарчи гадо, маъни ила шоҳ ўлуб.
21. Неча тушуб этнига, қилсанг киёс, Ҳозини ирфон кафидин юз либос.
22. Зарк ила тагири либос этмайин, Тағриқаи хаззу палос этмайин,
23. Сухбатида ҳар неча бешакку райб Жилва килиб шоҳиди ральнойи гайб.
24. Гўшаи хилват аро тутмай карор, й ўзини кимлай яшбурун ошкор.
25. Атласи гардун била минг зебу фар Тўрка тўни остида кўк остар.



26. Лек ўшал тўркаси хар тор ила
Факрда юз муршид учун силсила.
27. Мулки жаҳон мазраи дежқони ул,
Балки жаҳон мулки нигаҳбони ул.
28. йўққи, мамоликка нигаҳбон ўлуб,
Борча салотин уза суттон ўлуб.
29. Рукъялари етса не шах қошига,
Ишани кўймоғлиғ ўпуб бошига.
30. Англаб ани боп уза тожи якин,
Хар сўзи ул тож уза дурри самин.
31. Шахга дема, лутғ ҷоги тожбахш,
Балки гадоларга дори тожбахш.
32. Как сўзини элга қилурда адо,
Тенг кўрунуб оллида шоҳу гадо.
33. Чун чолиниб навбати қадриға кўс,
Шахлар ўлуб навбат ила хокбўс.
34. Хотир ўлуб меҳри жаҳонтоб анга,
Авжи шараф анжуми асхоб анга.
35. Хар бири олам элига раҳнамо,
Дема жаҳон ахлики, ахли само.
36. Борча сулук ахлиға раҳбар бўлуб,
Йўл элиға тийра тун ахтар бўлуб.
37. Тийра назарларга бериб нуру тоб,
Хар бириси, ўйлаки, најму шихоб.
38. Гарчи тижкорат бўлуб ойинлари,
Бўлмади бир мулкда таскинлари.
39. Юқларида тухфаи накди фано,
Хар бири ул накдли инстаб фино.
40. Сиймлари борча фано конидин,
Дурлари йўқлук суви Уммонидин.
41. Чун кивуруб хар сори раҳти најот,
Банд бўлуб чорсуйи коинот.
42. Олгучи гар вахми зиёнбул этиб,
Лек бу савдо чу қилиб суд этиб.
43. Токи жаҳон қасрининг имкони бор,
Устида онинг фалак айвони бор.
44. Кўймасун айвони жаҳонни тиҳи,
Дабдабай кўси Убайдуллахий.
45. Ҳимматидин бизни хам этсун Ҳудой
Факр ўйлида ғани, имонға бой.



ЙИГИРМА БИРИНЧИ БОВ

(Насрый баёй)

Хожа Баҳоуддин Накшбанд, Аллоҳ унинг сирларини покласин, мадхидаки, Санъат Накқоши хикмат қалами билан тақдир саҳифасида унинг вужууди накшини исломий тарҳ қилди ва унинг иршод сурати билан күфр аҳлининг кўнгил варагидан хитойи ва фарангти накшлар кетди; ва Хожа Убайдуллоҳга, Аллоҳ уни саломат қилсин, ниёз арзики, у ҳазратга муутлак ўринбосар, балки барҳак бир халифа хисобланади

1. Баланд осмоннинг Накқоши бўлган Хожа Ернинг сахифасига накшбандлик қилмок учун...
2. ...варакларни накш ила безамок учун дилга хуш ёқувчи накшларни чизди.
3. Лекин бир зотнинг накшидек дилларга наво бағишловчи накшини Унинг накшсоз қалами бошқа чизмади.
4. Унинг кўнглида саҳоват накши событ, саҳифасида эса вужуд накши маҳв!
5. Унинг накши олдида Чин накши ўзини тенг тута олмас, олам эса кўлида накшин бир узукдир.
6. Бу узук ажаб накшлар ва деву парилар итоатда.
7. Кўпдан кўп накш билан осмон гумбази ҳар қанча накшларини изхор этмасин...

8. ...унинг накши кўринган чоғ девор сахифасидаги оддий накш бўлиб колади.

9. Бу қадар ажаб накшлар билан Шоҳ Накшбанддан бошқа инсон аржуманд – шод бўлмаган.

10. Жонга фано накшини чизмок учун унга ранжу машққат накшларини ўйди.

11. Жони фано накшининг макони бўлди, бу накшдан ўзга ҳаммаси йўқлика юз тутди.

12. Ажабланаарлиси шуки, бу накшга у кўз солмади ва жонида бако накшидан бошқаси қолмади.

13. Ўз масканидан чикмаса-да, кўнгли накш сайрига чикади, сайр чоғи кўнгилда накшдан бўлак хеч нарса ўйўк.

14. Унинг сайри мунаққаш бўлган ток – само узра кечади, кўли заркаш лавҳ – кўпсузра туради.

15. Изининг накшига пешонасини сурисб, фалакнинг накшин суврати – кўёш ўз кўзини равшан қиласди.

16. У сайр этаркан, жаннат ҳовлисига кирди, унинг холи йўқолиб кетмади – сакланиб қолди.

17. Бир инсонки, Ууфклар ичидаги ягона, ягона не, ууфклар каби нурли муршидлар.

18. Этилган осмон унинг даргоҳида тупрок ўпади, балки пешонаси билан хашакларни суруради.

19. Унга куллик килиш учун шоҳлар юзини оёғига кўяди, базмида эса огоҳлар ўзидан кетади.

20. Унинг хизматини қилган ҳар ким огоҳликка етишади, агар у гадо бўлса ҳам, маъно билан шоҳга айланади.





21. Унинг этнига Ирфон Хазиначисининг кўлидан юз либос ташланган.
22. Умакрёриё билан либосини ўзгартирмайди, кимматбаҳо хазз ёки палосни фарқламайди.
23. Унинг сұхбатида қалбида шак-шубҳа бўлмаган, гайб разъоларининг шоҳидлари жилва килади.
24. У хилват гўшасида карор тутмади, ўзи-ни яширин ҳолда кўрсатмади.
25. Осмон атласи билан минг хил зийнат ва ёргулик унинг тўрка тўни остидаги кўқ астардир.
26. Лекин ўла тўркаси ўзидаги юзта ипи билан факр бобида юз муршидучун силсила – уларни тутиб турувчи ҳалка, занжирдир.
27. У жаҳон мулки экинзоридаги дежкон, балки жаҳон мулкини кузатиб турувчи нигохбондир.
28. Йўқ, ундаи эмас, балки дунё мамлакатларига нигохбондир, барча сultonлар устидан сultonдир у.
29. Унинг ёзган мактублари қайси шоҳнинг кошига етиб борса, уларнинг иши бу хатни ўтиб, бошига кўйиш бўйди.
30. Унинг ҳар мактуби якин тожи бўйиб, ҳар бир сўзи тождаги бебаҳо гавҳардир.
31. Бумактублар лутғ чоғи факт шоҳларга тож бахш этади дема, балки у гадоларга тож кийдирдиган хатдир.
32. У Ҳакнинг сўзини элга етказар экан, шоҳ ва гадони доим тент кўрди.

33. Унинг шарфи учун шоҳона ногоралар чалиниб, шоҳлар унинг остонасини ўтгани навбатда туралидар.
34. Жаҳонни мунаввар этган күёш унинг кўнглидир, шараф авжидаги юлдузлар унинг сұхбатдошлари.
35. Бу юлдузларнинг ҳар бири олам элига йўлбошли, жаҳон ахлига эмас, балки само ахлига де!

36. Сулук ахлиниң ҳаммасига раҳбару, йўл одамларига коронгу тунда йўл кўрсатувчи юлдузлардир улар.

37. Улар кўр кўзларга нур ва ҳарорат берди – ҳар бир тун ва тонгда порлайдиган најму шихоб сингари.

38. Гарчи уларнинг одатлари тижорат бўлса-да, бирор мулкни максан тутмадилар.

39. Юкларида фано ҳазинасидан тухфалар бор, ҳар бир инсон у ҳазинадан бойлик олишини истайди.

40. Кумушлари фано конидан, дурлари йўқлик сувининг үммонидан олинган.

41. Ҳар томонга нажот юкларини юбордиларки, коинотнинг тўрт томони тўлиб кетди.

42. Харидорлар зиён кўриш ҳакида вахм килсалар ҳам, бу савдола факт фойда қиладилар.

43. Токи жаҳон қасри бор экан, устида унинг фалакдан бўлган бир айвони бўлажак.

44. Жаҳон айвонини убайдуллахий ногора овози бўш кўймасин.



45. Худо унинг химматидан бизни факру иймон билан бой қилсин!

МУКАДДИМА ХУЛОСАСИ

Лугат

Кудлуса сирруху – Аллоҳ унинг сирларини пок этсин!
Салламахумулоҳ – Аллоҳ уни саломат килсин!
Фармонбар – фармонига итоатли Намудор – кўриниш, кўриниб турган Сизмок – чизмок
Хокрўб – тупрок ўпувчи Нигун – эгилган, букик Зарқ – алдов, макр; мунофикс; риё Хазз – ипакли мато Райб – шубха
Шоҳид – гувоҳ Фар – нур, ёруғлик Тўрка – канопдан тикилган кимматбахо кийим
Остар – астар Рукъя – мактуб
Кўс – ногора
Хокбўс – тупрок ўпувчи Нажм – юлдуз
Шихоб – тонг юлдузи Раҳт – кийим-кечак, безаклар, юклар Чорсу – тўрт томон Зиёнбуд – зиён, зарар Тих – бўш

«Хайрат ул-аброр» достони аслида 20 ма-
 колатдан иборат. Ҳар бир маколат бир мав-
 зуга бағишиланган. Алишер Навоий кўйилган
 муаммонинг моҳияти ва ечимлари ҳакида
 назарий-тасаввуфий, илмий-диний коида-
 ларни шеър йўли билан баён этиб, китоб-
 хонни амалий яхшиликларга чорлайди. Ил-
 гари сурилаётган гояни кўллаб-куватлаш,
 таъсиричанлигини ошириш ва асл мазмунни
 кентрок очиш учун ҳикоят илова қиласи.
 Мазкур маколатларни ёзиши максади, сабаби,
 бу ишни бошлиган салафлар тўғрисида эса
 шоир достоннинг 20 бобдан иборат мукад-
 димасида батагсил сўз юритган. Биз кўлин-
 гиздаги биринчи китобда ушбу мукаддима
 матни, мазмуни ва шархи билан қискача та-
 нишиб чиқдик.

Шундай килиб, «Хайрат ул-аброр» 40 боб-
 дан – 40 фаслдан ташкил топган. Дастилаби
 кисм – «Басмала» ва унинг вазифи ҳамда сўнг-
 ги фасл – муножот ва ожизлик изхорига ба-
 гишланган боблар эса достон йўналишини
 умумлаштириш вазифасини ўтайди. Бу боб-
 ни кўшсак, «Хайрат ул-аброр» жами 42 бобни
 ўз ичига олиши маълум бўлади.
 Биз достоннинг мукаддимасида куйидаги
 масалаларда тизимли маълумотга эга бўлдик:





- «Басмала»нинг тарьифи, унинг ирфоний таҳлили;
- Аллоҳнинг мадҳи, Унинг құдрати ва жалолияти, қаҳри ва лутфининг ифодаси;
- қоинотнинг яралиши билан боғлиқ тасаввуфий қарашлар;
- дүнё ҳаётининг кечиши, киёматнинг содири бўлиши ва Махшар кунти хисоб-китоб воқеалари;
- Аллоҳнинг қаҳру ғазабидан қўрккан ҳолда Унинг лутфидан, қарамидан ноумид бўлмаслик;
- Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг инсоният тарихида, балки қоинотнинг пайдо бўлишида тутган ўринлари, Аллоҳнинг ҳузуридаги макомлари;
- ҳамсанавислик, ҳамса ижодкорлари – Ганжавий ва Дехлавий, уларнинг гоялари, йўналишлари ва услублари;
- Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоий ўртасидаги юқсак ружоний муносабатлар;
- «Ҳайрат ул-аббор» достони ёзилиши тарихи;
- сўзнинг моҳияти, унинг Илоҳий лутഫэҳани, қоинот майдонида ва инсоният ҳаётидан сўзнинг аҳамияти;
- сўз айтишининг максади, сўз айтишда шоирларнинг макоми, наср ва назмдаги сўзларнинг даражалари, ўз сўзини химоя килиш масаласи;

- Султон Ҳусайн васфи, бу васф жараёнида Алишер Навоининг султон ва салтанат ҳакида тамоийиллари;
- Кўнгил ва юракнинг фарқи, соҳибдил – Кўнгил эгаларининг сифатлари;
- Кўнгилнинг босиб ўтиши лозим бўлган ўйлари, Кўнгилнинг Аллоҳни таниш ўйлидаги машаккатлари ва Кўнгилнинг қоинот ичидагандай аҳамият касб этиши;
- чинакам кўнгил соҳиби бўлган буоқ шахслар – Бахоуддин Накшбанд ва Ҳожа Аҳорор Валийлар тарьифи, уларнинг ибрати.
- Сўзимиз сўнгидаги шуни таъкидлашни истардикки, биз тақдим этган шарх, насрый баён ва лугатлар «Ҳайрат ул-аббор» матнида барча маъноларни тутал қамраб олмайди, албатта. Асосий максадимиз – достонни тўкис шарҳлаш ҳам эмас, балки китобхонда бу мумтоз асарни тушуниш кўникласини уйғотишдан иборатдир.
- Парҳ жараёнида «Ҳайрат ул-аббор»нинг Порсоҳон Шамсиев тайёрлаган илмий-танкидий матнига таяндинк. Ўз ўрнида Алишер Навоий асарларининг 20 ва 10 жилдлик нашрларига ҳам киёс максадида мурожаат килдик ҳамда 1910 йили Тошкентда чоп этилган эски ўзбек ёзувидаги «Ҳамса»дан фойдаландик. Шунингдек, Алишер Навоий асарлари учун тайёрланган тўрт жилдлик ҳамда П Шамсиев ва С. Иброҳимовлар тайёрлаган бир жилдлик лугатга мурожаат килдик.





«Хайрат ул-аброр» шархига бағишиланган иккинчи китоб достоннинг дастлабки ўн боби

— ўнта маколатни ўз ичига олиши кутилмоқда, унда иймон, ислом, султонлар, риёкор сўфий-

лар ва аҳли Ҳак, карам ва баҳиллик, адаб, қаноат, бафо, ишқ ва ротстгўйлик хакидаги тасаввифий

тамойиллар ёритиб берилган. Бу хислатларни

ҳаётга татбик қилиш, улар асосида яшашнинг ёйл-йўриклиари асосслаб курсатилган.

Иккинчи боб. Шарх...

Хамд 36

Матн 43

Лугат 43

Учинчи боб. Шарх 52

Матн 54

Насрий баён 61

Лугат 66

Тўртинчи боб. Шарх 70

Матн 72

Насрий баён 79

Лугат 83

Бешинчи боб. Шарх 86

Матн 89

Насрий баён 95

Лугат 101

Олтинчи боб. Шарх 106

Матн 109

Насрий баён 117

Лугат 121

Еттинчи боб. Шарх 124

Матн 126

Лугат 134

Чорчийчи боб. Шарх 139

МУНДАРИЖА

Навоий ҳикматлари маънавий
мадал бўлишини истаб 3

Уқтириш хати 11

Биринчи боб. Шарх 14

Матн 23

Насрий баён 29

Лугат 33

Хурмат билан, Акром МАЛИК

Тошкент, 2020 йил, 28 ноябрь





Саккизинчи боб. Шарх	141
Матн	146
Насрий баён	149
Лугат	152
Тўққизинчи боб. Шарх	155
Матн	160
Лугат	163
Насрий баён	165
Ўнинчи боб. Шарх	169
Матн	181
Насрий баён	185
Лугат	188
Ўн биринчи боб. Шарх	191
Матн	204
Насрий баён	210
Лугат	214
Ўн иккинчи боб. Шарх	218
Матн	223
Насрий баён	227
Лугат	230
Ўн учинчи боб. Шарх	232
Матн	245
Насрий баён	252
Лугат	257
Ўн тўртинчи боб. Шарх	259
Матн	269
Насрий баён	276
Лугат	281
Ўн бешинчи боб. Шарх	283
Матн	293
Насрий баён	300
Лугат	305
Мукалдима холосаси	465
Ўн олтинчи боб. Шарх	307
Матн	314
Насрий баён	321
Лугат	326
Ўн еттинчи боб. Шарх	329
Матн	344
Насрий баён	349
Лугат	352
Ўн саккизинчи боб. Шарх	353
Матн	367
Насрий баён	376
Лугат	382
Ўн тўққизинчи боб. Шарх	386
Матн	399
Иккинчи ҳайрат	408
Насрий баён	408
Лугат	415
Йигирманчи боб. Шарх	418
Матн	429
Насрий баён	438
Лугат	444
Йигирма биринчи боб. Шарх	448
Матн	455
Насрий баён	460
Лугат	464
— 3550 —	

Илмий-оммабон науқар

Алишер Навоий

ҲАЙРАТ УЛ-АБРОР

Мани, шарх, настрий баёни, лугат

Биринчи китоб

Мукалдима боблар

Мухаррир: Одда Икрам

Техник мухаррир: Диёра Абдужанапова

Сахифаловчи: Ҳабибуллоҳ Шўярруллоҳ

Дизайнер: Музакифар Туктасинов

Мұсаххих: Шоирғүз Мұмінзода

Нашриёт лицензия раками А1 247. 02.10.2013.

Босиша руҳсат этилди 07.02.2021. Бичинни 84x108 $\frac{1}{32}$.

Офсет көзози. «Source Serif Pro» гарнитурасида оғсет усулида босилди. Шартни босма табоби 29,5. Нашр табоби 31,5.
Адади 3000 нұсха. Буюргма № 13-21

«ТАМАДДУН» нашриёті. 1000029,

Тошкент шахри, Навоий күнесін, 30-үй.

Телефон: (71) 244-42-54; e-mail: tamaddun1991@mail.ru

PLG «Print Line Group» ХК босмахонасида чол этилди.
100097, Тошкент ш., Бунёлдор шахри, 44-үй.
Буюргма № 37